

О.А.Арипов

Ўзбекистондо кичик  
бизнес ва хусусий  
тадбиркорликни  
давлат томонидан  
тартибга салиш


«Фан»

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРИЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ОЙБЕК АРИПОВ

УЗБЕКИСТОНДА  
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ  
ТАДБИРКОРАИКНИ ДАВЛАТ  
ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ



Узбекистон Республикаси Фанлар академияси  
“Фан” нашриёти  
Тошкент – 2012

УДК 334.722  
ББК 65.9(5Ў)09

А 75

Монографияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни Ўзбекистон шароитида давлат томонидан тартибга солишнинг назарий ва амалий асослари тадқиқ этилган. Миллий иқтисодиёт таркибида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларини ривожлантириш зарурятининг назарий жиҳатлари очиб берилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳозирги даврдаги ҳолати ҳамда амалдаги вазиятлари аниқланган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан тартибга солишдаги ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган. Ушбу секторни давлат томонидан тартибга солишда юзага келган муаммоларни таҳдил қилиши натижасида илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уни давлат томонидан тартибга солишда янгича иқтисодий фикрларни шакллантириш билан боғлиқ назарий ёндашувлар тавсия этилган.

Монография мутахассислар, илмий ҳодимлар, ўқув юртлари педагог ва талабалари учун мўлжалланган. Бироқ унда кутарилган муаммоли масалалар кенг китобхонлар оммаси, давлат идораларида фаолият кўрсатаётган раҳбар ҳодимлар учун ҳам қизиқаралдири.

**Масъул муҳаррир:**  
иқтисод фанлари доктори, профессор Т. Э. Эргашев

**Тақризчилар:**  
иқтисод фанлари доктори, профессор X. П. Абулқосимов  
иқтисод фанлари доктори, профессор Ш. Н. Зайнутдинов  
юридик фанлар доктори, профессор Й. Р. Раҳимов

ISBN 978-9943-19-157-0

© Узбекистон Республикаси ФА  
“Фан” нашриёти, 2012 йил

## КИРИШ

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг фаолиятига қулай шароитлар яратиш мақсадидаги чора-тадбирлар йил сайин кенг кўламда амалга оширилмоқда. «Жумладан, корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин камайтириш, ...тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди»<sup>1</sup>. Шу уринда, ҳукуматимизнинг тадбиркорлик «...фаолиятига давлат органлари томонидан ноқонуний аралашув ва турли тусиқлар қўйиш ҳолатларига йўл қўйилмаслик ҳисобидан қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш...»<sup>2</sup> борасидаги амалий ёндашувини алоҳида қайд этмоқчимиз.

Бироқ, маъмурӣ аралашувдан воз кечиш, мазкур секторни давлат томонидан бутунлай тартибга солинмаслигини билдирамайди. Аксинча, тартибга солиш мазмуни ва усуллари тадбиркорлик эркинликларига мослашган ҳолда такомиллаштирилиши зарур. Аммо, ҳозирга қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашиб, ёрдам урнига халақит бериш ҳолларига тўла барҳам берилганича йўқ. Сабаби «...таъмагирлик, хизмат вазифасини сувиштеъмол қилиш каби иллатлар учраб туроётганини инкор этиб бўлмайди»<sup>3</sup>.

Шу нуқтаи назардан Республика Президентининг қатор маъруза ва нутқларида «...тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эр-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчили давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир // Халқ сўзи, 2010, 8 декабрь. №236.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 64-бет.

<sup>3</sup> Ислом Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчили давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир // Халқ сўзи, 2010, 8 декабрь. №236.

кинлик бериш, бюрократик түсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим»<sup>4</sup>лиги ўқтирилади.

Биргина Самарқанд вилоятида «2008–2010 йиллар давомида 1391 нафар мансабдор шахс ...узганинг мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ жинояллар содир этгани учун жиноий жавобгарликка тортилган»<sup>5</sup>. Бу каби салбий ҳолатлар мазкур секторни давлат томонидан тартибга солишда жиёдий муаммолар юзага келганини курсатмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида сўз борганда, «...шуни айтиш керакки, жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қуллаб-қувватлаш ўрнига, маҳаллий амалдорлар томонидан уларни куролмаслик, қулидан иш келадиган одамларнинг йўлига турли-туман ғов-түсиқлар қўйилаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди»<sup>6</sup>.

Эътиборлиси шундаки, бундан роса 10 йил муқаддам Республика Президенти «...Андижон, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари кенгашларининг сессияларида очиқ ва аччиқ гаплари»<sup>7</sup>ни айтган эди. Кейинги йилларда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик «муаммоларига етарлича эътибор...»<sup>8</sup> берилмаганлиги жиёдий танқид қилинган.

Бироқ, Президентнинг 2010 йил 17 декабрда ҳалқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида

<sup>4</sup> Ислом Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи // Халқ сўзи, 2011, 22 январь. №16.

<sup>5</sup> Самарқанд вилояти кенгашининг сессияси // Халқ сўзи, 2010, 18 декабрь. №243.

<sup>6</sup> Ислом Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчили давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир // Халқ сўзи, 2010, 8 декабрь. №236.

<sup>7</sup> Ислом Каримов. Иқтисодиётни эркинластириш – фаровонлик пойdevori // Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 20–21-бетлар.

<sup>8</sup> Ислом Каримов. Қонун ва адолат устуворлиги эркин ва фаровон ҳаёт кафолатидир // Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 30-бет.

ги нутқида, яна бир бор вилоят бўйича рўйхатга олинган қарийб 15 минг кичик бизнес субъектларининг 4 мингга яқини умуман фаолият кўрсатмаётганлиги қайд этилди<sup>9</sup>.

Юқоридаги қисқагина танқидий изоҳларимиздан шуни англаш мумкинки, «Ўзбекистонда ҳали бу йўналишда қилиниши лозим бўлган ишлар жуда кўп»<sup>10</sup>. Шундай экан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун иқтисодий шарт-шароитларни янада кенгайтириш, уларни қонунсизликдан ҳимоя қилиш ҳамон фавқулодда мухим вазифалигича қолмоқда. Мазкур секторни янада юксалтириш, унга доир муаммолар ечимини ҳал этиш заруриятини чуқур ҳис этган ҳолда, ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан 2011 йилнинг номи «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб, эълон қилинди.

Бугунги кунга қадар ҳукуматимиз томонидан бизнес сектор фаолиятини яхшилаш борасида 400 га яқин ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжат қабул қилинган. Мамдакатимизда кичик бизнес субъектлари фаолияти учун ҳуқуқий жиҳатдан шарт-шароитлар кенг яратиб борилса-да, айрим ҳудудларда уларни етарли даражада амалга жорий этилмаётганлиги сезилмоқда. Жойларда «мулкка эгалик масалалари ўз ечимини топмаётгани, ...айниқса, моддий манфаатдорлик тамойиллари бузилаётгани»<sup>11</sup> кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига жиддий түсқинлик қилмоқда.

Демак, Ўзбекистонда бизнес секторини ривожлантириш, уни давлат томонидан тартибга солиш соҳасида ҳозиргача ўз ечимини кутаётган жиддий муаммолар мавжуд. «Мулк дахлсизлиги» қоидасининг ишлаш механизми суст. Бунинг устига рагбатлантирувчи омиллар

<sup>9</sup> Қаранг: Ислом Каримовнинг Самарқанд вилояти кенгашининг сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010, 18 декабрь. №243.

<sup>10</sup> Ислом Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи // Халқ сўзи, 2011, 22 январь. №16.

<sup>11</sup> Ислом Каримов. Халқ дарди билан яшайлик // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиздир. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 323–324-бетлар.

таъсирини кучайтириш борасида анча меҳнат қилиш даркор. Давлатнинг иқтисодий дастаклари таъсирчанлиги ва самарасини ошириш зарур.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор берилар экан, уни меркантил босқичдан чиқариш керак. Бизнес фаолиятида «ол - сот» формуласига амал қилишни чеклаб, кўпроқ ишлаб чиқаришга ургу бериш лозим. Чунки, ишлаб чиқарувчи-тадбиркор ёки инвестор-ишбилармон ҳали бизнинг ички бозорда ҳукмрон эмас. Аммо, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинган 2011 йилдан бошлаб, бу каби муаммоларни ҳал этиш билан баглиқ бўлган ижобий ишлар кўлами янада кенгайишига ишончимиз комил.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар ўзбекистонда кичик бизнес секторини давлат томонидан тартибга солишда юзага келган муаммоларни чуқур үрганиш, таҳлил қилиш ва унинг ечимларини амалда қўллаш, айни даврда заруриятга айланганлигидан далолат бериб турибди. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уни бозор иқтисодиётида давлат томонидан тартибга солиш соҳасида шакланган муаммоларни ҳал қилиш ҳамда бизнес сектор фаолиятининг тобора кенгайиб боришини белгиланган истиқболли дастурлар асосида ҳаётга татбиқ этиш – иқтисодчи олимлар, маҳаллий бошқарув тизими – ҳокимликларнинг бош вазифаларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари меркантилизмдан бошлаб, ҳозирги неокейнсчиликгача яратилган таълимотларда ўзига хос үрганилган. Улар жаҳоннинг таниқли олимлари санааган меркантилистлар – Н.Барбон, Жон Ло, Томас Ман, А.Монкретъен, Ж.Стюарт. Иқтисодиётнинг классик назариётчилари – Ф.Кенэ, В.Петти, Д.Рикардо, А.Смит, кейнсчилик ёндашувлар тарафдорлари – Ж.Кейнс, Ф.Модильяни, П.Самуэльсон, Р.Солоу, Ж.Тобин, Ж. Тейлор, Н. Уоллес, М. Фридмен, И. Шумпетер, неокейнсчилик тарафдорлари – Ж. Б. Кларк, Р. Лукас, Т. Сарджент, Э. Прескотт, Ф. Хайек, Э. Хансен, Р. Харрод ва ниҳоят ҳозирги кунда дунё миқёсида

иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш соҳасида йирик асарлар яратган иқтисодчилар: С.Брю, Р.Дорибуш, Р.Кэмпбелл, В.Леонтьев, В. Нордхаус, С. Фишер ва бошқалар томонидан үрганилган. Айниқса, давлат томонидан тартибга солишнинг энг долзарб муаммолари Ж. Кейнс<sup>12</sup>, М. Фридмен<sup>13</sup>, В. Леонтьев<sup>14</sup>, А. Маршалл<sup>15</sup> томонидан таҳдил этилган ва бу соҳада амалий чоралар қўлланилган.

Россиялик иқтисодчи-олимлардан В.Афанасьев, А.Блинов, А.Бусигин, В.Власова, И.Ершов, Н.Кирчегина, В.Орешин, А.Петров, В.Рубе, А.Ходачек, Ф.Шамхалов ва бошқаларнинг асаларида ҳам, у ёки бу мазмунда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш масалалари ўз аксини топган.

Ўзбекистонда давлат томонидан тартибга солиш муаммолари ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича фундаментал қоидалар Президент Ислом Каримов асаларида чуқур баён қилинган. Шунингдек, И.Искандаров, М.Шарифхўжаев, В.Шепелев, А.Ўлмасов, С.Фуломов ва бошқа етакчи олимлар ишларидага кичик бизнесни давлат аҳамиятига молик масалалари ўтиш даври билан боғлиқ ҳолда үрганилган. Тартибга солишнинг иқтисодий механизмини ишга солиш масалалари Ҳ.Абулқосимов, Ё.Абдуллаев, Т.Иминов, Э.Махмудов, Ф.Саматов, М.Турсунхўжаев, Т.Эргашев, Б.Эркаев, А.Қодиров, Г.Фуломова ва бошқа етук олимлар томонидан үрганилган.

Кейинги йилларда республикада А.Амбарцумян, М.Кархалов, Д.Суюнов, Х.Муфтайдинов, У.Фофуров, И.Рустамова, Л.Ишмухамедова каби ёш олимларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга бағишлиланган турли йуналишдаги илмий диссертациялари ёқланган.

<sup>12</sup> Кейнс Дж. М. (Keynes J. M.) Общая теория занятости, процента и денег (1936). Пер. с англ. М.: 1978.

<sup>13</sup> Friedman M. A Theory of the Consumption Function. Princeton, 1957.

<sup>14</sup> В. Леонтьев и его вклад в мировую экономическую науку // автор А. Гранберг. <http://institutiones.com/personalities/71-2008-06-12-11-10-29.html>

<sup>15</sup> Маршалл А. Принципы экономической науки. М.: Прогресс, 1993.

Бироқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш, унинг меъёрий-хуқуқий ва иқтисодий дастаклар асосида самарали фаолиятини таъминлаш масалалари етарли ёритилмаган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишда янгича иқтисодий фикрлап билан боялиқ чуқур назарий ишланмалар деярли ўрганилмаган. Бу эса иқтисодиёт фани олдига бизнес секторни мақроиқтисодий жиҳатдан тартибга солишни чуқурроқ ўрганиш, унга давлатта қарашли иқтисодий механизмининг таъсири юзасидан илмий-назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиши каби вазифаларни қўяди.

Муаллиф томонидан китобхонларга тақдим этилаётган ушбу монографияда, республика иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уни давлат томонидан тартибга солиш механизмини тадқиқ этиб, янада такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, асосий мақсад қилиб олинган. Бунга эса машҳур «Ўзбек модели» асосидаги принциплардан бири «Давлат – бош ислоҳотчи» тамойили асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама иқтисодий ва ижтимоий муҳофаза қилишнинг амалга оширилиши зарурлиги нуқтаи назаридан ёндашилган.

Монографиянинг назарий ва услубий асосини Президент Ислом Каримовнинг асарлари, маъruzalari, Farmonlari, Ўзбекистон Республикасининг ушбу мавзуга оид Қонунлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, шунингдек, иқтисодиёт асослари ва бизнес назариясига оид маҳсус илмий адабиётлар ва манбалар, республика ва хорижий мамлакатларда чоп этилган илмий адабиётлар, журнал ҳамда газеталар ташкил қилди.

Монографияда назарий ва амалий жиҳатдан илмий исботланган тавсияларни ишлаб чиқишида муаллиф томонидан 1993; 2003 ва 2007 йилларда Намангандаги вилоятида ўтказилган ижтимоий тадқиқот натижалари асос қилиб олинган.

Монографияда келтирилган назарий ва амалий манбалардан вилюятларда фаолият курсатувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-

лик субъектларини маҳаллий ҳокимлик томонидан құллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқында, бизнес субъектлари учун хизмат күрсатувчи инфратузилманинг амалий фаолиятини оширишда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бошқариш ва уни давлат томонидан тартибга солиш доирасыда узоқ муддат-ли истиқболни ишлаб чиқын, белгилаш ва амалга оширишда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бүйічә услубий құлланмалар тайёрлашда<sup>16</sup> ҳамда «Иқтисодиёт назарияси», «Менежмент», «Кичик бизнесни бошқариш», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» фанлари бүйічә бир қатор мавзуларни ёритишида, талабалар, меңнат жамоалари, идора ходимлари ва раҳбарлари ҳамда ахоли үртасыда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида иқтисодий билимлар тарғибот-ташвиқотида, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятининг ҳудудий тартибга солиш механизми ишини яхшилаш мақсадида илмий манба сифатида фойдаланиш мүмкін.

---

<sup>16</sup> Ушбу йұналишда Давлат мүлкіни бошқариш құмитасининг 7 сентябрь 2000 йил 19/4-сонли Қарорига күра, республика биринчи бор «Методика определения потребности обучения кадров для малого и среднего бизнеса» мавзусидаги услубий ишни тайёрлаш ва амалда құлаш жараёнларида муаллиф ҳам иштирек этган.

# I БОБ.

## **КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

### **1.1. Терминология**

Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг муваффақияти, энг аввало, мулкий муносабатларнинг ўзгариши, турли хўжалик юритиши шаклларининг ривожланиши ва бунинг учун давлат бош ислоҳотчи сифатида иқтисодий имкониятлар яратиб берадётганилиги билан характерланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати иқтисодий имкониятларни кучайтиришга гоят катта эътибор бериб келмоқда. Бу ишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини ривожлантариш, уни бошқариш ва тартибга солишга муҳим ўрин берилди. Шу сабабли, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка доир атамаларнинг назарий моҳиятини тушуниш ва уларни фарқини билиб олиш зарурияти туғилади.

Бугунги кунга келиб, бозор иқтисодиётига ўтиш сари амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий маъноси «...кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантаришга кенг йўл очиб...»<sup>17</sup> беришдан иборат бўлмоқда. Фарбда замонавий тадбиркорлик фаолияти «бизнес» атамаси орқали ифодаланади.

---

<sup>17</sup> Ислом Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилларидир // Халқ сўзи, 2010, 8 декабрь. №236.

«Бизнес» нафақат алоҳида шахс, балки бутун жамият, давлат учун ҳам зарурдир. Бизнес жамиятдаги иқтисодий фаолиятни рағбатлантирувчи, қувватловчи ва тезлаштирувчи ўзига хос куч, таъбир жоиз бўлса, «социал-энергетик майдон» сифатида хизмат қиласи. Бизнес ва бизнесменлар туфайли бозор иқтисодиёти ўзини ўзи ўстирувчи, ўз устида тинимсиз ишлашни талаб қилувчи самарали фаолият шаклларини юзага келтирувчи иқтисодий жараёндир.

«Биз кичик бизнесга, хусусий тадбиркорликка нисбатан республикамизни иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантиришни таъминлайдиган омил деб қарамоғимиз лозим. Айни шу хусусий сектор – энг ҳаракатчан, энг ташаббускордир. Агар хусусий секторнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилса, у иқтисодиётимизни танглиқдан олиб чиқишга қодир локомотив бўлиб хизмат қиласи»<sup>18</sup>.

«Бизнес» тушунчасининг синонимлари – «тижорат», «корчалонлик», «савдо гарлик», бўлиб, «пул қилиш» билан боғлиқ ишни бажариш ёки ана шундай фаолият туридир. Бизнес – ҳужалик субектларининг фаолият соҳаларини ва унинг иқтисодий манфаатларини характерловчи ўмуниқтисодий термин ҳисобланади.

Бугунги кунда «бизнес» тушунчаси фаолиятни миқдор ва ҳажм жиҳатдан ҳам ифодалайди. Масалан, ишчилар сонига ёки капитал айланмасига қараб кичик, ўрта ва йирик бизнесни фарқлаш мумкин. Аммо, ҳандай ҳажмда ёки шаклда бўлишига қарамай бизнес «таркиб топган бозор амалиёти шакллари ва аниқ фаолият услубларидан фойдаланиб, бозорда ва бозор иқтисодиёти субъектлари орасида хизматлар ва товарлар айирбошлаш билан боғлиқ масалани ечишга йўналтирилган фаол ишчанлик машгулотидир»<sup>19</sup>.

Қўпинча «ишбилармон» тушунчасини «бизнес» тушунчаси билан боғлашади. Чуқурроқ таҳлил қиласиган бўлсақ, ҳақиқатда уларнинг «ўзаги» бир, лекин мазмунида фарқ бор. «Ишбилармон» «тадбиркор»га кўра, универсал қўлланиладиган тушунчадир. Ўзбек

<sup>18</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида // Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 342–343-бетлар.

<sup>19</sup> Абдурахманов М., Кодиров Б. Малый бизнес в США // Тезисы докладов ТГЭУ, Ташкент, 1996. С. 51.

тилида ишнинг кўзини биладиган, яъни бирон-бир ишни маромига етказиб бажарадиган шахсларни ҳам «ишбилармон» деб аташади. Бундай ёндашув халқаро миқёсда ҳам ўз тасдигини топган. Масалан, Жоржтаун Университетининг доктори Дерек Либерт фикрича, ишбилармон тинимсиз – «бетұхтов маромда» ишлайдиган шахсdir. Ишбилармонлар ўз ишларини ташкил этиб, шу ишни «бир текис» олиб бориш учун «соғлом маҳорат даражасини бетиним ҳаракатда сақлаш ва тұлдириб туриш»ни «жаводек зарур» деб ҳисоблайдилар<sup>20</sup>. Биз албатта, қонун доирасидаги ишбилармонликни назарга оляпмиз.

Россиялык иқтисодчилар эса «ишбилармонлик фаолияти – бу, энг аввало, құлдыдаги озми-күпми бойлигидан бизнес билан шугулланиш учун фойдаланадиган фаол ва ташаббускор кишининг интеллектуал фаолияти», деб қарайдилар. «Айнан – у «динамизм», «дадиллик», «ташаббус» каби түшүнчалар билан құшилиб кетувчи ишбилармонлик күргина самарали ғояларни рүёбга чиқаради»<sup>21</sup> – деб таъкиддайдилар.

Демак, халқаро иқтисодий муносабатларда құлланиладиган «ишбилармон» түшүнчесига гарбда күпроқ машхұр бұлган «бизнесмен» түшүнчеси тұғри келганды туфайли уни кенгроқ түшүниш керак. Бу термин моҳияти «тадбиркорлик»ни ҳам ўз ичига қамраб олгани билан бир-биридан фарқланади.

Фикримизча, «тадбиркор» жисмоний шахс сифатида ўз фаолиятини таваккалласига амалға ошиrsa, «менежер» юридик шахс мақомидаги корхонани бошқариш орқали ўз фаолиятини амалға оширади. Мавжуд иқтисодий адабиётларда «тадбиркор», «менежер», «бизнесмен» каби атамаларни бир хил тарзда талқын этиш ҳар хил мазмунга эга бұлган бу иқтисодий атамаларнинг маъносини бузади. Аслида бундай фаолиятлар билан шугулланиш, бир - биридан фарқ қылувчи хусусиятларга эга.

Агар 1.1-чизмадаги ҳолатни таҳдил этадиган бұлсак, бизнес кенг маънодаги түшүнча бұлыб, тадбиркорлик, ишбилармонлик, мулкдор-

<sup>20</sup> Дерек Либерт. Ишбилармонлик унсурлари // Солиқ тұловчининг журнали. 1996. №5-6. 33-бет.

<sup>21</sup> Жизнин С., Крупнов В. Қандай қилиб бизнесмен булиш мумкин? (рус тилидан тарж.) Тошкент: Үқитувчи, 1992. 5-бет.

лик, бошқарувчилик унинг таркибига кирувчи торроқ доирадаги түшунчалардир. Бизнесда турли-туман бозор субъектларининг ўзаро манбаатли ёки фойда олишга йўналтирилган муносабатларини куриш мумкин. Фойда ёки манбаатдорликни ошириш эса ҳар қандай бозор субъектининг устувор мақсади ҳисобланади.

#### 1.1-чизма

#### Бизнес билан боғлиқ түшунчаларнинг ўзаро алоқадорлиги<sup>22</sup>



Бироқ, бизнесда асосий ҳал этувчи хусусият – новаторлик (янгилик киргизувчалик), янги гояларни излаш ва унинг ечимини қидириш, фақат тадбиркорлик фаолиятига хос бўлгани учун, бу унинг ажралиб турувчи хусусиятидир.

Тадбиркордан бошқа ҳўжалик юритувчи субъект фаолиятида новаторлик куринмайди. Чунки, улар фойда ёки манбаатдорликка интилишлари мумкин, лекин ташаббускорлик асосидаги ижодий ёндашувларини намоён этмайдилар. Шунинг учун ҳам тадбиркор вақти келганда жуда катта фойда олишга муваффак бўла оладиган шахс ҳисобланади.

<sup>22</sup> Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

## 1.1-жадвал

**Тадбиркор, ишбилармон (бизнесмен), менежер ва мулкдор тушунчалари-  
нинг бир-биридан фарқи ва фаолиятидаги ўзига хослик<sup>23</sup>**

Хусусият тури	Тадбиркор	Ишбилармон (бизнесмен)	Менежер	Мулкдор
Кобилият-даги мойиллик	Ташаббускорлик, удабурронлик, изланувчан табиатли, ижодий фаолият билан шугулланувчи	Эришилган мұваффақиятни мустаҳкамлашга күчли интилевчи	Бошқариш қобилиятига эга бұлған ёлланувчи	Мулкни қадрсизлантирмаслик йүйіда фаолият олиб борувчи
Доимий иши	Фояга эга бұлған одам	Фойда келтирүвчи иш билан машгұл одам	Корхона манфаати йүйіда фаолият күрсатувчи одам	Мулкни ижарага берувчи одам
Молиявий манбасы	Бошлангич капиталга эга бұлмаслығи мүмкін	Капиталга эга	Корхона капиталини шакллантиради	Доимий дастмоясига эта
Таваккал-чилик қилиш даражасы	Таваккалчиликка мойил	Доимийликка интилған, фикрлашва қаралтларыда консерватор, менежерга хос талантта эта	Таваккалчиликни ўз зиммасыда әмас, балки корхона миқёсіда олиб боради	Ўз мулкни доирасида таваккалчиликка мойил
Оладиган улуши	Тадбиркорлик фойдасини олади	Капиталдан келган даромадни олади	Корхона келтирған даромаддан иш хақи олади	Мулдан дивиденд ёки фоиз сифатида шаклланған даромадни олади
Талантининг келиб чиқиши	Новатор, худо берған талант соқиби	Амалий фаолиятида шаклланади	Билим олишда юзага келади	Мулк қийматини ошириш ёки сақлаб қолиша на-моён бұлади
Қобилият-нинг нодирлиги	Ҳаётда жуда кам учрайди	Ҳаётда доим учраб туради	Ҳаётда учрайди	Ҳаётда мавжуд

<sup>23</sup> Жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқылған.

«Тадбиркорлик» ва «бизнес» каби атамалар фойда олиш ва зарар кўриш натижасига эга бўлган товарлар ва хизматларни айирбошлиш бўйича яқуний операцияларни амалга оширишни ифодалайди. Ҳар икки тушунча пул топиш мақсадидаги иш билан шугулланиш ва бундай соҳада қатнашувчилар орасидаги муносабатнинг намоён бўлишини акс эттиради.

Шундай қилиб, бизнес фаолиятида жуда кўп субъектлар қатнашади. Уларнинг орасида воситачилар, ижарачилар, сугуртачилар, истеъмолчилар ва хоказолар ҳам бор. Тадбиркорлик фаолияти учун эса фақат тадбиркорнинг ўзи субъект ҳисобланади. Ундан бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларни, масалан, ишбилармон, менежер ёки мулкдорни бизнес субъектлари ёки оммавий тилда бозор субъектлари деб юритилади.

Демак, «тадбиркорлик» ва «бизнес» атамаларини бир-биридан фарқлаш зарур. Тадбиркорлик – таваккалчиликни ўз зиммасига олган ҳолдаги бизнес фаолияти. Бизнесда эса таваккалчиликни ўз зиммасига олмаган ҳолда ёки чекланган таваккалчилик билан иштирок этиш мумкин. Бундан ташқари тадбиркор ва ишбилармоннинг хатти-ҳаракатларида мулқдан ёки капиталдан фойдаланиш, жавобгарликни ҳис этиш, иш фаолиятида ижодий ёндашиш, фойда олиш ва уни тақсимлашда анча фарқли жиҳатлар мавжуд.

Ёлланиб ишлаётган менежер ҳам таваккалчиликни шахсан ўз зиммасига олмайди, таваккалчилик мулкдорлар зиммасида қолади. Шу жиҳатдан ёлланма менежерни тўла маънода тадбиркор сифатида талқин этиб бўлмайди. У таваккалчилик қиласман деса, авваламбор, кенгаш чақиради ва муаммони кенгаш муҳокамасига қўяди. Ўз навбатида мулкдорнинг ҳам таваккалчилиги тадбиркорнинг таваккалчилиги каби ўта мураккаб доирада эмас. Унинг таваккалчилиги мулкнинг қийматини сақлаб қолиш ёки уни ошириш доирасида юз бериши мумкин.

Хуллас, «бизнес» бозор иқтисодиётининг барча қатнашчилари ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади ва нафақат тадбиркор-

ларни, шу билан бирга истеъмолчилар, ёлланган ишчилар, давлат тузилмаларининг ҳам иқтисодий ҳаракатини ифодалайди ва кучайтиради.

Бизнес билан машғул бўлган кишиларда иш вақти белгиланмайди. Бизнес – кишиларнинг бўш вақтини тўлдирувчи, меҳнат кучларини ишга солувчи ва табиийки, даромад олиш усулларини намоён қилувчи соҳадир. Ҳар қандай шахс агар имкон топса, иш ва ўқищдан буш вақтда бизнес билан шугулланиши мумкин.

Бизнес соҳасида банд бўлган «Тадбиркорлар алоҳида синфи ташкил қиладилар, шунинг учун улар алоҳида ажralиб турувчи ташки куринишига эга, шу туфайли уларнинг фаолияти ўзига хос (специфик) муаммоларни келтириб чиқаради»<sup>24</sup>. Улар «ишни қандай қилиб тухтатиб қўйиш мумкинлигини билганлари каби, унга қандай қилиб туртки беришни ҳам билишади»<sup>25</sup>, яъни қачон орқага тисарилиш лозимлигини, ўз ишини яхшилаш ниятида ўзгартириш киритиш кераклигини ва зарур бўлса, қандай чиқиш меъёрини ҳис эта оладилар.

Хуроса шуки, «тадбиркорлик» ва «бизнес» атамалари оммавий равишда бир хил тушунилса-да, илмий жиҳатдан мулоҳаза қилинганда уларни фарқлай билиш керак. Бизнес атамаси кенг маъноли бўлиб, тадбиркорлик унинг таркибига кирувчи торроқ маънодаги тушунчадир. Аммо, «тадбиркорлик» «бизнес»нинг ўзагини ташкил этади.

## 1.2. Тадбиркорлик – кичик бизнес ва хусусий секторни ривожлантиришнинг бош омили сифатида

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий секторни ривожлантириш заруриятини юзага келтириб чиқарувчи бош субъектив иқтисодий кўринишдаги омиллардан бири – тадбиркорлик фаолиятининг яна қайтадан юзага келишидир. Чунки, эркин бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда ва ишлаб чиқариш омилларини

<sup>24</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1982. С. 174.

<sup>25</sup> Дерек Либерт. Ишбилармонлик унсурлари // Солик тўловчининг журнали. 1996. №5 - 6. 32-бет.

бир-бири билан боғлашда тадбиркорлик қобилятигининг аҳамияти каттадир.

Агар «тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг бош ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлса, тадбиркор унинг асосий субъектидир»<sup>26</sup>. Дадил айта оламизки, бозор иқтисодиётисиз тадбиркорлик фаолиятини тасаввур этиб бўлмаганидек, тадбиркорлик фаолиятисиз бизнес соҳасини ҳам ривожлантириб бўлмайди.

Тадбиркорлик фаолиятига доир дастлабки тадқиқотлар бундан 250 йил аввал амалга оширилган. Буни Р. Кантильон, А. Тюрго, Ф. Кенэ, А. Смит ва Ж. Б. Сэй каби гарб олимларининг илмий асарларида учратиш мумкин. Ўрта асрларда тадбиркорлик билан машғул кишилар «entrepreneur»<sup>27</sup> деб аталган. Воситачилик хизматлари ҳам уларнинг вазифалари бўлган.

Таниқли инглиз иқтисодчиси ва дастлабки бизнес назариётчиси Р.Кантильон ўз илмий асарларида биринчи бор «тадбиркор» терминини қўллаган ва тадбиркорлик концепциясини тўла яратиб берган. Унинг таърифлашича «тадбиркор – бу ўзгарувчан даромадли одам: деҳқон, ҳунарманд, савдогар, қароқчи, қамбағал ва ҳоказо. У бирордан товарни маълум бўлган нархда сотиб олади ва товарларини юқорироқ, аммо ҳали номаълум нархда сотишига умиқд бөглайди»<sup>28</sup>.

Р. Кантильоннинг фикрича, «тадбиркорлик функцияси капиталист ва бошқарувчининг функциясидан фарқлидир»<sup>29</sup>. Шунинг учун уларнинг хатти-ҳаракатлари иқтисодиётни ривожланишида биринчи дараҷалидир, – деб қайд этган Р. Кантильон.

Кейинчалик «сармоя эгаси» ва «тадбиркор» тушунчалари бирбиридан фарқдана бошланди. Тадбиркор сармоянинг муомалада юритишини, кўпайиб боришини таъминлайди ва бу борада у венчур сар-

<sup>26</sup> Шамхалов Ф.И. Государство и экономика: основы взаимодействия. Учебник для ВУЗов. М.: НПО Изд. «Экономика», 2000. С. 41.

<sup>27</sup> Французча «entrepreneur» «воситачи» деган маънони англатади.

<sup>28</sup> Қаранг: История экономических учений // Под ред. В.Автономова, О.Ананьина, Н.Макашевой: Учеб. пособие. М.: ИНФРА-М, 2000. С. 301.

<sup>29</sup> Cantillon R. Essai sur la nature du commerce en general. Гагъ. 1952. Р. 29.

моядор, яъни жалб қилингани молиявий маблагларни усталик билан тасарруф этувчи шахс сифатида ишни юритиб юборишга ўз гоялари, билими ва кўниқмаларини татбиқ қилиб, кўп фойда олиш мақсадида ўша маблагларни таваккалли ишларга сарфлайди<sup>30</sup>.

Француз иқтисодчиси Ж. Б. Сэй тадбиркорни энг кўп маҳсулот олиш мақсадида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиб, таваккалчиликни ҳам, фойдасини ҳам ўз ҳисобидан кўзлайдиган қандайдир маҳсулот яратувчи шахс эканлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, улар фойда олиш мақсадида бирорларнинг пулларидан ўта моҳирлик билан фойдаланишган. Тадбиркор йўқотилган имкониятлар учун ва бу йўқотиш унинг айби билан эмас, балки тасодифан ноқулай вазијатдан келиб чиқсан тақдирда ҳам жавобгар ҳисобланади. Бундай фолият билан машғул шахс даромади унинг корхонасидағи даромад ва харажат ўртасидаги айрмасидан<sup>31</sup> келиб чиқади.

Фикримизча, Ж. Б. Сэй тадбиркорнинг фойдасини икки қисмдан иборат деб билган: саноатдан ҳамда капиталдан олинган фойда. Демак, ҳар қандай тадбиркор моддий бойлик, ақл, мулоҳазакорлик, тартибни ёқтириш, виждонлилик каби фазилатларга эга бўлса, улар бирорларнинг капиталидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши мумкинлигига Ж. Б. Сэй қатъий ишонган.

Шунингдек, германиялик иқтисодчилар Г.Шмоллер, М.Вебер, В.Зомбарт кабилар ҳам ўзларининг илмий асарларида тадбиркорликни назарий жиҳатдан ўрганишга салмоқли ҳисса қўшганлар. Уларнинг фикрича, тадбиркорларнинг дунёқарашида ижтимоий, маънавий ва ахлоқий жиҳатлар ўзига хос шакллангандир<sup>32</sup>.

ХХ аср ўрталарига келиб, тадбиркорлик назарияси Й. Шумпетер (1883–1950 й.й.) томонидан илмий жиҳатдан янада чуқур мазмун касб этди. У «Иқтисодий тараққиёт назарияси» асарида шундай фикрни

<sup>30</sup> Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. Тошкент: Меҳнат, 2000. 19-бет.

<sup>31</sup> Қаранг: История экономических учений // Под ред. В. Автономова, О. Ананьина, Н. Макашевой: Учеб. пособие. М.: ИНФРА-М, 2000. С. 304–305.

<sup>32</sup> Шамхалов Ф. И. Государство и экономика: основы взаимодействия. Учебник для ВУЗов, М.: НПО Изд. «Экономика», 2000. С. 45.

баён қилган: «тадбиркорларнинг иши – янгилик яратиш йўли билан ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш ва тубдан узгартириш, янада умумий маънода – янги хомашё манбай ёки тайёр маҳсулот бозорини очиш туфайли янги товарларни ёки аввалги товарларни ишлаб чиқариш учун янги технологик имкониятлардан фойдаланиш орқали, янги усувлар буйича аввалгини қайта ташкил этиш ва саноатнинг янги соҳасини яратиш демакдир»<sup>33</sup>. Унинг бу фикридан янги гояларни излаш жараёнини тадбиркорлик фаолиятининг асосий сифати эканлигини ва уни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасида бевосита қўллашни тезлаштириш зарурлигини билиб олиш мумкин.

Ютуқларга эришиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятининг бундай сифатлари жуда кўп мураккабликларни ўз ичига олади. Демак, тадбиркор ижодий фикрлаш ва янги йўналишларни топиш билан бирга, аниқ ҳўжалик соҳасига таъсир этувчи турли хил кучларни жойлаштиришни баҳолаш ва англаш ҳамда қабул қилинган иқтисодий чораларга уларнинг таъсир этиш даражасини тўғри сақлаш қобилиятига ҳам эга булиши лозим.

Хуллас, яратиш фаолияти одатда қатъий журъат ҳамда ўткир зеҳи, ташаббускорлик ва бунёдкорлик руҳини талаб этади, яъни «тадбиркорлик – бу тирик, узлуксиз янгиланиб турувчи иш, доимий ташвишлар манбай»дан<sup>34</sup> иборат бўлгани учун бу фаолиятни оддий меҳнат деб бўлмайди.

Шунинг учун иқтисодчи Б. Ходиев тадбиркорлар «...ўз мулки, билими ва сармоясини самарали ишлата оловчи юқори малакали ва маълум бозор вазиятларига мослаша олиш қобилиятига эга булишлари керак»<sup>35</sup> деган фикрни билдирган. Демак, тадбиркорлик меҳнати ўз табииатига хос бўлганидек, бажараётган вазифасига кўра, бошқа ҳар қандай меҳнатдан сифати ва мазмуни билан фарқланади. Тадбиркор «меъёр» деган ажойиб тушунчага эътибор бериб, уни ҳар ишда доимо қўллашга ўрганган.

<sup>33</sup> Шумпетер Й. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1982. С. 159.

<sup>34</sup> Райзберг Б. А. Основы бизнеса. Учебное пособие. М.: Ось-89, 1996. С. 13.

<sup>35</sup> Ходиев Б. Ю. Ўзбекистон иқтисодида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори... дисс. автореф. Тошкент: 2000. 10-бет.

Хуллас, бир гурух чет эл иқтисодчилари тадбиркорлик фаолиятини «кўп ҳолларда бетұхтов маблағ талаб этувчи» ва яратган ёки бажарган иши «эвазига улкан даромадлар ваъда қилувчи шахслар»<sup>36</sup> ҳаракатидан иборат, деб тушунтирсалар, иккинчи гурух иқтисодчилари уни фойда олиш мақсадида, «...йўналиш ва иш услубларини танлашдаги эркинлик»<sup>37</sup>, деб таърифлайдилар, яна алоҳида гуруҳга мансублари бу фаолият билан «ўз иш соҳасини тобора кенгайтириб борувчи, ноанъанавий ечимлар ва имкониятлар қидирувчи»<sup>38</sup> одамлар машғулдир деб, талқин қилишади. Бошқача ифодалаганда, тадбиркор мураккаб фаолият юритувчи шахс эканлигини тушунтиришга ҳаракат қиладилар.

Мамлакатимизнинг етук олимларидан М. Шарифхўжаев ва А. Ўлмасов каби иқтисодчилар тадбиркорликни «кишилар (мулкчилик субъектлари)нинг моддий ва пул маблагларини (капитални) амалда ҳўжалик оборотига тушириб, даромад топиш мулжалланган иқтисодий фаолиятдир»<sup>39</sup> деб қайд этсалар, Т. Эргашев, Р. Исматов каби иқтисодчилар юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда, тадбиркорликни «нарх-навонинг пасайишига, савдо-сотиқ маданиятини кўтаришга хизмат қилувчи»<sup>40</sup> фаолият деб ҳам ҳисоблайдилар.

Иқтисодчи олимларимиздан Х. Абулқосимов, О. Қулматов кабилар эса тадбиркорликни «қонун йўли билан ман қилинмаган... иқтисодий унумли фаолият тури»<sup>41</sup> деб қарасалар, Р. Валижонов ва О. Қобулов сингари иқтисодчилар тадбиркорликни «ҳўжалик фаолияти юритишнинг алоҳида тури»<sup>42</sup> сифатида тавсифлайдилар. Улар тадбир-

<sup>36</sup> Дерек Либерт. Ишбилармонлик унсурлари // Солиқ тўловчининг журнали. 1996. №5–6. 32-бет.

<sup>37</sup> Шамхалов Ф. И. Государство и экономика: основы взаимодействия. Учебник для ВУЗов, М.: НПО Изд. «Экономика», 2000. С. 54.

<sup>38</sup> Герчикова И. Н. Менеджмент: Учебник. –3-е изд., перераб. и доп. М.: ЮНИТИ, 2000. С. 25.

<sup>39</sup> Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент: Мехнат, 1995. 193 бет.

<sup>40</sup> Эргашев Т., Исматов Р. Иқтисодий саводхонлик асослари. Тошкент: Шарқ, 2001. 47 бет.

<sup>41</sup> Абдулқосимов Х., Қулматов О. Тадбиркорлик – сермашақват фаолият // Иқтисод ва ҳисбот. 1997. №9. 12 - бет.

<sup>42</sup> Валижонов Р., Қобулов О. Менежмент асослари. Тошкент: Университет, 1997. 49 - бет.

корлик фаолиятини «алоҳида ...ташаббуснинг эркин кўринишида, ...қарорлар ва имкониятларнинг ноанъанавий йўлларини қидиришда, фаолият доирасини ва кўламини кентгайтиришда, энг муҳими таваккалчиликка тайёrlигида ва уни енгиш усулларини қидиришда намоён бўлишини»<sup>43</sup> тан оладилар.

Иқтисодчилардан X. Р. Раҳмонқулов тадбиркорликни «бозорнинг талаб-эҳтиёжини қондириб, кишиларнинг хожатини чиқариб, уларни рози қилиб пул топишни билдирувчи... мураккаб санъат ва касб»<sup>44</sup> деб юритади. Ё.Абдуллаев ва Ф.Каримов каби иқтисодчилар эса «тадбиркорлик, умуман, пул топиш эмас, балки яратувчанлик фаолияти орқали даромад олишни билдиради»<sup>45</sup> – деб ҳисоблайдилар.

Юқоридаги мулоҳазалардан шундай холоса келиб чиқадики, милай иқтисодиётимизнинг етук иқтисодчиларининг фикрлари, жаҳон миқёсидағи таниқди иқтисодчиларнинг тадбиркорлик тұгрисидаги қарашлари билан ёндашувларида үзвий үхшашлашып ва үйғунлик мавжуд.

Демак, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши күп томондан жамиятдаги иқтисодий маданиятнинг хили ва даражасига боғлиқ бўлади. Бирорларнинг ютуғига ҳасад билан қараш ёки камчилигини бирорлардан кўриш эмас, балки иқтисодий маданиятнинг ташаббускорлиги, эркинлиги ва масъулиятига таяниш тадбиркорликни қарор топтириш ва ривожлантиришнинг ҳал қилувчи шарти ҳисобланади.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик иш юритмай туриб, капитал ҳисобидан текин даромад кўриб, уни паразитларча үзлаштиришни инкор этади, яъни ҳалоллик ва ҳаромдан ҳазар қилиш, тадбиркорликка ҳос ахлоқий ҳислатлардан бири ҳисобланади.

Муқаддас Қуръони Каримда «ҳалол ва покиза нафақа енглар, солиҳ ишлар бажаринглар»<sup>46</sup> деб қайд этилади. Зеро, Исломий таълимотда меҳнат қилмай қўлга киритилган луқмани ҳаром деб ҳисобланади.

<sup>43</sup> Уша жойда. 50 бет.

<sup>44</sup> Раҳмонқулов X. Р. Бозор иқтисодиёти асослари. Термез: «Жайхун», 1994. 36 - бет.

<sup>45</sup> Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. Тошкент: Меҳнат, 2000. 9 - бет.

<sup>46</sup> Собир Сайҳон. Тижорат ва бир луқман ҳалол ош. Тошкент: Нур, 1992. 6 - бет.

«Тадбиркорлик» түшүнчесининг эволюциясы<sup>47</sup>

Даври	Ким томонидан қайд этилган	Мазмунидаги такомиллашув
Үрта аср-ларда	Руҳонийлар	Тадбиркорлик ташки савдо билан шугулланувчи, байрамлар, намойишлар ташкил этиш куриниши-даги фаолият түри демак-дир. Тадбиркорлик билан шугулланувчи тадбиркорлар йирик курилишлар ва ишлаб чыкаштарынан амалга оширади-лар.
XVII аср	Илмий адаби-ётларда қайд этилган	Тадбиркорлик (қыймати аввалин келишиб олинган) давлат билан шартнома тузиш орқали амалга ошириладиган фаолият түри.
1725 й.	Ричард Кантисон	Тадбиркорлик фойда олишга йұналтирилган фаолият, у таваккал-чиликка асосланади.
1797 й.	Карно Бодо	Тадбиркорлик режалаштириш, назорат қилиш ва ташкилотчиликдан иборат, мураккаб фаолият.
1803 й.	Батис Сэй	Тадбиркорлик шундай фаолият түрики, у түфайли олинган даромад, капиталдан келган даромаддан фарқланади.
1876 й.	Франсис Уокер	Тадбиркорлик шундай фаолиятки, кимдир ўз капитали эвазига фоиз олади ва ташкилотчилик қобилиятыни ишга солғанлар эса фойда күрәди.
1934 й.	Йозеф Шумпетер	Тадбиркорлик янгиликни жорий этувчи, новаторлукка асосланған фаолият түридир.
1961 й.	Давид Маккеланд	Тадбиркорлик бу таваккалчилукни құмбалаған холда серхаракат кишиларнинг фаолиятидир.
1964 й.	Питер Друкер	Тадбиркорлик фойда куриш имконини құлдан чиқармайдын кишилар фоолиятидир.
1975 й.	Альберт Шапиро	Тадбиркорлик ижтимоий-иктисодий механизмни ташкиловчи, илгор фикрлар асосидағы фаолият түридир. Үнда мұваффақиятсизлик ехтимоли борлыгини үтүн жавобгарлик ба-таваккалчилук билан иш көрітилади.
1983 й.	Гиффорд Пиншо	Тадбиркорлик антрепренер фаолиятынің ўз ичига олувлы фаолият түри. Антрепренерлік мавжуд корхона ичидағы тадбиркорлик фасандытидир.
1985 й.	Роберт Хизрич	Тадбиркорлик қыйматта эга бўлган бирор бир янгилик яратиш жараёнидир.

<sup>47</sup> Жадвал илмий манбалар асосида муаллиф томонидан түзилган.

Тадбиркор ҳар қандай бозор субъекти билан иқтисодий ва, албатта, манфаатли муносабат үрнатишига интилади. Бундай муносабатлар тадбиркор томониданadolатли, муросали доирада булиши тан олинган. Қуръони Каримда «...ўзаро ризолик билан бўлган савдо-сотиқ орқали мол-дунё касб қилингиз»<sup>48</sup> – деб қайд этилган. Тадбиркор ана шундай даъватни қўллаб-қувватловчи шахс ва шунинг учун ҳам иқтисодий муносабатлар доирасида ўзароadolатли йўл тутишни афзал кўради.

### **Тадбиркорлик – жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминловчи, «социал-энергетик майдон» яратувчи фаолият туридир.**

Тадбиркорлик фаолияти мавжуд бўлган майдонда исрофгарчилликка, ўғриликка, ночорликка ва ўқувсизликка чек қўйилади. У бор жойда ҳар икки томоннинг (харидор ва сотувчи) иши муваффақиятли ҳал этилади. Тадбиркор нафақат фойда олишни, балки у алоқа қилиб турган мұхитни, ундаги мавжуд имкониятларнинг чегараланганигини ҳам ҳисобга олиб муқобил равишда иш юритади. Тадбиркор «уз фаолияти давомида хоҳласа, хоҳламаса жамиятта хизмат қиласди»<sup>49</sup>, яъни, улар фойда ва даромад олишга интилади ва шу билан бирга жамиятга ҳам фойда келтиради. Агар «жамият талабига жавоб бермаса»<sup>50</sup>, у инқиroz томонга йўналади. Бундай вазиятдан чиқиш учун тадбиркор жамият олдиаги жавобгарликни доимо ҳис этиб туради.

«Тадбиркорлик тўгрисида»ги Қонунга кўра, «тадбиркорлик – мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир»<sup>51</sup>. Демак, бундай фао-

<sup>48</sup> Қуръони Карим (Таржима ва изохлар муаллифи Абдулазиз Мансур). Тошкент: Чўлпон, 1992. Нисо сураси, 29 - оят.

<sup>49</sup> Мирзиев Ш. М. ва бошқалар. Ўзбекистонда ишбилармонлик ва тадбиркорликнинг ривожланиши. Тошкент: Университет, 1994. 30 - бет.

<sup>50</sup> Уша жойда. 30 - бет.

<sup>51</sup> «Тадбиркорлик тўгрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1991 йил, 15 февраль.

лият давлатнинг ҳуқуқий қонунларида қайд қилинган ва ўз фаолияти натижаси учун тўла мулкий масъулиятни ўз зиммасига оладиган, капитал ва бозор хўжалигининг иқтисодий ресурсларидан энг самарали йўл орқали фойдаланиб, инновацияни қўллаган ҳолда, белгиланган на-тижага (фойда олишга) эришиш учун қаратилган фаолиятдир.

Ушбу банднинг асосий хуносаси шундан иборатки, бозор иқтисодиётiga ўтишнинг илк давридан жамиятимизда тадбиркорликни қайтадан юзага келиши ва ҳуқуқий мақомга эга бўлиши, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг шаклланишига олиб келди. Мулк эгаси бўлиш, касб ёки ҳунарли бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш орқали манфаатдорликка эришилар экан, жамият миқёсида тадбиркор ва ишбилармон кишини қадрлаш борасидаги анъяналар тикланди. Шунинг учун тадбиркорликни қайтадан юзага келиши – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шакллантириш ҳамда бошқариш заруриятини вужудга келтирувчи **субъектив иқтисодий омилдир**. Бу омил кичик ва хусусий корхоналар сонининг қўпайишига бош омил сифатида таъсир этди. Лекин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ҳамда бошқариш заруриятини юзага келтириб чиқарувчи бошқа бир қатор субъектив иқтисодий омиллар ҳам мавжуд. Бу хусусда 2-бобда батафсил маълумот берамиз.

### **1.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишининг моҳияти**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишининг моҳиятини қайд этишдан аввал «давлат томонидан тартибга солиш» иборасига аниқлик киритиш лозим.

«Давлат томонидан тартибга солиш» бу «давлат бошқаруви» нинг таркибий қисми бўлгани учун улар ўргасида у ёки бу тарздаги фарқли жиҳатлар мавжуд. Бу икки ибора мазмунан бир-бирига яқин келса-да, илмий ёндашувларда сезиларли даражада фарқланади.

«Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви – бу давлат идораларининг қонунларни ҳамда замонавий бозор иқтисодиётiga асос-

ланган демократик давлат барпо этиш вазифаларини бажариш йўлида ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган қундалик қонуний ижрочилик ва маъмурий фаолиятидан иборат»<sup>52</sup>. Бундай фаолиятни юритиш давлат томонидан мажбурий хусусиятни касб этади. Чунки, давлатнинг умумий вазифаларидан ташқари давлат бошқаруви органдари олдида турган аниқ вазифалар бор. Бу вазифаларга қўйидагилар киради:

- иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш;
- тўлиқ ва самарали бандлик;
- иқтисодий самарадорликка эришишни кўзлаш;
- нархнинг барқарор даражаси;
- иқтисодий эркинлик;
- даромадларнинг одилона тақсимланиши;
- мамлакат ташқи савдо балансининг мутаносиблиги<sup>53</sup>.

Давлат ўзининг аниқ вазифаларини белгилар экан, миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва барқарорликка эришишдан иборат мақсадларни кўзлаб бошқарув санъатини ишга солади. Давлат органдари олдида турган мақсадлар жуда кўп, лекин уларнинг ичida энг муҳимлари қўйидагилардан иборат:

- иқтисодий ўсишни таъминлаш;
- меҳнатта лаёкатли аҳолини иш билан банд этишнинг юқори дараҷасини таъминлаш;
- нархлар барқарорлигини таъминлаш;
- пул мумомаласи барқарорлигини таъминлаш;
- ташқи иқтисодий мувозанатни сақлаш.

Давлат бошқаруви ташкил этиш, режалаштириш, назорат ва тартибга солиш каби компонентларни ўз ичига олиб, улар бевосита ва билвосита бошқариш шаклларини намоён этади. Булар орасида


<sup>52</sup> Давлат қурилиши ва бошқаруви // Муаллифлар жамоаси. Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. Тошкент: F.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. 18-бет.

<sup>53</sup> Государственное регулирование рыночной экономики. М.: Путь России // Экономическая литература. 2002. С.26–27.

фақатгина давлат томонидан тартибга солиш, давлат бошқарувининг билвосита ҳал қилувчи бўгини ҳисобланади (1.2-чизма).

### 1.2-чизма

#### Давлат бошқарувининг компонентлари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тартибга солиш<sup>54</sup>




Давлат бошқарувида бевосита ва билвосита бошқариш шаклларининг ҳар бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этишда муҳим ҳисобланса-да, аслида билвосита бошқаришнинг аҳамияти устуворроқдир. Чунки, ушбу субъектлар фаолиятлари эркинлик тамоиллари асосида ташкил этилиб, уни тобора бозор муносабатларига мослаб боришни чуқурлаштириш лозимдир. Буни 1.3-чизма орқали таҳдил этадиган бўлсак, давлат бошқарувида ижтимоий муносабатларни қамраб олувчи дастаклар ҳам мавжуд. Шу нуқтаи назардан олганда, давлат бошқаруви ва давлат томонидан тартибга солиш тушунчалари фарқланиб, биринчиси иккинчисига нисбатан кенгроқ тушунча сифатида талқин этилади.


Жумладан, 1.4-чизмада келтирилган давлат бошқаруви, бошқариш ва бизнес каби иқтисодий атамалар ҳамиша кенг маъноларда қўлланилиб келинган. Давлат томонидан тартибга солиш, менежмент ва тадбиркорлик фаолияти каби иқтисодий атамалар эса, юқоридагиларнинг таркибий қисми бўлиб, улар торроқ маъноларда қўлланилади.

<sup>54</sup> Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Давлат бошқарувининг бевосита ва билвосита кўринишлари ва уларниң таркибий элементлари<sup>55</sup>**



<sup>55</sup> Чизма муаллиф томонидан тузилган.

Келтирилган иқтисодий атамалардаги фарқли жиҳатлар<sup>56</sup>

Давлат томонидан тартибга солиш – бу бозор иқтисодиётини бевосита бошқарувининг таркибий қисмидан иборат бўлган фаолиятдир. Давлат ўзининг турли қонунлари ва меъёрий ҳужожатлари орқали ҳўжалик юритувчи субъектларга ўз таъсирини кўрсатади. Бу таъсир доираси ҳуқуқий жиҳатдан шарт-шароитлар яратиб боришдан иборат бўлади. Давлатнинг тартибга солувчи воситалари миллий иқтисодиётнинг ривожланмай қолган соҳаларини ривожлантиришга туртки беради.

Давлат томонидан тартибга солища бозор механизмини фаоллаштирувчи иқтисодий дастаклар ишга туширилади. Иқтисодий дастаклар ишга туширилганда, албатта, бозор қонунларини ҳисобга олиши шарт. Чунки, бундай дастаклар бозор мувозанатини таъминлашга қаратилади. Миллий иқтисодиётнинг юксалишига

<sup>56</sup> Чизма муаллиф томонидан тузилган.

эришиш учун эса бозор мувозанатини таъминлаш зарурдир. Давлат томонидан тартибга солишининг рағбатлантирувчи, ривожланишга турткі берувчи хусусияти мавжуд. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг тез тараққий этаётган тармоқларини, секин ривожланаётган тармоқлари билан мувозанатга келтириш ҳам айнан давлатнинг тартибга солиш воситалари орқали амалга оширилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солища иқтисодий дастаклар бильосита ишга туширилиб, унинг изжочилик хусусияти мужассамлашган, ягона давлат ҳокимияти амалга оширадиган фаолиятдан иборат бўлади.

Фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш бир қатор усувлардан фойдаланилади (1.5-чизма). Бу усувларни умумлаштириб қуидагича гурухлаш мумкин:


- бевосита таъсир қилиш усувлари;
- бильосита таъсир қилиш усувлари;
- ташқи иқтисодий усувлар.

Давлат томонидан тартибга солищдаги бевосита таъсир қилиш усувлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаб, уларга бозор мұхитида фаолият юритишлари учун шартшароитлар яратиш имконини беради.

Давлат томонидан тартибга солишининг бильосита таъсир қилиш усувлари иқтисодий воситалар ва давлат имтиёzlарини ўз ичига олиб, улар орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари давлат томонидан моддий қўллаб-қувватланиш ва имтиёzlарга эга бўлиш имкониятларига эришадилар.

Давлат томонидан тартибга солиш усувлари орасида ташқи иқтисодий усувлар ҳам мұхим аҳамият касб этади. Бунда халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ва ташқи савдо алоқаларининг кенг шаклланишига олиб келувчи глобал жараён ҳосил қиласиди, ўз навбатида ушбу секторни ривожланиши глобаллашув жараёнларини келиб чиқишига ҳам қисман таъсир этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишин усуллари<sup>571</sup>



<sup>571</sup> Чизма муаллиф томонидан тузилган.

Жаҳон амалиётида энг муҳим масалалардан бири, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишадир. Қайси давлатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тартибга солиш ҳамда бошқариш заруриятга айланса, шу давлатнинг иқтисодий тизими бозор иқтисодиётiga асосланганлигини билиш мумкин. Чунки, бозор иқтисодиёти эркин тадбиркорлик ҳукмрон жойларда иқтисодиётнинг асосий тури ҳисобланади. Лекин, турли мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш масалалири турлича ҳал этиб борилади. Чунки, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос сиёсати ва иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, ушбу секторни давлат томонидан тартибга солишнинг ўёки бу шаклдаги кўринишларини на-моён этадики, бунда, энг аввало, муайян даражада бозор субъектларининг манфаатдорликлари ҳисобга олинади.

«Бозор иқтисодиётининг муҳим талаби шуки, товар ишлаб чиқарувчи кам меҳнат сарфлаган ҳолда кўплаб ва сифатли товар чиқаргандагина, яъни кишиларнинг талаб эҳтиёжини тұлароқ қондиргандагина фойда кўриб ишлаши мумкин. Акс ҳолда, у синади. Бозор иқтисодиётiga хос белги, бу товар ишлаб чиқарувчиларнинг, умуман жамият аъзоларининг ўз даромадига кўра табақалашувидир»<sup>58</sup>. Бу табақалашув кичик бизнес субъектларининг имконият даражалари турлича бўлганлигидан келиб чиқади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солишнинг моҳияти шундан иборат бўлмоги керакки, давлат ўзининг шарт-шароит яратиш функциясига устуворлик беради. Соддороқ айтганда, давлатнинг асосий вазифалари кичик бизнес субъектлари фаолиятига шарт-шароит яратишдан иборат бўлмоги зарур.

XX асрга қадар давлатнинг таъсири бозор иқтисодиёти бошқарилишини тартибга солишга қаратилмаган эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви одат

<sup>58</sup> Абулқосимов Ҳ.П. ва бошқ. Ижтимоий-иктисодий жараёнларни бошқариш // Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. Тошкент: F.Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. 127-бет.

тусига кирган. Жумладан, Узбекистонда ҳам иқтисодий ва сиёсий мустақилликни таъминлаш мақсадида миллий иқтисодиётнинг мутаносиб нисбатларини шакллантириш зарур бўлганлиги боис, давлатнинг иқтисодиётга араласиши муҳим аҳамият касб этади.

Бироқ, «мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни ҳал этиш зарур бўлганда иқтисодиётда давлат томонидан бошқарув усуслари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тұла оқлади»<sup>59</sup>. Шу боис, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишда давлатнинг иқтисодий вазифаларини қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

Утиш даврида бозорга хос шарт-шароитлар яратиш.

Бозор механизмини тузатиш ва тұлдириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини кучайтирувчи ва фаоллаштирувчи меъерий ҳужжатлар қабул қилиш орқали тартибга солиш.


Давлатнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тартибга солищдаги биринчи ва асосий иқтисодий вазифаси бевосита ҳужжалик юритишлари учун бозорга хос шарт-шароитлар яратиб боришидир. Шу билан бирга бозор механизми фаолиятидаги камчилликларга тузитиш ва тұлдиришлар кириб, уни фаоллигини ошириш керак. Бу икки йўналишдаги вазифаларнинг схематик таҳлили 1.6-чизмада келтирилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солищдаги иккинчи вазифа – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тартибга солишда улар фаолиятини маъмурий-бўйруқбозлик воситасида эмас, балки бозор механизми иқтисодий усуслар таъсирида бошқаришдан иборат. Бунда давлатнинг иқтисодий дастаклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиб боришига қулай муҳит яратиш билан бирга, имкониятларни кенгайтиришга йўналтирилади.

<sup>59</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорзи, Узбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Узбекистон, 2009. 8-бет.

## 1.6-чизма

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига шартшароит яратиш борасидаги давлатнинг вазифалари<sup>601</sup>



Давлатнинг учинчи вазифаси – кичик бизнес субъектларининг фаолиятини кучайтирувчи ва фаоллаштирувчи меъёрий ҳужжатлар қабул

<sup>601</sup> Чизма муаллиф томонидан тузилган.

қилиш орқали тартибга солишдан иборатдир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш жараёнларида ҳуқуқий асослар йилдан йилга такомиллашиб борган сари, ушбу секторни давлат томонидан тартибга солиш механизми ҳам фаоллашиб боради.

Умуман, тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солища, маъмурий йўл билан бўлган аралашувларни чеклаб бориш лозим. Иқтисодий ҳаётни тобора эркинлаштириш ҳақида Республика Президентининг жуда кўп асарлари<sup>61</sup> ва маърузаларида<sup>62</sup> алоҳида таъкидланган. Чунки, жамият тараққиётида, мазкур секторни ривожлантириш ва уни давлат томонидан тартибга солища, асосиз аралашувни чеклаш тамойилларини қўллаш, айнан иқтисодиётни эркинлаштириш, демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг мазмун - моҳиятини ташкил этади. Бугунги кунга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги муҳим вазифалар қўйидагилардан иборат бўлмоқда:

- давлат тузилмаларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан содир этилган (агар у қасдан содир этилмаган ва катта бўлмаган)

<sup>61</sup> Қаранг: Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 8 ва 46.-48-бетлар.: Ислом Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13 – том. Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 189–191-бетлар: Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 594–598-бетлар: Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3 - том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 236–237-бетлар.

<sup>62</sup> Ислом Каримов. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиздир. 8 - том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 376–404-бетлар: Ислом Каримов. Қонун ва адолат устуворлиги эркин ва фаровон ҳаёт кафолатидир // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13 - том. Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 9–37-бетлар.

қонунбузарлық ҳолатларида жазо чораларини енгиллаштириш, яъни тадбиркорлар етказилган зарарни ихтиёрий равища тұлиқ қоплаган ҳолларда жазони құллаш;

– бозор инфратузилмаси таркибидаги барча объектларда улар фаолиятни кучайтириш ва марказлаштирилған тақсимот тизимига қайтишга бұлған ҳар қандай үринишларға барҳам бериш;

– кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида давлат бошқарув идоралари томонидан бериладиган күмак, құшымча имтиёзлар ва преференциялар беришни көнгайтириш.

Ушбу мұхым вазифалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишини янада құлай ва такомиллашған имкониятларини яратади. Бу эса иқтисодиётни әркинлаштириш шароитида иқтисодиёт фаолиятининг бозорға хос механизмларини яна-да модернизациялашувига олиб келади.

## **II БОБ.**

### **КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҲАМДА ТАРТИБГА СОЛИШ ЗАРУРИЯТИНИ ЮЗАГА КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ОМИЛЛАР**

#### **2.1. Субъектив иқтисодий омиллар**

Миллий иқтисодиётнинг ривожланиши бозор иқтисодиёти тизимида асосланар экан, унинг таркибидаги хусусий секторнинг шаклланиши, ривожланиши ва тартибга солиниши кун сайин зарурият тариқасида жамиятимиз равнақи учун муҳим аҳамият касб эта бошлади. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда тартибга солиш заруриятыни юзага келтириб чиқарувчи омиллар ўзига хос жиҳатлардан иборат бўлди.

Ўзбекистон шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш заруриятыни юзага келтириб чиқарувчи субъектив иқтисодий омиллар беш хил бўлиб, бундай омиллар давр ўтган сари ўзининг кучини сақлаб қолади. Субъектив иқтисодий омиллар бозор иқтисодиёти тизимида амал қиласиган ўзак омиллар бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ҳамда тартибга солиш заруриятыни юзага келтириб чиқарувчи омиллар орасида энг муҳимлари ҳисобланади.

Ушбу бобда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш заруриятыни юзага келтириб чиқарувчи омилларни бирма-бир кўриб чиқамиз ва мулоҳаза юритамиз.

### **2.1.1. Тадбиркорликнинг юзага келиши**

Тадбиркорликнинг юзага келиши тұғрисидеги субъектив иқтисодий омил ҳақида 1.2-банда мулоҳазаларимизни билдирган эдик. Құшимча сифатида шуни қайд этиш мүмкінки, тадбиркорликнинг юзага келиши, унинг эволюцион равишдеги ривожланиши ҳар қандай жамиятда үзининг ижобий таъсирини күрсатды. Ақоли таркибида тадбиркор шахсларнинг күпайиши жамиятнинг юксалиб боришида ҳам фойдалы. Чунки, айнан тадбиркорлар үзларининг соҳибкорона фаолиятлари орқали жамиятга, қолаверса, мамлакат иқтисодиёти тараққиётiga алоҳида хисса қўшиб борадиларки, буни уларнинг үзларидан кўра четдан кузатиб турувчилар яхшироқ ҳис этишади.


Ҳар қандай корхона бозор учун ишлайди, уни товар ва хизматлар билан түйинтиради, барча жараёнларда бозор билан боғланади, бошқача айтганда, у ҳам сотувчи, ҳам харидор сифатида бозорда намоён бўлади. Шундай қилиб корхона қандай бўлишидан қатъи назар, унинг иш олиб бориши тадбиркорликка асосланади. Демак, тадбиркорлик фаолияти кўп укладли иқтисодиётта хос бўлиб, ислоҳотнинг дастлабки кунларидан зарурият сифатида қайтадан юзага кела бошлади. Чунки, ҳозирги даврга қадар Ўзбекистонда кичик ва хусусий хунармандчилик, миллый урф-одатларга ва қадимий анъаналарга таянган ҳолда ривожланиб келганигини ҳам инкор қилиб бўлмайди (қаранг: 2.1-чизма).

Хусусан, асрлар давомида сақланиб ва ривожланиб келаётган темирчилик, тегирмончилик, косибчилик, түқимачилик, кулолчилик, ӯймакорлик, пичоқсозлик, заргарлик, дўлтидиўзлик, нонвойлик, миллый бинокорлик каби ҳунар эгалари ҳозир ҳам мавжуд. Хусусан, фақат Намангандагина миллый қурилиш материалларидан ҳисобланган арзик ишлаб чиқарилади. Эндиликда уларнинг фаолияти ҳуқуқий кафолатланиб ривожланмоқда.

«Биз ҳозирги замонавий иқтисодиёт ва бизнесни үз маънавий қадриятларимиз билан қўша олсак, марра бизники бўлади. Үз йўлимизни үзимиз топган бўламиз. Ӯшандагина биз бошқалар ҳавас қила биладиган жамиятга эга бўламиз»<sup>63</sup>.

<sup>63</sup> Файзуллаев А. Инсон, сиёсат, бошқарув. Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 141-бет.

Ўзбекистонда тадбиркорликнинг тадрижий (эволюцион) ривожланиш босқичлари<sup>64</sup>



2.1-чизмада келтирилган босқичлар мазмуни

Босқичлар	Босқичлар мазмуни
1	Тадбиркорликни ривожлантириш учун асослар яратилиши ва XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар ягона Ўрта Осиё бозорининг шаклланиши;
2	XX аср бошларида хусусий тадбиркорлик ва бозор муносабатларининг кенг ривожланиши;
3	XX асрнинг 20-йилларида, яъни янги иқтисодий сиёsat йилларида тадбиркорликнинг жонланиши;
4	XX асрнинг 80-йиллар охирларида кооператив ҳаракатнинг ривожланиши;
5	Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бозор ислоҳотларининг бориши билан тадбиркорликнинг кенг ривожланиши.

<sup>64</sup> Чизма муаллиф томонидан Г. Сайдова раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланган «Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза»си маълумотлари асосида ишлаб чиқилган. Тошкент, 1998.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида (вилоятларида) тадбиркорлик-нинг қайтадан юзага келиши, шу ҳудуд (вилоят)нинг асрлар давоми-да шаклланган урф-одатлари билан боғлиқ ҳолда рўй бермоқда. Масалан, Фаргона водийси вилоятларида тижорат тадбиркорлиги кенг ривожланмоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива вилоятларида эса тадбир-корликнинг бу каби кўринишларидан ташқари, туризм соҳасидаги тадбиркорлик ҳам тез авж олмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очилган бўлиб, унга миллий урф-одатларнинг мужассамлашганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

### *2.1.2. Бозор муносабатларини вужудга келтириш ва ундан амалда фойдаланиши*

Бозор муносабаталирига ўтиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш заруриятини юзага келтириб чиқарувчи муҳим омиллардан яна бири – **бозор муносабатларини вужудга келтириш ва ундан амалда фойдаланишининг ўзи**дир. «Кичик хўжалик юритиш – бу улкан бутун хўжалик тизими-нинг фақатгина бир бўлагидир»<sup>65</sup>, яъни «бозор иқтисодиёти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликсиз ҳам ривожланмайди, ҳам ишламайди. Бозорнинг ишлаши учун бу кичик соҳанинг катта ҳаракатлантирувчи кучи мавжуд»<sup>66</sup>. Ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар натижаси ҳам фикримизни амалий жиҳатдан тасдиқлайди. Аксарият респондентлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ҳамда ривожлантиришни бозор иқтисодиётига ўтиш билан, унда мавжуд ме-ханизмнинг ўзига хос (автоматик) хусусияти билан боғлайдилар.

Президент Ислом Каримов «...бозор иқтисодиётига ўтиш – эски хўжалик механизмини шунчаки янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш эканли-

<sup>65</sup> Качура П. Малые предприятия: сущность и трудности становления // Ж. Вопро-сы экономики. 1991. №8. С. 85.

<sup>66</sup> Ўша жойда. 85-бет.

гини қайта-қайта таъкидладик. Бу бир иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмаларининг бошқа иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмалари билан алмашинувиdir»<sup>67</sup>, деб таъкидлайди. Аниқроги, бозорни турли хил маҳсулотлар, кундалик эҳтиёж товарлари билан таъминлашда ушбу механизмнинг унсурларидан бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти каттадир.

Жамиятимизнинг юксалиш йўлидаги асосий мақсадларидан бири, «ўзбек модели»га асосланган кучли ижтимоий сиёsatни юритиш орқали «ички сиёsatнинг негизи – инсон манфаатларига қаратилган меҳнатни рагбатлантириш кучли механизмига эга бўлган ва аҳолининг ижтимоий начор қатламларини давлат йули билан ҳимоя қиласидан бозор иқтисодиётини қуришдан иборатdir»<sup>68</sup>.

«Бозор иқтисодиёти – бу, авваламбор, эркин тадбиркорлик иқтисодиётидир, ...бизнеснинг кенг оммалашувиdir»<sup>69</sup>. Бунинг исботи сифатида ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар натижаларига таяниш мумкин. Ижтимоий сўров иштирокчилари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бозор тизимиға ўтишнинг нақадар тұғри танланганлигини ва у дунёда синалган тизимлардан бири эканлиги ни эътироф этганлар<sup>70</sup>. «Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида амалга оширилаётган ислоҳотларни қуллаб-қувватлайсизми?» – деб савол берилганда, 1999 йилда респондентларнинг 65,8% ижобий фикр билдирган бўлсалар, 2003 йилдаги сўровномада, уларнинг 98,8%, 2007 йилда эса респондентларнинг 99,1% ижобий муносабат билдирганлар (2.1-жадвалга қаранг).

Фикримизча, «бозор муносабатлари ёрдамида ва фақат у орқали шахсий ва жамият манфаатларини қондириш, яъни маҳсулотларни

<sup>67</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 183-бет.

<sup>68</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёsat, мафкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 62-бет.

<sup>69</sup> Райзберг Б. А. Основы бизнеса. (учебное пособие). М.: Ось-89, 1996. С. 6.

<sup>70</sup> Ижтимоий тадқиқотлар муаллиф томонидан Наманган вилояти бўйича ўтказилган.

реализация қилиш жараёни содир булади»<sup>71</sup>. Бошқача ифодалаганда, харидорлар ва сотувчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар бозор тизими орқали амалга ошади. Айнан бозор ёрдамида ўзаро алоқалар ўрнатиш, ресурсларни тақсимлаш ва ишлаб чиқариш жорий этилади.

## 2.1-жадвал

### Корхона раҳбарларининг бозор иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш тўғрисида билдирган фикрлари<sup>72</sup>

Берган жавоблари	1999 й.	2003 й.	2007 й.
Ижобий	65,8 %	98,8 %	99,1%
Салбий	–	1,2 %	–
Жавоб бермаган раҳбарлар	34,2 %	–	0,9%
жумладан:			
Ёши 40 дан ошган раҳбарлар	22,8 %	–	ёши аниқ-ланмади
Ёши 39 гача бўлган раҳбарлар	11,4 %	–	

Таниқли гарб иқтисодчиларидан А. Фон Хайек фикрича, бозор одамга ахборот олиш имкониятларини берувчи ва ундан фойдаланиш учун энг қулай жойдир<sup>73</sup>, яъни «бозор – бу факат усул, факат муҳитки, унда тадбиркорлик фаолияти зўр бериб ишлайди. Тадбиркорлик фаолияти – бу самарали бозорнинг асосидир»<sup>74</sup>. Демак, Узбекистонда бозор муносабатларини вужудга келтириш ва шакллантириш натижасида яна қатор объектив ва субъектив иқтисодий, демографик ҳамда бошқа омиллар вужудга келадики, улар ҳам ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш заруритини юзага келтиришга сабаб бўлади (2.2-чизма).


<sup>71</sup> Осминин В. А. Рынок: Социально-экономический портрет. Ташкент: Узбекистан, 1991. С. 9.

<sup>72</sup> Жадвал музалиф олиб борган ижтимоий сурвнома натижалари асосида тузилган.

<sup>73</sup> Клас Эклунд. Эффективная экономика. М.: Экономика, 1991. С. 74.

<sup>74</sup> Леонтьев В. Когда порвались паруса... // Деловой мир. №5. 1992, май.

## Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш заруринатини юзага келтириб чиқарувчи омиллар<sup>75</sup>



Чизма муаллиф томонидан тузилган.

### 2.1.3. Иктиисодий эркинлик

Субъектив иктиисодий омиллардан бири – иктиисодий эркинлик. Бу омил ўзига хос иктиисодий концептлар асосида бошқарилишган бозоринг энг муҳим шартлардан бўлиб, озодликка ёришишини, демократини, ҳар томонлама юксактиришини, ҳужумий давлат барпо этиш ва котун устуворлигини таъминлашни талаб киради.

Республика Президентининг бир катор асарларида бозор ислоҳотларининг асосий негизи иктиисодиётни эркинлаштиришдан иборат эканлиги жуда тушуналини ва атрофимча кайд этаган. Бозор иктиисодиётни шароитида давлатнинг ўрни чеканган бўлиб, эркин тадбиркорлик кенг авж олади. Давлат эса бозор механизмининг амал килишига шароит яратади. Иктиисодиётнинг ривожланиши кўпроқ ракобат ва нархлар тизимига асосланади. Бу хусусда Канада парламентининг собиқ аъзоси Том Хокин шундай фикр билдиради: «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни тизимида ғаракат гарб мамлакатлари билан четаралланб қолмайли. Қайпра иктиисодий шароитни эркинлаштириш бўйича ҳукумат Карор қабул қисса, ўша ҳуудла кичик корхоналар сони бир кечга мобайнида кўплайди». Демак, бозор иктиисодиётда иктиисодий хатти-харакатлар эркин мустакни бўлиши шарт. Улар бозор механизми орқали бир-бири билан бўлганиб мунофиқидашади.

Иктиисодий эркинлик мулчимлик шакллари ва ҳужалик юриттиг ўсувларининг турли-туман бўлишини тажозо этади. Буни Республика Ад қабул килинган барча конвенцияларда ҳужалик юритувчи субъектларнинг ҳукуки ва иктиисодий эркинлик борасидаги макоми белгиланганлангидан билиб олса будади<sup>76</sup>.

«Давлат иштимомчиларининг ҳукукий устуналигини хисобга олиб, иктиисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қўлини эркинлаштириш, барча мулк шаклларининг тег ҳукуклигини ва ҳукукий жижатдан

<sup>75</sup> Том Хокин. Малай бизнес в Канаде // Деньги и кредит. №3. 1992. С. 32.

<sup>76</sup> Карант: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон. 2009. 37; 38; 48; 53 ва 54-модадар.

баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди»<sup>78</sup>. Бундай кафолат корхоналарнинг ташкилий-хуқуқий шакллари ғоятда хилма-хил бўлишига имкон яратиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига кенг йўл очади.

Миллий иқтисодчиларимиз фикрича, «тадбиркорлик эркинлиги – алоҳида гуруҳ ёки шахснинг фойда олиш мақсадида иқтисодий фаолият юритиш эркинлигини билдиради»<sup>79</sup>. Лекин, бу ишни тадбиркор танлаш эркинлиги орқали амалга оширади. Бунинг учун, қуйидаги мухим жиҳатлар аҳамиятга моликдир:

- бозор турли иқтисодий ресурслар билан тўйинган бўлиши ва муқобиллик асосида фаолият юритишга имкон бўлиши зарур;
- ҳар қандай иқтисодий фаолият юритилганда, экологик муносабатлар ҳисобга олиниши лозим;
- давлат истеъмолчилар ҳаёти ва соғлигини зиён етказувчи товарлардан ҳимоя қилиши керак.

Шундай қилиб, бизнеснинг вужудга келиши, амалда фаолият кўрсатиши ва ривожланишидаги асосий талаблардан бири – бу иқтисодий эркинлик – суворенитетга эга бўлишдан иборат. Жумладан, респондентларнинг 85,8%<sup>80</sup> ошкора равишда давлат органлари орқали назоратни камайтириш ва уларнинг чегаравий ҳолатда аралашувини чеклаш мақсадга мувофиқлигини билдирганлар. «Иқтисодий жиҳатдан эркин меҳнатни тиклаш турмушимида аста-секин қайтадан қарор топаётган ахлоқий ҳолатдир. Аввало, ишбилармонлар, ўз истеъоди билан тобора қадр-қиммати ошиб бораётган кишилар бу ҳолатни қайта тикламоқдалар»<sup>81</sup>.

Иқтисодий эркинлик, бу эркинлик муаммоларини мустақил ҳал қилиш мумкинлигида рӯёбга чиқади. Хўжалик юритища инсон ни-

<sup>78</sup> Уша жойда. 53-модда.

<sup>79</sup> Абулқосимов X., Набиев Э., Раҳимова Д., Аҳмедов О., Юлдашев Ш., Ҳасанов Р. Эркин иқтисодиёт тамоиллари. Тошкент: Akademiya, 2005. 5-бет.

<sup>80</sup> Муаллиф томонидан ўtkазилган ижтимоий тадқиқотлар натижалари асосида ҳисобланган.

<sup>81</sup> Ислом Каримов. Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида // Ваган саждагоҳ каби мұқаддасдир. З-том. Тошкент: Узбекистон, 1996. 280-бет.

мани ёқтирса ва у нимани мұхим деб ҳисобласа, ұша нарсаны ишлаб чиқаради, үзи ишлаб чиқарған нарсаны үзи учун мақбул нархларда сотади ва ҳоказо. Унинг иқтисодий эркинлиги, ва манбаатдорлик билан меңнат қилишининг негизини мұлк ташкил этади. Шунинг учун «иқтисодиётни эркинлаштириш – хұжалик юритувчи субъектларнинг үз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъулиятини ошириш демақдир»<sup>82</sup>.

Бозор иқтисодиётида инсонга муносиб ҳаёт шароити, унинг үзини намоён қила олиши учун имкониятлар яратиш, фақат иқтисодий эркинлик омили орқали амалга оширилади. Бу эса ҳозирги миллий иқтисодиётни ва бутун жамиятнинг тараққиёти учун мұхимдир. Шу жиҳатдан А. Фон Хайек эркин бозор нархларини шакллантиришда тартибга солишининг ёки аралашышнинг бошқача тажовузкорона күринишларидаги барча уринишларга шиддат билан қарши чиқди. У үзининг «Куллик сари йұл» (1944 й.) номлы мунозарали асарида шуни тасдиқлайды, «бу асосий (иқтисодий эркинлик) принципдан орқага томон чекиниш – у ҳар қанча яхши ниятда ташкил қилинса ҳам – истиқболда диктатурага томон етаклайди»<sup>83</sup>.

Шундай қилиб, жамиятда иқтисодий эркинлик имкониятлари тұла яратиб берилгандагина, ақоли манбаатдорлиги ҳам ошиб, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчининг меңнат натижалари ортиб боради. Бозор мұхитида ҳамма нарсаны ҳаракатта келтирүвчи күч бу иқтисодий эркинлик, яғни том маънодаги инсон эркинлигидир. Бизнес билан банд бұлған ҳар қандай шахсларга эркинлик бермасдан ижобий натижага әришиш қишин.

#### *2.1.4. Фойда ва манбаатдорликка интилиши*

Кичик бизнес ва хусусий тағдыркорлық шакллантириш ва ри-вожлантириш зарурияты **фойда ва манбаатдорликка интилиш** каби субъектив иқтисодий омилга ҳам боғлиқ. Бу омилнинг иқтисодий эр-

<sup>82</sup> Ислом Каримов. Биз келажагимизни үз құлымиз билан қурамиз. 7-том. Тошкент: Узбекистон, 1999. 396-бет.

<sup>83</sup> Клас Эклунд. Эффективная экономика. М.: Экономика, 1991. С. 74.

кинликка боғлиқ жиҳатлари кўп бўлганлиги учун унинг алоҳида ажралиб турувчи таркибий қисми эканлигини унутмаслик керак. Чунки, фойда олиш ва манфаатдорликка интилиш иқтисодий эркинлик туфайли рӯёбга чиқиб, ҳар бир ишнинг натижасида намоён бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект эркин фаолият қиласидагина манфаатдор бўлади. Бинобарин, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект, энг аввало, моддий манфаатдорликни кўзлаб ўз бизнесини ташкил қилади. Бизнесдан мақсад ўз даромадини кўпайтириш бўлиб, манфаатдорликка интилиш тадбиркорнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект ўзининг фойдасини ўзлаштиришда янада салоҳиятли ишларни амалга ошира олади.

Фуқаролар манфаатининг устуналиги, энг аввало, Конституциядаги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган<sup>84</sup>, яъни «иқтисодий манфаатдорликни сиёсатдан, мафкурадан устун қўймасак, ...ҳеч қандай наф йўқ»<sup>85</sup>. Илмий тадқиқотларимиз натижасида респондентлардан нима учун бизнес қилишга киришганларини суралганда, миллий модел таркибидаги биринчи тамойил амалда ўз исботини топган (2.2-жадвал).

Ушбу жадвалда юқорида назарий жиҳатдан келтирилган фикрларнинг амалий жиҳати ифодаланган, яъни 1999 йилда ўтказилган ижтимоий сўров натижасида фойда ва манфаатдорликни кўзлаган респондентлар салмоғи жами 84,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2003 ва 2007 йилларда ўтказилган худди шундай сўров натижасида эса бу кўрсаткичлар 90,1 ва 91,4 фоизларни ташкил этди. Демак, тўрт йил мобайнида фойда ва манфаатдорликни кўзлаган ҳолда бизнес фаолиятини олиб бораётган респондентлар салмоғи 5,3 фоизга кўпайган бўлса, етти йил мобайнида 6,6 фоизга кўпайган.

Эътиборлиси шундаки, 2007 йилда ўтказилган ижтимоий сўров натижасида респондентларнинг 6,4 фоизи ўз бизнесини ташкил этиш-

<sup>84</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 22–23-моддалар.

<sup>85</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқолол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент: Ўзбекистон, 1993. 257-бет.

да «мамлакат фаровонлигига ҳисса қушиш» мақсадида ташкил этаёт-ганликларини қайд этгандар. Бундай жавоб заминида тадбиркорлар нафақат ўз манбаатдорликлари, балки жамият манбаатдорлигини ҳам кузлаётганликлари аниқ күрениб турибди.

#### 2.2-жадвал

**«Нима учун бизнес қилишга киришдингиз?» деган саволга берилган жа-воблар саломги<sup>86</sup> (фоизларда)**

Сурвнома ўтказилган йиллар					
1999 йилда	улуши, %да	2003 йилда	улуши, %да	2007 йилда	улуши, %да
бойиш мақсадида	49,9	шахсий манба- атдорлик	38,2	шахсий манба- атдорлик	37,7
маблаг кўпайтириш мақсадида	20,1	турмушни яхшилаш	27,6	ҳаётимнинг фаровонлиги- ни таъминлаш ва ошириш	30,2
мустақил ишлаш, оила фаровонли- гини таъмин- лаш	14,8	юқори даромад олиш	24,3	кушимча моли- явий имко- ниятларга эга булиш	21,3
		ўз имконият- ларимни синаш	6,6	ҳаётдан орқада қолиб кетмас- лик	2,2
мустақил яшаш, ҳалқ фаровонлиги учун	15,2	аҳоли эҳтиёжини қондириш	3,3	мамлакат фаровонлигига хисса қўшиш	6,4
				аҳоли эҳтиёжини қондириш	2,2

Буюк иқтисодчи А. Смит фойда олишга интилиш ва манбаатдорлик масаласига жиiddий ургу берган. У фақат инсон омилидагина бундай жиҳатларни қўллашга интилади, фақат инсондагина тадбиркорликка

<sup>86</sup> Жадвал муаллиф томонидан ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар натижалари асо-сида ҳисобланган.

хос түйғу мужассамлашади, деб ҳисоблаган. Ўзининг «*laissez-faire*»<sup>87</sup> концепциясида худди шу фойда олиш ва манфаатдорликни алоҳида ҳаракатлантирувчи куч эканлигини таъқидлайди. Унинг фикрича, миллий бойлик, ишлаб чиқариш, умуман яратилаётган барча неъматлар инсон меҳнати билан барпо қилинади, бунда ишлаб чиқаришдаги барча омилларнинг бирлашуви рўй беради. «Зотан, бундай бирлашув қанчалик самарали бўлса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва миллат бойлиги шунча кўп бўлади»<sup>88</sup>. А. Смит фикрича, ҳар бир тадбиркор жамият фойдасига ёрдам беришни кўзда тутмайди, балки ўз манфаатини, фойдасини кўзлаб иш юритади.

«Фойдага интилиш, деб таъкидлайди буюк австриялик иқтисодчи А. Фон Хайек – бу ресурслардан янада самаралироқ фойдаланишни ташкил қилишнинг худди ўзиdir»<sup>89</sup>. Бу билан ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект харажатларни имкон қадар камайтиради, ишлаб чиқариш омилларидан эса унумли фойдаланишга интилади.

Нобель мукофотининг лауреати В. Леонтьев, манфаатдорлик омилига алоҳида эътибор берган. «Менинг таассуротим – соф иқтисодий муаммо эмас, у сиёсий-иқтисодий жиҳатга эга. Одамларнинг яхши ишлашлари учун фавқулодда энг муҳим нарса – манфаатдорлик омили. Шу, улар учун энг зарурдир»<sup>90</sup>, – деб қайд этган В. Леонтьев. Унинг фикрича, фойдага интилиш ва манфаатдорлик нафақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини, балки бутун бир иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим омилидир.

«Фойда маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг таннархини пасайтириш ва рақобатчиларга нисбатан кўпроқ товар сотишга ундайдиган туртки ҳамдир»<sup>91</sup>. Фойда орқасидан қувиш ва манфаатдорликка

<sup>87</sup> Инглизча «ўз-ўзидан ҳаракатлансин» деган маънони англатади. Бошқача маъноси «кўринмас қўл».

<sup>88</sup> Амалий иқтисодиёт: Ўқув кўлланма, 1-китоб. Таржимонлар: И. Фозилов ва бошқалар. Junior Achievement. Тошкент: Шарқ, 1996. 20-бет.

<sup>89</sup> Амбарцумян А. А. Малые предприятия в системе экономических отношений в условиях перехода Узбекистана к рынку: Дис ... канд. экон. наук. Самарканд, 1996. С. 13.

<sup>90</sup> Российский бизнес // Международный журнал. 1991. №1. С. 8.

<sup>91</sup> Амалий иқтисодиёт: Ўқув кўлланма, 1-китоб. Таржимонлар: И. Фозилов ва бошқалар. Junior Achievement. Тошкент: Шарқ, 1996. 23 бет.

интилиш тадбиркорларни ўз сармоясини (пулини) таваккал қилиб сарфлашга, ҳодимлар ёллашга, ҳамда товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг янги соҳаларини очиш учун барча зарур нарсаларни сотиб олишга мажбур қиласди.

«Биз бундан бўён ҳам «Инсон манфаати ҳар нарсадан улуг» деган олижаноб шиорни амалда рўёбга чиқариш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга соламиз»<sup>92</sup>. Шу мақсадда миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини эркинлаштиришга доир ислоҳотларни фаол давом эттириш, шу аснода тадбиркорлар фаолиятини кучайтириш ҳукуматимиз сиёсатида ҳам устувор деб белгиланмоқда.

### *2.1.5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг афзалликлари*

Кичик бизнес ва хусусий секторнинг афзаллиги ҳам алоҳида субъектив иқтисодий омиллар қаторига киради. Бу омил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шакллантириш ва бошқариш заруриятини келтириб чиқарадиган индуктив характердаги омилдир. Бу соҳа фаолияти туфайли эришилган муваффақиятлар ҳар қайси мамлакат иқтисодиётида катта аҳамиятга моликки, унга давлат томонидан ёрдам бериб борилади. **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг афзаллигини икки нуқтаи назардан, яъни микроиқтисодий ва макроиқтисодий жиҳатдан баён этиш мумкин.**

Дастлаб кичик бизнес ва хусусий секторнинг микроиқтисодий жиҳатдан иборат бўлган афзалликларини кўриб чиқамиз:

1. Кичик ва хусусий корхоналарда тадбиркорлик ва ишбилармонликка хос руҳ яққол ва доимий мавжуд.
2. Ишбилармонлар ўз корхоналарида кўп ишларни бирдай бажаришга, яъни бир вақтда бир неча касб-хунарни қўшиб олиб бориш имконига эга.

3. Ҳар қандай кичик ёки ўрта корхона ўзидан юқорида бўйсунувчи органи бўлмагани сабабли эркин ҳаракатланади. Шу туфайли ташаб-

<sup>92</sup> Ислом Каримов. Ватанимиз ва ҳалқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатdir // Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-том. Тошкент: Ўзбекистон. 2008. 101-бет.

бускор ва ҳаракатчан ишбилармонлар улкан имкониятларни күпроқ қўлга киритишлари мумкин.

4. Бундай корхоналар маҳаллий муҳитта тез кўникувчан бўлганлиги сабабли, маҳаллий бозорнинг урф-одатлари, талаблари, нимани ағзал қуриши ва бошқа ўзига хос жиҳатларини ўрганиб, ишни шунга мувофиқ ташкил этилишига тўла имкон яратади.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари йирик рақобатчиларга нисбатан мослашувчан, айниқса, мавсумий характердаги ёки ихтисослашган бозор муҳитида катта афзаликларга эгадир.

6. Моддий ютуқقا тезкорлик билан эришиш имкони мавжуд, яъни бир вақтда ҳам маош, ҳам бизнесдан тўла дивиденdlар олишга эришиш мумкин.

7. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда йирик корхоналарга кўра ишлаб чиқариш ва бозор конъюнктурасига мослашиш имкониятлари кенгроқ. Бундай фирмалар бозор талабига кўра, зудлик билан зарур товар ишлаб чиқаришга ўтадилар, тезкор қарорлар қабул қилиш даражаси юқори.

8. Бизнес яхши юришиб кетганда, ишбилармонга зарур бўлиб қолганда, ишни осонгина ва катта фойда билан сотиб юбориш мумкин.

9. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда харажатларнинг минималлигини иш ҳақига, ускуна ва иншоотларга ҳамда бошқаришга бўлган харажатларни нисбатан кам сарфланади.

Ушбу субъектив омилнинг **макроиқтисодий жиҳати** ўша мамлакатнинг олиб бораётган монетар сиёсатига боғлиқ. Кўп ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мураккаб иқтисодий муаммоларни ҳал этгани туфайли, унинг тараққиётига алоҳида эътибор берилган<sup>93</sup>. Бундай давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий юксалишида бизнес секторнинг улуши катта.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти туфайли АҚШда ялпи миллий маҳсулотнинг 40%и ишлаб чиқарилса, Германияда ялпи

<sup>93</sup> Қаранг: Рубе В. А. Малый бизнес: история, теория, практика. М.: ТЕИС, 2000. С. 69-78.

ички маҳсулотнинг учдан икки қисми 2,1 миллионта майда ва ўрта бизнес субъектлари ҳиссасига тұғри келмоқда. Францияда эса кичик ва ўрта корхоналарда ишлаётган 12 млн. ишчининг инвестициялардағи улуши 48%, савдо айланмасида 60,2%, экспортда эса 49,6%ни ташкил этмоқда<sup>94</sup>.

### 2.3-чизма

#### Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг микроиқтисодий ва макроиқтисодий жиһатдан афзаллilikлари



Италияда 99% корхоналар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан машғул. У ерда иш билан банд этиш сиёсатидаги ўзгаришларга оператив мослашиш, ишлаб чиқариш тизимларини тез тартибга солиш, ўз маҳсулотларини истеъмолчиларғача етказиб бериш йұлларини яратиш ҳисобига, саноат ва хизмат күрсатиши соҳасида күпроқ кичик тадбиркорлик тизимлари динамик жиһатдан устунликка эришган. 90-йилларда ёқишли кучи 300 кишидан ортиқ бүлмаган корхоналар улуши мамлакат экспортынинг 40%ини ташкил этган<sup>95</sup>. Бундай корхоналарни құллаб-куватлашаңда давлат томонидан молиявий ёрдам ҳам күрсатиласа. Чунончи, янги тузылған корхоналар солиқ тұловларидан озод этилғанли-

<sup>94</sup> Қаранг: [www.21astr.uz](http://www.21astr.uz) // Жаҳон иқтисодиётининг таянч нүктаси. Маълумот 23 декабрь, 2010 йыл ҳолатига тұғри.

<sup>95</sup> Краюхин Г. и др. Малые предприятия в условиях рынка. Ташкент: Узбекистан, 1991. С. 12.

ти ҳисобига ГФРда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий фаолиятида «миттельштанд»лар<sup>96</sup> күпроқ устунликка эга, яъни якка мулкилидаги бундай корхоналарнинг 90%и кичик ва 50% ўрта корхоналардир. Шунингдек, 6% кичик ва 10% ўрта корхоналар «тӯла шерикчилик» усулида иш олиб борадилар. «Миттельштанд»нинг яна бир қўриниши бўлган «масъулияти чекланган жамият» эса 5% кичик, 17% ўрта корхоналарни ўз ичига олган. Хусусан, 1,5% кичик ва 15% ўрта корхоналар «коммандитли шерикчилик» асосидаги корхоналардир. «Акционерлик жамияти» шаклидаги кичик корхоналар мавжуд эмас, аммо бундай ўрта корхоналар 0,2%ни ташкил қиласди<sup>97</sup>.

Японияда эса жами компанияларнинг 99,7% кичик ва ўрта бизнесга тўгри келиб, шундан 87%и фақат кичик корхоналардир<sup>98</sup>.

АҚШда «Small Business Administration» маълумотига кўра, 98% компаниялар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан машгул ва улар мамлакат ЯММнинг 40%ини яратади<sup>99</sup>. Янги технологиялар ва ихтиrolарнинг 90%и кичик фирмаларда ишлаб чиқлади. Машинасозлик соҳадаги 27% ана шундай корхоналарда, ишчилар сони 100 кишигача боради<sup>100</sup>. Бу ерда ишлаб чиқариш, хизмат курсатиш ва савдо тармоғида бизнес сектор – иш ўринларини яратишдаги асосий манба, яъни янги иш жойларининг 3/4 қисми<sup>101</sup> шу секторда яратилади. «World's Epsilon Enterprises Inc.» компанияси президенти А. Левининг таъкидлашича, «АҚШда ...мехнатта лаёқатли аҳолининг 90%дан ортиғи иқтисодиётнинг ушбу тармоғида фаолият юритади»<sup>102</sup>.

<sup>96</sup> Немисча «mittelstand» кичик ёки ўрта хусусий тадбиркорлик корхонаси демакдир.

<sup>97</sup> Шулус А. А. Мелкие и средние предприятия в народном хозяйстве ФРГ. // Российский экономический журнал. 1993. №3. С. 79–80.

<sup>98</sup> Приоритет малому бизнесу // Правда Востока. 29 декабря, 2010. №250.

<sup>99</sup> Абдурахманов М., Кодиров Б. Малый бизнес в США. // Тезисы докладов ТГЭУ, Тошкент, 1996. С. 43.

<sup>100</sup> Краюхин Г. и др. Малые предприятия в условиях рынка. Ташкент: Узбекистан, 1991. С. 14.

<sup>101</sup> Абдурахманов М., Кодиров Б. Малый бизнес в США. // Тезисы докладов ТГЭУ, Тошкент, 1996. С. 44.

<sup>102</sup> Халқ сўзи. 28 декабря, 2010. №249. З-бет.

ХХ аср 80-йилларидан Буюк Британияда ҳам кичик тадбиркорлик иқтисодиётнинг барча соҳаларида ривожланиб борди. 1990 йилга келиб, улар деярли, 2,4 млн.га етдики, мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатувчи хусусий корхоналарнинг умумий сонидан 96%ни ташкил этган. Бундай корхоналарда ишлаётган кишилар сони ўртача 20 кишидан иборат<sup>103</sup>. Бу мамлакатда купчилик корхоналар кичик ва энг кичик табақага мансуб, масалан, 1579 минг корхонада 1-2 тадан ишчи ёлланган, 173 минг корхонада – 3-5 тадан, 190 мингтасида – 6-9 ва фақатгина 140 минг фирмада 11-19 тадан ишчи кучи ёлланган<sup>104</sup>. Шуниси эътиборлики, Англияда 25-49 киши банд бўлган корхона ва фирмаларнинг ўртача 70% 10 йилдан кўпроқ яшайди. 1980-1989 йиллар мобайнида 1,9 млн. янги компаниялар рўйхатга олинган бўлса, 1,5 млн. корхона эса ўз фаолиятини тўхтатган ва соғ ўсиш 29%га<sup>105</sup> етган.

### 2.3-жадвал

Айрим мамлакатлар иқтисодиётида кичик ва ўрта корхоналар ўрни<sup>106</sup>

Мамлакатлар	Умумий бандликда кичик ва ўрта корхоналар улуши (%)	Мамлакат ЯИМда кичик ва ўрта корхоналар улуши (%)
Буюк Британия	52	53-56
Германия	69	55-57
АҚШ	53	50-52
Япония	78	52-55
Венгрия	65	50-52
Польша	60	50-52
Россия	13	10-11

Англия ҳукуматининг консерватив сиёсати хусусий тадбиркорликни юксалтириш мақсадида молиявий жиҳатдан муҳим имтиёзлар яратди. Кичик бизнесни кучайтириш учун маҳсус дастурлар қабул қилинди, консалтинг хизматлари ва бизнес техникасини ўргатиш

<sup>103</sup> Сорокина В. Государственное регулирование малого бизнеса: опыт Великобритании // Манба: [http://vasilieva.narod.ru/pptu/19\\_2\\_98.htm](http://vasilieva.narod.ru/pptu/19_2_98.htm).

<sup>104</sup> Данишевская Г. Мелкий бизнес в Великобритании // Ж. МЭиМО. 1992. №3. С. 121.

<sup>105</sup> Ўша жойда. 121-бет.

<sup>106</sup> Манба: [www.giac.ru/content/document](http://www.giac.ru/content/document). Жавдалда 2002-2004 йилларда ҳар бир давлатнинг миллый стандартига мувофиқ равишда ўртача ҳисобдаги маълумотлар берилган.

бўйича курслар ташкил этилди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бундай корхоналар мамлакат иқтисодиёти учун анча са-марали бўлиб, ҳар йили янги ишга туширилаётган бу каби корхоналар улушига 57% янги иш ўриналари тўгри келар экан<sup>107</sup>.

Албатта, мамлакатнинг умумий иқтисодий аҳволи ҳам бизнес секторни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Чунки, 1982 йилдан Англия иқтисодиёти мутассил ўсиб борди ва 1985–1990 йилларда ЯММ ҳажми 20%га кўпайди. 80-йилларнинг иккинчи ярмидан мамлакат молиявий устунликка эриша бориб, инфляция даражасини 5–7%-гача пасайтириш имкониятига эга бўлди<sup>108</sup>. Шахсий истеъмол кенгайди, эркин меҳнат ва эркин фаолият туфайли тадбиркорликнинг маданий жиҳатлари юқорироқ даражага кутарилди.

Муаллиф томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва бошқариш заруриятини юзага келтириб чиқарувчи субъектив иқтисодий омиллар туркуми мавжуд, улар:

- тадбиркорликнинг юзага келиши,
- бозор муносабатларини вужудга келтириш ва ундан амалда фойдаланиш,
- иқтисодий эркинлик,
- фойда ва манфаатдорликка интилиш,
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг афзалликлари.

Ушбу субъектив иқтисодий омиллар мазкур секторни юксалтириш йўлида амалий фаолият билан боғлиқ иқтисодий жараённи ўзичига олади. Субъектив иқтисодий омиллар бозор муносабатларининг чуқурлашиб бориши жараёнида ўз-ўзидан фаоллашиб борувчи хусусиятга эга. Шу боисдан ҳам бу омилларнинг иқтисодий ҳаётдаги роли кучаяди.

## 2.2. Объектив иқтисодий омиллар

Бундай омиллар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ҳамда бошқариш заруриятини келтириб чиқарса-да, субъ-

<sup>107</sup> Манба: [http://vasilieva.narod.ru/ptpu/19\\_2\\_98.htm](http://vasilieva.narod.ru/ptpu/19_2_98.htm).

<sup>108</sup> Данишевская Г. Мелкий бизнес в Великобритании // Ж. МЭиМО. 1992. №3. С. 121.

ектив иқтисодий омиллар сингари ўз кучини ўзоқ даврлар сақлаб қола олмайды. Давр үтиши билан жамиятнинг ривожланиши ва тараққий этиб бориши натижасида объектив ҳолатлар ўзгаради ва бошқа күринишдаги объектив реаллик юзага келади.

Масалан, Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган даврларда мамлакат иқтисодиёти маъмурый-буйруқбозлиқ тизимидан бозор иқтисодиёти тизимига ўта бошлади. Бозор иқтисодиёти тизимида эса, бозор субъектларининг эркин фаолияти таъминланди. Иқтисодиётнинг ривожланишида бозор механизмининг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Талаб ва таклиф қонуниятларига асосланган ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу эса бозор мувозанатини юзага келтирувчи ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг мувофиқ ҳаракатларини таъминлашга олиб келди. Шундай экан, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига үтиш объектив реалликка айланди. Лекин, вақти келиб бу объектив реаллик ўз кучини йўқотади. Чунки, Ўзбекистон ўз иқтисодиётини бозор муҳитига ўtkазиб бўлади. Унинг ўрнига бошқача күринишдаги объектив вазият шаклланиши мумкин.

Объектив вазиятларнинг ривожланиши қарама-қарши зиддиятлардан иборат бўлади. Ана шу зиддиятларни бартараф этишнинг турли имкониятлари юзага келадики, уларни ўз манфаатлари йўлида шартшароитларни яратиб борувчи инсонгина амалга ошира олади.

Кўйида миллий иқтисодиётимизни бозор иқтисодиётига асослаётган даврларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ҳамда бошқариш заруриятини келтириб чиқарувчи объектив иқтисодий омиллар тўғрисидаги мулоҳазаларимизни баён этамиз.

### *2.2.1. Инвестицион сиёсат ва инвестицияларни жалб этишини кенгайтириши*

Биз 2.1.5-бандда турли мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг афзаллик жиҳатлари тўғрисидаги мулоҳазаларимизни баён этдик. Бундай давлатлар иқтисодиётида хорижий инвестициялар муҳим ўрин эгал-

лаган. Бошқача айтганда, ҳар қандай давлат ҳудудий иқтисодиётни бошқаришда, у ёки бу тарзда ўзининг инвестицион сиёсатини юритади. Ўзбекистонда эса айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида **инвестицион сиёсат ва инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш** объектив иқтисодий омил сифатида майдонга чиқди.

Масалан, АҚШ иқтисодиёти дастлаб Нидерландия, кейинчалик Англия, Канада, Германия, Япония инвестицияси таъсирида кучайган. Хусусий капитал экспорти бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб келаётган давлат – Япония ҳам, ўз иқтисодиётини чет эл капиталисиз тасаввур қила олмаган.

«Шарқ йўлбарслари» деб аталган Жанубий Корея, Таиланд, Малайзия, Сингапур каби давлатлар ҳам хорижий инвестиция туфайли ривожланди. Жанубий Осиё мамлакатлари иқтисодиётида эса, Япония инвестицияси салмоқли ўринни эгаллайди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз даврида «жаҳон фабрикаси» номини олган Хитой 1990 йилда 10,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий сармояни ўзлаштирган. 2005 йилга келиб бу рақам 68 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Шубҳасиз иқтисодиётдаги мўъжиза туфайли Чин юрти бирин-кетин Германия, Франция, Англия ва Япония сингари гигантларни қувиб ўтди. Айрим иқтисодчиларнинг эътироф этишларича, Хитой 2030 йилга бориб, АҚШни ҳам ортда қолдириши мумкин. Вашингтондаги Петерсон ҳалқаро иқтисодиёт институтининг эксперти Николас Ларди эса охирги ўн йилликда Хитой Японияни ортда қолдирганилигини тасдиқлайди.

Шундай қилиб «...кўпчилик давлатларнинг тарихи шуни кўрсатадики, агар хорижий мамлакатлардан сармоя келмаса, инвестиция келмаса, ҳеч қачон бу давлатлар бугунги ривожланиш даражасига кутарила олмас эди»<sup>109</sup>. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва бошқариш заруриятини юзага келтирувчи омиллардан бири – инвестицион сиёсатни изчил олиб бориш, яъни

<sup>109</sup> Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-том. Тошкент: Узбекистон, 1999. 45-бет.

қонунларга асосланиб, пул-кредит ресурсларининг тақчиллиги туфайли Республика иқтисодиётiga хорижий инвестицияни жалб қилишда кучлирагбатлантирувчилик сиёсатини олиб бориш зарур.

«Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириши – ислоҳотлар стратегиясининг жуда муҳим шартидир. Иқтисодиёт тузилиши қайта қурилишининг белгиланган йўналишлари, экспорт имкониятигининг кенгайтирилишига бакувват инвестиция сиёсатини ўтказиш йўли билангина эришиш мумкин»<sup>110</sup>.

2010 йилнинг статистик маълумотларига қараганда, Узбекистон 170 га яқин (жаҳон мамлакатларининг 68%ни ташкил этади) давлатлар билан ўзаро иқтисодий алоқалар ўрнатган бўлса, 80 дан ортиқ давлатларга ўз маҳсулотини экспорт қилмоқда.

Республикада инвестицион сиёсатнинг мазмуни ва йўналишлари купроқ қўйидаги ҳолатларга боғлиқ: биринчидан, ички капиталнинг етишмовчилиги; иккинчидан, ишлаб чиқариш тор доирада, яъни бир томонлама ривожланганлиги; учинчидан, техника воситаларининг эскириб қолганлиги; тўртинчидан, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш зарурлиги. Шу туфайли амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўзига хос йўналишларидан келиб чиқиб, инвестицион вазиятни янада яхшилаш учун қўйидаги шартларга эътибор бериш лозим:

- инфляцияни келтириб чиқарувчи барча ҳолатларнинг олдини олиш (бу инвесторнинг реал оладиган фойдасини кўпайтиради);
- миллий валюта (сўм)нинг қувватини мустаҳкамлаш (жаҳон бозоридаги ишончини ошириш);
- инвесторлар учун республикада олиб борилаётган ишлар бўйича батафсил ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини тезлаштириш мақсадида солиқларнинг энг минимал меъёрини белгилаш;
- имкон даражасида энергия ресурсларига бўлган баҳоларни камайтириш;

<sup>110</sup> Ислом Каримов. Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. З-том. Тошкент: Узбекистон, 1996. 349-бет.

– капитал қўйилмалар тузилишида рўй берадиган нохуш узгаришларнинг олдини олиш, акс ҳолда, уларнинг жамият учун ялпи фойдалилиги ошсада, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ортиши рўй бермайди. Бунга мисол: ишлаб чиқаришга давлат аралашуви кенгайиши билан корхоналар ўз маблағларининг бир қисмини атроф-муҳит ва соғлиқни муҳофаза қилиш учун сарфлашга мажбур бўлишидир;

– транспорт ва алоқа коммуникацияси муаммоларини ҳал этиш, чунки қулай ривожланган транспорт ва алоқа тизимисиз республика-нинг иқтисодий салоҳиятини кенгайтириб бўлмайди;

– аҳолининг сиёсий ва маънавий маданиятини янада ошириш;

– ҳар икки (инвестор ва унинг капиталидан фойдаланувчи) мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини мувофиқдаштириш ва ўзаро қўллаб-куватлашни йўлга қўйиб, самарали ҳамкорликни кучайтириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш заруриятини келтириб чиқаришда инвестицион сиёсат юритиш ва уни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этар экан, давлатимиз томонидан ушбу йўналишда белгиланган устувор вазифаларни бажарилишида фаол иштирок этмоғимиз даркор.

## 2.2.2. Тайёр маҳсулот экспортига ўтиш

Объектив иқтисодий омиллардан яна бири – бу мамлакатни хомашё экспортидан тайёр маҳсулот экспортига ўтказиш зарурлиги ҳисобланади. Маълумки, бизнинг жамият маданий индустрисал қурилиш асосида бозор муносабатларини шакллантириб бормоқда, яъни биз меҳнатни ишлаб чиқариш асосида ташкил қилиб, молиявий ишларда мустаҳкам интизом ўрнатган ҳолда иш юритишни афзал кўрдик.

Таниқли иқтисодчи А. Смит фикрича, «мамлакатнинг бойлиги ундаги мавжуд олтинарга эмас, балки мавжуд маҳсулот ва хизматларга асосланади»<sup>111</sup>. Маҳсулот ва хизматлар эса ишлаб чиқариш туфайлигина кўпаяди. Ишлаб чиқариш жараёни эса корхоналарда амалга

<sup>111</sup> Дэниельс Дж. Д., Радеба Ли Х. Международный бизнес. М.: Дело LTD. 1994. –С. 123.


ошади. Интенсив ўсиш күпроқ ишлаб чиқариш билан бөглиқ жараён. Шу сабабли республиканинг иқтисодий тараққиётида ишлаб чиқариш соҳаси муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда маҳсулот ишлаб чиқаришда сифат устуворлигига жиiddий эътибор бериш талаб этилади. Бу эса маҳсулот экспортини амалга оширишнинг имконини яратади. Аммо, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида экспортни ошириш борасида жузъий муаммолар бор. Айниқса, жаҳон миқёсида рўй берган молиявий-иқтисодий инқироз даврида бундай муаммо кўлами янада ортади. Чунки, жаҳон бозоридаги талабнинг камайиши ва бу каби бошқа ташқи омиллар маҳсулотни экспортига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўз асарларида хомашёни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот яратадиган корхоналарни кўпайтириш заруратини, «чет эллик шерикларимиз билан замонавий ихчам корхоналар ташкил этиб...», «республиканинг ўзидағина эмас, жаҳон бозори талабларига дош берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш асосий вазифамиз бўлиши»ни<sup>112</sup> бир неча бор таъқидлаган.

#### 2.4-чизма

##### Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ташқи иқтисодий фаолиятининг ўсиш динамикаси (%)<sup>113</sup>



<sup>112</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқол, иқтисод, сиёсат, мафқура. Тошкент: Ўзбекистон, 1993. 114-бет.

<sup>113</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Президент Ислом Каримов, мустақил Ўзбекистон тараққий эт-ган барча мамлакатлар қатори, энг аввало, тайёр маҳсулотлар билан савдо қилажагини эътироф этади<sup>114</sup>. Ислоҳотларнинг дастлабки кунларидаёқ, бу масаланинг аҳамиятини ҳисобга олиб, маҳсулотни экспорт қилишга асосланган иқтисодиётни шакллантиришга доир маҳсус дастур ишлаб чиқилди. Бу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш заруриятининг юзага келиши табиий ҳоддир.

Фикримизча, бу омил туфайли минтақалар, тармоқлар, биринчи навбатда корхоналар ва унда банд бўлган ходимларнинг иқтисодий манфаатдорлигини оширадиган зарурӣ, ташкилий-иктисодий шартшароитларни яратиш вазифаси, алоҳида долзарблик касб этади.

Демак, илмий тадқиқотларимиз натижасида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва бошқаришни тақозо этувчи объектив кўринишдаги иқтисодий омилларни ҳам мавжуд, деб ҳисобладик. Объектив иқтисодий омиллар тайёр маҳсулот экспортига ўтиш ҳамда инвестицион сиёsatни кенгайтиришни ўз ичига олар экан, республика иқтисодиётини бир томонлама ривожланишига чек қуяди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқариш муаммоларини бартараф этишда ўз таъсирини утказади. Мамлакатда саноатни, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, уни маҳаллийлаштириш тизимини кенг ривожлантиришда хусусий бизнес соҳасининг алоҳида муҳим аҳамиятли жиҳати бор.

### 2.3. Демографик омиллар

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси 28,2 млн. кишидан ошди. Ўзбекистон аҳолиси жиҳатидан МДҲ мамлакатлари орасида Россия (142 млн. киши) ва Украинадан (46 млн. киши) кейин 3-уринда ту-

<sup>114</sup> Қаранг: Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукӯрлаштириш йўлида // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 187–190-бетлар.

ради. Шунинг учун аҳоли сонига кўра, ўртача давлатлар қаторидан жой олган. Республикада яшовчилар сони жиҳатидан жаҳон бўйича 43-ўринда ва Осиё давлатлари орасида 18-ўринда туради.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши бўйича юқори кўрсаткичлар 1959–1970 йилларга тўғри келиб, иилига ўртача 3,8%ни ташкил этган. 2004–2009 йилларда эса ўртача йиллик ўсиш 1,4%ни ташкил этиб, бу – жаҳон миқёсида ўртача кўрсаткич ҳисобланади.

Сунгги йилларда мамлакатимизнинг демографик кўрсаткичлари ўзига хос бўлиб, туғилиш коэффициентида камайиши кузатилса-да, жаҳон бўйича олинган (20%) ўртача кўрсаткичга нисбатан 3,6%га кўпдир. Ўлим даражаси (5,1%) эса жаҳон кўрсаткичларига (8%) нисбатан 2,9 пунктга кам. Шу боис, Ўзбекистонда ўсишнинг табиий коэффициенти 18,5%ни ташкил этиб, жаҳон миқёсидаги ўртача кўрсаткичга (12%) нисбатан олганда 6,5 пунктга кўп эканлигини кўрсатади.

Жаҳон миқёсидаги ривожланган мамлакатлар аҳолисининг таркибида эса юқоридаги каби статистик кўрсаткичлар аксинча кўринишларни намоён этади. Бошқача айтганда, Европа Иттифоқи таркибидаги аксарият давлатлар, қолаверса, Россияда ҳам аҳоли қаридар борувчи тенденцияга эга.

Фикримизча, аҳолининг ўсиши ёки камайиши туфайли ҳар бир мамлакатда ўзига хос **демографик муаммолар** шаклланади. Масалан, Европа мамлакатларида аҳолининг қаридар бораётганлиги туфайли, ишчи кучига бўлган талабнинг ошиши билан боғлиқ демографик муаммолар юзага келаётганлиги табиий ҳол. Ўзбекистонда эса аксинча, ишчи кучининг таклифи анча юқори. Бу, ўз навбатида, янти иш ўринларини яратиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш заруриятини келтириб чиқаради. Бундай иш ўринларини яратишнинг асосий ўйналишларидан бири – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдан иборат.

Маълумки, бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ҳар қандай давлат иқтисодиётида кичик бизнәс ва хусусий тадбиркорликни ри-

вожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Чунки, хусусий тадбиркорлик, бозор иқтисодиётининг ажралмас унсуридир. Шунинг учун Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида рўй бераётган молиявий-иктисодий инқироз жараёнларида эса ушбу хусусий секторни ривожлантиришга бўлган эътиборнинг аҳамияти янада ошмоқда. Чунки, аҳолининг иқтисодий фаоллиги Ўзбекистон шароитида анча юқоридир. Буни 2.3.1-жадвалдан кўриш мумкин.

#### 2.4-жадвал

##### Аҳолининг иқтисодий фаоллиги ҳақида маълумот<sup>115</sup> (фоизларда)

Худуд миқёси	Аёллар	Эркаклар
Дунё бўйича	53,1	80,3
Ривожланган мамлакатларда	50,4	67,5
Ўтиш давридаги мамлакатларда	51,0	70,5
Ўзбекистонда	68,9	72,7

2.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда аёллар ва эркакларнинг иқтисодий фаоллиги кўрсаткичи, ривожланган ёки ўтиш давридаги мамлакатлардаги ҳолатдан юқори. Бироқ, айнан эркакларнинг иқтисодий фаоллиги кўрсаткичи, дунё бўйича берилган ўртача кўрсаткичдан паст. Бу ҳолат эркакларни меҳнатда банд этилишидаги муаммоларни чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

Олиб борилаётган илмий тадқиқотларимизда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг заруритини келтириб чиқарувчи омиллар туркумида демографик омиллар муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этиш керак.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш заруритидан келиб чиқиб, демографик омилларни таҳлил этар эканмиз, Ўзбекистон шароитида ушбу омилларнинг икки томонлама хусусияти борлигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Биринчиси,

<sup>115</sup> Манба: //Демоскоп weekly. Электронная версия бюллетеня Население и общество. Центр демографии и экологии человека Института народнохозяйственного прогнозирования РАН. М. №377-378. <http://esa.un.org/unpp/>.

мустақилликнинг илк даврларидан маълум бўлдики, қишлоқ жойларида ортиқча ишчи кучи мавжуд булиб, уларни иш билан банд этишда муаммолар юзага кела бошлади. Омилнинг бу томони меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш йўлларини топиш ва иш жойи билан тъминлаш муаммоларини таҳдил қилишни тақозо этади. Бундай таҳдил кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини, авваламбор, қишлоқ жойларида ташкил қилишни талаб қиласи. Аграр сектордаги ортиқча ишчи кучини банд этиш, уларни ишлаб чиқаришга, хизмат соҳаларига жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир иқтисодий муаммолардандир.

## 2.5-чизма

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда давлат томонидан тартибга солиши заруритини юзага келтирувчи демографик омиллар<sup>116</sup>**



Умуман, 2007 йил 1 январь ҳолатида республикада аҳоли зичлиги ҳар бир кв.км.га 59,6 киши тўғри келиб, бу кўрсаткич 2004 йил 1 июль ҳолатидаги миқдордан 2 пунктга ошганлигини кўрсатади. Фарғона водийси буйича эса ҳар бир кв.км.га ўртача 435,1 кишидан кўпроқни ташкил этади. Демак, бу ҳудудда аҳоли зичлиги республикадагига нисбатан 7,3 марта ортиқдир<sup>117</sup>. Шундай экан, меҳнат ресурслари

<sup>116</sup> Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>117</sup> Узбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблари.

миқдори ҳам, Фаргона водийси ҳудудида юқори. 2007 йилнинг бошидаги даврга кўра, республиканинг қишлоқ жойларида аҳоли 63,9%ни ташкил этган.

Бугунги кунда, айнан, қишлоқ жойларида одамларни иш билан банд қилиш, даромад манбалари билан таъминлаш, айниқса, кескин муаммо эканлиги маълум. Шу боис, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва бошқариш зарурияти «биринчи навбатда меҳнат ресурслари ва хомашё манбаларига – авваламбор, қишлоқ жойларига яқинроқ жойлаштириш»ни<sup>118</sup> ўз ичига олади. Ҳукуматимиз томонидан бундай чора-тадбирларни амалга ошириш мустақилликнинг ilk йилларидан бошланган бўлса-да, «айни пайтда қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб борганига қарамай, ҳали-бери паст даражада – бор-йўти 26,8 фоиз булиб қолаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айтиш керакки, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳам талаб даражасида эмас»<sup>119</sup>.

Қишлоқларимизда ҳаёт сифатини яхшилаш ва қишлоқ ҳўжалиги тармоқлари самарадорлигини оширишга янги руҳ бағишилаш мақсадида 2009 йилни Президентимиз Ислом Каримов томонидан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровошлиги йили” деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26 январь 2009 йилдаги ПҚ-1046 Қарорига кўра, қишлоқларни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга қаратилган Давлат дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурда қишлоқ жойларида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, маҳаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқларда саноат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш йўналишидаги чора-тадбирлар белгиланди ва уларни амалга оширишга киришилди. Шундай экан, албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари янада кенгая бошлади.

<sup>118</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мағқура. Тошкент: Ўзбекистон, 1993. 114-бет.

<sup>119</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 25–26-бетлар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш заруритини келтириб чиқарувчи демографик омилнинг иккинчи томони, бу – аҳолининг катта қисми ёшлардан иборат эканлиги. Мамлакат аҳолисининг 34 ёшгача бўлган қисмини ҳисобладиган бўлсак, улар 18656 минг кишидан кўпроқни ташкил этиб, жами аҳолининг 70%дан кўпроғини ташкил этади. Агар 1996 йилларга тўғри келадиган статистик маълумотларга кўра, меҳнат ресурсларига ҳар йили ўртacha 300–350 минг ёшлар келиб қўшилган бўлса, 2007 йилга келиб йилига ўртacha 422,5 минг ёшлар меҳнат ресурсларига келиб қўшилдилар.

2010 йилнинг бошига келиб аҳолининг 35 %ини 16 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Аҳолининг 16 ёшдан 55 (эркаклар - 60) ёшгача бўлган қисми 58 %ни ва атиги 7 %и 55(60) ёш ваундан катталарни ташкил этади.

Ҳозир Ўзбекистон аҳолиси ўртacha 25,5 ёшни ташкил қилади. Бу эса Марказий Осиёда умумий меҳнат ресурсларининг 40%и бизнинг республикага тўғри келишини кўрсатади. Шу билан бирга, республика аҳолисининг деярли 2/5 қисми яқин йиллар ичida меҳнат ресурслари сафига қўшилиши кутилаётган ёшларни ташкил этади<sup>120</sup>.

Далиллардан кўриниб турибдики, макроиқтисодиётнинг асосий муаммоларидан бири – аҳолини иш билан бандлигини таъминлашдан иборат. Бугунги кунда бу – долзарб масала. Чунки, аҳолининг «ёшлиги» ва табиий ўсишининг юқорилиги аҳоли таркибида меҳнат ресурсларининг (ҳозир 17157,6 млн. киши ёки мамлакат аҳолисининг 60,7%ини ташкил қилади<sup>121</sup>) кўпайишига олиб келди. Бу эса иш билан банд этиш муаммоларини янада кескинлаштириши табиий.

Шунингдек, Ўзбекистонда «оналар ўлими даражаси 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баравар камайди. Ушбу даврда, яъни қарийб 20 йил мобайнида одамларнинг ўртacha умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга-


<sup>120</sup> Статистик маълумотлар асосида муаллиф ҳисоблари. Манба: Ўзбекистон Республикаси ийллик статистик туплами 2007. Тошкент: Matrix Print, 2008. 46-бет.

<sup>121</sup> Маълумот 2011 йил январь ҳолатига тўғри бўлиб, <http://www.stat.uz/rows/78/> сайтидаги статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

ча ошди»<sup>122</sup>. Бундай курсаткичлар Ўзбекистонда аҳолининг тез суръатларда кўпайиб боришига замин яратади.

## 2.6-чизма

### Ўзбекистонда аҳолининг асосий ёш гурухлари бўйича тузилмаси<sup>123</sup>



Жаҳон молиявий-инқирози рўй берган ҳозирги глобал шароитларда Ўзбекистонда бандлик муаммоларини ҳал этишга бўлган эътибор янада ошмоқда. Ана шундай даврда «кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул восита...»<sup>124</sup> эканлигини чуқур англамогимиз зарур.

Аҳолининг катта қисми ёшлардан иборат эканлиги омил сифатида нафақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқариш заруриятини юзага келтириб чиқаради, балки унинг келажакдаги иқтисодий тараққиётнинг самарали йуналиши сифатида белгилаб олишни ҳам талаб қиласди.

Хулоса шуки, республикада ўзига хос демографик ҳолат юзага келган. Аҳоли таркибида меҳнат ресурсларининг ортиб бораётганлиги,

<sup>122</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига багишлиган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи. 22 сентябрь, 2010. №184.

<sup>123</sup> Манба: Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетенъ 2010 йил январь - март. Тошкент: 2010. 15-бет.

<sup>124</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 46-бет.

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш зарурияти кучаймоқда. Бу ўз навбатида бизнес секторни ривожлантиришда демографик омилларни ҳисобга олишни тақозо этмоқдаки, бу қишлоқда меҳнат ресурсларининг ортиқалиги ва аҳолининг катта қисми ёшлардан иборат эканлиги билан изоҳданади.

Демографик омилларнинг мазмун-моҳиятидан кўриниб турибдики, бугунги кунда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш узлуксиз жараёнлардан иборат бўлса-да, «биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва қасачиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш, қишлоқ жойларида чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда»<sup>125</sup>. Демак, бу ишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, зарурият тариқасида муҳим долзарблик касб этмоқда.

## 2.4. Илмий-техника даражасининг ўсиб бориши

Кичик бизнес секторини шакллантириш ва бошқариш заруриятини юзага келтирувчи энг муҳим омиллардан бири – **илмий-техника даражасининг ўсиб бориши**. Бу омил илмий-техника тараққиёти билан бодлиқ бўлиб, инсоннинг ҳаётий даври мобайнида такомиллашади ва ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишнинг турли соҳаларида ишга солинади.

Ривожланган мамлакатларда, айниқса, электроника, кибернетика ва информатика соҳалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти туфайли ривожланган. Масалан, АҚШда 50%гача илмий-техник ишланмалар кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади<sup>126</sup>. АҚШда илмий-

<sup>125</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 24–25-бетлар.

<sup>126</sup> Қаранг: Амалий иқтисодиёт: Ўқув қўлланма, 1 - китоб. Таржимонлар: И. Фозилов ва бошқалар. Junior Achievement. Тошкент: Шарқ, 1996.

техника тараққиётининг ривожланиши машиналар, асбоб-ускуналар, компьютер техникаси, алоқа воситалари нархларининг пасайишига олиб келди. Бу биринчи навбатда, тадбиркорларга унча кўп бўлмаган бошлангич капитал асосида, ўрта ва, ҳаттоқи, йирик корхоналар билан муваффақиятли рақобатлаша оладиган майда ва кичик фирмалар ташкил қилишга имкон берди. Илмий-техника салоҳияти, фаннинг ривожланиши, илмий кашфиёт ва ихтиrolарни яратилиши, янги техника ва технологияларни барпо этилиши, у асосида ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий усулларини амалиётга тадбиқ этилиши туфайли ошиб боради.

Манбаларга кўра, «XX асрнинг 61 та йирик кашфиётларидан 48 таси майда ва хусусий корхоналарда очилган. Антибиотиклар, инсулин, автоматик узатмалар, вертолётлар, кинескоплар, цеплофан, ксерокопия, шарикли ручкалар, «Polaroid» фотокамераси, микрокомпьютерлар каби ҳақиқий инқилобий янгиликлар кичик фирмалар томонидан яратилган ва биринчи бўлиб ўзлаштирилган»<sup>127</sup>. Япония мисолида олиб қарайдиган бўлсак, янги тажрибавий ишлаб чиқариш кичик фирмалар орқали бир ҳафта мобайнида йўлга қўйилади<sup>128</sup>.

Хитойда ҳам илмий-техника даражаси жуда тез суръатларда ўсиб борган. Бу давлатда техника-технология нусхаларини ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Европанинг аксарият йирик корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг хомашёси ёки ярим фабрикатлар (деталлар) Хитойдан келтирилади. Европанинг айрим мамлакатлари (Масалан, Финляндия)даги корхоналар ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариб, ҳаттоқи, уларнинг нусхаларини кўпайтиришни шартнома асосида Хитойдаги корхоналарга топширадилар.

Илмий-техника тараққиётининг инқилобий тарзда ривожланиши мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини оширади. Бундай ёндашув янги мураккаб техника ихтиросини таъминлай оладиган, кичик ва хусусий корхоналарнинг ривожланиши учун имкониятлар яратади.

<sup>127</sup> Гофуров У. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари // Иқтисод ва ҳисобот. 1997. №11–12. 18-бет.

<sup>128</sup> Қаранг: Российский бизнес // Международный журнал. 1991. №1.

Бунда бизнес секторнинг фаолият доираси янги-янги соҳалар билан кенгайиб боради.

Бугунги кунда инновацион фаолият ва илмталаб ишлаб чиқариш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик уз аҳамиятини тубдан узгартиримоқда. Кейинги 10 йилликда гарбий Европада технологик янгиликларнинг 1/3 қисмидан кўпроғи ана шу секторда татбиқ қилинган. Мисол учун Германияда бу кўрсаткич 48%га етади<sup>129</sup>.

90-йилларнинг бошларида жаҳоннинг ривожланган давлатларида янгиликлар ва илмий-технологик ишланмаларнинг бизнес секторга тўғри келган хиссаси Жанубий Кореяда – 82%, Швецарияда – 75%, Бельгия ва Люксембургда (ҳар бирида) – 73%, Японияда – 69%, Швеция ва Германияда – 68%, Буюк Британияда – 63%, Ирландияда – 62%, Францияда – 61%ни ташкил этди. Демак, илмий-техника тараққиёти ривожлангани сари ишлаб чиқаришнинг янги соҳалари очилади ва бу соҳаларни ҳаётга жорий этишда бизнес секторнинг фаолияти ҳам кенгайиб боради.

«Биз мамлакатимизнинг келажагини кўзда тутган ҳолда, бугунги кунда тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илгор, истиқболи илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимида ривожлантириш мақсадида Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари таркибида янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан билан самарали ҳамкорлик алоқалари үрнатишига эришмогимиз керак»<sup>130</sup>. Бугунги кунда мамлакатимизда юздан ортиқ ёш олимлар турли соҳада фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Уларнинг илмий ишлари натижасидаги ихтиrolар илм-фан соҳасини ривожлантириш билан бир қаторда, кичик бизнесни ривожланишига туртки бермоқда. Масалан, 2010 йилнинг ўзида мамлакатимиз ёш олимларимизнинг 10 та ин-

<sup>129</sup> Шулус А. А. Мелкие и средние предприятия в народном хозяйстве ФРГ. // Российский экономический журнал. 1993. №3. С. 23.

<sup>130</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойdevордир // Халқ сўзи. 2009. 6 декабрь. №237.

новацион ихтиролари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаоллик күрсатди.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланар экан, бу секторни «... илғор илм-фан ютуқларига асосланган...»<sup>131</sup> ҳолда ривожлантириш зарурлиги муҳим аҳамият касб этилоқда.

Дарҳақиқат, илмий-техника даражасини оширишда илм-фанинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳам айнан шу соҳаларни ўз ичига қамраб олади. Шундай қилиб, илмий-техника даражасининг ўсиб бориши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва бошқариш заруриятини юзага келтириб чиқарувчи алоҳида аҳамиятта эга бўлган муҳим омилдир. Чунки, фақат илмий-техника тараққиёти туфайлигина ва мамлакатимизнинг илмий-техникавий салоҳиятидан кенг фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг замонавий услублари амалиётга тез татбиқ этилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрнини алоҳида қайд этиш зарур.

---

<sup>131</sup> Ислом Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир // Халқ сўзи. 8 декабрь. 2010.

### **III БОБ.**


## **МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТИГА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТАЪСИРИ ҲАМДА СИФАТ ВА МИҚДОР МЕЗОНЛАРИНИ ТАРТИБГА СОАИШ**

### **3.1. Мамлакат иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни**

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий ва устувор йўналишлардан бирига айланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим иш эканлигига истеъмол бозорини товарлар ва хизматлар билан бойитиш муаммоси, шу билан бирга у орқали қатор иқтисодий ва ижтимоий масалалар ўз ечимини топади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг имиджи бугунги кунда бизнинг макрокӯламда жуда юқори баҳоланадики, буни давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитлар орқали англаш мумкин.

Бу соҳанинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий тараққиётга таъсири, энг аввало, шу билан белгиланадики, у республика аҳолисининг ишбилармонлик фаолиятини кенгайтирди (3.1-чизма). Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилиши Ўзбекистон иқтисодиётининг салоҳиятини оширишга ва очиқ иқтисодиётни тобора ривожланишига хизмат қиласи. Бундан ташқари у маънавий-маърифий аҳамиятга ҳам эга. Масалан, миллий ҳунарманчилик ва унтилган анъанавий соҳаларни қайта тиклаш орқали жамиятимизнинг маънавий қадрияларини жаҳонга намоён қилиш мумкин.

Давлат миқёсида (макрокўламда)ги иқтисодий-ижтимоий тараққиётга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таъсири<sup>132</sup>



<sup>132</sup> Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари миллий иқтисодиётнинг ҳаракатланувчанлиги ва мослашувчанлигини оширувчи бўғин сифатида майдонга чиқдики, бу билан истеъмол бозоридаги талаб ва таклиф даражаси ўртасидаги фарқ камайди ҳамда мувозанат барқарорлашди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик республикада ишлаб чиқаришни давлат монополиясидан чиқариш имконини берди. Бу унинг иқтисодий самарадорликдаги бир томони бўлса, иккинчи томони – у рақобат мұхитини пайдо қилди. Бу секторнинг ривожланиши рақобатнинг тақомиллашувига олиб келдики, бу билан у бозор структурасини ҳам яхшилай бошлади. Бундай бозор структураси туфайли республика иқтисодиётида, айни утиш даврида ижобий натижаларни қўлга киритиш қулайроқ кечди.

Рақобат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳаракатлантирувчи омилdir. Бинобарин, рақобатда голиб чиқиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ишлаб чиқариш харатларини камайтиришга, товар сифатини оширишга, товар сотилишини харидор учун қулайлаштиришга интилади, акс ҳолда товарларни пуллаб катта фойда кўриб бўлмайди. Шунинг учун кўп ва бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган йирик корхоналарга нисбатан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари юқорида қайд этилганидек, янги ғояларни кўпроқ ишлаб чиқаришга жалб этади, камроқ хатарга дуч келади, ўз ишини тезроқ қайта қуради ва шу тарзда илмий-техника тараққиётини кучайтиради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳамда уни давлат томонидан тартибга солиш, мамлакатда чукӯр таркибий ўзгаришларга асос солди. Бу ўзгаришлар қўйидагилардан иборат бўлди:

- ишлаб чиқаришни кенгайтириш туфайли қўшимча иш жойларини яратиб, аҳоли иш билан банд этилди;
- зарур ишлаб чиқариш ресурслари ва истеъмол буюмларини мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқаришни ташкил этилди;

- хомашё экспортидан тайёр маҳсулот экспортига ўтиш мақсадида, мамлакатдаги хомашёни қайта ишлаш орқали истеъмол учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилди;
- экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида рақобатбардош товарларни ишлаб чиқаришни жадал ўстиришга эътибор кучайди;
- импорт товарлар ўрнини боса оладиган товарларни кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тарақ-қиётга таъсирини кўрсатувчи жиҳатлардан бири, айниқса, ишлаб чиқариш таркибида сифат устуналигига эришиш, республикада импорт маҳсулотлар ўрнини босадиган товарлар ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш доирасини кенгайтирди.

Биргина 1995 йилда саноатнинг барча соҳаларида 400 дан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1996 йилнинг биринчи ярмида эса уларнинг яна 120 хили ўзлаштирилди. Шу туфайли макроиқтисодиётдаги доиравий ҳаракатда ҳам ресурслар, ҳам истеъмол бозорларининг кўлами кенгайди. Янги минитехнологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш кучайди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, 2010 йилга қадар Республикада жами 2,5 мингдан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Қишлоқ хўжалигининг деярли барча маҳсулотлари қишлоқ иқтисодиётидагина эмас, балки бутун миллий иқтисодиётда ҳам боргани сари асосий ишлаб чиқарувчи даражасига айланиб бораётган фермер ва деҳқон хўжаликлари кучи билан барпо этилмоқда. Агар 2009 йил якунига келиб Ўзбекистонда 215 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритган бўлса, уларда 1,6 млн. киши меҳнат билан банд бўлганлар. Бу эса шу соҳада иш билан банд бўлган аҳолининг 90,0 физини ташкил этди.

Қишлоқ жойларида иш билан бандлик даражасини оширишда шахсий томорқа хўжаликларини деҳқон хўжаликлари сифатида қайтадан рўйхатдан ўтказиш ҳам муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, 3,5 млн. шахсий томорқа хўжаликлиридан 2,1 миллионтаси деҳқон хўжаликлари сифатида қайта рўйхатдан ўтган.

Агар 2009 йилдаги ҳудудларга тегишли статистик күрсаткичларни таҳлил этадиган бұлсақ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши Бухоро, Жиззах, Наманганд, Самарақанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида сезиларлы даражада юқори бұлғанлигини күриш мүмкін.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фақат ахоли даромадининг манбай сифатидагина әмас, балки иқтисодий үсишнинг мұхим омили сифатида ҳам куринағи. 2009 йилда мамлакатда яратылған 940 мингдан зиёд янги иш үрнидан 390 мингдан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соңасында тұгры келиб, уларнинг 270 мингдан зиёди хизмат курсатын соңасында ва 130 мингта яқини каса начиликка тұгры келди. 2010 йилнинг бошидаги статистик маълумоттарға күра олғанда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликта мамлакат ахолисининг 76 фоиздан күпроғи банд.

2009 йилда биржада савдоларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 2,0 млрд. сұмдан ортиқ миқдордагы товарлар харид қилинди. Уларнинг 451,2 млрд. сұмлик товарлари сотилди, 2008 йилга нисбатан 25 фоиздан ортиқ битим тузилди. Ҳажми 2009 йилдагига қараста деярли 13 фоизга үсган ахолига хизмат күрсатын соңасында кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликтың роли сезиларлы даражада ошди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиёттинг бошқа тармоқтарынан нисбатан сезиларлы даражада кучли юксалиб бориши, унинг давлат томонидан тартибға солиниши ва мамлакатда яратылған бизнес-муҳит билан чамбарчас болғық.

### **3.2. Ижтимоий ҳимоя ва муҳофаза масалаларини ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликтың аҳамияти**

Давлатимиз ұз иқтисодиётини бозор муносабатларини шакллантиришга асослар экан, ижтимоий ҳимоя ва муҳофаза масалаларига доимо устуворлық беріб келген. Бизнинг жамиятда бозор иқтисодиёттинг

ривожланиб бориши «ўзбек модели» таркибидан жой олган кучли ижтимоий сиёсатни юритишдан иборат бўлган вазифаларни қамраб олган. Хусусан, ушбу соҳадаги айрим масалаларни ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти катта. Шу нуқтаи на- зардан олганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши, унинг ижтимоий соҳадаги самараодорлигини ўрганиш, энг аввало, аҳоли бандлиги ва меҳнат ресурсларининг ишга солиниши йўналишларини тадқиқ этиш билан боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти эркин ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг горизонтал муносабатларига таянар экан, ишсизликнинг ўсиши каби салбий ходисаларнинг бўлиши мумкинлигини эътиборга олиш зарур. Бундай муаммоларнинг аҳамияти иқтисодий ислоҳотларни амалга ошираётган Ўзбекистон каби МДҲ мамлакатларида, айниқса, ортади. Ишсизликни ҳал этиш мамлакатдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини яратилишига кўпроқ боғлиқ бўлди.

1998 йилга келиб, ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кура, Ўзбекистонда ишсизлик даражаси 9,8%ни, шу жумладан, аёллар ўртасида 11% ва эркаклар ўртасида 8%ни ташкил этган эди. Шундай бўлса-да, 1996–1997 йилларда қишлоқ жойларида 401,5 мингта янги иш жойлари яратилди. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимотда бу иш жойларининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида – 49,4 минг, савдо ва умумий овқатланишда – 34,7 минг, саноатда – 20,9 минг, шунингдек, уй-жой коммунал хўжалиги ва аҳолига майший хизмат кўрсатишнинг номоддий соҳаларида 9,8 мингтага тўғри келди.

Ушбу янги иш ўринларининг қарийб ярми якка тартибдаги бизнес фаолиятига тўғри келди. Ташкил этилган иш ўринларининг қолган ярми корхоналар ва ташкилотларга тўғри келди, яъни хусусий корхоналарда – 38,3 минг, давлатга қарашли корхоналарда – 19,2 минг, акциядорлик жамиятларида – 10,9 минг ва жамоа хўжаликларида – 15,9 мингта янги иш ўринлари яратилди. 1997 йилда иқтисодиётда банд бўлганлар сони 1994 йилдагига таққослаганда 529,7 минг кишига ёки 6,5%га кўпайган.

Умуман, 1995–1997 йиллар мобайнида 600 мингдан зиёд янги иш үринлари ташкил этилди. Агар 1999 йилда 4152,5 минг киши кичик бизнес соҳасида банд бўлган бўлса, 2000 йилда 4462,7 минг киши, 2002 йилда 5086,4 минг киши, 2003 йилда эса бу соҳада 5,5 ман. киши ёки иш билан банд бўлганларнинг 57%и меҳнат билан банд бўлдилар. Агар 2003 йилнинг ўзида 375 мингта янги иш үрни ташкил этилган бўлса, 2009 йилда иқтисодиётимизнинг кичик бизнес соҳасида ташкил этилган янги иш үринлари 390 мингдан ортди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш учун, қўшимча иш ҳақи олиш имкониятларини яратиш учун ва умуман ижтимоий самарадорликни ошириб, уни мувозанатини сақлаш учун бекиёс аҳамият касб этди. Бошқача айтганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик даромад олиш усули сифатида ишчи кучини меҳнатга жалб этувчи ва аҳолини иш билан бандлигини доимий таъминлаш мақсадида кишилар учун керак бўлган соҳадир.

1998 йилнинг ўзида аҳолини меҳнат билан бандлигини таъминлаш мақсадида амалда жорий этилган минтақавий дастурлар асосида 101 мингта янги иш үринлари яратилиб, уларнинг 69 мингтаси қишлоқ ҳудудларида, 98 мингтаси хусусий секторда ташкил этилди. Бу даврда расмий ишсизлар сони 55,7 минг кишидан иборат бўлиб, у иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг 0,6%-ини ташкил этди. Бу эса мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида яна-да чуқур сиёsat олиб боришни тақозо этди.

Бироқ, 1999 йил охирларига келиб, қишлоқ ҳужалигидан бўшатилган меҳнат ресурсларининг 25%га ошганлиги сабабли, уларнинг умумий сони салкам 303 минг кишини ташкил этди. Натижада, меҳнат идораларига мурожаат этганлар ва ишга жойлашганлар сонининг анчагина ўстанингига қарамай, ишсизлар сони 1,3 марта ортди ва 56,7 минг кишига етди.

Шу муносабат билан 2000 йилда “Бандлик” дастурини амалга ошириш орқали республикада 443,9 минг янги иш үринлари яратилди.

Уларнинг 323,3 мингтаси қишлоқ жойларига тұгри келиб, яратилған иш үринларининг умумий сонига күра 72,8%ини ташкил этди. Янги иш үринларининг катта улушы асосан, Фаргона (умумий сонига күра, қишлоқ жойларида 18,6%), Самарқанд (16,2%), Наманган (10,8%) вилоятларига тұгри келиб, айнан шу худудларда иш қидириб меңнат идораларига мурожаат қылғанлар сони ҳам күп бұлды. Хусусан, Фаргонада – 18,3%, Наманганда – 12,3%, Самарқандда – 11,3%ни ташкил этди. Республика бүйіча иш якунида жами иш қидириб юрганлар 42,0 минг кишини ташкил этди. Шундан 35,4 минг киши рұйхатта олингандардир. 2000 йилда ишсизлик даражаси 0,4%ни ташкил этди.

Аммо, 2002 йилга келиб, республиканинг қишлоқ жойларида янги иш үринларини яратиш жараёни секинлашды. Чунки, бу йилда қишлоқ жойларида жами яратилған янги иш үринлари 313,3 мингдан ошикроққа камайғанligини күрсатади. Қашқадарё (республикага нисбатан олғанда 14,8%), Самарқанд (11,1%) вилоятларидан янги иш үринларини яратиш сезиларлы даражада бұлса-да, Андіжон (7,5%), Наманган (6,6%) ва, айниқса, Навоий (3,7%), Сирдарё (3,6%) вилоятларидаги қишлоқ жойларида янги иш үринларини яратиш самаралы даражада бұлғаны йўқ.

2005 йил бошига келиб, тадбиркорлықни ривожлантириш туфайли республика бүйіча 427,5 мингта янги иш үринлари яратилиб, бу күрсаткыч 2003 йилдагига нисбатан 13,9 фоизга ёки 52,1 минг янги иш үрнига күпдір. Бу давр (2004 йил)да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлықда банд бұлғанлар сони 601,6 минг кишига тұгри келди ва умумий бандлықдаги улушы 60,9%ни ташкил этди<sup>133</sup>.

2010 йилга келиб эса мамлакатда 950 мингдан ортиқ янги иш үринларини яратышға йұналтирилған чора-тадбирлар күрилди. Бу йилда ҳұкумат томонидан асосан иккى масалага жиаддий әထтибор қаратылды. Биринчиси, янги иш үринларини күпайтириш, иккінчиси, ақолини турмуш даражасини ошириш. Бу борадаги чора-тадбирлар

<sup>133</sup> Узбекистон иқтисодиёті: таҳдилай шарқ 2004 йил. / СИСМ. 2005. №8. 83-бет.

мамлакатимиз бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастуридан муҳим ўрин олган.

Давлат миқёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий қўринишдаги энг муҳим самараларидан яна бири – ўтиш даврида камбағаллик муаммоларининг кескинлашувига чек қўйиш бўлди. Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтаётган барча мамлакатлар иқтисодиётининг дастлабки босқичларида ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши ва унинг номутаносиб авж олиши кузатилган. 1994–1995 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг ўртача жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари қарийб teng ярмига камайиб кетди.

Джинни коэффициенти 1991 йилдаги 0,26 дан 1996 йилда 0,32 га қадар кўпайди. Бироқ, ҳудди шу даврларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг жадал амалга оширилиши ва кўпмулкчиликка ҳуқуқий мақом берилиши юқоридаги вазиятни, яъни мамлакатда қамбағаллик муаммоларининг юмшатилишига олиб келди.

2001 йил январ ойига қадар жами аҳолининг пуллик даромадлари жорий нархларда 2373,4 млрд. сўмга teng бўлиб, 1999 йилга нисбатан 157,7%ни ташкил этди. Натижада, солиқ ва мажбурий тўловларга бўлган харажатлар ҳажми 1,5 марта га ошиб, 195,5 млрд. сўмга етди. Бунда мулкчилик бўйича даромад, тадбиркорлик ва бошқа даромадлар жами даромадлар улусида 30,7%ни<sup>134</sup> ташкил этиб, 1999 йилга нисбатан 170,8%ни ташкил қилди.

2003 йилда аҳолининг пуллик даромадлари жорий нархларда 6438,3 млрд. сўмни ташкил этиб, 2002 йилга (5196,7 млрд. сўм эди) нисбатан 23,9%га кўпайганлигини кўрсатди. Шу даврда аҳолининг пул харажатлари ва жамғармалари 17,4%га кўпайиб, 6160,7 млрд. сўмни ташкил этди. Аҳолининг истеъмол харажатлари 2003 йилда аввалги йилга нисбатан 16,9%га ортган. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган номинал пуллик даромадларининг ҳам 2002 йилга нисбатан 2003 йил якунига келиб 22,3% ошганлигини кўриш мумкин. Ишчиларнинг ўртача иш

<sup>134</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

ҳақи 2002 йилга нисбатан 32,6%га ошиб, (2003 йилда) 40044,4 сүмни ташкил қилди.

2007 йилда иқтисодиётда банд бўлганлар сони 1991 йилга нисбатан олганда 30%га, шу жумладан, саноатда 22,5%га, қурилишда 34,7%га, транспорт ва алоқада 32,2%га, савдо, умумий овқатланиш ва моддий-техник таъминотда 2,2 баробардан зиёдга, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий таъминотда 64,2%га, таълим, маданият, санъат ва илмий хизмат кўрсатишда 31,5%га, молия, кредит ва сугурта соҳасида 2,4 баробарга ўсади. Қишлоқ ҳўжалигида эса иш билан бандлар сони таҳдил даврида 15%га қисқарди<sup>135</sup>.

Умуман олганда 2000–2008 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 3,3 марта ошиб, 2008 йилда 2468,5 минг кишини ташкил этди. Агар 1993 йили ҳалқ ҳўжалигида банд бўлган аҳолининг 45,5%и нодавлат секторида ишлаган бўлса, 2003 йилга келиб банд бўлган аҳолининг 77,2%и нодавлат секторида фаолият қилиб, миллий иқтисодиёт тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди (3.2-чизма).


Бироқ, 2009 йилда мамлакат бўйича иш билан банд этиш муассасаларига 658,2 минг нафар фуқаро мурожаат этган. Бу 2008 йилдаги ҳолатдан 5,6 фоизга кўпdir. Ишга жойлашиш учун мурожаат қилган фуқароларнинг 566,3 минг нафари меҳнатда банд бўлдилар. Бу эса ишга жойлашиш учун мурожаат қилганларнинг 86,0 фоизини ташкил этади.

2009 йилда аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизга кўпайди, бу эса олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий сиёсатнинг нақадар самарали эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ҳозирги кунда давлат сиёсатидаги джинни коэффициентининг кўпайишига йўл қўймаслик ва уни пасайтиришга бўлган асосий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ана шундай тадбирлардан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сонини кўпайтириш ва уларнинг ўзаро рақобат мұхитидаги фаолиятини таъминлашдан иборат бўлди.

<sup>135</sup> Узбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари.

## Иқтисодиёт секторларида банд бўлганилар ҳиссасининг ўзгариб бориши<sup>136</sup> (фоизларда)



Таҳдиллардан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фақат ўз ишлаб чиқариш – молия фаолияти билан бевосита боғлиқ масалаларнигина эмас, балки ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ҳам мунособиҳ ҳисса қўшади.


Киска даврда Ўзбекистон ҳалқаро иқтисодий миёсда ўз маҳсулотлари билан иштирок эта бошлади. Бошқача айтганда, 1997 йилдан республика иқтисодиётида бурилиш даври бошланди. Бу йилда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот кўпайди. Агар 1997 йил бу кўрсаткич 3,2%га етган бўлса, 1998 йилнинг биринчи ярим йиллигидаёқ 3,4%ни ташкил этди. 2001 йил бошига келиб эса, ташки савдо айланмасида 317,3 млн. АҚШ доллари миқдорида ижобий саль-

<sup>136</sup> Чизма муаллиф томонидан «Инсон тараққиёти ҳақида ҳисобот». Тошкент: Ўзбекистон. 1997, 1998 й.й., Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Тошкент: Ўзбекистон. 1996 й., «Социально-экономическое положение Республики Узбекистан», Ташкент: 2003 й. ва «Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2003 год», Ташкент: 2004 й. статистик тўпламлар ҳамда СИСМ томонидан чоп этилган «Ўзбекистон иқтисодиёти: таҳдилий шарҳ 2004 йил» (№8. 2005.) маълумотлари асосида тузилган. Бунда 2006–2009 йилларга тегишли маълумотлар Ўзбекистон Республикаси статистика кўмитаси томонидан олинган маълумотларга кўра, муаллиф томонидан ҳисобланган. 2010 йил кўрсаткичлари эса дастлабки маълумотлар асосида ҳисобланган.

дога эришилди. Республикадаги иқтисодий барқарорлик икки асосда шаклланди. Биринчидан, бозор механизми юзага келиб, ишлаб чиқариш рағбатлантирилди. Иккинчидан, иқтисод давлат йўли билан тартибга солинди. 2001 йилдан, реал даромадларнинг барқарор ўсиши таъминланди. Натижада аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари 95,9 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2009 йилда ҳудди шу кўрсаткич 5,1 баравардан кўпроқни ташкил этди.

### 3.3-чиズма

#### Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари<sup>137</sup>



Умуман, мустақилликка эришилгач, «ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баравар ўсади, ўртача иш ҳақи 14 баравар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баравардан зиёдроқ кўпайди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда»<sup>138</sup>.

Холоса қилиб айтганда, қисқа давр ичида барқарорликнинг уч жиҳати таъминланди:

Биринчидан, бюджет тақчиллиги мақбул ҳолатга келтирилди, яъни унинг миқдори (2001 йилдаёқ) ялпи ички маҳсулотнинг 1,0%ига teng бўлди. Халқаро молия ташкилотлари бу ҳолатни ижобий баҳолаган.

<sup>137</sup> Чизма муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган. Бунда 2011 йил кўрсаткичлари истиқбол ҳолатида берилган.

<sup>138</sup> Ислом Каримов. Ҳамкорлик, тараққиёт ва хавфсизликни таъминлаш йўлидан // БМТ Суммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишиланган ялпи мажлисдаги нутқи // Халқ сўзи. 21 сентябрь, 2010. №183.

Иккинчидан, пул эмиссияси жиловланиб, инфляция даражаси камайтирилди.

Учинчидан, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига чек қўйиб, иқтисодий ўсишга шароит яратилди ва макроиқтисодий барқарорлик шакллана борди. Бошқача ифодалаганда, макроиқтисодиёт доирасида кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш туфайли ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўйидагича самарадорликка эришилди:

- биринчидан, ишсизликнинг олди олиниб, аҳоли даромадларининг ортиши кузатилди;
- иккинчидан, бюджет профицитига эришилди, жамиятнинг турмуш даражаси кўтарилди ва истеъмол доираси кенгайди;
- учинчидан, аҳолининг ноchor қатламига моддий ёрдам бериш имконияти кенгайди;
- тўртингчидан, янги тармоқ ва соҳалар пайдо бўлди, бу эса мамлакатнинг ички ижтимоий муҳитини яхшилашда, иш билан бандлик муаммосини бартараф этишда қулайлик тутдирди;
- бешинчидан, маҳсулотнинг айрим турларини ишлаб чиқариш кучайди ва давлатнинг экспортдаги салоҳиятининг ортишига замин яратилди;
- олтинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиб бориши аҳоли таркибида бизнес элитанинг шаклланишига олиб келди.

Хуллас, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Ўзбекистон иқтисодиётининг тараққиётида устувор ўринни эгаллади. Эндиликда ушбу секторнинг нафақат ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ҳал қилувчи мавқени эгаллашига, айни вақтда, унинг аҳоли фаронлигини таъминлашдаги ва даромадларининг ортишидаги, ишсизлик муаммосини ечишдаги муҳим омилга айлантиришга эришиш лозим.

### **3.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мезонлари, унга оид миқдор ҳамда сифат кўрсаткичларини тартибга солиш**

Узбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш нафақат унинг иқтисодий фаолиятини, балки меъёрий ҳужжатлар асосида ушбу сектор субъектларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини ҳам тартибга солиб бориш муҳимдир. Дарҳақиқат, мамлакат аҳолисининг ўсиб боришига мос равишда қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар асосида ишчилар сонига, айланма капитал ҳажмига ва яна бошқа мезон кўрсаткичларига кўра тартибга солиш кундан кунга заруриятга айланмоқда.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» тушунчаси иқтисодиётда ўрта ва аксарият ҳолларда майда корхоналар йигиндисини ифодалайди. Бугунги кунда жаҳон миёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сектори фаолият кўрсатмаётган мамлакатни топиш кийин. Бундай давлатлар йўқ десак ҳам, хато қилмаймиз. Бироқ, турли давлатларда ушбу сектор мезонлари ва унга оид кўрсаткичлар турлича белгиланган. Қолаверса, «кўп ҳолларда бир мамлакатнинг ичида кичик бизнес тушунчасининг бир неча таърифлари қўлланилишини ҳам кузатиш мумкин»<sup>139</sup>. Шундай қилиб, «мазкур тушунчанинг турли мамлакатлардаги турлича талқинлари мавжудлиги..., ҳақиқатни тўлиқ ёритиб беролмайди»<sup>140</sup>.

Инглиз забон адабиётларда «small business» атамаси кенг кулланилади. Бу атама маъносида кичик ва ўрта корхоналарни тушуниш мумкин. Масалан, АҚШда «small business» секторини бошқарадиган маъмурият – Small Business Administration (SBA) кўрсатмасига кўра, ўрта корхоналар ҳам кичик бизнес субъектлари қаторига киритилади.

<sup>139</sup> Фафуров У. Кичик бизнес соҳасини белгилашдаги асосий йўналишлар // «Ўзбекистон амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга ўн йил: ютуқлар, муаммолар ва истиқболлар» илмий анжуман қатнашчиларининг маъруза тезислари туплами. Тошкент–Берлин–Бонн. 2001. 131-бет.

<sup>140</sup> Уша жойда. 131-бет.

Тараққий этган күп мамлакатларда, жумладан, Европа давлатларида ва Японияда «кичик ва ўрта корхоналар» атамаси кенг құлланилади. Француз адабиётларида умумқабул қилинган аббревиатура – SME (petites et moyennes entreprises) оммавий матбуотда ҳам кенг құлланилади. Бирок, ҳозир гарбий Европа адабиётларида ва оммавий матбуотида инглиз транскрипциясыдаги «small business» атамасидан кенг фойдаланилмоқда.

Демек, турли давлатларда кичик бизнес соҳасидаги атамашуносликда үзига хос фарқданиш мавжуд. Лекин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик турли мамлакатларда фақат атамашунослик соҳасидагина фарқ қылибгина қолмай, балки унинг мезонларини белгилайдиган күрсаткичларига қараб ҳам тафовутланади.

Күп мамлакатларда миқдорий мезон кенг тарқалған бұлып, масалан, одам сонига нисбатан оладыган бұлсак, Таиланд ва Сингапурда 50 дан ортиқ бұлмаган, Япония ва Farбий Европа давлатларида 300<sup>141</sup> ҳамда Америка ва Англияда 500 гача ишчиси бұлған корхоналарни кичик ва ўрта бизнес субъектлари деб атап мүмкін.

Сүнгги маълумотларга қараганда, АҚШ иқтисодиётининг айрим тармоқларида кичик бизнес корхоналарида 1000 кишигача ишчилар ёлланиши мүмкін<sup>142</sup>.

Бугунғи кунда бу атаманинг ягона андозадаги муайян таърифи мавжуд әмас. Илмий иқтисодий адабиётларда ёзилишича ва Халқаро банк маълумотига күра, жаҳоннинг 75 мамлакатида кичик ва хусусий корхоналарни тавсифловчы 50 дан ортиқ турли статистик күрсаткичлар құлланилиб келинади<sup>143</sup> уларнинг барчаси бир биридан фарқы. Бирок энг муқобил күринишдеги мезонлар қаторида асосан қуйидаги күрсаткичлар күпроқ ҳисобға олинади<sup>144</sup>:

<sup>141</sup> Суюнов Д. Х. Кичик ва ўрта бизнес субъектларида бошқарувни ташкил қилиш ва унинг самарадорлыгини ошириш йұналишлари.: Иқтисод фанлари номзоди... дисс. Тошкент: 2004. 7-бет.

<sup>142</sup> Рубе В. А. Малый бизнес: история, теория, практика. М.: ТЕИС, 2000. С. 30.

<sup>143</sup> Гофуров У. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари // Иқтисод ва ҳисабот. 1997. №11–12. 16-бет.

<sup>144</sup> Мирзиёев Ш. М. ва бошқалар. Ўзбекистонда ишбилармоналик ва тадбиркорлик-нинг ривожланиши. Тошкент: Университет, 1994. 53 бет.

- одам сони;
- тармоқ йұналиши;
- үйлілік даромад миқдори;
- айланма капитал ұажми;
- давлатнинг белгиланған имтиёзлари;
- давлат томонидан құллаб-қувватланиши.

Мисол учун, «Европа ҳамжамияти» 1995 йил 1 январдан қойидағи күрсаткичларға эга бўлган корхоналарни кичик тадбиркорлик субъектлари қаторига киритди<sup>145</sup>:

- ишчилар сони – 50 кишигача бўлиши керак;
- үйлілік обороти – 4 млн. ЭКЮ (камида) бўлиши керак;
- баланс суммаси – 2 млн. ЭКЮ (камида) бўлиши керак.

Жумладан, «кичик бизнес» таркибига кирувчи ўртача корхоналарда қойидағича:

- ишчилар сони – 50 дан 250 кишигача бўлиши керак;
- үйлілік обороти – 16 млн. ЭКЮ (камида) бўлиши керак;
- баланс суммаси – 8 млн. ЭКЮ (камида) бўлиши керак.

Умуман 2000 йилга қадар Европанинг аксарият давлатларида ўртача ҳолат қойидағича классификацияланди<sup>146</sup>:

- микрокорхоналарда – 9 кишигача;
- кичик корхоналарда – 10-99 кишигача;
- ўрта корхоналарда – 100-499 кишигача ишчилар бўлиши керак.

2000 йилларда эса «Европа ҳамжамияти»да кичик ва ўрта корхоналарнинг янги классификацияси жорий этилди. Унга кўра, кичик бизнес субъектлари қойидағича табақалаштирилди<sup>147</sup>:

- микрофирмалар – ишчилар сони 9 кишигача бўлиши керак;
- кичик корхоналар – ишчилар сони 10 кишидан 49 кишигача бўлиши керак;

<sup>145</sup> Лапуста М. Г., Старостин Ю. Л. Малое предпринимательство. М.: Инфра-М. 1997. С. 6.

<sup>146</sup> Сабо А. Малые и средние предприятия в странах с переходной экономикой // Деньги и кредит. 1996. № 8. С. 57.

<sup>147</sup> Манба: [www.evropa.ru/econom](http://www.evropa.ru/econom)

— ўрта корхоналар – ишчилар сони 50 кишидан 249 кишигача бўлиши керак.

Лекин, барча категориядаги корхоналар учун товар айланмаси 40 млн. евродан кам, жами баланс эса, 27 млн. евродан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилди.

Энг тараққий этган мамлакатларни ўз таркибига олган Халқаро Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилотида ишчилар сони 12 кишигача бўлган корхоналар «энг кичик», 99 кишигача бўлган корхоналарни «кичик», 100 дан – 499 кишигача бўлган корхоналар «ўртача» ва 500 дан ортиқ кишигача бўлган корхоналар эса «йирик» сифатида қабул қиласланган<sup>148</sup>.

Юқорида келтирилган фикрларимизнинг барчаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мезонларининг миқдорий курсаткичларини изоҳлайди. Бу мезон курсаткичлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг статистикасини белгилаб боришга ҳамда тартибга солишга катта имконият яратади. Бироқ, келтирилган мезон курсаткичларининг орасида ишчилар сони бўйича белгиланган курсаткич энг оммавий ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни сифат курсаткичлари бўйича табақалаштириладиган мезон ҳам мавжуд бўлиб, бу мезонни тавсифлаш мураккаброқдир. Ҳанузгача бу муаммо бўйича олимлар ўртасида ягона бир фикрга келинмаган. Шунга қарамай, биз икки давлат, яъни АҚШ ва Франция мисолида кичик бизнес мезонининг сифат курсаткичлари бўйича таҳдил қилишга уриниб кўрамиз.

Масалан, АҚШда Small Business Administration (SBA) маълумотларига қараганда, одам сонидан ташқари яна бошқа курсаткичлар қўлланилади. Жумладан, қайта ишлаб чиқариш саноатида камида 250 кишигача ишчиси бўлган корхоналарни кичик бизнесга тааллуқди деб ҳисобланса, йирик бизнесда 1000 кишидан кўпроқ ишчилари бўлган корхоналар киритилади. Бир қарашда бу каби тавсифлаш кичик бизнес мезонидаги миқдорий куринишига ухшайди. Аммо, фикримизни

<sup>148</sup> Лапуста М. Г., Старостин Ю. Л. Малое предпринимательство. М.: Инфра-М. 1997. С. 7.

давомида шуни қайд этмоқчимизки, АҚШда қайта ишлаб чиқариш саноати яна майда тармоқчаларга бўлиниб кетган. Йирик тармоқнинг тармоқчаларида кичик бизнес мезонидаги кўрсаткичлар янада фарқланади.

Худди шу фикримизни далили сифатида Николас Л. Сирополис-нинг «Кичик бизнесни бошқариш» китобидан 3.1-жадвални келтирамиз. Бу жадвалда кўринишича йирик тармоқ ўзининг тармоқчаларига эга. Турли тармоқчаларда ишчиларни ёллаб ишлатиш мумкин бўлган ишчилар сони берилган. Масалан, ишлаб чиқарувчилар мисолида уч хил кўринишдаги градацияни кўриш мумкин. Бу ҳолат улгуржи савдо-гарлар ва чакана савдо-гарлар мисолида ҳам кўрсатилган.

Энг кўп ишчилар ишлаб чиқариш тармоғидаги тармоқчаларда намоён бўлмоқда. Энг кам ишчилар эса хизмат кўрсатиш тармоғидаги тармоқчаларда кузатилмоқда. Уртacha ҳолат улгуржи савдо тизимида-ги тармоқчаларда намоён бўлган. Масалан, мебель маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарда камида 500 гача ишчи ишлаши мумкин. Бу мезонлар АҚШ Конгресси томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган.

3.1-жадвалнинг мазмуни шундан иборатки, бу ерда кичик биз-нес мезонидаги кўрсаткичлар кишилар сони билан акс эттирилса-да, бир тармоқнинг ичидаги тармоқчаларда янада ўзига хос градацияла-ниш мавжуд. Бу эса кичик бизнесни мезонини белгилашдаги сифат кўрсаткичларини намоён этади.

Францияда кичик ва ўрта тадбиркорларнинг умумий конфедераци-яси томонидан «капиталнинг катта қисмини ўз мулки сифатида таш-кил этиб, ўз персоналининг бошқарувини таъминлаб, улар билан дои-мий ва бевосита алоқага чиқа оладиган корхона эгаси бошқарувидаги корхоналарни кичик ва ўрта корхоналар қаторига киритилади»<sup>149</sup>, деб қайд этилган.

Бундан ташқари Францияда ҳунармандлар ҳам фаолият кўрсатади. Улар ўзлари ҳисобидан корхона ташкил этиб, 10 кишигача иш ўринларини яратишлари мумкин. Кези келганда ҳунарманднинг ўзи ўз

<sup>149</sup> Рубе В. А. Малый бизнес: история, теория, практика. М.: ТЕИС, 2000. С. 30.

корхонасида ишчилар билан тенгма-тeng меҳнат қиласи. Чунки, ишлаб чиқариладиган буюмнинг энг нозик жойларини ишлов беришда уларнинг меҳнатини ишчиларни меҳнати билан тенглашириб бўлмайди. Сабаби улар шу хунар ёки касб бўйича мукаммал билимга эгадирлар. Уларнинг профессионалликлари сертификат билан тасдиқланиши шарт. Акс ҳолда хунармандлар Палатасига аъзо бўла олмайдилар.

### 3.1-жадвал

#### SBA бўйича кичик корхоналар таркибига киритилувчи мезонлар<sup>150</sup>

Ишлаб чиқарувчилар	Ишчилар сони, киши, камидা
Нефтни қайта ишлашда	1500
ЭХМ	1000
Макарон ва спагетти ишлаб чиқаришда	500
Улгуржи савдогарлар	Ишчилар сони, киши, камидা
Спорт маҳсулотлари	500
Мебел	500
Лак ва бўёқ маҳсулотлари	500
Чакана савдогарлар	Савдодан тушум, млн. \$ йилига, камидা
Боққоллик ва озиқ-свқат магазинлари	13,5
Автомобил агентлиги	11,5
Ресторанлар	10,0
Хизмат кўрсатиш	Савдодан тушум, млн. \$ йилига, камидা
ЭХМ хизмати	12,5
Бухгалтерлик хизматлари	4,0
Телевизорларни таъмираш	3,5

Фикримизча, турли ҳажмдаги корхоналарни аниқлаш учун кичик бизнес мезонини белгилашдаги асосий сифат кўрсаткичлари, корхона соҳибининг меҳнатга ва корхонани бошқаришга бўлган муносабати

<sup>150</sup> Манба: Сирополис Н. Управление малым бизнесом. Руководство для предпринимателей. / Пер. с англ. Академия народного хозяйства. М.: Дело, 1997. С. 20.

орқали намоён булишидир. Фикримизни 3.4-чизма орқали аникроқ тушунтиришимиз мумкин.

### 3.4-чизма

**АҚШ ва Францияда корхона соҳибининг меҳнатга ва корхонани бошқаришга бўлган муносабати орқали кичик бизнес мезонини белгилашдаги сифат кўрсаткичлари<sup>151</sup>**

АҚШдаги кўришиш	Майда тадбиркор	ўзнинг фирмасини ўзи бошқаради ва ишчилар билан бевосита алоқа ўрната олади	Франциядаги кўриниш
	Ўрта тадбиркор	ақдий меҳнат қиласи, ёлланма ишчиларни ишлатади ва асосан улар билан кўпроқ алоқа ўрнатади	
	Йирик тадбиркор	корхона бошқарувидан ажралган, ўзининг персонали билан, айниқса ишчилар билан бевосита алоқа ўрнатади олмайди	
	Хунарманд	бир вақтнинг ўзида ҳам мулкдор, ҳам бошқарувчи, ҳам ишчиdir	

Гарбнинг иқтисодчи олимлари ва мутахассислари кичик бизнес учун ўзларининг сифат кўрсаткичларини ўз ичига оловчи мезонни тақлиф этадилар. Хусусан, америкалик профессор Стейли ўзининг «Кичик саноатни ривожланиши» китобида қўйида келтирилган пунктларнинг хеч бўлмаганда иккитаси тўгри келса, бундай корхоналарни кичик корхоналар қаторига киритган. Бу пункtlар қўйидагicha:

- нисбатан кам ихтисослаштирилган корхонани шахсан бошқариш;
- юқори поғонадаги раҳбариятнинг ишчи-ходимлар, мижозлар ва таъминловчилар билан бевосита алоқа ўрната олиши;
- капитал бозорига кириш имконини қила олмайдиган ва қисқа муддатли кредитларни олиш билан боғлиқ тез-тез бўлиб турадиган қўйинчилликлар;

<sup>151</sup> Чизма муаллиф томонидан илмий манбалар асосида ишлаб чиқилган.

- олди-сөтди музокараларини юритишда үз үрни топа олмаслик ва ўзининг кучли жиҳатларини намоён эта олмаслик;
- мулқорлар, раҳбарлар ва яқин бозорларга нисбатан боғлиқлик ҳамда таъминот манбаларидан иборат маҳаллий жамоани нисбатан заиф бирлашиши.

Агар дастлабки иккита тавсиф кичик ва ўрта корхоналар ўргасидаги фарқни етали даражада акс эттиrsa, қолганлари тенг ҳолатда ҳам кичик, ҳам ўрта корхоналарга тааллуқли бўлган тақдирда, кичик ва ўрта корхоналар қулямини ажратиб олиш қийин эмас.

Инглиз иқтисодчиси Ф. Кларк кичик бизнесга доир ишида «майда тадбиркорликнинг моҳияти қониқтирадиган даражадаги максимал фойда олиш билангина ифодаланмайди, шуни билмоқ керакки, фойда ва зарар рақамлари билан хеч қачон ұчаб бўлмайдиган мустақиллик, ишга ижодий ёндашув, яхши ҳаёт тарзи каби номоддий омилларни ҳам яхшигина хис этиш даркор»<sup>152</sup> эканлигини алоҳида қайд этган.

Дарҳақиқат, бундай номоддий омиллар үз бизнесини бошлаётган киши учун муҳим аҳамиятта эга. Аммо максимал фойда олишни инкор этадиган тадбиркор хеч қаерда топилмайди. Чунки, фойда олиш тадбиркорнинг энг биринчи ва айтиш мумкинки, жиiddий равишда эътиборини тортадиган тамойилдир.

Француз олимларидан Ж. Шатен ва Р. Годон «Майда ва ўрта корхоналар: танлаш вақти»<sup>153</sup> номли асарида корхоналарни сифат хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолдаги мезонга ургу бериб, үз ёндашувларига хос таснифлаганлар. Бу қуйидагича:

Бевосита ишлаб чиқариш функцияларидан асосий даромад олуви ҳунармандлар ва майда хужайинлар. Корхона эгаси ишлаб чиқаришда бевосита қатнашади ва у юқори даражадаги малакага эга.

Чекланган миқдорда ва «ўзгалар учун ёпиқ давра»да (*circuit fermé*) яшайдиган ёлланма ишчилардан фойдаланадиган майда корхоналар. Бундай майда корхоналар номонопол куринишдаги оддий

<sup>152</sup> Рубе В. А. Малый бизнес: история, теория, практика. М.: ТЕИС, 2000. С. 33.

<sup>153</sup> Қаранг: Chatain J., Gaudon R. Petites et moyennes entreprises: l'heure du choix. Paris, 1975.

такрор ишлаб чиқаришни амалга оширадиган ва бошқарувчига тирик-чилик воситаси сифатида даромад келтирадиган корхоналардир.

Капитал асосида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга эга бўлган, лекин монополистик рақобат шароитларига мослашмаган майда ва ўрта корхоналар. Бундай корхоналар ўн ва, ҳатто, юзлаб ёлланма ишчилари бор бўлган, лекин талаб ва таклиф ўзгаришларига, иқтисодий ва сиёсий муаммолар оқибатларига дучор бўладиган корхоналардир (масалан, кредитларни чекланганлиги),

Ўрта ва иирик номонополистик корхоналар, Бундай корхоналар тармоқнинг монополлашган шароитида аҳволи заифлашадиган корхоналардир<sup>154</sup>.

Бундай таснифланиш ривожланган бозор иқтисодиётидаги турли-ча корхоналар аҳволи ҳақида умумқабул қилинган тасаввурларни деярли тұлиқ намоён эта олади.

### 3.4. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мезонларини тартибга солиш ва унинг тақомиллашуви

Илмий адабиёт ва манбаларда келтирилганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилган чексиз таърифлар орасидан уларнинг умумий тавсифини изоҳловчи бир неча йұналишларини ажратиб күрсатиш мүмкин, булар<sup>155</sup>:

- кичик корхоналар мажмуи сифатида ифодалаш;
- кичик ва ўрта корхоналар мажмуи сифатида ифодалаш;
- майда ва ўрта тадбиркорлик фаолияти шакли сифатида ифодалаш;
- турли сифат мезонлари орқали ифодалаш.

<sup>154</sup> Chatain J., Gaudon R. Petites et moyennes entreprises: l'heure du choix. Paris, 1975. Р. 43.

<sup>155</sup> Faufurov U. B. Кичик бизнес соҳасини белгилашдаги асосий йұналишлар // «Ўзбекистон амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга ўн йил: ютуқлар, муаммолар ва истиқболлар» илмий анжуманни қатнашчиларининг маъруза тезислари тұплами. Тошкент-Берлин-Бонн. 2001. 131-бет.

Бу йұналишларнинг мазмун ва моҳияти Ўзбекистон шароитида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни мезон күрсаткичларини аниқлашда бир оз мос келгандай бўлади. Лекин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни таърифлашдаги муаммолар ўз ечимиға эга бўла олганича йўқ.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мезонларини белгилаш Президентнинг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида баён қилинган эди<sup>156</sup>. Ўша даврнинг амалиётига кура, хорижий мамлакатлардаги каби бизда ҳам ўрта корхоналар мақомига эга бўлган бизнес субъектлари мавжуд бўлган.


Фармонга кура, кичик ва ўрта бизнес субъектлари тармоқлар бўйича одам сонига кура табақалаштирилганда 4.1-чизмадаги кўриниш ҳосил бўлади. Аммо, ўрта корхоналар кичик бизнес таркибига киритилганилиги учун ўз навбатида мазкур таъриф борасидаги мулоҳазаларимиз тарқоқ ҳолда бўлганлиги яна бир бор яққол кўриниб турибди.

Эътиборлиси шундаки, Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари қаторида микрофирмалар фаолияти билан биргаликда кичик корхоналар мақомидаги субъектлар фаолиятини ҳам кўришимиз мумкин. Бундан ташқари ушбу субъектлар қаторида юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектларини, яъни оиласвий бизнесга мансуб фаолият тури ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тан олинган. Бошқача айтганда, якка тадбиркорлик фаолияти деб юритиладиган бозор субъекти ҳам мавжуд.

Ушбу фармон туфайли, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўз ишлаб чиқарышларини ташкил қилиш мақсадида хорижий технологияларни олиб киришда божхона тўловларидан озод бўлдилар.

<sup>156</sup> Фармоннинг номи меъерий ҳужжатларга тузатишлар киритилгандан кейинги ҳолатда қайд этилмоқда.

Ўзбекистонда 2004 йилга қадар бизнесни ташкил этиш классификацияси<sup>157</sup>



<sup>157</sup> Чизма муаллиф томонидан тузилган.

Президентимизнинг бу Фармони биринчи бўлиб, миллий иқтисодиётимиз таркибидағи хусусий секторга тегишли корхоналар мақомини одам сонига қўра табақалаштириш йўналишидаги меъёрий ҳужжатга айланди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда бизнес субъектлари деганда, уч хил кўринишдаги бизнес табақалаштирилди, булар:


- кичик бизнес;
- ўрта бизнес;
- йирик бизнес.
- Кичик бизнес субъектларини эса тўрт хил кўринишга бўлинди:
  - якка тадбиркорлик;
  - микрофирмалар;
  - кичик корхоналар;
  - ўрта корхоналар.

3.5-чизмада иқтисодиётнинг тури тармоқларида ҳуқуқий жиҳатдан ишчилар сонига кўра 2003 йилгача кучга эга бўлган табақаланишини яққол қўрамиз. Масалан, ишлаб чиқариш соҳасини олайлик, агар микрофирма кўринишидаги корхона бўладиган бўлса, унда 10 кишигача ишчиларни ёллаб ишлатиш мумкин. Худди шу соҳадаги кичик корхоналарда ишчилар сони 40 кишигача ташкил этиши мумкин. Ишлаб чиқариш соҳасидаги ўрта корхоналарда 100 кишигача ишчилар ишлаши мумкин. Ниҳоят йирик корхоналарда 100 кишидан ортиқ ишчиларни меҳнат қилаётганлигини кўришимиз мумкин. Бундай табақаланиш миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари бўйича ҳам аниқ белгиланди.

Бироқ, 2003 йил 11 октябрда Вазирлар Махкамасининг «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тармоқлар бўйича одам сонига қўра қайта табақалаштирилди.

Эндилиқда аввалги 3.5-чизма кўриниши 3.6-чизмадаги кўринишга ўзгарди. Шундай қилиб, 2004 йилнинг январ ойидан бошлаб, янги градацияяга асосан иш тутилди.

## Ўзбекистонда амал килаётган бизнесни ташкил этиш классификацияси<sup>158</sup>



<sup>158</sup> Чизма муаллиф томонидан түзилган. Чизма Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сонли «Кичик табибиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бұлған корхоналар ва ташкилтлар классификациясини тасдиклаш гүтресида» ги Қарорига аосан түзилган.

2004 йил 1 январдан мазкур (1998 йил 9 апрелда қабул қилинганд) фармонга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Республика Президентининг янги ПФ-3376-сонли Фармони кучга кирди<sup>159</sup>. Бундан асосий мақсад кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий сектор улушини ошириш, ишлаб чиқариш соҳасида аҳоли бандлигини тұлароқ таъминлаш учун янада қулай шароит яратищдан иборатдир.

Жаҳон миқёсида рўй берган, молиявий-иктисодий инқизор даврида Узбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари даги ишчилар сонини белгилаш борасида янада кенг имтиёзлар яратилди. Хусусан, 2010 йил 28 июлда «Таълим муассасалари битирувчилари ни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Республика Президентининг Фармони қабул қилиниб, унга кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхонала-ри томонидан касб-хунар коллеклари, академик лицейлар, олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузишнинг янгича қоидалари жорий этилди. Мазкур фармон бўйича битирувчилар билан шартнома тузган корхоналарда банд ҳодимларнинг ўртача йиллик сони чекланган нормативдан купи билан 20% оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, ка-фолатлар ҳамда ҳукуқлар сақданади. Шу муносабат билан 2011 йил 1 январ ойидан чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳасидаги корхоналар учун ҳодимлар сонининг энг кам меъёрлари ҳамда иш ҳақи фондининг белгилаш тартиби ўрнатилди. Эндилика-да ишлаб чиқаришда чекланган ҳодимлар сони 20 нафардан 24 на-фарга, хизмат курсатишида 10 нафардан 12 нафарга, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида эса 5 нафардан 6 нафарга оширилиши мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Узбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мезонларини такомиллаштириш борасида ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозим. Кичик бизнес ва хусусий тадбир-корлик секторидаги мезон курсаткичлари қаторида капитал айланма-

<sup>159</sup> Қаранг: Узбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами. №1-2. 2004. 8 - 10-бетлар.

си, фойда миқдори, активлар ҳажми каби мезон күрсаткичларини ҳам ишлаб чиқиш зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистон шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни классификация қилиш ва градация бўйича янги таклифлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса мазкур сектор субъектларини миқдор ва сифат мезони бўйича фарқлаш, улар фаолиятини янада эркинлаштириш, қолаверса, диверсификация қилишда навбатдаги босқичлардан эканлитигини унутмаслигимиз керак.

### **3.5. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий жиҳатдан ривожланишини тартибга солини**

Ўзбекистонда мавжуд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг миқдор жиҳатдан ортиб боришини ва реал рақобат мұхитини шакллантириш биринчи даражали вазифага айланди. Шу боис, 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тұгрисида» Қонуни қабул қилинган. Қонуннинг асосий тоғаси – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни құллаб-кувватлаш, улар фаолиятининг барча соңаларида давлат томонидан рўйхатга олинишдан (4-модда) бошлаб, ҳуқуқ ва кафолатларни ҳимоялаш (6; 7-моддалар), молиявий таъминлаш (10-модда), тезлаштирилган аммортизация (20-модда) ва халқаро битимларгача (28-модда) амалий ёрдам беришдир<sup>160</sup>. Ушбу қонун қуидаги мұхим масалалар ечимини топишга йұналтирилган:

– аҳолининг кент қатламига бозор фаолиятида иштирок этиш учун «тадбиркорлик вирусини» сингдириш, хусусий бизнес билан фаол шугулланишга ҳоҳиш уйғотиш;

– ишсизликни бартараф этиш, иш билан баңдликни таъминлаш учун қишлоқ жойларыда янги иш үринларини жорий қилиш;

<sup>160</sup> Изоҳ: Ушбу қонун 2000 йил 25 майда Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлігінинг кафолатлари тұгрисида” Қонуни қабул қилинган кундан бошлаб бекор қилинган.

- бозор муносабатларини, инфратузилмасини ва рақобатни (айниңса, қишлоқ жойларида) ривожлантириш учун зарур муҳит яратиш;
- кичик ва хусусий корхоналарда ихчам ишлаб чиқаришни яратиш, хўжалик юритиши самарадорлигини ошириш, ички бозорни товарга тўйинтириш ва ишлаб чиқаришни экспортга мослаш;
- хизмат кўрсатиш соҳасини кескин кенгайтириш ва бунда банк, аудит, консалтинг ва воситачи ташкилотларнинг фаолиятини кучайтириш.

1998 йил 28 августда Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши субъектлар ўртасида хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш имконини берди. Қонунда хусусий бизнес соҳасида тузиладиган хўжалик шартномалари, эркинлик, манфаатдорлик ва мулкий жавобгарлик каби жиҳатлардан изборат ҳуқуқий тамоиллар кафолатланади. 2000 йил 25 майда эълон қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда эса тадбиркорлик тушунчаларидан (3-модда) бошлаб, турли хил фаолиятларни қонуний амалга ошириш (11–17-моддалар) учун ҳуқуқий имкониятлар кенгайтирилди (III-бўлим), белгиланган мажбуриятлар (9-модда) ва текшириш тартиблари (39-40-модда) қайта кўриб чиқилади. Хусусий бизнесни қўллабкуватлаш (V-бўлим) ва субъектлар фаолиятини тұхтатиш масалалари (VI-бўлим) ушбу қонуннинг асосий мақсади деб белгиланди<sup>161</sup>.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга кенг йўл очиш орқали халқимизнинг анъанавий қадриялари – миллий ҳунармандчилик янада юксалди, унтилган соҳалар қайта тикланди. Бозор иқтисодиёти шароитида мазкур секторнинг фаол ривожланиши учун унга мос бозор инфратузилмаси ҳам хизмат қилиши керак. Шунинг учун давлат томонидан яратилаётган ҳуқуқий асослар кенг қамровли бўлиб, барча соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Хусусий сектор фаолияти учун бозор инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида

<sup>161</sup> Қаранг: Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2000 йил, 25 май.

1997 йилда Тадбиркорлар Палатасининг<sup>162</sup> жойларда 229 та ҳудудий бўлимлари фаолият кўрсатиб, унга 59457 дан ортиқ субъектлар аъзо бўлган<sup>163</sup>. 1998 йилда ушбу Палатага аъзо бўлганлар сони 1997 йилга кўра 1,68 мартаға ошди ва 1999 йил январдаги маълумотларга кўра, бу рақам 252,6 минг нафарга етди. Аммо 2002 йилда уларнинг сони 13,1 мингга камайди, яъни, бу йилда 47,2 мингга яқин кичик бизнес субъектлари тузилиб, уларнинг умумий сони 239,5 мингга етди. 2003 йилда 50 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтказилди ва 2004 йил 1 январ ҳолатига кўра, уларнинг сони 264 мингтага етди, шундан 230 мингтаси фаолият кўрсатди. 2005 йил бошига келиб эса фаолият кўрсатган кичик бизнес субъектларининг сони 237,5 мингни ташкил этиб, улар рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик корхоналари умумий сонининг 85,6%ини<sup>164</sup> ташкила этди.

Маълумки, 2008 йилда давлатимиз сиёсатида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари белгиланар экан, бу устувор йўналишлардан келиб чиқувчи вазифаларни амалга оширишда салмоқди натижа ва сезиларли ўзгаришлар қўлга киритилди:

- иқтисодиётининг юқори барқарор суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди;
- ишлаб чиқариш таркибий жиҳатдан ўзгарди ва модернизация қилинди;
- техник ва технологик янгилаш ишлари давом эттирилди;
- маъмурий ислоҳот туфайли кўрилган чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижасини кўрсатди;
- давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабатларда фаоллик юзага келди.

Буларнинг барчаси Узбекистонда мазкур секторни давлат томонидан тартибга солишда ҳуқуқий асосларнинг такомиллашуви билан боғлиқдир. Миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ҳалқаро миёс-

<sup>162</sup> Ҳозир Савдо-саноат палатаси деб юритилади.

<sup>163</sup> Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза // Г. Сайдова раҳбарлигидағи муаллифлар гурухи. Тошкент: 2002. 65-бет.

<sup>164</sup> Узбекистон иқтисодиёти: таҳдилий шарҳ 2004 йил // СИСМ. 2005. №8. 36-бет.

даги эксперталар томонидан кузатилганда, улар томонидан ижобий фикрлар билдирилди. 2003 йилда Республика Президентининг икки фармон<sup>165</sup> ва қарорлари<sup>166</sup> қабул қилинди. Бу меъёрий ҳужжатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни энг муҳим жабҳаларини ҳуқуқий тартибга солишни янада соддалаштириди.

2005 йилнинг үзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ушбу сектор субъектлари фаолиятини эркинластириш ва фаоллигини янада ошириш мақсадида 8 та меъёрий ҳужжат қабул қилинди. Уларнинг 7 таси Президент фармонлари<sup>167</sup> ва 1 таси

<sup>165</sup> Узбекистон иқтисодиётсида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2003 йил, 24 январь: Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рагбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ПФ-1987-сонли Фармонига ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2003 йил, 30 август.

<sup>166</sup> Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2003 йил, 20 август: Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясиги тасдиқлаш тўғрисида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 439-сонли Қарори. 2003 йил, 11 октябрь.

<sup>167</sup> Тўгридан-тўгри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишини рагбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил, 11 апрель // Узбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. №15–16 (151–152). 4–7 - бетлар; Узбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналарини ташкил этиш тўғрисида Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил. 7 июн // Узбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. №23–24 (159–160). 4–5-бетлар; Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинластириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил, 14 июнь // Узбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. №23–24 (159–160). 5–7 - бетлар; Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2005 йил, 14 июнь // Узбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. №23–24 (159–160). 7–9-бетлар; Микрофирмалар ва кичик кор-

Президент қароридир<sup>168</sup>.

Кўриниб турибдики, 2003 йиллардан бошлаб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишда ҳуқуқий асослар тобора жиiddий такомиллаштирилди. Бу эса мамлакат ичida кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ва эркин тарзда ривожланишига олиб келувчи мухитни кенгайтириди. Натижада, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жиiddий ривожланди. Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони йилдан йилга ўсиб борувчи тенденцияга эга бўлган бўлса-да, бу тенденция ижобий томонга янада сезиларли тус олди.

Айниқса, 2005 йил 5 октябрда қабул қилинган Республика Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосиз текширувларнинг камайишига олиб келувчи асосий омил бўлди. Фармонга кўра микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳужаликларининг молия-ҳужалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ҳуқуқий жиҳатдан белгиланди. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари текшириш натижалари бўйича назорат ор-

хоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил, 20 июнь // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. №25–26 (161–162). 4–6 - бетлар; Тадбиркорлик субъектларининг ҳужалик соҳасидаги ҳуқуқбузарлеклари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил, 24 июнь // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. №25–26 (161–162). 6–7 - бетлар; Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. 2005 йил, 6 октябрь. №199.

<sup>168</sup> Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2005 йил, 15 июнь // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. №23–24 (159–160). 10–12 - бетлар.

ганларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек, етказилган зарарни белгиланган муддатда ва тұлық ҳажмда ихтиёрий равища қоллаган, шу жумладан, пеняни тұлғаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари құлланилмайды. Фармонда белгиланишича, назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари рухсатсиз текширилғанлиги ва уларнинг хұжалик фаолиятига ноқонуний аралашылғанлиги учун етказилған иқтисодий зарарнинг үрни қолланған ҳолда жавобгарлыққа, ұтто жиноий жавобгарлыққа тортиладылар<sup>169</sup>.

2010 йыл бошига келиб Республика бүйіча олғанда фаолият күрсатған кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 410,1 мингдан ошди ва рұйхатта олинған жами кичик бизнес субъектларининг 94,7 фоизини ташкил этди. Бу эса уларнинг сони беш йыл аввалғига нисбатан 1,72 марттага күпайғанлигини күрсатади.

Агар 1999 йилда Үзбекистонда 159,7 мингдан ортиқ кичик ва хусусий корхоналар рұйхатта олинған бұлса, 2009 йилда бундай субъектлар сони 430 мингдан ошди. Үн йил мобайнида рұйхатта олинған кичик бизнес субъектлари сони деярлі 2,7 бараварга ошған. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг 21,5 фоизи (34,1 мингдан ошиқрөгі) 1999 йилда фаолият күрсатмаган бұлса, 2009 йилда бундай субъектлар сони атиғи 5,3 фоизни (22,9 мингдан ошиқрөкни) ташкил этди, яғни 4 марттага камайған (3,2-жадвал).

Ушбу жадвал күрсаткичлари, солиширилған йиллардаги юксалған үзгаришларни таңдил этибина қолмай, бу давр мобайнида мөнөттөрмөздөй әсесларнинг ҳам такомиллашғанлигини ифодалады. Агар ҳуқуқий әсеслар такомиллашмаганда зең, келтирилған күрсаткичлардаги фарқлар сезиларлы даражада бұлмас зең. Аммо, жадвалдаги бу натижалар Үзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқий тартибга солиб бўлинди, деган маънони англатмайды. Биз ҳуқуқий тартибга солишни тобора такомиллашиб борувчи тенденциясини танлаб олдик.

<sup>169</sup> Мазкур Фармоннинг 1 ва 2-бандларига қаранг // Халқ сүзи. 6 октябрь 2005 й. №199.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Қонунларида тадбиркорлик фаолияти билан шугуланишда жисмоний шахслар учун сиёсий, ижтимоий, диний, ирқий ёки бошқа чекловлар белгиланмаган. Айни пайтда давлат бошқарув идораларининг вакиллари ва давлат ҳокимиятида ишловчи раҳбар ҳодимларга бундай фаолият олиб бориш таъқиқланади<sup>170</sup>.

### 3.2-жадвал

#### Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари тўгрисида маълумот<sup>171</sup>

Кўрсаткичлар номи	1999 йилда	2009 йилда	Фарқи
Рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари	159,7	432,7	2,8 марта кўпайган
Фаолият кўрсатганлари	125,5	410,1	3.3 марта кўпайган
Рўйхатга олинганга нисбатан фаолият кўрсатганлари	78,5%	94,7%	16,2 пунктга ошган
Рўйхатга олинганга нисбатан фаолият курсатмаганлари	21,5%	5,3%	4 марта камайган

Давлат бошқарув идораларининг вазифалари кичик бизнес субъектлари фаолиятини кучайтириш учун ҳуқуқий тартибга солувчи қулай мұхит яратишидир. Шу туфайли 2005–2010 йиллар давомида, Президент раҳбарлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий тартибга солувчи қонулар пакети мамлакат миқёсида амал қилаёттанилигини ва давр үтган сари бу қонуларга ҳукумат томонидан тузатишлар киритилиб, тобора мукаммал ҳолатга келтирилаётгани алоҳида аҳамиятга молиқдир. Бундай ёндашув бозор иқтисодиёти тизимидағи ўзгарувчан вазиятларга тез мослашувчанликни ошириб, ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишидан далолат бермоқда.

<sup>170</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигига таъсирини салоҳида ошырыш» 2000 йил, 25 май. 4-модда.

<sup>171</sup> Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб тузилган.

Маълумки, тадбиркорлик тизимининг кенгроқ доирадаги фаолиятини кучайтириш учун чет эл капиталини жалб этиш айниқса зарур. Бу йўл билан ички капиталнинг тақчиллигига барҳам бериб, товар ишлаб чиқаришни кучайтириш мумкин. Бу жараённи муваффакиятли юритиш учун республикада 1996 йил 31 майда «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил қилишни рағбатлантириш тадбирлари ва уларнинг фаолият кўрсатиш тўғрисида» Президент Фармони қабул қилинди. Бу Фармон бизнесменларнинг режали иш олиб бориши истакларини ишончли кафолатлашни таъминлайдиган ҳуқуқий асосни янада мукаммал тарзда шакллантириди. Шунингдек:

- миллийлаштириш ва реквизициядан сақланган ҳолда, сиёсий хавф-хатарни сугурта қилиш;
- тадбиркорлик фаолияти натижасида олинган фойда ва бошқа маблагларни чет эл валютасида чегарадан (бошқа давлатта) ўтказиш;
- иқтисодий барқарорликни таъминлашда реинвестиция учун қулай мухит яратиш;
- жорий инвестициянинг кейинги ҳолати ёмонлашса, инвестиция киритилган вақтдан бошлаб қабул қилинган қонунларнинг 10 йил давомида қўлланилишини таъминлаш;
- қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини тасодифий бузиш ҳолатларида, давлат органлари орқали келтирилган зарарни тұлаш;
- Узбекистон республикаси валюта бойликларининг бир қисмини чет эл банкларига депонизация қилиниши;
- республика банкларида чекловларсиз ҳар қайси валютада ҳисоб рақамлари (счёtlар)ни очиш;
- республикада сугурта тизимини (хорижий капитал иштирокида) ташкил қилиш каби кафолатлар давлат томонидан таъминланди.

Хусусан, 2004 йил, 7 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2005 йил 11 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар

тұғрисида»ғи Президент Фармонлари ҳам сұнгги йилларда кичик бизнес ва тадбиркорликни ұмоя қилишга, республика тадбиркорларининг хорижий шериклар билан ишбилармоналик алоқаларини мустаҳкамлашга, маңаллый товарлар ва хизматтарни ташқи бозорга олиб чиқыш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарылишини таъминлаш учун янги корхоналарни ташкил этишга, республикага чет зәл сармоясина кенг жалб этишга хизмат қиласы. Үмуман олганда, Үзбекистон Республикасида түрлі мүлк шакллари тез суръатлар билан ривожланди. Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари иқтисодиёттинг барча соҳаларида мавжуд. Айниқса, қишлоқ хұжалиги, савдо ва умумий овқатланишда, улгуржи савдода, саноатда, уларнинг сони тез ортапти. 1992–2009 йилларда рўйхатдан ўтган кичик бизнес корхоналари сони 14,6 мартаға ошди<sup>172</sup>. Бу давр мобайнида кичик корхоналарга<sup>173</sup> нисбатан микрофирмалар сони шиддат билан ошиб борди.

Минтақаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш суръатлари ва даражасига рейтинг асосида баҳо бериш усули құлланилганда (3.3-жадвалга қаранг), 2010 йил бошида энг юқори үсиш Самарқанд, Хоразм, Наманган, вилоятлари ва Тошкент шаҳрида күзатылди. Аммо, Навоий, Бухоро, Андижон вилоятлари ва Қорақалпогистон Республикаси берилган рейтинг<sup>174</sup> бўйича охирги ўринларда турибди.

<sup>172</sup> Үзбекистон Республикаси Давлат статистика құмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблари.

<sup>173</sup> Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ишчилар сонига кўра белгилаш 2004 йил, 1 январь ҳолатигача барча ҳудудий статистика бошқармаларида 1998 йил, 9 апрелдаги ПФ-1987 сонли Президент Фармонига асосан амалга оширилган. 2004 йил, 1 январдан бошлаб кичик тадбиркорлик субъектларини аниқлашынинг янгича табақаланиши (градация) жорий этилган. Бунда ўрта корхоналар мақоми бекор қиласынан.

<sup>174</sup> 1998 йилдаги таҳлилларимизга кўра олганда Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида үсиш юқори бўлган. Ўша даврда Қорақалпогистон Республикаси, Фарғона, Навоий ва Сирдарё вилоятларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нисбатан паст даражада ривожланган.

3.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида киңиқ бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш дарражаси рейтинги<sup>175</sup>

Худумлар	Рейтинг баҳоси												Киңиқ тадбиркорлик индекси (ривожланиши дарражаси бўйича мюнтаζларнига Фри)	
	ЯММдаги улуши бўйича		Ишлаб турган субъектлар сонни бўйича		Бандларнинг иқтисодиётдаги бандлар умумий сонидаги улуши		Аҳали жон бошита ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича		Маҳсулотни экспорт қилиш бўйича		Маҳсулотни импорт қилиш бўйича			
	2009 й.	2010 й.	2009 й.	2010 й.	2009 й.	2010 й.	2009 й.	2010 й.	2009 й.	2010 й.	2009 й.	2010 й.	2009 й.	2010 й.
	1 чор.	1 чор.	1 чор.	1 чор.	1 чор.	1 чор.	1 чор.	1 чор.	1 чор.	1 чор.	1 чор.	1 чор.	1 чор.	1 чор.
Корахаллигистон Республикаси	7	7	3	3	3	3	2	1	2	9	4	13	13	12
Бизнэстар:														
Алмажон	2	2	10	10	14	13	8	4	5	6	9	2	8	11
Букоро	6	6	8	7	6	7	6	9	4	9	7	4	9	13
Жиззах	10	11	4	4	9	9	3	7	6	1	2	12	10	6
Калкунларе	3	3	14	14	5	5	12	11	14	5	12	8	3	5
Навоий	1	1	1	1	1	1	4	12	9	11	3	1	14	14
Наманган	14	14	5	5	10	11	7	5	8	8	8	7	6	3
Самарқанд	13	13	12	12	13	14	10	6	10	13	11	10	1	1
Сурхондаре	9	9	6	6	7	6	5	2	7	14	1	11	11	10
Сирдаре	8	8	2	2	8	8	1	8	1	4	6	5	12	7
Тошкент	4	4	11	11	4	4	11	10	12	12	13	6	5	8
Фарғона	5	5	13	13	12	12	9	3	11	7	10	3	4	9
Хоразм	11	12	7	8	11	10	13	13	3	3	5	14	7	2
Тошкент шаҳри	12	10	9	9	2	2	14	14	13	2	14	9	2	4

<sup>175</sup> Майба: Ўзбекистон иқтисолидёти. Ахборот-таддамий бюллетенъ 2010 йил, январь-март. Тошкент. 2010. 37 бет.

Лекин, сўнгги йилларда мамлакатнинг деярли барча ҳудудларида бу борадаги ривожланиш суръатларида сезиларли даражадаги фарқланиш йўқ. Демоқчимизки, барча вилоятларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳам республика миқёсида, ҳам ҳудудий миқёсда қабул қилинган дастурлар асосида ривожлантирилмоқда.

Бироқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тартибга солишида шундай муаммолар борки, уларнинг олдини олиш учун меъерий ҳужжатларни янада такомиллаштириш ишларини олиб бориш зарур. Эндиликда судгача бўлган ҳолатларда даъволарнинг олдини олиш учун шароит яратадиган ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилиши лозим. Бу борадаги ишларни 2009 йилдан бошлаб амалга ошириш бошланган.

Муқобил услублар асосида даволарни ҳал этиш мақсадида Арбитражни ривожлантириш маркази ташкил этилган бўлиб, бошқа мутассадди ташкилотлар ҳамкорлигида ҳалқаро арбитраж суди ҳақида қонун лойиҳалари тайёрлаш учун таклифлар ишлаб чиқилди.

Фикримизча, асоссиз текширишларни камайтириш үзининг ижобий натижасини берди. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги шартнома муносабатларини бажариш масалаларига доир муаммолар ҳамон долзарблигича қолмоқда. «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳўжалик юритувчиларнинг низоларини тартибга солишининг янги муқобил тизимини жорий этишга олиб келди.

2009 йилда республика буйича олганда ҳақамлар судларнинг сони 20 та бўлиб, шундан 14 таси Савдо-саноат палатаси орқали ташкил этилган. Улар томонидан қиймати 12 млрд. сўмга тўғри келган, 700 дан ортиқ даво аризалари кўриб чиқилди. Айниқса, Сирдарё, Тошкент, Самарканд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида фаолият олиб борган ҳақамлар суди фаол бўладилар. Бироқ, Фаргона, Намangan, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида иш олиб борган ҳақамлар судларида бу борада кутилган даражадаги самарага эришилгани йўқ.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш билан шугуулланадиган кадрлар масаласига доир му-

аммолар ҳам йўқ эмас. Чунки, олий ўқув юртларида бу соҳада иш олиб борадиган кадрларни тайёрлайдиган мутахассисларнинг ўзи етарли эмас. Шунинг учун турли соҳаларнинг Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан олиб борилган ҳамкорлиги туфайли 2009 йилдан бизнес соҳасида фаолият юритувчи кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратила бошланган. 2009 йилдан ҳалқаро арбитрларни ўқитишга ҳам эътибор берилди. Бу эса хорижий ҳамкорлар билан бўлган иқтисодий муносабатларда айрим ҳолатларда келиб чиқадиган тортишувларни ҳал этишда жуда муҳимдир. Бошқача айтганда, ўзимизнинг миллий мутахассисларимиз ҳалқаро муносабатлардаги даъволи жараёнларни бартараф этишда фаол қатнашиш имкониятларини қўла гирифадилар.

Хулоса шуки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши, демократик жамиятнинг ижтимоий базасини яратувчи тадбиркорлар оммасининг фоллашувига олиб келади. Бу эса бозор иқтисодиётiga тўла ўтиш учун шарт-шароитни яхшилайди, ишлаб чиқаришни самарали ривожлантиришга қизиқиши кучайтиради. Аҳоли таркибида бизнес элитанинг шаклланишига олиб келади.

### **3.6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик туфайли миллий иқтисодиёт тармоқларидағи ўзгаришлар ва тадбиркорлик маидаатларини ҳимоялаш**

Статистик таҳдиллардан кўриниб турибдики, ЯИМнинг умумий тузилишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тегишли улуши ўсиб бормоқда. Натижада, мамлакатимиз бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш таркиби сезиларли ўзгарди. 2000–2008 йилларда саноат соҳасининг улуси 1,6 марта, хизматлар соҳасининг улуси 1,2 марта ошган.

2007 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосида хўжалик юритувчи субъектлар орқали ЯИМнинг 45,7 фоизи ишлаб чиқарилди. Бу эса 2006 йилдаги ҳудди шундай (42,1% бўлган) кўрсаткичга нис-

батан олганда 3,6 пунктта ошганлигини күрсатади. ЯИМнинг ушбу секторга тўғри келган улушида кичик корхоналар – 7,2 фоиз, микрофирмалар – 20,2 фоиз ва якка тадбиркорлик фаолияти – 18,3 фоизни ташкил этган. Республика бўйича олганда мазкур секторда банд бўлганлар 7762,8 минг кишидан иборат бўлиб, бу иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 72,3 фоизини ташкил этади. Банд бўлганларнинг 53,1 фоизи (ёки 5707,2 минг киши) кичик корхоналарда, қолган 19,2 фоизи (ёки 2055,6 минг киши) микрофирмаларда ўз фаолиятларини ташкил этишган.

Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 35,9 фоизга ошган ва 2366,5 млрд. сўмга teng бўлди. Бу эса жами саноат маҳсулотларининг 12,9 фоизини ташкил этади. Жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам 10,2 фоизга ошди ва 8763,8 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 97,5 фоизини билдиради. Мазкур секторни ривожланиши орқали экспорт қилинган маҳсулот ҳажми 1333,5 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, умумий экспорт ҳажмининг 14,8 фоизини ўз ичига олади. Импорт қилинган маҳсулотлар ҳажми 1746,8 млн. АҚШ долларига teng бўлди ёки жами импортнинг 33,3 фоизини ташкил этди. Ташқи савдо айланмаси жамига нисбатан олганда 21,7 фоизни ташкил этди.

2007 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан асосий капиталга қўйилган инвестициялари 19,9 фоизга, курилишда – 53,7 фоизга (1391,5 млрд.сўм) teng келди. Шунингдек, транспорт орқали юклар айланмаси 13,7 фоизга ошди ва тўлиқ ҳажмга нисбатан олганда 70,0 фоизга тўғри келди. Пассажирларни ташиш 13,6 фоизга ошган. Бу ҳам тўлиқ ҳажмга нисбатан олганда 85,4 фоизни ташкил этди.

Хусусий тадбиркорлик секторида жами чакана товар айланмасининг 47,2 фоизи (4463,8 млрд. сўм) амалга оширилди. Бу 2006 йилга нисбатан олганда 24,9 фоизга ошганлигини кўрсатади. Аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажми 1542,8 млрд. сўмни ташкил этиб, 50,5 фоизга ўзгарди.

Бошқача айтганда, жами кўрсатилган хизматларни 19,9 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тўғри келди.

2008 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улушини 48 фоизга ошиш кўзланган эди, амалда эса 48,2 фоизга тўғри келди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари томонидан экспортта чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 1 млрд. АҚШ долларидан ошди. 300 мингдан ошиқ иш ўринлари яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони 436,3 мингдан ошди.

2008 йилда саноатда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг 13 фоизи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи, қурилиш ҳажмининг 60 фоизи, товар айирбошлиш ва хизмат кўрсатишнинг деярли 50 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига тўғри келди. Бу билан истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, қурилиш ишлари, қишлоқ хўжалиги ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг ҳажмида ўсиш суръатлари сезиларли бўлди.


Таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификация қилиш 2008 йилда тармоқлардаги юқори ўсиш суръатларини таъминлади. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 12,7 фоизга, хизмат кўрсатиш – 21,3 фоизга, транспорт хизмати ҳажми – 10,2 фоизга ўсди.

2004–2008 йиллар давомида маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилган лойиҳалар сони 1,5 баравар, уларда иштирок этаётган корхоналар сони эса 1,2 баравардан кўпроқ ўсди.

2009 йил якунига келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда 8 миллиондан ортиқ киши меҳнат қилиб, бу жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 76 фоиздан кўпрогини ташкил этди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ҳукуматимиз томонидан кўрилаётган барча чора-тадбирлар миллий иқтисодиётни юксалтиришга йўналтирилмоқда. Бу борада республикада фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги мамлакатнинг ишчанлик фаолигидаги ўзгаришлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни даврда энг ривожланган мамлакатларда ишчан фаоллик индекслари пасайиб бораётган бир даврда Узбекистонда ушбу кўрсаткич ўсиш тенденциясида.

Ўзбекистонда 2010 йилнинг учинчи чорагида бизнес юритишида юқори фаоллик кўрсаткичларига эришилди. Бизнеснинг фаол улуши (аввалги чорак кўрсаткичларига нисбатан ижобий натижаларга эга бўлган) пассив улушидан 27,7%га ошмоқда. Ишchan фаоллик индекси (ИДА – индекс деловой активности) 27,7 гача кўтарилди. ИФИ ўтган чорак кўрсаткичларига (17,5) кўра олганда 10,2 пунктга ўсган.



Барча ҳудудларда ИФИ кўрсаткичлари юқори бўлган. ИФИ бўйича энг юқори кўрсаткич Сирдарё (77,1), Тошкент (45,0) ва Навоий (44,5) вилоятларига тегишли. Сирдарё вилояти 5 та кетма-кет таҳдил этилаётган давр мобайнида ўртacha 29,1 кўрсаткич билан илгорлик қилди. Тўртинчи чоракда Навоий вилояти (90,9) устунликка эришиш эҳтимоли бор. Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида ҳам кутилган ҳолатдан жорий ҳолатда ИФИ кўрсаткичлари бўйича устунлик мавжуд. Бироқ, Жizzах, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жорий ҳолатдаги ИФИ кўрсаткичлари кутилаётган ҳолатдан анча паст<sup>176</sup>.

Мамлакатда ишchanлик фаоллиги ортиб бораётган бир пайтда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти туфайли ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми жиҳатидан тармоқ тузилмаси бўйича 2009 ва 2010


<sup>176</sup> Изоҳ: ИФИнинг максимал қиймати плюс 100, минимал қиймати минус 100. Агар ИФИ ижобий бўлса – ишchan фаоллик яхшиланади, ИФИ салбий бўлса – ишchan фаоллик ёмонлашади.

йилларнинг биринчи чорагига тұғри келган ҳолатни таҳлил этсақ, 3.7-чизмадаги күринишга эга бұламиз.

Хизмат күрсатиши ва сервис соқасини ривожлантириш Дастури бүйіча олғанда савдо, умумий овқатланиш, майший хизмат, автомобилларни таъмирлаш соқасига таалдуқлы 8 мингдан ортиқ корхоналар яратылды. Натижада, күрсатылған хизматтар ҳажми 18,5 фоизга, ЯИМ-даги улуси әса 40,5 фоиздан 44,9 фоизга ошды. Қишлоқ ақолисига күрсатылған хизматтар улуси 23,7 фоиздан 26,5 фоизга күратылды.

### 3.8-чизма

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти туфайли ишлаб чиқарылған маңсулот ҳажми жиһатидан тармоқ түзилмаси<sup>177</sup>



2009 йил I-чорак

2010 йил I-чорак

Хизмат күрсатища нафақат анъанавий күринишдеги соқалар, балки ахборот технологияларидан фойдаланиш ва бизнес-консалтинг каби замонавий шаклдаги хизмат күрсатиши турлари ҳам анча ривожланди. Бу соқаларда маҳаллій бозорда жуда күп янги миллий компаниялар пайдо бўлди. Ўзбек компаниялари ўзининг миллий операцион тизимини ишлаб чиқди. Бу әса ҳар қандай хорижий давлатлар билан алоқалар үрнатиши имкониятини янада кенгайтирди.

2008 йилдан сугурта тизими фаол ривожланди, янги корхоналар, банклар, кредит үюшмалари, микрокредит ташкилотлари пайдо бўлди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соқасини ривожлантиришга

<sup>177</sup> Чизма муалиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика құмитаси маълумотлари асосида тузилган.

йўналтирилган меъёрий ҳужжатлар асосида хизмат кўрсатиш номенклатураси анча кенгайди. Суғурта тизимида эришилган натижалар шунга олиб келдики, бу соҳада ҳам ички, ҳам ташқи бозорда рақобат мұхитини шакллантиришга устуворлик берилди. Бу эса суғурта компанияларининг жаҳонда рўй берган молиявий-иқтисодий инқироз даврида ўз позициясини мустаҳкамлаб олишига олиб келди.

Умуман олганда, миллий иқтисодиёт таркибидағи ўзгаришлар асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб бориши билан кўпроқ bogliq bўlmoқda. Юқоридаги фикрларни умумлаштириб қўйидағи тавсияларни бермоқчимиз:

Биринчидан, барча тармоқлар бўйича кичик бизнес корхоналарини ташкил этишда фақат ишчилар сонига қараб табақалаштириш етарли эмас. Бунинг учун бошқа параметрларни ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, устав капиталининг ҳажмига ёки айланма капитал ҳажмининг миқдорига қараб ҳам, корхоналарни микрофирма ва кичик миқёсларга ажратиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, кичик бизнес корхоналар фаолиятини давлат томонидан тартибга солища қулайлик тутғиди.

Иккинчидан, «Савдо-саноат палатаси» ахборот-маслаҳат бериш бўйича фаолият доирасини ошириши мақсаддага мувофиқдир. Бунда палатанинг барча вилоятлардаги бўлимлари маҳаллий худуддаги олий ўқув юртлари билан ўзаро алоқалар ўрнатиш зарур. Бу айни бозор иқтисодиётидаги мураккаб жараёнларда қулай мослашувчанликни ошириш учун мұхимдир. Чунки, бозор мұхити янгича бошқарувни, янгича ишлашни талаб этмоқда.

Учинчидан, бозорга хос фавқулоддаги ўзгаришларга мос равишда корхоналар фаолиятини кучайтириш мақсадида маркетинг бўлимларининг (айниқса, кичик корхоналарда бу жуда зарур) фаолигини ошириш керак. Афсуски, илмий тадқиқотларимиз далилларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кўпчилик кичик корхоналарда (қўшма корхоналардан ташқари) маркетинг соҳасидаги ишларни авж олдириш чоралари кўриб чиқилмаган.

Тұртингидан, барча тармоқларда фаолият курсатын тағыраңған тадбиркор-ишибилармоналар бизнес-режа тузишни пухта үзлаштиришлари зарур. Айниқса, саноат ва қурилиш соқасындағи кичик бизнес корхоналарида лойиҳа-смета ишларини пухта тайёрлаш, уни тайёрлашда инфляцион жараёнларни олдини олувчи чора-тадбирлар құрылған бұлиши керак. Шунда құшимчы харажатлар ұжымы камаяди, ишлаб чиқариш жараёнларини самарали ташкил этиш учун қулайлар яратылады.

Бешинчидан, мамлакатимиз иқтисодиётини әркинлаштириш болрасындағи давлат сиёсати асосида кичик ва хусусий тадбиркорлық корхоналарининг иқтисодий әркинлігінің таъминлашни күчайтириш мақсады тұғридір. Бу эса республикада бозор қонуниятларига амал қилинаётганligini аниқ далил сифатыда намоён этади.

Ушбу тавсияларнинг амалда құлланилиши, муайян даражада кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиши ва ташкил этишдеги мұаммоларни ұал қилишга күмаклашади деб ҳисоблаймиз.

## **IV БОБ.**

### **ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

#### **4.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда давлат механизми таъсири ва фискал сиёсат орқали тартибга солиниши**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ва иқтисодий тартибга солиш давлат тузилмалари ҳамда бозор тузилмалари орқали амалга оширилиши мумкин (4.1-чизмага қаранг). Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни маъмурӣ ва иқтисодий тартибга солишнинг ўзига хос механизми ташкил топди. Ҳозирда бу механизмнинг муваффакиятли фаолияти ҳал қилувчи даражада давлат органларининг фаолиятига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг маъмурӣ жиҳатдан тартибга солиш тамойиллари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Чунки, хусусий сектор миллий иқтисодиётнинг тараққиётига кўп жиҳатдан фойда келтириши кундалик ҳаётимиздан маълум бўлмоқда.

Шу боисдан иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимини кенг ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектларга кенг иқтисодий имкониятлар бериш ва уларнинг хўжалик фаолиятига давлат аралашувини маълум маънода чеклаш – давлат томонидан тартибга солишнинг мазмун-моҳиятини ташкил

этади. Бугунги кундаги эркинлаштириш нафақат бозор муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришни, балки уларнинг ўз фаолиятлари учун бўлган иқтисодий, молиявий, маъмурӣ масъулиятини оширишни ҳам ифодалайди.

Бугунги кунда давлат механизми фаолиятини қўйидаги йўналишларда яққол кўра оламиз:


1. Давлат томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар. Буларга тадбиркорлик ва бизнесга оид қабул қилинган Қонунлар, Фармонлар, қарорлар ва шу каби бошқа ҳужжатлар киради. Меъёрий ҳужжатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг юридиқ қоидаларини белгилайди. Энг муҳими, бу ҳужжатларда бир-бирига зид бўлган қарорларни қабул қилишга йўл қўймасликка ва меъёрий база (асос)ни доимо такомиллаштириб боришга йўналтириш керак.
2. Фискал сиёсат орқали тартибга солиш.
3. Пул-кредит тизими орқали тартибга солиш.

«Биламизки, солиқлар давлат бюджети билан маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг асосий манбаидир. Солиқлар кенг қамровли, айни пайтда ҳар бир соҳа, тармоқ ва корхонага алоҳида қайишқоқ ва шароитга мослашувчан бўлиши зарур»<sup>178</sup>. Шу туфайли ҳукуматимиз томонидан фискал-бюджет сиёсатини юритишдан кўзланган мақсад солиқлар миқдорини кўпайтирмай, давлат ва жамият манфаатдорлигини таъминлашдан иборат бўлмоқда.


Фискал-бюджет сиёсатининг амалга оширилиши туфайли бюджет тақчилиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1998 йилда 1,9 % бўлган бўлса, 2001 йилда 1 фоиздан камроқни ташкил этган. Бюджет тақчиллигининг камайиш тенденцияси 2005 йилгача давом этди ва шу йилнинг ўзидан бошлаб бюджет профицитига эришилди. Эътиборлиси шундаки, жаҳонда рўй берган молиявий-иқтисодий инқироз айни кучайган 2008 йилга келиб, Ўзбекистонда бюджет профицити 1,5 фоизни ташкил этиб, 4,2-чизмада таҳлил этилган йилларда энг юқори кўрсаткичга эга.

<sup>178</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент: Ўзбекистон, 1993. 116-бет.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиши ва бошқариш механизми<sup>179</sup>**



<sup>179</sup> Чизма муаллиф томонидан түзилген.

Давлат бюджети кўрсаткичларининг бажарилиши даражаси, фоизда<sup>180</sup>

2007 йилда жаҳон миқёсидаги глобал вазият салбий томонга огиб, жаҳон матбуоти ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг маълумот берила бошланди. Шу даврдан эътиборан Узбекистон ҳукуматининг миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишини сақлаб қолувчи саъй-ҳаракатлари кучайтирилди. Жумладан, кичик бизнес ва тадбиркорликни жадал ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, шу асосда аҳоли бандлиги масаласини ҳал этиш ҳамда фаровоноликни оширишга жиiddий эътибор қаратилди. Кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўловининг 13 фоиздан 10 фоизгача камайтирилиши, янги тадбиркорлик субектларини ташкил этиш ва бизнес йўналишини ўзгартираётган тадбиркорлик субектларини тутатиш жараёнини тартибга солиш, соддалаштириш ва арzonлаштириш ишбilarмонлик мухитини сезиларли равишда яхшилаш имконини берди.

2008 йилга келиб ягона солиқ тўлови 10 фоиздан 8 фоизгача туширилди. Хизмат кўрсатишнинг алоҳида турлари бўйича олганда 5 фоизли тўловлар амалга оширилди. Қишлоқ ҳужалигида бу кўрсаткич 6 фоизни ташкил этди. Фермерлар учун солиқ ҳисоботларини соддалаштирилган тизими ишга туширилди.

<sup>180</sup> Чизма муаллиф томонидан Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

Солиқ тизимиңдаги ислоҳотлар йилдан йилга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг миқдор жиҳатдан кўпайипшига олиб келди. Шу билан бир қаторда жисмоний шахсларнинг ҳам даромадлари оша борди. Масалан, жисмоний шахсларнинг даромад солиги ставкаси 2002 йилда энг кам иш ҳақининг 4 бараваригача – 13%, 4-8 бараварида – 23%, 8 дан юқорисига – 33% қилиб белгиланган эди. 2009 йилда эса энг кам иш ҳақининг 6 бараваригача – 12%, 6-10 бараваригача – 17%, 10 бараваридан юқорисига – 22% қилиб белгилаб қўйилди<sup>181</sup>.

2009 йилда мазкур субектларга айрим солиқ имтиёзлари берилиши баробарида ҳўжалик юритувчи субектларни текширишлар сонини қисқартириш ва уларнинг эркин фаолият юритишлари учун янада қулай шароитлар яратиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шу жумладан, давлат солиқ хизмати органлари томонидан режали тарзда текширилиши мўлжалланган корхоналар сони 62 фоизга қисқартирилди.

Солиқ кодексининг 70-моддасига биноан камерал назорат усулидан фойдаланган ҳолда, давлат солиқ хизмати органларидағи мавжуд ҳисоботларни бошқа органлардан олинган маълумотлар билан солишириш орқали солиқ тўловчилар фаолияти устидан назорат олиб борилди. Таҳдил натижаларига кўра, хато ва камчиликларга йўл қўйган тадбиркорга йўл қўйган хато ва камчиликлари тушунтирилиб, уларни бартараф этиш лозимлиги тұғрисида талабнома юборилди. Ҳукумат раҳбарлигида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган бундай саяй-ҳаракатлар, берилаётган имтиёз ва енгилликлар тадбиркорларнинг эркин фаолият олиб боришлари учун ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлайди.

2011 йилдан эса кичик корхоналар ва микро фирмалар учун ягона солиқ тўлови 7 фоиздан б ғоизга пасайтирилди. Бу, уз навбатида, бозор субъектлари учун 50 млрд. сўмдан ортиқ маблагни тежаш имконини беради. Демак, солиширилган тегишли йилларда солиқ юки оқилона туширилган.

<sup>181</sup> Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари.

Хозирга қадар давлат солиқларни, солиқ ставкаларини камайтириш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг инвестициялаш имкониятларини кенгайтиришга шароит яратди. Бу жараён бундан кейин ҳам давом этади.

Республикада даромад (фойда) солиги ставкаси 1995 йилда 29,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2001 йилда 26,0 фоизга тўгри келди. 2002 йилда эса ушбу солиқ ставкаси 24 фоизга камайтирилди.

2009 йилнинг 30 декабрида «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар кириш тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Солиқ тизимининг тобора мукаммаллашиб бориши иқтисодий сиёsatни самарали олиб боришга, давлат молиявий тизимини ривожлантиришга ёрдам берди.

Амалдаги қонун ҳужжатларида, Республика Президентининг Фармонларида, Ҳукумат қарорларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан солиқ олиш, унга молиявий ёрдам кўrsatiш борасида имтиёzlар бериш, имтиёzли кредитлар ажратиш, бизнесни ташкил этишда уни моддий-техника ва хомашё ресурслари билан таъминлаш борасида кумаклашиш назарда тутилган ва бу соҳада анча ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Шунга қарамай, озиқ-овқат ва бошقا истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағbatлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда янада кенг ва қулай имкониятлар яратилиб бориляпти. Бу дастурларда мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналари учун кенг кўlamли рағbatлантириш тизими назарда тутилганлиги юқоридаги фикрларимизнинг далилидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишини янада эркинластириш мақсадида 2012 йилнинг 1 январь ойига қадар солиқ ва божхона имтиёzlари қўйидагича белгиланмоқда<sup>182</sup>:

– гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бушаган маблагларни ишлаб чиқаришни тех-

<sup>182</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 35-бет.

ник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равища да йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга қисқартириш;

— тайёр ноозик-овқат товарларининг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда ва мулк солиқларидан, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солиқ тўловидан озод қилиш.

Бироқ, ижобий натижалар билан бирга, республика миқёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга тұсқынлик қилаётган муаммолар ҳали кўп. Давлат механизмининг асосий иқтисодий дастаклари ҳисобланган солиқ тизими ва пул-кредит тизими орқали, амалий қўллаб-қувватлашнинг сустлиги туфайли, айрим ҳолларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жамият учун манфаатли лойиҳаларни ва истиқболли ташаббусларни амалга оширомай қолиб кетмоқдалар. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг банкротлиги рўй бермоқда.

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўйидаги омиллар тўсиқ бўлмоқда:

— шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутларнинг ҳалигача мавжудлиги, ижтимоий инфраструктуранинг заиф ривожланганлиги ва айни пайтда жуда қимматга тушаётганлиги;

— товар ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича маҳсус тайёргарликка, тажрибага ва малакага эга эмаслиги;

— янгича иқтисодий фикрлашнинг тўла шаклланмаганлиги туфайли хўжалик юритувчи субъектлар билан давлат идоралари ўртасидаги муносабатларда буйруқбозлик ва маъмуриятчилик кўринишлари мавжудлиги;

— технология ва машиналар, механизмлар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, ёқиғи-мойлаш материаллари, электроэнергия ва бошқа ресурсларнинг нархи ошиб бораётганлиги, натижада етиштирилган маҳсулотлар нархи ўртасида номутаносибликнинг вужудга келиши.

Шу боис, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши ҳозирча ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, янги иш ўринларини барпо этиш, ишлаб чиқаришга илм-фан талаб қиладиган ва илгор технологияларни жорий этиш, микрофирма ва кичик корхоналар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқаларини ташкил этиш нуқтаи назаридан етарли эмас. Бунинг далили сифатида 2000 йил давомида аниқланган 34,2 мингдан ортиқ ҳаракатсиз корхонадан 14,8 мингдан ортиғи тугатилганлигини қайд этиш мумкин.

Агар 2001 йил бошига тааллуқли статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ҳар тўрттасидан бири йил давомида фаолият кўрсатмаган. Бундай корхоналар Тошкент шаҳрида – 36,8%, Қорақалпогистон Республикасида – 26,6%, вилоятлар бўйича Самарқандда – 23,9%, Фарғонада – 19,8%, Хоразмда – 19,4% ва Намангандада – 15,5%ни ташкил этган. Уларнинг жорий ҳисоб рақамларида хеч қандай операция амалга оширилмаган.

Фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишда солиқ тизимининг аҳамияти кагта. Шунинг учун Ўзбекистонда таъсирчан солиқ механизмини шундай жорий этиш керакки, у монопол оқибатларни чеклаш, илмий-техника тараққиётини таъминлаш, ишлаб чиқариш аппаратини тез янгиланиши учун имконият яратиш ва тармоқлар ўртасида тўғри мувозанатни сақлашга йўналтирилиши зарурдир.

Янги Солиқ Кодексининг кучга кириши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ тұлаш тартибларига яна-да аниқлик киритди. Солиқ юкининг камайиб бориши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни фаоллаштиришда мұхим омилга айланди. Натижада, кичик ва хусусий корхоналарнинг ички молиявий манбалари ҳисобига амалга оширилган инвестициялари 65 фоиздан күпроқни ташкил этди.

Умуман, 1996–2011 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари 6,3 мартаға (38%

дан 6%гача) қисқарди. Буларнинг барчаси шаҳар ва қишлоқлардаги кичик бизнес корхоналарининг иқтисодий фаолиятини яхшилаш мақсадида қўшимча шароитлар яратишдан иборатdir.

Аммо, бугунги кунга келиб, Ҳукумат қарорлари билан шакланаётган янги иқтисодий имкониятлар доирасида тадбиркор учун юридик шахс бўлмаган ҳолда якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш фойдалироқ бўлиб қолди. Чунки, мазкур соҳада қатъий солиқ белгиланган бўлиб, ишлаш ҳам бир қадар қулай. Бошқа томондан олганда эса, якка тадбиркорларнинг ҳуқуқий имкониятлари юридик шахс мақомига нисбатан анча торроқ қилиб белгиланмоқда. Демак, бизнес секторда ҳаракат қилаётган субъектларнинг ҳар икки мақомда фаолият юритишларида у ёки бу даражадаги қийинчиликлар бор. Бу албатта, бозор иқтисодиётига ўтиб бориш билан боғлиқ бўлган табиий жараён. Бироқ, умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони юридик шахслар ва якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, динамик равища усib борувчи тенденцияга эга бўлиб турибди.

#### **4.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиқ тизими орқали тартибга солишда шаклланган муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари**

Миллий иқтисодиёт таркибидағи бизнес секторнинг ривожлантиришда шуни кузатиш мумкинки, кичик корхоналар учун ягона солиқ жорий этилгач, ўрта корхоналар ҳам кичрайиб, бўлакларга бўлина бошлади. Бундай тузилмаларнинг барчаси муайян вақт давомида ҳал этишлари лозим бўлган вазифаларининг хусусиятларига кўра, ўз шаклларини ўзгартирсалар ҳам тадбиркорлик жиҳатини ўзгартирмайдилар. Бундай мослашувчанлик, яшовчанлик уларнинг асосий афзаллиги ҳисобланади.

Бироқ, фикримизча солиқ сиёсатини амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг камси-

тилишига йўл қўйилган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Бунинг устига солиқ тизимининг мураккаб жиҳатлари борки, тадбиркорлар солиқ тұлаш масалаларини яхши фарқлай олмайдилар.

Солиқ идораларидағи айрим раҳбар ва ходимларнинг қабул қилинган мөъёрий ҳужжатларга тұла амал қылмаёттандырылғанда ҳамда солиқ үндериш механизмидеги тұрачылық тартиботлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарали ривожланиб кетишига халақит бермоқда. Албатта, берилаёттандырылған әркинлик ва имтиёзларни суистеъмол қыладыган, фақат ҳуқуқларнини рұкав қилиб, мажбуриятини эсдан чиқарып қўядыган шахслар ҳам йўқ эмас. Натижада, тадбиркорларнинг кўплари (айниқса, вилоятларда фаолият олиб бораётгандар) ўзларига берилган солиқ соҳасидаги ва бошқа имтиёзлардан фойдаланишда қийинчиликлар сезишмоқда.

Биргина Самарқанд вилоятида давлат солиқ бошқармаси томонидан үтказилган текширишлардан маълум бўлдики, бу соҳада қонунбузарлик даражаси 2000 йилда 52,2% ни, 2001 йилда 63,7% ни ташкил этса, 2004 йилнинг биринчи чорагидаёқ 82,7% ни ташкил этган<sup>183</sup>. Демак, вилоядада солиқ органлари фаолиятидаги камчиликлар йил сайин ортиб бормоқда. Навоий вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида үтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра бизнес фаолиятини юритишида айланма маблағларнинг етишмаслиги, солиқ ставкаларининг юқориилиги тадбиркорликни янада ривожланишига тўсқинлик қилаётгани аниқланди<sup>184</sup>. Бундай ҳолат бошқа вилоятларда ҳам кузатилмоқда.

Кўп ҳолларда моддий-техника ресурсларини олишда тадбиркорлар билан давлат корхоналари ўртасидаги тенг ҳуқуқлиликка риоя қилинмаяпти. Ҳокимликларнинг раҳбарлари йирик корхоналарнинг маҳаллалар билан узвий алоқасини таъминлайдыган янги ташкилий шаклларини яратиш, қишлоқ жойларида бу корхоналарнинг бўлимларини ва цехларини ташкил этиш бўйича самарали чора-тадбирларни кўрмаяптилар. Шаҳарларда жойлашган хусусий корхоналар

<sup>183</sup> Текширишларни ким тартибга солади? // XXI аср. З июнь, 2004. №23.

<sup>184</sup> Тадбиркорга ҳам, хазинага ҳам зиён // XXI аср. 5 август, 2004. №32.

маблағларини қишлоқ жойларидағи кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жалб этиш учун яратылған механизм деярли ишламаяпты.

Хусусийлаштирилған мұлкни ишга солиб юбориш жараёнларида ҳам маълум түсиқлар борки, бунинг учун тадбиркор ойлаб вакт йўқотади. Навбат кутишлар, мансабдор шахсларнинг тўраларча муносабатлари, айрим ҳолларда очиқчасига таъмагирлик қилишлари тадбиркорларнинг ишдан кўнглини совутмоқда, ислоҳотга, келажакка ишончларини йўқотмоқда. Бундан ташқари, банқда ҳисоб рақами очиш, пул ўтказиш масалаларда тадбиркорларга ўгай кўз билан қараш ҳоллари мавжуд. Аслида олганда, умуман кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми самарали ишлаши керак. Чунки шунга мос ҳуқуқий замин яратылган.

Юқоридаги фикрлардан қелиб чиқиб «бу борадаги энг чида бўлмайдиган ҳолат – мансабдорлар томонидан йўл қўйилаётган ўта расмиятчилик, ислоҳотларнинг мақсадини, маъно-мазмунини, моҳиятини тушуниб етмаслиги...»ни<sup>185</sup> алоҳида қайд этиш мумкин.

Ушбу долзарб муаммоларни ўрганиш, келажакда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг макроиктисодий барқарорликни таъминлашдаги ҳиссаси қандай бўлишини таҳмин қилиш ва унинг республикада кечётган иқтисодий-ижтимоий жараёнга кўрсатадиган таъсирини аниқлаш имконини беради. Шу боис, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш муаммоларини ижтимоий тадқиқот ўтказиш (1-иловага қаранг) орқали ўрганилди<sup>186</sup>. Тадқиқот обьекти сифатида Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг давлат идоралари

<sup>185</sup> Ислом Каримов. Иқтисодиётни эркинаштириш – фаровонлик пойдевори // Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъумамиз. 9-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 25-бет.

<sup>186</sup> Ижтимоий тадқиқотлар муаллиф томонидан 1999, 2003 ва 2007 йилларда Наманган вилоятида ўтказилди. Сўровнома натижаларига доир маълумотлар иловада батагфисроқ көлтирилган.

орқали тартибга солишининг амалдаги тизими танланди. Респондентларга тарқатилган анкета варақасига:

- давлат ва хусусий сектор ўртасидаги муносабат тұғрисидаги;
- кичик бизнес ва хусусий табибиркорликни давлат томонидан құллаб-құвватлашда келиб чиқадиган муаммолар тұғрисидаги;
- янгича иқтисодий фикрлаш доирасидаги саволлар киритилди.

Илмий тәдқиқотлар натижаси шуни тасдиқлады, табибиркор-бизнесмен ва менежерлар бошқарадиган кичик ва хусусий корхоналарда йил сайин маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат күрсатишининг кенгайиши жуда қийинчилик билан амалга ошаёттандырылғанда маълум бўлди.

2007 йилдаги сўровнома натижаларига кўра, респондентларнинг 27,4%игина (2003 йилдаги сўров натижаларида 26,0% бўлган) үзининг бизнес фаолиятини кенгайиб бораёттандыргани «сезиларли ортмоқда» деб изоҳладилар. Худди шу кўрсаткични 2003 йилдаги сўровнома натижаларига нисбатан оладиган бўлсак, 1,4 пунктта кўпайтандыргани кўрсатса-да, 1999 йилдаги сўровнома натижаларига нисбатан олганда 7,1 пунктта камайтандырганидан далолат беради. 2007 йилдаги сўровнома натижаларига кўра, қолган жавоблар салмоғида респондентларнинг 27,7%и (1999 йилда – 28,5%) – «озроқ ортяпти», 28,3%и (1999 йилда – 22,8%) – «узгармаяпти» ва 16,6%и (1999 йилда – 14,2%) «камайиб бормоқда» деб жавоб бердилар. Аммо «жуда тез ортмоқда» деб белгиланган жавоб бирорта респондент томонидан (тегишли йилларда утказилган сўровнома натижаларида) қайд этилмади<sup>187</sup>.

4.1-жадвалдан кўриниб турибеки, 2003 ва 2007 йилларда утказилган сўровномада респондентлар томонидан «узгармаяпти» деган жавоб салмоғи 2,9 пунктта ошган. Респондентлардан бунинг сабаби сўралганда, улар бир томондан жаҳон миёсидағи молиявий-иқтисодий инқироз билан боғлиқ деб ҳисоблаб, иккинчи томондан маъмурний идораларнинг асоссиз аралашувларига кетган сарф-харажатлар билан изоҳламоқдалар.

«Камайиб бормоқда» деган жавоб салмоғи эса худди шу даврлар нисбатида 0,5 пункт даражасида камайган. Бу ижобий ҳолат. Бошқача

<sup>187</sup> Муаллифнинг ижтимоий сўров натижалари бўйича ҳисоблари.

айтганда, респондентларнинг молиявий ликвидлиги шу даврда ошган. «Сезиларли ортмоқда» деган жавоб салмоги 1999–2003 йиллардаги сурвномалар солиширилганда 8,5 пунктга камайган бўлса, 2003–2007 йиллар сурвномалари нисбатида 1,4 пунктта даражасида ўсиш бор. Бу эса, сунгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг олаётган даромадлари ошиб бораётганлигидан далолат беради.

#### 4.1-жадвал

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари (респондентлар)нинг даромадлари ҳақида ўтказилган жавоблар салмоги<sup>188</sup>**

Сурвномада олинган жавоблар	Сурвнома ўтказилган йилларда тасдиқланган жавоблар (%да)			2003 йилнинг 1999 йилга фарқи (-;+)	2007 йилнинг 1999 йилга фарқи (-;+)	2007 йилнинг 2003 йилга фарқи (-;+)
	1999 йил	2003 йил	2007 йил			
Жуда тез ортмоқда	–	–	–			
Сезиларли ортмоқда	34,5	26,0	27,4	-8,5	-7,1	+1,4
Озроқ ортятти	28,5	31,5	27,7	-3	-8,0	-3,8
Ўзгармаяпти	22,8	25,4	28,3	+2,6	+5,5	+2,9
Камайиб бормоқда	14,2	17,1	16,6	+2,9	+2,4	-0,5

Тадбиркорлик фаолиятидан тушаётган даромадларнинг ортиши, жамиятишимиз таркибида бизнес элитанинг шаклланиб бориши ва аҳоли турмуш даражасини ошишига олиб келувчи муҳитни шакллантиради. Бу эса айни даврда инсон салоҳиятини ривожлантириш йўлида жуда муҳимдир.

Бироқ, 4.1-жадвалдаги ҳолатни тўла тўкис ижобий баҳолай олмаймиз. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан олинадиган даромадларнинг ошиб бориш тенденцияси сезиларли даражада эмас.

<sup>188</sup> Жадвал муаллиф томонидан Наманганд вилоятида ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар (сурвномалар) натижалари асосида ҳисобланган ва тузилган.

Буларнинг сабаби суралганда, сурвнома ўтказилган кичик ва хусусий коржоналарнинг (2007 йилга тегишли сурвнома натижаларига кўра) 24,9 фоизи, айрим кишиларнинг тусиқлари туфайли ўз бизнесини юритишда қийинчилкларни ҳис этаётир. Баҳоланки, 2003 йилдаги сурвнома натижаларига кўра олганда, бундай респондентлар 26,4 % ни кўрсатган эди. Бошқача айтганда, аҳвол нисбатан оғирроқ бўлганлиги қайд этилади. 2007 йилдаги сурвнома бўйича респондентларнинг 19,4 фоизи (2003 йилда – 22,9%) бизнес юритишдаги қийинчилкларини солиқ ставкаларининг юқорилиги билан изоҳладилар (4.2-жадвал).

Фикримизни далили сифатида Президентнинг 2004 йил 17 сентябрда ҳалқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида вилоят миқёсида ҳанузгача «тадбиркорларнинг ҳуқуқларини камситиш, уларнинг йўлига сунъий говтусиқлар қўйиш ҳолатлари борлиги»<sup>189</sup> тўғрисидаги изоҳларини эслаб ўтиш мумкин.

4.2-жадвалда келтирилган хомашё этишмовчилиги 16,5 (2003 йилда -Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисоб-китобларни тақдим этиш тизими мукаммаллаштирилди, яъни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этишнинг ҳар ойликдан ҳар чораклик тизимига ўтказилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқча тортиш тизими содалаштирилди, яъни тўрт хил тўлов ўрнига ягона солиқ тўлови кўринишидаги битта тўлов жорий этилди. Бунда солиқ юки пасайиш тенденциясини олган. Масалан, «2009 йилда кичик саноат коржоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртacha 1,3 баравар камайтирилди»<sup>190</sup>.

<sup>189</sup> Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. 7-том. Тошкент: Узбекистон, 1999. 395–396- бетлар.

<sup>190</sup> Ислом Каримов. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаронлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: Узбекистон, 2010. 42-бет.

**Респондентларнинг ўз бизнесини юритишда юзага  
келган қийинчилликлар сабаблари<sup>191</sup>**

Сурвномада олинган жавоблар	Сўровнома ўтказилган йилларда тасдиқланган жавоблар (%да)			2003 йилнинг 1999 йилга фарқи (-;+)	2007 йилнинг 1999 йилга фарқи (-;+)	2007 йилнинг 2003 йилга фарқи (-;+)
	1999 йил	2003 йил	2007 йил			
хомашё етишмаслиги	54,5	17,7	16,5	-36,8	-38	-1,2
соликлар оғирлиги	40	22,9	19,4	-17,1	-20,6	-3,5
ишлиб чиқариш харажатларининг кўплиги	37	2,3	9,9	-34,7	-32,1	+7,6
техник қийинчилликлар	14,2	6,1	6,8	-8,1	-7,4	+0,7
маҳсулот сотилмай қолиши	11,5	3,7	4,6	-7,8	-6,9	+0,9
тажрибанинг етишмаслиги	8,5	7,3	5,7	-1,2	-2,8	-1,6
айрим кишиларнинг (солик, маҳаллий ҳокимият ва СЭС идораларидаги айрим раҳбар ва ходимларнинг) тўсиқлари мавжуд	5,6	26,4	24,9	+20,8	+19,3	-1,5
жавоб бермаганлар	2,8	-	-			
экспорт ва импорт чекловлар <sup>“</sup>	-	12,6	12,2			-0,4

1999 йилдаги сўровнома жавобларининг эътиборли томони шундаки, бунда респондентлар битта саволга берилган жавоблар вариантиларидан иккитаси, ҳамто учтасини танлаб олишган.

<sup>“</sup>1999 йилда сўровномадаги савол респондентлар томонидан жавобсиз қолдирилган.

<sup>191</sup> Жадвал муаллиф томонидан ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар (сўровнома) натижалари асосида ҳисобланган ва тузилган.

Тадбиркорлик фаолиятининг турлари қисқартирилди ва уларни амалга ошириш учун рухсат берувчи процедуralар соддалаштирилди.

Текширувлар қисқартирилиб, мукаммалаштирилмоқда. Текширишлар сонини 30 фоизгача қисқартириш күзланиб, бошқа бир қатор аниқ ва манзилли амалий рағбатлантиришлар қабул қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлки субъектларини рўйхатга олишнинг «бир ойнадан» деб номланган тезкор тизим жорий этилди. Бу тизим қоидасига кўра рўйхатдан ўтказишнинг умумий муддати икки иш кунидан ошмаслиги шарт.

2010 йилнинг сентябрь ойи бошига қадар Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларининг эркин иқтисодий фаолияти жиiddий назорат қилиш натижасида ўтказилган 7 та текширув натижаларига кўра, қонунбузилиш ҳоллари ва уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартарф этиш юзасидан 9 та тақдимнома, ноқонуний қарорларга нисбатан эса 4 та протест киритилди, 14 нафар ходим интизомий ва 13 нафар ходим маъмурӣ жавобгарликка тортилди. Шунингдек, 9 нафар мутасадди ходим расман огоҳлантирилди ва қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан мансабдор шахсларга нисбатан 10 та жиноят иши қўзғатилди<sup>192</sup>.

2010 йил якунига келиб, мамлакатимиз прокуратура органлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида охирги икки йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фойдасига 3,5 млрд. сумлиқдан зиёд дебиторлик қарзлари ундириб берилди, 6 млрд. сўмга яқин кредитлар ажратилиши таъминланди. Кичик бизнес субъектларини рўйхатдан ўтишда 400 дан ортиқ ҳолатда ёрдам кўрсатилди<sup>193</sup>.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Инқизотга қарши чоралар Дастури амалга оширилаётган бир даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яна алоҳида бир қатор имтиёз ва преференциялар кўзда тутилган. Чунончи, 2009 йил 1 январдан 5 йил муддатга (2014 йил 1 январгача) жисмоний шахслар – микро фирмалар ва кичик

<sup>192</sup> Маълумотлар Ўзбекистон Республиқаси Адлия бошқармасидан олинган.

<sup>193</sup> Қаранг: Ҳуқуқий асос ва самарадорлик // Халқ сўзи. 22 декабрь. 2010. №245.

корхоналар таъсисчиларининг дивиденdlар куринишидаги даромадлари солиққа тортишдан озод этилди.

2011 йилдан Ягона солиқ тұловининг базавий ставкаси 7%дан 6%гача пасайтирилди. Бундан савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари мустасно, холос. Агар бу чора-тадбир амалга ошадиган бұлса, миллий тадбиркорларимиз учун 50 млрд. сүмдан ортиқ маблагни тежап имкони яратылади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил, 17 апреддаги ПҚ-325-сон ва 2007 йил, 21 майдаги ПҚ-640-сон Қарорларида күзде тутилган хизматлар соңаси корхоналари учун имтиёзлар 2012 йил, 1 январгача узайтирилди. Бундай мисолларни күп slab келтириш мүмкін. Бугунғи кунда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 20 га яқын қарорлари билан имтиёзлар берилған<sup>194</sup>.

Таъкидлаш керакки, Президентнинг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий күрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тұғрисида»ғи қарорига асосан, 2011 йилдан бошлаб республикада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларининг 6 баробаридан 5 баробарига туширилиб, солиқ ставкаси 11%дан 10%га камайтирилди. Үрта шкаласи энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдоригача, солиқ ставкаси 17%дан 16%гача пасайтирилди. Юқори шкаласи эса энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан юқори бұлған тақдирда, 22% ставкада солиқ ҳисоблаш сақlab қолинди. Қабул қилинган имтиёзлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлық субъектларини солиқ тизими орқали тартибга солинишида мұхим ажамият касб этиб, ушбу секторни жадал ривожланишига олиб келди.

#### **4.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлық тартибга солища монетар сиёсатининг таъсири**

Хукумат томонидан олиб борилған монетар сиёсат натижасыда мамлакатда фаолият курсатаётган 30 та тијорат банки томонидан бир

<sup>194</sup> Маълумот 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига тұтры.

йилдан ортиқ муддатга берилген кредитлар салмоги 2009 йил мобайнида 70 фоизни ташкил этди. Бу жараён жағон молиявий-иқтисодий инқизорзининг оқибатларини бартараф этиш ва банк-молия тизимини мустаҳкамлашга молиявий замин яратди.

Хозирги кунда Республикализнинг йирик тижорат банкларида кредитларнинг активлари ҳажмидаги салмоги 55–60 фоизни ташкил этмоқда<sup>195</sup>. Бу эса мамлакат миқёсида олиб борилаётган монетар сиёсат, миллий иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш, кредит қўйилмалари қолдигининг ўсиши ва таваккалчиликнинг оқилона бошқарилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар натижасидир. Ҳар йили банкларда кредит сиёсати йўналишларини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва тасдиқдаш амалиёти жорий қилинди.

Республикамиз тижорат банкларининг кредит қўйилмалари ҳажми кейинги йилларда ўсиб борувчи тенденцияга эга. Масалан, 2009 йилда тижорат банклари кредит қўйилмаларининг миқдори 2008 йилга нисбатан олганда 34,3%га кўпайганлигини кўрсатади<sup>196</sup>. Агар кредитларнинг муддатига кура таркибини таҳдил қиласиган бўлсак, қисқа муддатли кредитлар сўнгги беш йил мобайнида ўсган, яъни 2009 йилда бундай кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоги 2004 йилга нисбатан олганда 3,4%ли пунктга ошган (4.3.1-жадвал).

Эътиборлиси, 2006–2009 йилларда тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг умумий ҳажмида қисқа муддатли кредитлар салмоги пасайиш тенденциясига эга бўлди. Узок муддатли кредитлар ҳажми эса 2004–2006 йиллар мобайнида камайиб, 2007–2009 йилларда эса ўсиб борувчи тенденцияга эга бўлди. Аммо, ҳар икки турдаги кредитларнинг аҳамияти миллий иқтисодиёт ривожланишига ижобий таъсир этади. Чунки, банкларнинг қисқа муддатли кредитлари хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма маблағларини тўлдиришнинг муҳим молиявий манбай ҳисобланса, узок муддатли кредитлар инвестициявий харажатларни молиялаштиришнинг асосий манбаларидан биридир.

<sup>195</sup> Муаллифнинг 2010 йилнинг сентябрь ойларига тўғри келган ҳисоблари.

<sup>196</sup> Узбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоблари.

#### 4.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг муддатига кўра таркиби (%)<sup>197</sup>

Кўрсаткичлар	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил
Жами кредитлар	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:						
қисқа муддатли	18,2	18,8	22,4	22,3	21,8	21,6
узоқ муддатли	81,8	81,2	77,6	77,7	78,2	78,4

Хусусан, олиб борилган тадқиқотлар натижаларида<sup>198</sup> кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш амалий жиҳатдан тобора кенгайиб бораётганлиги маълум бўлди. Агар 4.4-жадвал кўрсаткичларини таҳдил этсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан давлатдан молиявий ёрдам олаётган корхоналар сони ошганлигини кўришимиз мумкин. Аксига олиб «муҳтоҷлик йўқ» деб жавоб берганлар эса, камайиб борувчи тенденцияга эга.

#### 4.4-жадвал

Респондентларнинг «Сиз давлат томонидан молиявий ёрдам оласизми?» – деган саволга берган жавоблари салмоги (%)

Респондентларнинг жавоблари	1999 йил	2003 йил	2007 йил
Ёрдам олаётган корхоналар	11,4	29,8	38,8
Ёрдам олмаётган корхоналар	2,8	35,4	37,4
Саволни жавобсиз қолдирганлар	85,8	–	–
«Муҳтоҷлик йўқ» деганлар	–	34,8	23,8

4.4-жадвал кўрсаткичларидан ҳукумат томонидан олиб борилаётган монетар сиёсатнинг ижтимоий аҳамияти ошаётганлиги яқзол

<sup>197</sup> Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

<sup>198</sup> Тадқиқот муаллиф томонидан ўтган даврлар мобайнида олиб борилган ва жадваллар ўtkазилган сурвнома асосида тузилган.

куриниб турибди. Ҳақиқатдан ҳам «давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баравардан зиёдроқ кўпайди»<sup>199</sup>.

Ўзбекистон Республикасида банк тизими фаолиятини кенгайтириш ва тижорат банкларининг ўрни ва аҳамиятини ошириш мақсадида қабул қилинган ҳукумат фармонлари ва қарорлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан янада кенгроқ қўллаб-қувватлашга олиб келмоқда. Масалан, «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банкининг 81 та филиали, 272 та минибанки ва 24 та агентликлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига малакали хизмат курсатиб, 2009 йилда бошланғич сармоялар учун 12,5 млрд. сўмдан ортиқ, янги ташкил этилган корхоналар фаолиятини кенгайтиришга 51,1 млрд. сўмдан кўпроқ миқдорда кредитлар ажратди.

2010 йил якунига келиб, мазкур банк ўз фаолияти давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 268 млрд. сўмлик микромолиявий хизматларни, 68 млрд. сўмлик микролизинг хизматларини амалга ошириди. Бунинг натижасида 346 мингта яқин янги иш ўринлари яратилди<sup>200</sup>.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози даврида (2009 йилда) банкларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий жиҳатдан кўмак бериш учун, тижорат банклари томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадларига 670 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди.

Маълумки, 2006 йилда «Микромолиялаш тўгрисида» Қонун қабул қилинди. Унга асосан тижорат банклари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва лобардлар томонидан микромолия-

<sup>199</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига багишлиган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи. 22 сентябрь. 2010. №184.

<sup>200</sup> Мазкур банк маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблари. Маълумотлар 2010 йил 1 декабрь ҳолатига тўғри.

хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратылған кредит миқдори 1396,1 млрд. сүмни ташкил этди. Жумладан, халқаро молия институтлары томонидан ажратылған кредитлар ұажми 23089,6 минг АҚШ долларында тұғри келди.

2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кредитлаш ұажми 2008 йилдегі нисбатан олғанда 1,5 бараварга, микрокредитлар бүйіча ажратылған маблагалар ұажми эса 2 бараварга күпайды. 2010 йилда ушбу сектор учун камида 2,5 триллион сүм ұажмада кредит ресурслари ажратылған күзланған булып, бу 2009 йилдегі ҳолатдан 1,4 бараварга күпдір. Шунингдек, 2010 йилда микрокредитлар ұажми 420 млрд. сүм ёки 2009 йилға нисбатан олғанда 1,3 бараварга күпайтиришни таъминлаш вазифаси қойылды. Бу шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий жиҳатдан барқарорлігінің оширади, уларнинг айланма маблагини тұлдиради, ишлаб чиқаришнинг техник қайта жиқозлаш ва маңсулотларнинг янги турларини ұзлаштириш жараёнини яхшилайды.

#### 4.5-жадвал

Респондентларнинг «Давлат органдары томонидан күрсатылған ёрдамдан қониқасизми?» – деган саволға жавоблари бүйіча тақсимланиши<sup>202</sup>

Респондентлар жавоблари	1999 йил	2003 йил	2007 йил
Ха, тұлық қониқаман	2,7%	11,6 %	30,5%
Қисман қониқаман	–	30,0 %	19,2%
Қониқаман, лекин янги құшимчалар киритиш керак	–	22,6 %	14,6%
Үнчалик эмас	–	18,2 %	17,4%
Жавобсиз қолдирғанлар	97,3 %	–	–
Йүк	–	17,6 %	18,3%

Пул-кредит сиёсатини самарали амалға ошириш борасыда ҳукumat томонидан бир қатор меъерій ҳужжатлар пакети шакллантирилдіки, улар асосида ҳуқуқий жиҳатдан бошқариш имкониятлары көнгайтирилмоқда.

<sup>202</sup> Жадвал муаллиф томонидан ижтимоий тадқиқотлар натижасыда түзилған.

Бироқ, тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, дастлабки 10 йилликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида берилган кредит қўйилмаларини миңтақалар бўйича таҳдил қилганда, уларнинг тақсимоти жойларда нотекис амалга оширилган.

1994–1995 йилларда демографик муаммолари кескин ҳисобланган ҳудуд – Фаргона водийсида фаолият кўрсатган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари улушига Республика банклари томонидан ажратилган барча кредитларнинг фақатгина 25,7%гина тўғри келган, яъни ҳар бир вилоятга (Андижон, Фаргона, Наманган) ўртача 8,5%дан кредит ажратилган. Аммо 1998 йилга келиб, вазият ўзгарди. Чунки, республика пойтахти алоҳида ўрин эгаллаб, унинг зиммасига қарийб 64% қисқа муддатли, 78% ўрта муддатли ва 85% узоқ муддатли кредит қўйилмалари тўғри келди. Кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг жами улуши қарийб 75%га teng. Ундан кейинги ўринларни Фаргона ва Андижон вилоятлари эгаллаган бўлса-да, уларнинг умумий кредит қўйилмалари ҳажмидағи улушлари ҳар бири учун тахминан 4%дан тўғри келади. Бироқ, Сурхондарё, Наманган ва Навоий вилоятлари учун бу кўрсаткич ҳатто 1%ни ҳам ташкил этмади<sup>203</sup>.

Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, агар кредит маблагларининг тақсимотидаги нотекислик давом этаверса, ҳудудлар ўртасида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жаҳатдан тафовутлар пайдо бўлиб, миллий иқтисодиётнинг ривожланишида ўзига хос муаммолар келиб чиқади. Бундай аҳвол кўпчилик вилоят корхоналарида иш унумдорлигининг ошишига салбий таъсир кўрсатади ва халқ хўжалигига, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторидаги лойиҳаларни молиялаш учун катта муаммолар келтириб чиқаради.

Хорижий сармоялардан фойдаланиш улуши Тошкент шаҳрида сезиларли даражада. Масалан, 1997–1998 йилларда 15 минг АҚШ доллари миқдорида 25 та лойиҳа молияластирилган, 5 та лойиҳа эса молияластиришга тайёрланган, пойтахт тадбиркорларининг 13 та лойиҳаси экспертизадан ўтган.

<sup>203</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблари.

Биргина 2000 йилнинг ўзида пойтахт тадбиркорлари 59,4 млрд. сўмлик хорижий сармояни үзлаштирадилар, бу республика бўйича (150,8 млрд. сўм) жами үзлаштирилган миқдорнинг 39,4%ини ташкил этди. Фаргона водийси вилоятларида бундай сармояларни үзлаштириш атиги ўргача 2%дан тўгри келди. 2001 йилда Андижон ва Наманган вилоятларида фаолият курсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан хорижий сармоялар умуман үзлаштирилмаган.

Фаргона вилояти тадбиркорлари эса хорижий сармоялардан 3346,0 минг АҚШ доллари миқдорида фойдаланишган ва шунинг ҳисобигагина республика бўйича үзлаштирилган хорижий сармоянинг 7,2%и Фаргона водийси вилоятларига тўгри келса, ҳар бир вилоят учун бу кўрсаткич ўргача 2,4%га тенг бўлди. 2002 йилда Фаргона водийси вилоятларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ўргача 19,5%дан хорижий сармоялар үзлаштирилди.

2002 йилда республика бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан жами 187602,8 млн. сўмлик кредитлар үзлаштирилган, бу ўтган 2001 йилга нисбатан 28589,2 млн. сўмга ёки 17,9%га кўпдир. Аммо, үзлаштирилган кредитлар миқдорининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (45184,4 млн. сўм ёки 24%) ва Самарқанд вилоятига (20972,2 млн. сўм ёки 11,2%) тўгри келган.

Фаргона водийси вилоятларида фаолият курсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун эса ажратилган кредитлар миқдори 41206,8 млн. сўмни ташкил этиб, республика бўйича олинган кўрсаткичга нисбатан 21,9%ни ташкил этди ва ҳар бир (Андижон, Наманган, Фаргона) вилоят учун ўргача 7,2%данга тўгри келган, яъни 2001 йилга нисбатан ҳар бир вилоятда 0,42 пунктга камайганлигини кўрсатади.

4.6-жадвал маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, республика бўйича олганда 2005–2007 йиллар оралиғида тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун барча молиялаш маблаглари ҳисобидан ажратилган кредитлари узгаришсиз тенденцияга эга бўлди. Аҳоли зичлиги бўйича биринчи ўринда турадиган Фаргона водийси (Андижон, Наманган, Фаргона) вилоятларида эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш маблаглари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳажми йилдан йил-

га камайиш тенденциясига эга булган. Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларни атиги 5,61 фоизи Фаргона вилоятига түгри келиши ачинарли ҳолатдир. Андижон вилоятида эса бундай курсаткич камайиш тенденциясига үтган.

#### 4.6-жадвал

**Вилоятлардаги тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар<sup>204</sup>**

№	Вилоятлар	Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар (фоизда)			Вилоятлардаги мини-банклар сони			2005–2007 йиллардаги купайган микдор
		2005 йил	2006 йил	2007 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	
1.	Корақалпоғистон Рес.	2,17	2,79	2,50	82	117	137	55
2.	Андижон	10,90	10,11	9,26	62	80	114	52
3.	Бухоро	3,52	3,49	4,57	83	110	133	50
4.	Жиззах	2,53	2,03	2,82	68	91	93	25
5.	Қашқадарё	3,54	4,68	5,91	130	170	202	72
6.	Навоий	2,84	3,15	2,80	48	56	66	18
7.	Наманган	3,27	2,91	3,66	64	79	108	44
8.	Самарқанд	8,01	7,95	8,92	124	161	193	69
9.	Сирдарё	1,75	1,42	3,47	57	62	95	38
10.	Сурхондарё	2,97	2,86	1,72	65	73	80	15
11.	Тошкент	8,21	9,09	8,58	74	66	145	71
12.	Фаргона	9,35	7,34	5,61	74	107	151	77
13.	Хоразм	2,23	3,02	3,05	66	113	130	64
14.	Тошкент шаҳри	38,69	39,18	37,11	125	165	170	45
Водий вилоятлари бўйича		23,52	20,36	18,53	200	266	373	173
Республика бўйича		99,98	100,02	99,98	1122	1450	1817	695

\* Манбага муаллиф томонидан қўшимча қилинган.

<sup>204</sup> Манба: Мирзаев Ф. И. Банклараро рақобат: моҳияти, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Тошкент: Молия, 2008. 147-бет.

Наманган вилояти тадбиркорлари томонидан тижорат банкларининг кредитларини ўзлаштиришда тегишли йиллар солиштирилганда ўсиш атиги 0,39 пунктга ошган. Умуман олганда, 2007 йилда Фаргона водийси вилоятларининг тадбиркорлари республика бўйича тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг атиги 18,53 фоизини ўзлаштиришган бўлиб, бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан олганда 4,99 пунктга камайганлигини кўрсатади.


4.6-жадвалдан яна шуни англаш мумкинки, 2005–2007 йилларда Республика ҳудудларида тижорат банкларининг сони 695 тага кўпайган ёки ўртacha ҳисобланганда, деярли 62 фоизга ошган. Бу, албатта, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун молиявий-иқтисодий муносабатларни юритишида банк хизматлари кўламини янада ошириш, бозор субъектлари ўртасидаги пул айланишини яхшилаш, қолаверса, рақобатни кучайтиришга кенг имкониятлар яратди. 4.6-жадвалдан кўриниб турибдики, минибанкларнинг сони Фаргона (77 тага), Қашқадарё (72 тага), Тошкент (71 тага), Самарқанд (69 тага) ва Хоразм (64 тага) вилоятларида айниқса сезиларли ошган. Ўртacha ўзгариш Қорақалпогистон Республикаси (55 та), Андижон (52 та), Бухоро (50 та),

Наманган (44 та), Сирдарё (38 та) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (45 та) кузатилди. Жиззах (25 та), Навоий (18 та), Сурхондарё (15 та) вилоятларида эса минибанклар сонидаги ўсиш сезиларсиз даражада бўлди.


Шуни таъкидлаш жоизки, Фаргона водийси бўйича минибанклар сонидаги ўзгариш 86,5 фоизни ташкил этди. Жумладан, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида банклараро бозордаги рақобат пастилигича қолмоқда.

Холоса қилиб айтганда, бу соҳадаги муаммолар ҳали анчагина. Уларни бартараф этиш бўйича йилдан йилга чора-тадбирлар курилмоқда. Айниқса, Давлат дастурларини бажарилишида фикрларимизнинг аниқ далилларини кўрмоқдамиз.

Республикада тијорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш маблаглари ҳисобидан ажратилган кредитларни аҳолиси энг зич ҳудудлар мисолида солиштирилиши<sup>205</sup>



Республикада тијорат банкларининг сони аҳолиси энг зич ҳудудлар мисолида солиштирилиши



Бирок, умумий ҳолатни ҳисобга олганда, сунгги йилларда банк тизимини ривожлантириш бўйича мамлакатда жиёддий ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Банк тизими орқали кичик бизнес ва ху-

<sup>205</sup> 4.5-жадвал асосида муаллиф томонидан тузилган.

сий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш кўрсаткичлари пасайиш томонига эмас, балки юксалиш сари кутарилиб борди. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тартибга солишида давлат томонидан олиб борилаётган монетар сиёsat «ўзбек модели» асосидаги тамойиллар негизида амалга оширилиб, бугунги кундаги глобаллашув жараёнларида ижобий самара берди.

#### **4.4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг молиявий ривожланишида тартибга солувчи органларнинг роли**

Мамлакатимизда қонун устуворлигига жиддий амал қилинар экан, барча вилоятларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳуқуқий тартибга солиши борасида салоҳиятли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ҳуқуқий жиҳатдан тартиб ўрнатувчи органлар фаолиятини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Уларнинг диққат-эътиборида тадбиркорлик фаолиятини юритишга тўсқинлик қилаётган айрим муаммолар, хусусан, баъзи мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига нисбатан жиддий чоралар кўриш, ўз бизнесини йўлга кўйишда тадбиркорларга амалий ёрдам қўрсатиш, қонунчиликда назарда тутилмаган ҳужжатларни асоссиз талаб қилиш ҳолларига чек қўйишга қаратилмоқда.

Бундан гашқари, давлат бошқаруви органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларнинг ижросини назорат қилиш, банкларга кредит сўраб мурожаат этган, аммо аризалари қондирилмаган тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам тартибот органлари ходимларининг бевосита функциясиdir.

Шу ўринда 2010 йил, апрель ҳолатига Оҳангарон шаҳридаги 38 та корхона айрим сабаблар билан ўз фаолиятини тұхтатганды аниқданғач, уларга ҳуқуқий бошқарув органлари томонидан ҳар томонлама ёрдам берилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада, 2010 йилнинг уч ойида 681 та янги иш ўринлари яратилди. Ҳуқуқий идора-

ларга мурожаат этган 81 нафар тадбиркорнинг даъво аризалари кўриб чиқилиб, 59 та ҳолатда бизнес субъектларининг бузилган қонуний хуқуқ ва манфаатлари тикланди. 2010 йил якунига ишсизликни камайтириш мақсадида жами 3126 та иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлиб, дастлабки уч ойда 116 нафар фуқарони ишга жойлаштришга амалий ёрдам курсатиленди. Кейинги икки ой мобайнида яна 474 та қўшимча иш ўрни яратилгани бу борадаги режаларнинг реал натижасидир<sup>206</sup>.

Мамлакатимизда банк-молия тизимини барқарор ривожлантириш, пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, банкларнинг капиталлашув даражасини оширишга йил сайин катта эътибор қаратилмоқда. Оқибатда, иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида салмоқди натижаларга эришиляпти. Масалан, Халқ банки ўз мижозларининг ишончини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-куvvatлаш, нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини кескин камайтириш, янги омонат турларини жорий этиш йулида барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

2010 йилнинг сентябрь ойида утган йилнинг айни шу даврига нисбатан олганда, банк капитали 131,5 фоизга ошиб, 154 млрд. сўмни ташкил қилди. Жами активлар миқдори 1179 млрд. сўмга етди. 2010 йилнинг етти ойи мобайнида ажратилган кредит маблағларининг 98,1 млрд. суми бевосита инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-куvvatлаш учун 105,9 млрд. сум миқдорида кредит ажратилди. Энг эътиборлиси, мустақил фаолият юритаётган тадбиркор аёлларга беминнат ёрдам курсатилмоқда. Республика Президентининг «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори<sup>207</sup> асосида 3676 нафар фуқарога 5,9 млрд. сум, жумладан, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 3411 нафар фуқарога 5,6 млрд. сум миқдорида микрокредит ажратилди. 2010 йилнинг август ойига келиб мазкур банк томони-

<sup>206</sup> Узбекистон Республикаси Адлия бошкармаси маълумотларидан фойдаланилган.

<sup>207</sup> Мазкур қарор 2006 йил, 23 марта қабул қилинган ва кучга кирган.

дан ажратилган кредитлар ҳисобига жойларда 11400 дан ортиқ янги иш үринлари яратылди.

2003 йилга тегишли таҳдиллар шуны күрсатдикі, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хұжаликлар ва корхоналар үртасида тузылған контрактация шартномаларининг механизми яхши ишламаган. Кредит олиб фаолият күрсатаётгандан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари етказиб берген маңсулот, бажарған ишлери учун үз вақтида ҳақ ололмаган. Натижада, унинг дебиторлық қарзлари күпайған. Кредитни узиш учун эса ишбилармонлар бизнес-режада курсатылған харажатлардан баъзан четта чиқишга мажбур бўлганлар. Бу, үз навбатида, «кредитдан номақсад фойдаланган» деган муаммони келтириб чиқарди.

Ҳозирга қадар кредит маблағларидан «мақсадсиз» фойдаланганликни баҳолашнинг на назарий, на амалий мезонлари ишлаб чиқилмагани эса бизнес субъектлари билан бюджетдан ташқари фонdlар, сугурта идоралари ва бозор инфрагузилмасидаги бошқа ташкилотлар үртасида зиддиятларни келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистонда фаолият күрсатаётгандан күпчилик тијорат банклари орқали кредитни бошқаришдаги жиiddий қийинчилеклар ҳали тұла бартараф этилмаган. Ҳозирги кунда молиявий соҳада юзага келаётгандан муаммоларнинг олди олинмаса, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаб бўлмайди. Бу каби салбий ҳолатлар үз-үзидан бизнес сектор фаолиятидаги макроиқтисодий доиравий ҳаракатни секинлаштиради. Амалда 4.5-чиzmада курсатылғанидек иқтисодий муносабатлар амалга оширилмай, турли томонлар үртасидаги маблағлар ва ресурслар айрибошланишида ташкилий-иқтисодий түсиқлар ривожланиши мумкин. Айрим корхона раҳбарларида иқтисодий ва ҳукуқий билимнинг етишмаслиги эса, ушбу вазиятларни кескинлашувига олиб келади.

Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банклар билан ишлеш жараёнида қуйидагича муаммолар келиб чиқмоқда:


- нақд пул маблағларини олишдаги қийинчилеклар;

- тұлов мажбуриятларынинг секин бажарилиши;
- кредит олишдеги қийинчиликтер;
- малакали маслағаттар ва зарур ахборотларнинг етарлы әмаслиги.

#### 4.5-чизма

**Киңік бизнес ва хұсусий табдиркорлық сектори:**

**Даромадлар, ҳаражатлар, товар ва хизматларниң доиравий ҳаракати**<sup>208</sup>



Кредитларни олиш ва қайтаришда эса қуидагича асосий қийинчиликтер юзага келген:

- кредит таъминотида юқори талабларнинг мавжудлиги;
- маблаглардан фойдаланиш жараёнида банклар томонидан үрнатылған назоратнинг қаттықлігі ва хилма-хил ҳужжатлар талаб қилиниши;
- бизнес-режа тузишдеги қийинчиликтер ва қийматининг юқориlíгі.

Бүгунги кунда «банк тизимини тубдан мустаҳкамлаш, бу соңадаги ислоҳотларни чұқурлаштириш, банкларнинг кредит бериш имкониятларини ва устав капиталини бүш маблағлар жалб қилиш ҳисобидан кенгайтириш талаб этилади»<sup>209</sup>, – деб таъкидлайды Ислом Каримов Олий Мажлиснинг иккінчи чақириқ, биринчи сессиясидеги нутқида.

<sup>208</sup> Чизма муаллиф томонидан түзилген.

<sup>209</sup> Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, әрқин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиздир. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 337-бет.

Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида нақд пулсиз тұловлардан фойдаланиш каби мұхим омил амалда үз таъсирини суст даражада күрсатмоқда. Банк томонидан амалга оширилаёттан тұловларнинг асоссиз тұхтатиб қўйиш ҳоллари кўп тадбиркорларнинг бизнесига салбий таъсир қилмоқда. Масалан, Самарканд вилоятидаги «Нодирбек», «Беш фарз» хусусий савдо корхоналарининг 57 минг сўмлик пули ўтказилганлик тұғрисидаги далолатнома 6–7 кун давомида асоссиз тұхтатиб қўйилган. Олмалиқ шаҳридаги «Ўзсанкурбанк» бўими томонидан тегишли кичик ва хусусий корхоналар номига келган пул маблағлари, асоссиз 4–31 кунлар давомида уларнинг ҳисоб рақамларига туширилмаган.

Эътиборлиси шундаки, банк операцияларининг бажарилишида ҳам муайян даражадаги муаммолар шакланган. Масалан, 2007 йилда кичик бизнес субъектлари үз ҳисоб рақамидан нақд пул олишларидағи ўртача муддатлар турлича иш кунида берилганлиги 4.6-чизмада көлтирилган.

#### 4.6-чизма

##### **Корхоналарнинг үз ҳисоб рақамларидан нақд пулларини олишларидағи ўртача муддатлар (маълумот 2007 йил ҳолатига тұғри)<sup>210</sup>** (иш куни ҳисобида)



Қайд этиш керакки, кредит олганлар ва омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиш тијорат банкларининг асосий вазифаларидан бўлиб, бундай банкларнинг бозор муносабатларидағи фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш мұхимдир. Акс ҳолда банк тизимиға ишончнинг йўқолиши туфайли Россия иқтисодиётидаги каби сўнгти

<sup>210</sup> Манба: Деловая среда в Узбекистане глазами представителей частного бизнеса. / Отчет Международной финансовой корпорации (IFC). Ташкент, 2009. С. 126.

воқеаларга ўхшаш салбий жараёнлар авж олиши мумкин. Бу эса товарларнинг анча қимматлашиб кетишига ва бозор мувозанатининг бузилишига, инфляциянинг кескин кучайиб кетишига олиб келади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида банк кредитлари берилишида қарзнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича талабларнинг юқорилиги ҳам ўзига хос қийинчиликни туғдиради. Бундан ташқари кредит йўналтирилётган лойиҳа суммасининг 25%и хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблагларидан таъминланиши керак. Куриниб турибидики, кредитларни расмийлаптириш ва бериш бўйича меъёрий талабларнинг юқорилиги туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари бир мунча мураккаблашмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун «...микро кредитлар ажратишга худди катта инвестиция лойиҳаларига берилётган кредитларга хос қаттиқ талаблар қўйилмоқда»<sup>211</sup>. Шу нуқтадан назардан 1999 йилда ўтказилган тадқиқотлар натижасида респондентлардан олинган жавоблардан маълум бўлдики, уларнинг аксарияти (70,4%) бизнесни юритиш ва ўз корхоналарини ташкил этишда дастлабки молиявий ресурсларни ўзларининг капиталлари ва ўз таваккалчилиги асосида амалга оширганлар. 2003 йил сўровнома маълумотларида эса уларнинг улуши 53,0%ни ташкил этиб, 1999 йилдаги тадқиқот натижаларига нисбатан олганда 17,4 пунктга камайганлигини кўрсатди. 2007 йилдаги сўровнома маълумотларида эса бундай жавоблар саломги 43,1 %га teng келиб, аввалги йиллардаги сўровномаларга нисбатан камайиш тенденциясини олган бўлса-да, бу жавоб тури бошқа турдаги жавоблар саломигига нисбатан устиворликни сақлаб қолган. (4.7-жадвал).

Олиб борган илмий тадқиқотларимиз, банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар муайян даражада самара берганлигини ҳам инкор этмайди. Аниқроғи, 2003 йилга келиб, респондентларнинг 32,6%и ўз бизнесини ташкил этишда банк кредитларидан фойдалан-

<sup>211</sup> Ислом Каримов. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чукурлаштириш энг муҳим вазифамиз // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиздир. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 391-бет.

ганлар. Бу эса 1999 йилдаги ҳолатга нисбатан 2,3 мартаға ошғанлигини күрсатди. 2007 йилдаги ижтимоий сұровнома маълумотларида ҳудди шу күрсаткич 39,4%ни ташкил этиб, 1999 йилдаги ҳолатдан 25,2 пунктта күтарилған. Шу билан бирға хусусий шахслар ва қариндошуруглар томонидан күрсатылған молиявий таъминотда ҳам сезиларлы бұлмаса-да, күпайиш томонга силяши мавжуд.

#### 4.7-жадвал

##### Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини ташкил этишдеги дастлабки молиявий манбалар салмоғи (%)<sup>212</sup>

Бизнесни ташкил этишда олинған молиявий ресурслар	Сұровнома үтказилған ийларда, суралғанларга нисбатан % ҳисобида			2003 йил-нинг 1999 йилга фарқи (-;+)	2007 йил-нинг 1999 йилга фарқи (-;+)
	1999 й.	2003 й.	2007 й.		
Үз капиталы	70,4	53,0	43,1	-17,4	-27,3
Банкдан олинған кредит	14,2	32,6	39,4	+18,4	+25,2
Фондлардан олинған маблаглар	14,2	5,0	6,2	-9,2	-8,0
Хусусий шахслардан (танишлардан)	5,7	6,1	6,8	+0,4	+1,1
Қариндош-уруглардан	2,8	3,3	4,5	+0,5	+1,7

Фикримизча, молиявий ташкилотлар томонидан кредитлар тобора күп ажратылған, «ижобий силяшилар күзға ташланадаған бұлса-да кредитлар беріш жараёнини соддалаштириш масаласи ҳамон долзарб»-лигіча<sup>213</sup> колмоқда. Умуман олғанда, республиканинг банк тизимидағи кредитларни бошқаришда талай қуийдегічка камчиліклар мавжуд:

<sup>212</sup> Жадвал муаллиф томонидан ижтимоий тадқиқтаратын натижалары асосида ҳисоблағынан түзілген. Бунда 1999 йилдаги сұровнома натижаларыда бир респондент томонидан берилген жавоб иккі хил күриништә бұлғанлиги учун үларни ҳисоблашда 100 фоиздан ошиб кетген.

<sup>213</sup> Ислом Каримов. Жамиятда тадбиркорлик рухини қарор топтириш – тараққиёт гарави // Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъуламиз. 9-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 419-бет.

- кредит берилишидаги тартиб-қоидалар ўта мураккаблиги, қарз олувчиларга нисбатан қўйилаётган молиявий мазмундаги талаблар тадбиркорларнинг реал имкониятлари даражасига мос эмаслиги;
- соҳани кредитлашда таҳдилий тадбирларнинг заифлиги;
- кредитлаш жараёнида мониторинг етарли даражада йўлга қўйилмаганилиги;
- кредит портфели таркибига нисбатан давлат томонидан аниқ талаблар қўйилмаганилиги;
- кредитлаш марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган тартибининг барқарор эмаслиги.

Бундай камчиликлар ўз таъсирини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига ўтказиб, уларни иқтисодий жиҳатдан тартибга солишни мушкуллаштиради.

Кичик ва хусусий корхоналарнинг кредит олиш тартиблари мураккаблиги оқибатида хорижий кредит ресурсларидан фойдаланишдаги тўсиқлар ҳам йўқ эмас. Халқаро банклар (масалан ЕТТБ, ОТБ) томонидан очилган кредит йўналишлари бўйича тадбиркорлик субъектлари орасида танлов ўтказиш асосида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш механизми жорий этилмаган. Бу ҳақида Президент ўз нутқларида ҳам қайд этган<sup>214</sup>.

2001 йил январь ҳолатида хорижий инвестициялар жалб этилган 3445 та корхоналар рўйхатга олинган бўлса, атиги 52%игина фаолият кўрсатди, холос. Жами фаолиятдаги корхоналарнинг 2,3%и – Фаргона, 2,56%и – Андижон ва 3,3%и – Наманганд вилоятларига тўғри келди. Умуман олганда, хорижий сармоялар ва кредитлар 1999 йилга нисбатан 2,7 пунктта пасайган ва 21,7%ни ташкил этган.

Кичик ва хусусий корхоналарнинг молиявий муаммолари жойларда иқтисодий тартибга солишнинг сусткашлик билан амалга оширилаётганлиги туфайли келиб чиқаётгани тасдиқланмоқда. Бу эса бизнесменларнинг даромадлари ортишига жиiddий салбий таъсир

<sup>214</sup> Қаранг: Ислом Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масбулмиз. 9-том. Тошкент: Узбекистон, 2001. 265–266-бетлар.

курсатяпти<sup>215</sup>. Хусусан, 2003 йилда ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларига таянадиган бұлсак, 35,3% респондентлар үзлариңи молиявий муаммоларни тұлов жараёнларининг секин бориши билан изоҳласалар, 10,0% – кредитларни үз вақтида ололмаёттәнликтарини, 33,7% – сотилған товарларнинг ҳақи үз вақтида ҳисоб варақага тушмаёттәнлигини ва 21,0% респондентлар ишлаб чиқариш харажатларининг ҳаддан ташқары күплигини үз жавобларида билдиришган.

Ушбу илмий тадқиқотлар натижасини хulosалаб, бизнинг таклифимиз шуки, вилоятлар бүйінча кредит құйилмалари тақсимотини мувофиқ белгилаш, яъни вилоятларда фаолият күрсатаёттән кичик ва хусусий корхоналарнинг кредит олишга бұлған талабларини атрофилла үрганған ҳолда кредит құйилмаларининг тақсимотини амалга ошириш лозим.

Умуман, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тижорат банклари, турлы хил фонdlар, бозор тузилмалари ва йирик корхоналар билан иқтисодий алоқаларини амалда мустаҳкамлаш, уларни ҳақиқий шерикчилик муносабатларига айлантириш бугунги куннинг долзарб мавзусига айланған.

#### **4.5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тармоқлар бүйінча тартибга солиши ҳамда бошқаришда юзага келған муаммолар ва уларни бартараф этиш йұллари**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишида күпроқ ишлаб чиқаришга эътибор бериліб, бу қонунларда ҳуқуқий жиҳатдан үз ифодасини топса-да, ишбилармен ва тадбиркорларнинг аксарияти күпроқ олди-сотди фаолияти томон интилоқдалар, ишлаб чиқаришни йұлға қойиш ва уни ривожлантиришга кам эътибор бермоқдалар. Чунки, 2003 йил октябрь ҳолатидаги сұровнома маълумотларига күра, аксарият респондентлар (улар 52,0%ни ташкил қылади) ишлаб чиқариш йұналишидаги корхоналар

<sup>215</sup> Шу бұлымнинг 4.2. бандыда көлтирилған жадвалларга қаранг.

күпроқ банкротта учраётганлигини тасдиқладилар. Жумладан, хизмат кўрсатишда – 39,2%, бошқа тармоқларда эса бу кўрсаткич 8,8%ни ташкил этиши берилган жавоблар орқали аниқланди.

Респондентлардан банкротликнинг сабаби суралганда, таъминотнинг издан чиққанлиги, сифатсиз товарларнинг кўпайиб кетиши, шартномаларнинг бажарилмаслиги, ҳалқаро алоқаларнинг йўқлиги, сотилаган товарларнинг маблағи вақтида олинмаётганлиги, маҳсулот таннархининг юқорилиги, иқтисодиётнинг заифлиги, инфляциянинг мавжудлиги каби жавоблар қаторида солиқ тизимига, молиявий қийинчиликларга, дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг бартараф этилмаётганлигига доир жавоблар кўпроқ учрайди. Бироқ, аксарият респондентлар юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг юзага келтириб чиқарувчи асосий омиллар – бу мансабдор шахсларнинг аралашувига чек қўйилмаётганлиги, расмиятчилик, асоссиз аралашувларнинг чексизлиги натижасида тадбиркор учун қимматли бўлган вақтни бой бериш ёки ундан унумсиз фойдаланиш ҳисобига содир булаётганлигини айтишган.

Президент Ислом Каримовнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар демократик тамойилларга асосланганлиги ва иқтисодиётни эркинлаштиришга йўналтирилганлиги тўгрисидаги сўзлаган нутқларидан шуни англаш мумкинки, мулкчилик шакли ўзгариб, ислоҳотлар тобора чукурлашиб борса-да, аммо раҳбарнинг фикрлаш тарзи ўзгармасдан қолмоқда<sup>216</sup>. Бу эса тадбиркорларнинг ўз соҳаларида фаолият кўрсатишларига ҳам салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Миллий иқтисодиётнинг умумий тармоқлари бўйича олганда масалан, соғлиқни сақлаш, майший хизмат кўрсатиш, умумий тижорат амалиёти каби соҳаларида кичик ва хусусий корхоналар сони секинлик билан ортяпти. Энг муҳим соҳаларда эса, яъни бошқарув, геология-қидириув, моддий техника таъминоти, тайёрлов, кўчмас мулк амалиё-

<sup>216</sup> Изоҳ: Бу соҳада Республика Президент Ислом Каримовнинг 2004 йил мобайнида Андикон, Фаргона, Намангандарё, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида ҳалқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларини эслаб ўтиш керак.

ти, ахборот ҳисоблаш маркази, транспорт алоқаси, маориф, илм-фан ва маданият соҳаларида бундай корхоналарнинг кўпайиши сезиларли даражада эмас.

Статистик маълумотларга кўра, Наманган вилоятида фаолият курсатаётган кичик бизнес субъектларининг 9,1 фоизи – саноатга, 4,8 фоизи – қурилишга ва атиги 0,4 фоизга яқини моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турларига тўғри келади.

«Ваҳоланки, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича енгил саноат, кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари, металлургия саноатларида ишга солинмаган катта-катта имкониятлар мавжуд»<sup>217</sup>.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг кўпчилиги сифат даражаси пастлиги туфайли ташқи талабни шакллантирмаётган. Экспорт савдоси билан шуғуланаётган фирмаларнинг етарли тажрибага эга эмаслиги, уларнинг ташқи рақобат муҳитидаги ўз ўрнини топа олмаётганлиги, фикримиз далилидир.

Фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати бутун саноатдаги ўртача миқдордан анча юқори булишига қарамай, унинг саноатдаги улуши ҳамон паст даражада. Агар экспорт-импорт операцияларига назар ташласак, кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг экспортдаги улуши мамлакат бўйича эришилган импортнинг умумий ҳажмидан ҳозирча сезиларли даражада орқада. Аниқроги, 2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши – 14,6 фоизни, импортдаги улуши 42,5 фоизни ташкил этган.

Бундай вазият республиканинг экспорт салоҳиятига салбий таъсир курсатиши мумкин. «Савдо-саноат палатаси», манбаатдор вазирликлар ва идоралар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспорт салоҳиятини аниқлаш, рӯебга чиқариш ва ривожлантириш, тадбиркорларнинг маҳсулотларини экспорт қилишга тўсқин бўлиб турган муаммоларни ҳал этиш соҳасида амалга оширилаётган

<sup>217</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъумиз. 9-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 236-бет.

ишлар ҳозирча етарли эмас. Масалан, Наманган вилоятида экспорт салоҳиятини ошириш дастурига кўра 1998 йилда 178,6 млн. АҚШ долларлик экспорт амаллари бажарилиши керак эди. Ваҳоланки, 96,7 млн. АҚШ долларлик ёки дастурда белгиланганига нисбатан 54,1% экспорт амаллари бажарилган, холос. Бунинг устига Чуст, Чорток, Давлатобод туманларида экспорт салоҳиятини ошириш бўйича ишлаб чиқарилган ҳудудий дастурлар сифати ва мазмун жиҳатидан саёзлиги билан талабга жавоб бермайди. Натижада, вилоят бўйича 1998 йилда, 1997 йилга нисбатан ташқи савдо айланмаси 23,6%га, экспорт ҳажми 30,2 млн. долларга ёки 26,6%га камайган. Республика миқёсида ҳам бу жараён 1999–2002 йилларда давом этган.

2001 йил статистик маълумотларига кўра Наманган вилоятида ташқи савдо айланмаси 95,4 млн. АҚШ доллари ташкил этган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 88,5 млн. АҚШ долларга тенг бўлган, яъни сўнгги йилда 7,2%га пасайган. Агар Фаргона водийси бўйича ҳудди шундай кўрсаткичларни оладиган бўлсак, 2001 йилда ташқи савдо айланмаси ўртacha 255,2 млн. АҚШ долларга тенг бўлган. Бу Республика бўйича олинган кўрсаткичга нисбатан 3,9%ни ташкил этган. Фарғона водийси бўйича экспорт амаллари 2001 йилда 329,7 млн. АҚШ долларга бажарилган бўлиб, энг паст кўрсаткич Наманган вилоятига (65,1 млн. АҚШ доллари) тегишилдирир.

Умуман Фарғона водийси вилоятлари бўйича экспортнинг ўртacha миқдори 109,9 млн. АҚШ долларига тўғри келди. Республика бўйича таққослаганда эса 10%га тўғри келиб, ҳар бир (Андижон, Наманган, Фарғона) вилоят учун ўртacha 3,3%данга тўғри келди.

Агар 2002 йилдаги ҳолатни кўрадиган бўлсак, аҳвол янада жиҳдийлашганлигини кўрамиз. Чунки, бу йилда Фарғона водийси вилоятлари бўйича ташқи савдо айланмаси 68,5 млн. АҚШ долларига тенг бўлди, яъни 2001 йилга нисбатан 79,2 млн. АҚШ долларига ёки 10,3%га камайган. Республика бўйича 2002 йилдаги ташқи савдо айланмаси 2001 йилга нисбатан 10,9%га, Фарғона водийси бўйича эса 10,3%га камайган. Агар Фарғона водийси вилоятлари бўйича экспорт

амаллари 2002 йилда 312,3 млн. АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, унинг атиги 57,9 млн. АҚШ доллари (ёки 18,6%и) Наманган вилоятiga тўғри келди. Фаргона водийси бўйича ўртacha экспорт 104,1 млн. АҚШ долларига тўғри келган, ёки 2001 йилга нисбатан 5,8 млн. АҚШ долларига камайган.

2001 йилда республика бўйича ташқи савдо айланмаси 6401,8 млн. АҚШ долларига, экспорт эса 3264,9 млн. АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2002 йилда ташқи савдо айланмаси 5700,4 млн. АҚШ долларига ва экспорт 2988,4 млн. АҚШ долларига тенг бўлди. Бошқача айтганда ташқи савдо айланмаси 2002 йилга келиб 2001 йилга нисбатан 701,4 млн. АҚШ долларига, экспорт эса 276,5 млн. АҚШ долларига камайган. Қайд этиш керакки, бундай пасайиш республиканинг Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Хоразм каби вилоятларидан ташқари барча вилоятларда рўй берган.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳақли равища таъкидлаганидек: «Мен бу соҳани бошқариш ҳаддан ташқари расмийлашиб, маъмурйлашиб кетган, деб ҳисоблайман. Унда иқтисодий йўл билан, тарифлар билан бошқаришдан кўра маъмурй чеклашлар орқали бошқариш усуллари устунлик қиласмоқда»<sup>218</sup>. Аммо, 2003 йилдан бошлаб ташқи иқтисодий фаолиятдаги маъмурй чекловлар жиiddий равища камайтирилиши билан экспорт ҳажмлари тез ўса бошлади.

Муаллиф томонидан 2007 йилга қадар 3 марта ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари шуни кўрсатмоқдаки, (1999, 2003 ва 2007 йилларда анкеталаштирилган) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг иқтисодий фаолиятларида ҳамон ўзига хос муаммолар мавжуд.

Бу каби муаммоларни 4.8-жадвал бўйича таҳдил қиласмоқиз. Ижтимоий тадқиқотларимизда хорижий давлатлар билан алоқа ўрнатмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари (анкета тарқатилганлари ичида) камайган. Улар орасида 2007 йилдаги сўровнома маълумотларига кура хорижий давлатлар билан

<sup>218</sup> Ислом Каримов. Узбекистон XXI асрга интилоқда // Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. 7-том. Тошкент: Узбекистон, 1999. 394–395-бетлар.

алоқа үрнатғанлари 8,1%ни ташкил этган. Бу 2003 йилдаги ижтимоий сұровнома натижаларига күра 1,5 пунктта құтариғанлигини курсатса, 1999 йилдаги ҳолатта нисбатан олганда 3,3 пунктта камайғанлигини күрсатади.

1999, 2003 ва 2007 йиллардаги ижтимоий сұровнома натижаларига күра келажақда хорижий давлатлар билан алоқалар үрнаташга ҳохиши бор бұлған респондентлар сони йилдан йилга ортиб борған. Бундай кичик бизнес субъектлари тегишли йилларда, мос равишда 13,6; 22,7 ва 23,5%ни ташкил этган. Аммо, 1999 йилдаги аткета сұровларида, респондентларнинг 4,1%и «алоқа үрнаташга әхтиёж йүқ» деган жавобни беришган бұлсалар, 2003 ва 2007 йилладаги анкета сұровларида эса бундай савол жавобсиз қолдирилған. Демак, кичик бизнес субъектларида хорижий давлатлар билан алоқа үрнаташга мойыллук ҳиссиёти кучайиб бораётғанлигини ҳисобға олиб айтғанда, бугунги кунда хорижий давлатлар билан бұлған алоқаларни кучайтириш давр талабидир.

Ташқи алоқаны үрнаташ борасидаги қийинчиликлар сабаблари суралғанда, 1999 йилдаги ижтимоий сұровномада 90,3% респондентлар ұжжатлаштириш ва лицензия олишдаги қийинчиликларни, иқтисодий начорлық ва шароитларнинг етарли әмаслигини, конвертация масаласининг мураккабликларини, унда расмиятчылық авж олғанлигини билдиришди. Айримларигина (4,2%) тажрибанинг етишмаслиги ва хорижий тилни билмасликаларни билдириған бұлсалар, уларнинг 5,5%и үз фикрларини ошкора билдиришни. хоҳламадилар.

2003 йидаги ижтимоий сұровнома натижаларыда эса ушбу қийинчиликларни 89,8% респондентлар үз жавобларида тасдиқдаган бұлсалар, 2007 йиладғи ижтимоий сұровномада бундай респондентлар салмоғи 90,6%ни ташкил этди. Бу йилда респондентлар томонидан маблағ етишмаслиги борасидаги муаммолар 2003 йилдаги ижтимоий сұровнома натижаларига күра 1,9 пунктта ошғанлигини курсатмоқда.

#### 4.8-жадвал

Респондентларнинг хорижий давлатлар билан бўлган алоқалари ва бундай алоқаларни ўрнатишдаги қийинчилеклар хусусидаги жавоблар салмоги<sup>219</sup>

Сурвномада олингандай жавоблар тури	Сурвномада ўтказилган йиллар (%да)			2003 йилни	2007 йилни	Солиширилган йиллардаги фарқнинг ўзгариши (-;+)
	1999 йилда	2003 йилда	2007 йилда	1999 йилга фарқи (-;+)	1999 йилга фарқи (-;+)	
алоқа ўрнатмаган КБ ва ХТК	70,9	70,7	68,4	-0,2	2,5	+2,3
алоқа ўрнатган КБ ва ХТК	11,4	6,6	8,1	-4,8	-3,3	-1,5
алоқа ўрнатиш истаги бор КБ ва ХТК	13,6	22,7	23,5	+9,1	+9,9	+0,8
алоқа ўрнатишга эҳтиёжи йўқ КБ ва ХТК	4,1	-	-	-	-	
<b>САБАЛЛАРИ</b>						
хужжатлаштириш ва лицензия олишдаги қийинчилеклар	47,6	45,8	44,5	-1,8	-3,1	+1,3
маблағ етишмаслиги	42,7	30,4	32,3	-12,3	-11,4	-0,9
импорт маҳсулотларини олиб киришда расмийлаштиришдаги қийинчилеклар	-	13,6	13,8	-	-	
тажрибанинг етишмаслиги ва хорижий тилларни билмаслик жавоб беришга қийналаман	4,2	3,7	1,4	-0,5	-2,8	+2,3
	5,5	6,5	8,0	+1	+2,5	+1,5

Ушбу фикрларимиз асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишдаги муаммолар йилдан йилга

<sup>219</sup> Жадвал муаллиф томонидан ижтимоий тадқиқот натижалари асосида тузилган.

ошаётган экан, деган хулосани чиқармоқчи эмасмиз. Чунки, хусусий секторни давлат томонидан тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар такомиллашиб борувчи тенденцияга эга эканлигига ҳеч қандай шакшубҳа йўқ. Бироқ, Узбекистон бўйича кичик бизнес субъектларининг сони ортиб бораётганлигини инобатга оладиган бўлсак, бундай муаммоларнинг ривожланишини ҳам табиий ҳолат сифатида қабул қилишимиз лозим.

Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик доирасида фаолият курсатувчи саноат корхоналарининг аксариятида маҳсулотлар сифатини оширишга бўлган эътиборни кучайтириш керак. Чунки бозорлarda ханузгача давлат стандартига жавоб бермайдиган, экспортга яроқсиз маҳсулотлар учрамоқда. Ўтказилган социологик тадқиқотларга кўра, анкеталаштирилган саноат корхоналарининг 36,0%и (1999 йил ҳолатида 45,7% эди) ўз маҳсулотларини экспортга яроқли эмас деб ҳисоблайди. Уларнинг 19,9%и (аввал 17,1% бўлган) ушбу доирада жавоб беришга қийналади. 38,1% кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ўз маҳсулотларини экспортбоп деб ҳисобласалар-да (сўнгги тўрт йилда атиги 0,9%га ортган), ташки бозорда рақобатлаша олишга дадил фикр билдира олмадилар. Фақат 6,0% респондентлар «етарли имкониятнинг йўқлиги туфайли рақобатга чиқа олмаймиз» деб аниқ фикр билдирилар<sup>220</sup>.

Ушбу ачинарли ҳолат сабаби суралгандা, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳалигача эски технологияларда ишлаётганиги, уларни янгилашда шарт-шароитларнинг етарли эмаслиги ва бунда молиявий жиҳатдан қийинчилклар мавжудлиги маълум бўлди. Бу каби қийинчилклар корхоналар ишчиларининг моддий ва ижтимоий ҳимоялаш имкониятини чегаралайди.

Ўтказилган илмий тадқиқотлар туфайли (текширилган) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг 8,5%ида ёлланган ишчилар йўқлиги маълум бўлди. Ёлланган ишчилари мавжуд корхоналарнинг 54,5%ида ойлик маошни вақтида бериш, йўлкира ва овқат пулининг алоҳида тўланиши ёки бепул иссиқ овқат бериш, зарур озиқ-

<sup>220</sup> Ижтимоий сўров музалиф томонидан Наманган вилоятида ўтказилган.

овқат маҳсулотлари (масалан, ун, ёг, гүшт, сутли маҳсулотлар) билан таъминлаш, пул мукофотлари ва ҳар хил совгалар бериш, ижтимоий муҳофаза қилиш, келтирилган даромаддан мукофот бериш, фойдалануши фоиз ҳисобида моддий ёрдам бериш тариқасида рагбатлантириш тадбирлари кўрилган бўлса ҳам улар тор, яъни чекланган доирада ташкил этилган. Аммо, респондентларнинг 37%и ўз ишчиларини рагбатлантириш учун хеч қандай имкониятлари йўқлигини ошкора айтганлар. Уларнинг барчаси ушбу муаммони ҳал этишда давлатнинг иқтисодий тартибга солиш механизми фаолиятини амалда яхшилаш чора-тадбирларини янада мукаммаллаштириш йўлларини ўйлаб тошиш муҳимлигини ўз жавоблари орқали ифода этдилар.

Юқоридаги таҳдиллардан айтиш мумкинки, кичик ва хусусий корхоналарни бошқарувчи тадбиркор-бизнесменлар ва менежерлар учун ёлланган ишчиларини моддий рагбатлантиришда ҳам қийин вазият туғилмоқда. Сабаби корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари турғун ҳолатда булиб, ишчилар даромадининг кескин камайишига олиб келмоқда. Наманган вилоятида ҳам шунга ўхшаш муҳит ҳукм сурмоқда. Корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамида маблағ бўлмаслиги туфайли улар ўртасидаги узаро ҳисоб-китоблар барқарор эмас. Пул муомаласидаги бундай нуқсон ва камчиликлар ишчиларни ўз вақтида иш ҳақи ва тўловлар билан таъминлашни ҳам кийинлаштиради.

Илмий тадқиқотлар Наманган вилояти бўйича амалга оширилган бўлса-да, Республиkaning бошқа вилоятларида ҳам бу каби муаммолар йўқ эмас. Бугунги кунда бундай муаммоларни олдини олиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Чунки, ҳар қандай шароитларда ҳам давлатнинг иқтисодий ривожланишини устувор деб ҳисоблаб, унга тўсиқ булаётган салбий ҳолатларни бартараф этиш йўлини танлашимиз зарур.

Республика Президенти Ислом Каримов ўз нутқларидан биринча, «минг афсуски, ўзимиз яхши қонунлар яратамиз-у, ўзимиз уларга қатъий риоя қилмаймиз»<sup>221</sup>, – деб қайд этганди. Аммо, кейинги йил-

<sup>221</sup> Ислом Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тошкент: Узбекистон, 2005. 50-бет.

ларда «ўзбек модели» асосидаги қонун устуворлигига эътиборни жиҳдий қаратиш орқали кўп имкониятларга эришмоқдамиз. Меъёрий ҳужжатларда белгиланган қонун-қоидаларни амалда қўллаш жараёнларини кучайтириш чоралари жаҳон миқёсида рўй берган молиявий-иқтисодий инқироз шароитларида айни муддао бўлиб, иқтисодий курсаткичларни ўсиш тенденциясини сақлаб қолишга эришдик.

Бироқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишини янада такомиллаштириш лозим. Таклифимиз шундан иборатки, Савдо-саноат палатаси фаолиятини яхшилаш мақсадида унга тадбиркорларни рўйхатга олиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки, айнан шу ташкилот кичик бизнес субъектлари фаолиятини самарали ташкиллаштиришда уларга яқиндан ёрдам бера олиш имкониятига эга. Ушбу ташкилот бевосита кичик бизнес субъектларига ўзининг таъсирини курсата олиши керак. Бунинг учун эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг шу ташкилот билан алоқа қилишларига мойиллилари шаклланган булиши даркор. Бундан ташқари, кичик бизнес секторини ривожлантириш соҳасида мавжуд барча түсиқларни бартараф этиб, ишлаб чиқариш ва экспорт тизимида кичик ва хусусий корхоналар фаолиятини рағбатлантириш зарур. Бу ишни ташкил этишда биринчи навбатда вилоят ва туман Ҳокимликларининг, ҳужалик раҳбарларининг масъулиятини ошириш билан биргаликда, Республика Савдо-саноат палатасининг вилоятларда жойлашган бўлимларида фаолликни кучайтириш лозим.

## V БОБ.

### **ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ДАВРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТААР**

#### **S.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсири**

ХХ аср охирига келиб, жаҳон миқёсидаги глобаллашув жараёнларининг кенгайиб бориши, турли давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллашувига олиб келди. Ушбу глобаллашув жараёнлари қўйидаги тарзда рўй берди:

- турли куринишлардаги трансмиллий корпорацияларнинг ташкил топиши;
- трансмиллий корпорациялар ва халқаро бирлашмалар фаолиятининг кенгайиши ва ривожланиши;
- халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражада шакланиши;
- халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятининг янада кучайиши.

Умуман олганда, глобаллашув жараёнлари туфайли жаҳон хўжалигининг яхлит иқтисодий тизимида муайян тарздаги сифат курсаткичларига эришилди.

Бирок, глобаллашув жараёнлари ривожланган сари унинг ижобий жиҳатлари билан биргаликда салбий жиҳатлари ҳам яққол кўзга ташлана бошлади. Халқаро интеграциялашув даврида жаҳоннинг бир мам-

лакатида ижтимоий-иқтисодий ларзалар рўй берса, бу жараён бошқа бир мамлакат иқтисодиётiga ҳам таъсир қилмай қўймайди. Бугунги кунда рўй бераётган молиявий инқироз айнан шу маънода глобаллашув жараёnlарининг оқибатидир.

Агар «иқтисодиётимизнинг жаҳон хўжалик ва молиявий-иқтисодий тизимиға интеграциялашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётганини инобатга оладиган бўлсақ, жаҳон молиявий инқирози, аввало, унинг оқибатлари бизга ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳеч қандай зарурати бўлмаса керак...»<sup>222</sup>, – деб таъкидлайди Ислом Каримов.

Ушбу инқироз таъсири «Буюк депрессия йиллари»дан кура оғирроқ асоратлар қолдиргани барчага маълум бўлмоқда. Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон Меҳнат ташкилоти мутахассисларининг фикрича, глобал молиявий-иқтисодий инқироз туфайли кейинги икки йилда 30 млн. киши ўзининг доимий иш ўрнидан маҳрум бўлган. Бу эса сайёрамиздаги ишсизлар сони 210 млн. кишидан ошганлигини билдиради. Ишсизларнинг асосий қисми АҚШ ва бошқа ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келди. Уларнинг 13,1 фоизи ёшлардан иборатдир. Ривожланаётган мамлакатларда эса ишчи кучи бозори атиги 0,25 фоизга «утириб» қолган, холос. АҚШ Марказий Разведка Бошқармасининг маълумотларида эса 2010 йилнинг учинчи чораги якунига келиб, дунё бўйича ишсизлик даражаси 30 фоизни ташкил этаётганлиги қайд этилди<sup>223</sup>.

Республика Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида «Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди... Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навба-

<sup>222</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 14-бет.

<sup>223</sup> Қаранг: Таназзул сояси // XXI аср. 16 сентябрь, 2010. № 37. 7-бет.

тида, күплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан бөглиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқар ... »<sup>224</sup> ганлиги қайд этилган. Хусусан, ишсизлар сони бўйича олдинги ўринларни Науру (90 фоиз), Либерия (85 фоиз), Зимбабве (80 фоиз) Шарқий Тимор, Сенегал, Замбия, Босния ва Герцеговина каби давлатлар эгаллади<sup>225</sup>.

### 5.1-жадвал

#### АҚШда бўлиб ўтган рецессиялар<sup>226</sup>

Рецессия даври	Давомийлиги	Иқтисодий пасайиш
1990 йил, июль – 1991 март	Саккиз ой	1,3%
1992 йил, июль	Бир ой	7,8%
2001 йил, март – ноябрь	Саккиз ой	0,4%
2003 йил, июнь	Бир ой	6,3%
2007 йил, август	Номаълум	

Дарҳақиқат, АҚШдек давлатда ипотека кредитларини олган шубҳали шахсларни тұлов лаёқати етарлича эмаслиги ҳисобга олинмаган, кредитларни бериш эса жадаллашған. Оқибатда, АҚШ бозори ликвидли құчмас мулкка «түйинди» ва уларнинг нархлари кескин туша бошлади. Бундан ташқари инвестицион банкларнинг АҚШ ипотека бозорларидағы янги молиявий «маҳсулот» ҳисобланған активларни секьюритизациялаш бўйича операцияларининг авж олиши ипотека бозорларидағы таназзуллик ҳолатлари әхтимоллигини ошириді.

Иқтисодчиларимизнинг таҳлилларига кўра, АҚШда рўй берган 2007 йилдаги рецессия олдинги йилларда бўлиб ўтган рецессиялардан фарқланади. 1990, 1992, 2001 ва 2003 йиллардаги рецессия жараёнларида АҚШ иқтисодиёти маълум бир даврга пасайган булса-да, жаҳон иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатмаганини

<sup>224</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009, 4-бет.


<sup>225</sup> [www.21asr.uz](http://www.21asr.uz) сайтининг маълумотлари.

<sup>226</sup> Манба: Мирзаев Ф. И. Банклараро рақобат: моҳияти, шакаланиши ва ривожланиш босқичлари. Тошкент: Молия, 2008. 88-бет.

5.1-жадвалдан таҳдил қилиш мумкин. Аммо, 2007 йилдаги рецессия жаҳон иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатиб, унинг давомийлик даражаси номаълумлигича қолмоқда. Сўнгги рецессиянинг салбий оқибатлари эса ҳозирги кунга қадар давом этмоқда.

### 5.1-чизма

**Ипотека билан таъминланган қимматли қоғозлар чиқарилишининг мамлакатлар бўйича тақсимланиши (млрд. АҚШ доллари ҳисобида)<sup>227</sup>**




Жумладан, 2009 йил бошида АҚШда 2,5 миллиондан ортиқ ишуринлари қисқарган бўлса, 2009 йилнинг март ойига келиб, ишсизлар сони 8,1 фоиздан 8,5 фоизга ошган. Мамлакат меҳнат вазирлигининг маълумотларига кўра, 2009 йилнинг феврал ойида бу ерда 694 минг киши ўз иш жойидан ажralган. Шу тариқа АҚШда ишсизларнинг умумий сони 13,2 млн. кишига етган<sup>228</sup>. 2010 йилнинг 3-чорак якунида эса АҚШдаги ишсизлик даражаси 9,6%га етганлиги қайд этилди<sup>229</sup>. Афсуски, бундай ҳолат факат АҚШдагина эмас, балки бошқа ривожланган давлатларда ҳам кузатилганлигини 5.2-чизмадан куриш қийин эмас.

<sup>227</sup> Манба: [www.europeansecuritisation.com](http://www.europeansecuritisation.com) маълумотларига асосан хисобланган.

<sup>228</sup> Инқирозга қарши яқдиллик муҳим // Халқ сўзи. 21 апрель, 2009. №79. 7-бет.

<sup>229</sup> [www.rbc.ru](http://www.rbc.ru) сайтидан олинган маълумот (10.10.2010 й.).

**Ривожланган мамлакатларда 2007–2010 йилларда  
ишсизлик даражаси<sup>231</sup> (фоизларда)**



Маълумки, АҚШ Президенти Б. Обама 2010 йилнинг январь ойида «Мамлакатдаги вазият түгрисида»ги биринчи мурожаатида, кичик бизнесга солиқ имтиёzlари бериш ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш борасида тадбирлар куриш зарурлигини гапириб, бу ишларни ишсизликка қарши кураш чораси сифатида алоҳида қайд этган эди. 2010 йилнинг сентябр ойига келиб, АҚШ Президентининг Оғайо штатида кичик бизнесга 100 млрд. АҚШ доллари миқдорида солиқ имтиёzlари беришга оид стратегиясини эълон қилип белгиланди<sup>232</sup>. Куриниб турибдики, мамлакатда инқирозга қарши кўрилаётган чора-тадбирларнинг муайян қисми ханузгача режа мақомида турибди.

Шуниси эътиборлики, энг ривожланган АҚШдек давлат, асрлар давомида бозор иқтисодиёти шароитида яшаб келган. Ушбу давлат

<sup>230</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича укув қўлланма. Тошкент: Иқтисодиёт, 2009. 18-бет.

<sup>231</sup> 2009 йилдаги АҚШга тегишли маълумот ўша йилнинг март ойига тўғри келади. 2010 йилдаги Япония, Буюк Британия ва Германия давлатларига тегишли маълумотлар [www.ereport.ru/graph/jpimpemp.htm](http://www.ereport.ru/graph/jpimpemp.htm) сайтидан олинган бўлиб, 10 сентябрь ҳолатига тўғри.

<sup>232</sup> Қаранг: Таназзул сояси // XXI аср рўзномаси, 16 сентябрь, 2010. №37. 7-бет.

бошқарувида бозор иқтисодиётiga хос бўлган иқтисодий цикларнинг энг чегаравий ҳолатларида ҳам инқироздан чиқиб кетиш соҳасида тажриба шаклланган бўлса-да<sup>233</sup>, ҳозирги кун амалиётида бу тажрибалар етарли эмаслиги сезилиб қолди. Чунки глобал инқироздан аввалги АҚШда содир бўлган инқирозлар бир давлатнинг узида, яъни АҚШда рўй берган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз эса бутун дунё мамлакатларини қамраб олганлиги, бунда «рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва ҳалқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир қўрсатадиган жиёдий ижтимоий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдифини топмоқда»<sup>234</sup>.

Дарҳақиқат, «ҳалқаро молиявий муассасалар ва ташкилотларнинг пессимистик хабарларига кўра, 116 та иқтисодиёти ривожла наётган давлатлардан 94 тасида ўсиш суръатлари пасайгани, 43 та мамлакатда эса молиявий-иқтисодий инқироз оғир асоратларни келтириб чиқаргани, бунинг оқибатида 46 млн. кишини қашшоқлар сафига қўшилиши тўғрисидаги маълумотлар...»<sup>235</sup> жаҳон миқёсидағи инқирозли давр таҳдилларида келтирилган.

Тадқиқ этилган 51 та мамлакатдан 36 тасида 2009 йилда 2008 йилдагига нисбатан экспорт икки баробарига қисқариши кузатилган. Ташқи савдони кредитлаш ва молиялаш ҳажми 2008 йилнинг сўнгги чорагида 40% қисқарган<sup>236</sup>.

Жумладан, Германияда «...500 мингдан зиёд иш учрининг қисқаргани» ва бу мамлакат корхоналарида «...арзимаган хато учун

<sup>233</sup> Пол А. Самуэльсон, Вильям Д. Нордхаус. Экономика: Пер. с англ. М.: «Лаборатория Базовых Знаний», 2000. С.77-78.

<sup>234</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Узбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Узбекистон, 2009. 5-бет.

<sup>235</sup> Умид шуъласи // XXI аср рўзномаси, 4 июнь. 2009. №23. 7-бет.

<sup>236</sup> Қаранг: Фафуров У. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсири оқибатларини юмшатишда кичик бизнес имкониятларидан фойдаланиш // Иқтисодиёт ва таълим. 2010. №1. 35-бет.

ишдан ҳайдаш ҳоллари...»<sup>237</sup> одатий ҳолга айланганлигини алоҳида қайд этиш керак.

Германияда экспертларнинг ҳисобларига қараганда, 2010 йил ЯИМнинг 6,3 фоизга камайиши қайд этилган. Мюнхендаги IFO институти эса 2010 йилда ишсизлик кулами ошиб, 4,4 млн. кишига этиши башорат қилинди. Эътиборлиси шуки, бундай нобарқарорликни оддини олиш мақсадида Германия ҳукумати томонидан қабул қилинган дастурни «Spiegel» журнали таҳдил этиб, икки бўлимдан иборат руйхат тайёрлади. Унда дастур ижросига киритилгач, «ютқазадиганлар» ва «ютадиганлар» қатлами эълон қилинди (5.2-жадвалга қаранг).

### 5.2-жадвал

Германия ҳукумати томонидан қабул қилинган дастурни «Spiegel» журнали бўйича таҳдили<sup>238</sup>

Ютқазадиганлар	Ютадиганлар
Ишсизлар	Олимлар
Оиласлар	Бойлар ва ўзига тўқ фуқаролар
Бундесвер (армия)	Энергетик концернлар
Бюджет хизматчилари ва давлат хизматчилари	Касалхоналарнинг сугурта кассалари
Авиайўловчилар	Молиявий институтлар
Германия темир йуллари	

Куриниб турибдики, бу жараёнда ишлаб чиқариш ва янги иш ўринларини яратишдаги улушларини ҳисобга олган ҳолда йирик бизнес ва молиявий секторга тегмасликка қарор қилинган. Бусиз миёси жиҳатидан мисли кўрилмаган инқироздан улкан талафот кўрган корхоналар ва тадбиркорлик субъектларини сақлаб қолишнинг иложи йўқ, албатта. Германияда чиқадиган «Spiegel» журналида ёзилишича, бундай мураккаб муаммоларга Германия биринчи маротаба дуч келяп-ганилиги ҳам алоҳида қайд этилган<sup>239</sup>.

<sup>237</sup> Таназзул сояси // XXI аср. 16 сентябрь, 2010. №37 . 7-бет.

<sup>238</sup> «Spiegel» журнали маълумотларига кўра муаллиф томонидан тузилган.

<sup>239</sup> Қаранг: [www.21ast.uz](http://www.21ast.uz) // Европа оиласининг қора кунлари. 1июль, 2010.

Венгрияда эса тадбиркор ва фермерлар солиқ юкини күтара олмай қолдилар. Бу давлатда ижтимоий тенгсизлик кучайиб, қамбағаллар сони сони ошиб кетди. Венгрия Европанинг глобал молиявий инқироздан энг күп зарар күрган мамлакатлар қаторидан жой олган давлат булиб, 2008 йилда Будапешт ХВФдан 25 млн. АҚШ доллари миқдорида фавқулодда ёрдам сурашга мажбур бўлганди. Чунки, ЯИМ 6,3 фоиз пасайгани ҳолда ишсизлик 11,4 фоизга ошган эди<sup>240</sup>.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирознинг рўй бериши туфайли ақсарият ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иктиносидий фаолиятида жиҳдий муаммолар юзага кела бошлади. Нафақат кичик бизнес субъектлари балки, йирик корхоналар ҳам банкрот ҳолатига тушиб, ишсизликнинг авж олиши рўй берди. Масалан, 2011 йилнинг февраль ойи якунларига кўра Грецияда ишсизлар 12 фоиздан 15,9 фоизга ошган<sup>241</sup>. 2000 йилдаёт нафақат АҚШ, балки Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Мексика каби қатор давлатларда иктиносидий ўсиш суръатларининг сезиларли даражадаги пасайиши кузатилди. АҚШ тўлов баланси ва бюджетидаги тақчилликнинг юқорилиги, долларнинг европа нисбатан девальвацияси, Германияда ишсизлар сонининг ўсиши ҳамда бюджет тақчиллигининг Европа Иттифоқи талаблари даражасидан ошиб кетаётганлиги маълум бўлди.

Хусусан, Европанинг бир қатор мамлакатларида ҳам жаҳон бўйича ҳукм сураётган молиявий инқирознинг салбий оқибатлари ўз таъсирини кўрсатмай қолмаган. Аниқ далилларга асосланадиган бўлсак, 2009 йилнинг октябрь ойи ўрталарига тегишли статистик маълумотларга қараганда, турли техника ва техник жиҳозлар ишлаб чиқаришга ихтинослашган “NOKIA” компанияси шу йилнинг 3-чорагига келиб, 559 млн. евро зарар курганлигини ўз ҳисоботларида келтирган. Таниқди «Microsoft» компанияси 2009–2010 йиларнинг биринчи чорагига тегишли маълумотлар солиштирилганда 18%-га зарар курганлигини аниқланди. Бу эса 3,57 млн. долларни ташкил этади. Франциянинг

<sup>240</sup> Қаранг: XXI аср. 20 май, 2010. №20. 7-бет.

<sup>241</sup> Манба: Биржа. №57. 15-бет.

“Canefour” компанияси Россия бозоридан чиқишига мажбур була. Сабаби айланма капиталнинг тегишли давлатлар валюталарида белгиланган курсларида турғунликка эришиб бўлмади<sup>242</sup>.

Хуллас, жаҳонда рўй берган молиявий-иктисодий инқироз туфайли аксарият ривожланган давлатлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иктиносидий фаолиятида тушқунлик ҳолати намоён була. Жуда кўп бизнес субъектлари бозордаги ўз ўрнини йўқотиб, банкрот ҳолатига тушиб қолди. Халқаро эксперталар томонидан ҳозирга қадар ушбу секторни давлат томонидан тартибга солиш механизми яхши ишламаяпти деб, оммавий ахборот воситалири орқали қайд эта бошладилар. Натижада, 2010 йилдан бошлаб, жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қуллаб-қувватлашнинг янгича услубларини ишлаб чиқиши заруратга айланди.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон иктиносидиётини кузатиб бораётган халқаро ташкилотлар (Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон меҳнат ташкилоти) ва эксперталар бозор иктиносидиётининг асосий «устун»ларидан ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига эътиборни кучайтириш кераклигини қайд этмоқдалар.

## 5.2. Узбекистон ва МДҲ иштирокидаги давлатларга жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг таъсири

Фикримизча, жаҳон иктиносидиётининг таркибий қисми сифатида Узбекистон иктиносидиётини ривожланиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, «...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб утади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди»<sup>243</sup>.


<sup>242</sup> Маълумотлар [www.rbc.ru](http://www.rbc.ru). сайтидан олинган.

<sup>243</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва ғоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 11-бет.

Хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсирини Ўзбекистон иқтисодиётига нисбатан олиб таҳдил этадиган бўлсак, уни қуидагича ифодалаш мумкин (5.3-чизма):

### 5.3-чизма

#### Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг Ўзбекистон Республикасига таъсири<sup>244</sup>



Жаҳон хомашё бозорларида конъюнктурани ёмонлашиши, талабнинг сусайиши туфайли нархларнинг кескин пасайиши. Бундай ҳолат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг халқаро миқёсидаги иқтисодий алоқаларида кескинлашган ва жиҳдий қийинчиликларни келтириб чиқаради.

2009 йилда корхоналарнинг экспорт операцияларидан оладиган даромадларнинг сезиларни камайишига олиб келиши мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг оладиган фойдаси камайиб, уларнинг ликвидилик даражасига салбий таъсир курслатиши табиий ҳол.

Асосий савдо ҳамкорларимизнинг харид қобилияти кескин равишада пасайиши ҳам ташқи савдо айланмасига салбий таъсир курслатади. Бундай жараёнлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўзаро иқтисодий муносабатларида ва олди-сотди операцияларининг бажарилишида номувофиқлик ҳолатларини келтириб чиқаради.

<sup>244</sup> Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Кўриниб турибдики, 2009 йилдан бошлаб энг долзарб муаммо – «...бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излашдан иборат»<sup>245</sup> бўлди. Бу муаммони ҳал этиш учун Ўзбекистон аввалгилик, ўзини оқлаган «ўзбек модели»га асосланган йўлидан борди.

Фикримизча, 2010 йилда ҳам давом этган инқироз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, соҳа учун янада кенгроқ имкониятлар яратиб беришни ҳаётий заруриятга айлантирилди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Россия тадбиркорларининг давлат томонидан тартибга солиш масалаларига оид фикрлари ўрганилганда, респондентларнинг аксарияти, яъни 41% и «Россияда бизнес тугайди» деб фикр билдирганлар. Чунки, айни шу даврда (2009 йилда) мамлакатдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банкротлик ҳолатлари кўплаб рўй берган. Респондентларнинг бундай жавоб бериши молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятларининг (уларнинг нуқтаи назарида) тобора торайиб борганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Респондентларнинг 33%и давлат томонидан тартибга солиш масалаларида бундай муаммолар фақат бизда эмас, балки бошқа давлатларда ҳам мавжуд эканлигини қайд этишиб, инқирозли даврда ўзларига ўзлари далда бергандек «...биз барчамиз тенг бўламиз» деб, ҳис этишган. Бундай респондентлар нуқтаи назарида инқирозли даврда шундай бўлиши табиий ҳолдек таҳдил этилди.

Фақатгина 26% респондентлар инқирозли жараёнларда бозорга хос бўлган қонуниятларни ишлаши туфайли, иқтисодий мувоза-натга эришишларига умид боғлайдилар. Улар бозор қонуниятлари ҳар қандай давлат томонидан тартибга солишни ютиб чиқади деб ҳисоблайдилар. Айнан шу тарзда жавоб берган респондентлар, янги-ча иқтисодий фикрлашга хос саъй-ҳаракатларни амалга ошириш зарурлигини қайд этишган. Уларнинг фикрича, бир томондан ҳукумат


<sup>245</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 4-бет.

узининг янгича иқтисодий чора-тадбирларини құллаши, иккінчи томондан, бозор қонуниятларининг фаоллашувига шароит яратилиши, тадбиркорлар ҳаракатини тезлашувига олиб келади. Аниқроғи, бозор қонуниятларини равон ишлаб кетишига янгича замин яратиш кераклигини ҳис килдилар (5.4-чизма).

#### 5.4-чизма

**Россия тадбиркорларининг «Баҳоларни давлат томонидан тұғридан тұғри тартибга солиш ва алоқа муносабатларини ұрнатыш нимага олиб келади?»**

**деган саволга берган жавоблари салмоги<sup>246</sup>**



■ Россияда бизнес тұгайды (41%)

- Давлатнинг роли фақат Россиядагина кучаймаяпты, биз барчамиз текті бұламиз (33%)
- Хар қандай давлат томонидан тартибга солишини, бозорга хос бүлган қонуниятлар ютиб чиқади (26%)

Ижтимоий сўровноманинг давомида «Хуқуқий база ва амалиётда құлланилаётган ҳуқуқий асослар сизнинг бизнесингизга давлат томонидан тажовуз қилишни тұлық ҳимоялайдими?» деган саволга, россиялик бизнесмен-тадбиркорлар үзларининг муносабатларини аник билдиришган. Бундай саволга жавоблар салмоги 5.5-чизмадаги диаграммада көлтирилген.


5.5-чизмадаги диаграммадан күриниб турибиди, респондентларнинг 44%и берилган саволга «Мутлақо ҳимоя қилмайды» деб, жавоб беришган бұлса, уларнинг 16%и «фақат айрим жиҳатлардагина» деб, жавоб беришган. Респондентларнинг 24%и эса, «Бизнесдан кетишига олиб келади» деган фикрда бұлишган. Уларнинг 11%и ҳозирги даврдағи давлат томонидан тартибга солищдаги муносабатларни ижобиyroқ баҳолаб, «90-йилларда бундан ёмонроқ бүлган» деб қайд этишган. Ушбу диаграммада респондентларнинг 32%и ҳозирги кунда Rossi-

<sup>246</sup> Манба: [www.festivale.1september.ru](http://www.festivale.1september.ru). Сўровнома 2009 йилнинг 16–28 сентябрь кунларида үтказилған.

яда мавжуд ва амал қилаётган ҳуқуқий жараёнларга нисбатан ижобий жавоб беришган деб ҳисобласа бўлади. Бироқ, бу жуда ачинарли ҳолатнинг олдини олиш мақсадида Россия ҳукумати томонидан тобора кенг қамровли чора-тадбирлар кўриб борилаётганлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

### 5.5-чизма

**Россия тадбиркорларининг «Ҳуқуқий база ва амалиётда қўлланилаётган ҳуқуқий асослар сизнинг бизнесингизга давлат томонидан тажовуз қилишни тўлиқ ҳимоялайдими?» деган саволга берган жавоблари саломги<sup>247</sup>**



Атиги 5% респондентлар кичик бизнес субъектлари учун қўлланилаётган меъёрий ҳужжатлар асосида давлат томонидан ҳимояланишларини «Ҳа, тўлиқ» деган жавоблари билан тасдиқлайдилар. Ўтказилган сўровномадан маълум бўляптики, Россияда кичик бизнес субъектларини давлат томонидан тартибга солиш масалаларида жиддий муаммолар тўпланиб қолган. Бу муаммоларнинг келиб чиқиши жаҳонда рўй берган молиявий-иқтисодий инқироз билан чамбарчас боғлиқ.

Россияда меҳнат бозоридаги барқарорликни таъминлаш мақсадида, 2008 йилда ҳукумат томонидан 43,7 млрд. рубль сарфланган бўлса, 2009 йилда 34 млрд. рублга тушиб қолди. Бунинг сабаби давлат бюджетида молиявий ресурсларнинг чекланганлиги билан изоҳланмоқда. Аммо, 2010 йилга келиб, Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш кучайди. Натижада, мамлакатда ишсизликни камайтириш мақсадида 36,4 млрд. рубль сарфлаш ҳукумат

<sup>247</sup> Манба: [www.festivale.1septemper.ru](http://www.festivale.1septemper.ru). Сўровнома 2009 йилнинг 7–16 октябрь кунларида ўтказилган.

органлари томонидан тасдиқланды<sup>248</sup>. Аммо, бу миқдор 2008 йилдаги ҳолатдан 7,3 млрд. рублга кам эканалигини күрсатади. Чунки, 2010 йилда давлат бюджети 727646 млрд. рубль ҳажмидаги дефициттега эга бўлди.

2009 йилда Халқаро валюта фонди (ХВФ) томонидан берилган истиқбол бўйича яқин икки йил давомида МДҲ мамлакатларида оғир иқтисодий жараёнлар рўй бериши белгиланган эди. Шунингдек, ХВФ томонидан берилган баҳоларга қараганда, Ўзбекистон бошқа МДҲ давлатлари ичидаги иқтисодиётининг ривожланиши бўйича ижобий ва юқори ўсиш суръатларига эга бўлиши ҳам алоҳида қайд этилди (5,3-жадвал). Бунинг асосий сабабларидан бири ҳукумат томонидан олиб борилаётган сиёсатда ислоҳотларни «ўзбек модели» асосида амалга оширилаётганидир. Бундан ташқари ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тизимини давлат томонидан тартибга солиб боришнинг ўзига хос йўли танлаб олинган эди.

### 5.3-жадвал

#### Глобал инқироз шароитида айрим МДҲ мамлакатларининг ривожланиши истиқболи (ЯИМ %да, ХВФ томонидан берилган баҳо)<sup>249</sup>

Мамлакатлар	2007 йил (хисобот)	2008 йил (хисобот)	2009 йил (истиқбол)	2010 йил (истиқбол)
Россия	8,1	5,6	-6,0	0,5
Украина	7,9	2,1	-8,0	1,0
Белоруссия	8,6	10,0	-4,3	1,6
Ўзбекистон	9,5	9,0	7,0	7,0
Қозогистон	8,9	3,2	-2,0	1,5
Кирғизистон	8,5	7,6	-0,9	2,9

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётни модернизация қилиш, диверсификация жараёнларини тезлаштириш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жиҳдий ривожлантиришдан иборат бўлди. Қолаверса, 2007 йил бошиданоқ республика иқтисодиётининг 13 хил тармогида (асосан,

<sup>248</sup> Денисов Д. Скрытые кадры // Ж. «Бизнес-журнале Онлайн». 31 март, 2010.

<sup>249</sup> Манба: ХВФнинг хисоботи (маълумоти). World Economic Outlook «Crisiss and Recovery» (апрель, 2009 й.).

саноатнинг барча турларида ва транспортда) корхоналарни модернизация қилишга жиддий эътибор қаратилди. Бу каби жараёнлар Ўзбекистон иқтисодиётини инқирозга қарши салоҳиятини, ошириди ва глобал нобарқарорликка бардош бера оладиган «иқтисодий иммунитет» яратди.

#### 5.4-жадвал

**Киргизистонда олиб борилган ижтимоий тадқиқотлар натижасида «Ислоҳотлардаги ўзгаришларни ҳалқ билиши керакми?» деган саволга берилган жавоблар салмоги<sup>250</sup>**

Саволга берилган жавоблар тури	Салмоги
Албатта, ислоҳотлар ким учун қилинмоқда, инсон учун инсон эса ҳалқнинг таркибий қисми	24,2%
Маъмурӣ ҳодимлар ва раҳбарлар назоратини олиб бориш учун ҳалқ ислоҳотларнинг натижаларини билиб бориши керак	25,4%
Ҳалқ билан ҳисоблашмаса, бўлмаса ислоҳотни кимга кераги бор?	23,8%
Ислоҳотларда ўзимиз иштирок этмоқдамиз, шунинг учун ҳамма нарсадан хабардор булишимиз шарт	26,6%

Бироқ, МХДларининг аксариятида иқтисодий аҳвол инқирозга хос бўлган тўрғуналиқ ҳолатида сақланиб қолмоқда. Масалан, 2010 йилнинг 3-чораги охирига келиб, Белорусияда нархларнинг кескин ўсиши кузатилди<sup>251</sup>. Ҳалқаро эксперталарнинг қайд этишича, бу мамлакатда ноозик-овқат маҳсулотларини сотиб олиш камайганлиги туфайли бозордаги талаб ва таклиф муносабатларида номувофиқлик юзага келган. Бошқача айтганда, бозорга товар кириб келиши бор, лекин савдо йўқ. Бу эса ўз навбатида Белорусия бозорларида мувозанатнинг издан чиқишига олиб келди. Бундай вазиятда тадбиркорларнинг иқтисодий фаолиятида жиддий муаммолар юзага келдики, уларни бартараф этиш бўйича ҳукумат томонидан аниқ бир хulosага келинганича йўқ. Бунга ухшаш ҳолатлар Украина ва Россиянинг айрим ҳудудларида

<sup>250</sup> Манба: К+ телеканалининг «Новости» дастури. Маълумот 2010 йил, ноябрь ҳолатига тўғри.

<sup>251</sup> www.yesti.ru // Общий рынок. Международный телеканал «Мир».

ҳам кузатылди. Озарбайжонда эса 2010 йилнинг кузида аксарият бозорлар берк бұлды<sup>252</sup>.

Киргизистон ва Тожикистанда эса нафақат иқтисодий балки ижтимоий жиҳатдан юзага келган муаммолар кескинлашиб кетмоқда. Масалан, Киргизистонда олиб борилған ижтимоий тадқиқотлар натижасида «Ислоҳотларни олиб боришида ҳалқ билан ҳисоблашиш керакми?» деган савол берилиб, унга қайтарилған жавоблар 5.4-жадвалда көлтирилған. Жадвалдаги жавоблар шакли турлы күринища бұлса-да, мазмунан бир хил маънога эга. Айниқса, «Ислоҳотларда үзимиз иштирок этмоқдамиз, шунинг учун ҳамма нарсадан хабардор бўлишимиз шарт» дейилған жавоблар саломги 26,6 фоизни ташкил этиб, бунда демократик тарздаги ёндашув яққол сезилиб турибди.

5.4-жадвалдан күриниб турибдики, қирғиз ҳалқи ислоҳотларнинг боришини нафақат билиши балки унда иштирок этиб, бошқарувнинг ҳар бир погонасидағи ислоҳотларда қандай үзгаришлар бўлаётганинги ва бу ислоҳотлар айнан инсонлар учун йўналтирилған бўлиши кераклигини қайд этмоқда.

Ўзбекистонда эса «...ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиш керак...»<sup>253</sup> деган мақсад устуворлигида ҳукумат ва ҳалқнинг яқдиллиги, мустақилликнинг илк йилларидан намоён бўлган. Түрмуш даражасининг ўсишида аҳоли таркибида тадбиркорлар саломгини оширишга бўлган эътибор эса хамон ислоҳотларимизнинг асосий мазмунини касб этмоқда.

Демак, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган эътибор, давлатимиз сиёсатида биринчи даражали вазифалардан ҳисоблангани учун бу борада чексиз салоҳиятли ишларни амалга ошириш узлуксиз давом этмоқда.

<sup>252</sup> Мулоҳазаларимиз 10.10.2010 йил ҳолатига тұгри.

<sup>253</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас күч. Тошкент: Маънавият, 2008. 106-бет.

### **5.3. Жаҳонда рўй берган молиявий-иқтисодий инқироз даврида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан тартибга солиниши**

Ўзбекистон иқтисодиётида барқарорлик ҳукм сурса-да, жаҳонда рўй берган инқирозли жараёнларга бефарқ бўлинмади. Хусусан, Россия Федерациясининг Екатерингбург шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо бўлган давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисида ҳам шу куннинг долзарб масалалари муҳокамасида фаол қатнашганлигига жаҳон ҳамжамияти гувоҳ бўлди. ШХТ доирасида мамлакатнинг самарали ҳамкорлик қилиши тадбиркорлик ҳаракати учун қулай шарт-шароитлар яратади, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспорт салоҳиятини кучайтиради, янги транспорт йўлаклари ва информацион коммуникациялар яратилишига имкон беради. Энг муҳими, Ўзбекистон ўз иқтисодиётини «миллий модел» асосидаги тамойилларга ёндашган ҳолда тартибга солиб борди. «Шу ўринда Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустақкам захиралар яратилганини ва зарур ресурслар базаси мавжуд эканини таъкидлаш жоиз»<sup>254</sup>.

Жумладан, 5.6-чизмага эътибор берилса, фаолият курсатган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонидаги ўсиш тенденцияси 1999–2002 йилларда бир маромда ўсиб борганлиги куринади. 2002–2004 йиллар оралигига эса, республика буйича фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонидаги ўзгариш сезиларсиз бўлди. Аммо 2004 йилдан 2006 йилга қадар айнан фаолият кўрсатган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонидаги ўзгариш бирдан кутарилганлиги куриш мумкин.

Агар 1999–2004 йиллар оралигига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият кўрсатганлари ҳар йилига


<sup>254</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 8-бет.

уртacha 22,4 мингтага ортиб борган бўлса, 2005–2006 йилнинг ўзида фаолият кўрсатган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 75,4 мингтага ошган. Бу бир йиллик кўрсаткич аввалги олти йиллик уртacha олинган кўрсаткичдан 53,0 минг бирликка кўпdir. Демак, юқорида қайд этганимиздек, 2005 йилга келиб, ҳуқуқий асосларниң такомиллашуви ва имкониятларниң кенгайтирилиши, фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини миқдор жиҳатдан ортишида муҳим роль ўйнаган.

5.6-чиzmada келтирилган 2006–2009 йиллар оралигида эса фаолият кўrсатган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг йиллар бўйича сонидаги ўсиш тенденцияси сақланган бўлса-да, аввалги йиллардаги каби сезиларли даражада эмас.

#### 5.6-чиzma

##### **Фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони (минг бирлик)<sup>255</sup>**



Фикримизга, аниқлик киритадиган бўлсак, 2006–2009 йиллар оралигида бундай субъектларниң фаолият кўrсатгандари ҳар йилига

<sup>255</sup> Манба: Основные показатели уровня развития малого и среднего предпринимательства в Республике Узбекистан // Статистические сборники за 1999–2003 г.г.; Ўзбекистон иқтисодиёти: таҳдилий шарҳ 2004 йил. / СИСМ. 2005. №8. 36-бет. Ўзбекистон Республикаси статистика кўмитаси маълумотлари. Барча маълумотлар Вазирлар Маҳкамасининг 11.10.2003 йилдаги 439-сонли қарорига асосан берилган. Бунда 2010 йилга тегишли маълумотлар дастлабки маълумотлардир.

уртacha 8,6 мингтага ошган. Бу күрсаткич 1999–2005 йиллар оралигидаги ўсиш тенденциясига (уртacha 26,1 минг бирлик) нисбатан олганда 17,5 минг бирликка камайган бўлса, 2004–2006 йиллар оралигидаги худди шундай кўрсаткичга (73,3 минг бирлик) нисбатан олганда 64,7 минг бирликка камайганлигини кўрсатди.

2007 йил мобайнида иқтисодийnochор корхоналарни молиявий согломлаштириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 268 та корхонанинг техник модернизация қилиш ва ишлабчиқаришини қайта тиклаш дастури амалга оширила бошлади. Улардан 143 тасида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга эришилди, 198 та корхонада уларни янги мулкдорларга сотиш ёки тўловга лаёкатлилиги қайта тиклангани сабабли банкротлик ишлари тутатилди.

Шундай қилиб, 2008 йилда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг салмоги 2007 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан олганда 1,7% га, шу жумладан саноатда – 1,3% га, қурилишда – 3,4% га, транспортда – 22,2% га ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида – 9% га ошди. Фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектлари улуши 8,6% ни ташкил этди<sup>256</sup>. Уз ўрнида айтиш керакки, бу ҳолат айрим ривожланган мамлакатлар кўрсаткичидан (Хитой, Корея, Малайзия) анча паст.

2008 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми 22 фоизга кўпайганлигини ҳисобга олсан, бу саноат тармоғидаги ўртacha ўсиш кўрсаткичидан анча катта эканлигини англаш мумкин. Бу эса, уз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг 2009 йилдаги 50,1 фоиздан 2010 йилдаги 52,5 фоизга кўтарилишига олиб келди.


5.7-чизмада Узбекистон бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улushi фоизларда берилган бўлиб, ўсиш тенденцияси кўриниб турибди. Эътибор берсан, 2000 йилнинг кўрсаткичи 2001 йилнинг кўрсаткичидан 2,8 пунктга камроқлиги кўриниб туриб-

<sup>256</sup> Узбекистон Республикаси Статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоблари.

ди. 2001–2004 йилларга қадар эса статистик күрсаткичлар 1,8 пунктта үзгарган булиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши сезиларсиз даражада ошган. Аммо, жаҳон молиявий-иқтисодий инқизори рўй берган даврларда бундай ҳолатга эга булиш ҳаттотки, ривожланган мамлакатларда ҳам кузатилмади.

### 5.7-чизма

#### Ўзбекистонда бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши, фоизда<sup>257</sup>



Бироқ, 2004–2010 йилларда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши сезиларли тарзда ошиб борди. Худди шу даврларни ҳисобга оладиган бўлсак, тегишли күрсаткичлар ўртасидаги фарқ 12,6 пунктни ташкил этди. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ЯИМдаги улуши ҳар йили ўртача 3,15 пунктта қўпайиб борганлигини билдиради.

Шундай булишига қарамай, «...мамлакатимиз иқтисодиётida кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш...»<sup>258</sup> ҳамон долзарблигича қолмоқда.

<sup>257</sup> Чизма муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилган. Бу ерда 2011 йилга тегишли күрсаткич истиқбол ҳолатида берилган.

<sup>258</sup> Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 51 бет.

Хұлоса қилиб айтганда, жағон молиявий-иқтисодий инқирози даврида республикада ҳукумат раҳбарияти томонидан кичик бизнес ва хусусий табдиркорлыкни ривожлантиришга жиғдій әътибор берилди. Хусусий секторни давлат томонидан тартибга солиши чора-табдирлари муҳим ақамият касб этди. Натижада, кичик бизнес ва хусусий табдиркорлык секторининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдағы таъсири бир оз турғунылқыдан кура, үсіш тенденцияларига яқынроқ ҳолаттарда сақланды. Аниқроғи пасайиш томонға силжимади. Эңг ассоциацияның қарашасынан шундан иборат бұлдикі, инқирозли даврларда кичик бизнес ва хусусий табдиркорлык субъектлари фаолияти туғайлы әришилған иқтисодий күрсаткыштар камайиш тенденциясига үтмади, суст бұлса-да, үсіш томонға ҳаракат қилинди.

Бироқ, 5.6 ва 5.7-чизмалардан акс эттирилған ҳолаттардан яна шуни аңглаш мүмкінкі, жағон молиявий-иқтисодий инқирози рүй берған даврда кичик бизнес ва хусусий табдиркорлык секторида әришилған статистик рақамларда сезиларлы даражадаги сусайиш мавжуд. Лекин, бу сусайиш үсіш тенденциясидегі сусайиш бұлыб, бунда иқтисодий үсіш йилдан йилга секинлашған. Бу вазиятни, үз навбатыда, жағонда рүй берған инқирознинг қисман үзиге хос таъсири деб ҳисоблаш мүмкін. Статистик күрсаткыштарнинг йилдан йилга үзгартылған улушида ҳам пасайиш рүй бермаган.

Шу нүктаназардан олғанда, жағон молиявий-иқтисодий инқирози кичик бизнес ва хусусий табдиркорлыкни ривожланишига салбай таъсир күрсатып, ушбу секторининг күрсаткышларидаги үсіб борувлы тенденцияни секинлашувига олиб келди. Лекин, ҳукумат раҳбарияти томонидан инқирозға қарши чораларни үз вақтида күриш бориши натижасыда, кичик бизнес ва хусусий табдиркорлык соҳасини барқарор ривожлантириш орқали салоғияттай ишлар амалға оширилди. Бу эса пировардидан, жамиятимиз турмуш даражасини юксалишига ва ақолининг фаровонлигини таъминлашга катта таъсир күрсатды.

#### **5.4. Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатларининг олдини олиш ва таъсирини юмшатишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти**

Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини олдини олиш ва таъсирини юмшатиш борасида чора-тадбирлар қўриб борилар экан, бунда давлатимиз сиёсатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хизмат курсатиш ва сервис ҳамда касаначилик соҳаларининг барқарор ривожланишига шарт-шароитлар яратиш лозимлиги жиддий қайд этилди. Чунки «... кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчалиги, бозор конъюнктураси узгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради»<sup>259</sup>.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва уни давлат томонидан тартибга солиш масалалари тобора ўзининг долзарблигини сақлаб қолмоқда. Бугунги кунда хусусий бизнес сектори фаолиятини яхшилаш натижасида қуидагиларга эришиш имкониятлари яратилади:

- янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлик даражасини оширишга эришилади, бунда аҳолини меҳнат билан банд этиш имкониятлари кенгаяди;

- йирик корхоналар учун ишлаб чиқариш самарасиз булган маҳсулотларни кичик ва микро даражадаги корхоналарда ишлаб чиқарилади, бунда ишлаб чиқариш соҳасида кичик бизнес субъектларининг ҳиссаси ортади ва ишлаб чиқаришда янги имкониятлар юзага келади;

- маҳсулот ва хизматларни кўпайтириш орқали аҳоли фаровонлиги оширилади, бунда ҳалқ эҳтиёжини қондириш ва турмуш даражасини яхшилаш имкониятлари туғилади.

<sup>259</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 46-бет.

Узбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг тури шаклларини кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлди. Жумладан, қишлоқ жойларида чорвачиликни ривожлантиришни рагбатлантиришга алоҳида аҳамият берилди.

2008 йилда республикада 661 мингга яқин, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик орқали – 374 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида – қарийб 220 мингта, касаначилик ҳисобидан эса – 97 минг 800 та янги иш ўринлари яратилди. Иқтисодиётда иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутди. 2008 йили алоқа, ахборотлаштириш, молия, банк, транспорт хизматини кўрсатиш, майший техника ва автомобилларни таъмирлаш соҳалари анча юқори суръатлар билан ривожланди (5,5-жадвал).

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш ҳам кичик бизнесни ривожлантиришда муҳим омил бўлди. 2007 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурини босқичма-босқич амалга ошириш, тадбиркорликни қўллаб-куватлаш натижасида хизмат кўрсатиш ҳажми 2006 йилга нисбатан 26,6 фоизга, жумладан, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 20,6 фоизга ошди.

Таҳдил этилаётган даврда савдо ва майший хизмат кўрсатиш соҳасида 9443 та савдо дўкони, умумий овқатланиш корхоналари, устахоналар ва бошқа обектлар ташкил этилди.

Алоқа, ахборотлаштириш, автомобиллар ва бошқа техникани таъмирлаш, меҳмонхона ва молия хизматлари ҳажми юқори суръатда ўсди. Ижтимоий аҳамиятга эга тиббиёт хизматлари турлари, таълим, маданият, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида, шунингдек, дехқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш ҳажми 42,5 фоизга ортди. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ялпи ички маҳсулотда ушбу соҳанинг улушини 42,5 фоизга етказиш имконини берди.

### 5.5-жадвал

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ўсиш суръатлари<sup>260</sup>  
(олдинги йилга нисбатан фоизда)

Хизмат турлари	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Бозор хизматлари	126,6	121,0	116,7	113,2
Шундан савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	132,5	126,8	121,8	115,7
Транспорт хизматлари	121,1	112,7	110,4	107,1
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	151,5	140,1	121,6	129,0
Молия ва банк хизматлари	123,8	132,2	124,7	122,6
Туристик-саёҳат хизматлари	122,3	126,3	130,4	112,7
Меҳмонхона хизматлари	133,5	122,5	112,3	109,0
Маший ва коммунал хизматлари	109,3	108,4	101,1	<u>121,8</u> 99,1
Автомобилларни таъмирилаш ва бошқа техник хизматлар	138,7	139,2	130,2	124,4
Бошқа хизматлар	142,5	130,6	128,6	120,5

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ўсишидаги ўзгаришлар, айниқса, туристик-саёҳат хизматларида сезиларли бўлмоқда. Туризмни ривожланиши ва бу соҳада кўрсатилган хизматлар 2007–2008 йилларда 4 пунктга ошган бўлса, 2008–2009 йиллар оралигига 4,1 пунктга ошган. 5.5-жадвалда келтирилган қолган хизмат турларида ўсиш тенденцияси сақланаб қолган. Аммо, йилдан-йилга ўзгарган улуш ҳажмида камайиш тенденцияси мавжуд. Бу ҳолат салбий ҳисобланмайди. Чунки, ўсиш суръати сақланган. Аммо, шу кўрсаткичларнинг ўзгаришига у ёки бу даражада жаҳонда рўй берган молиявий-иктисодий инқирознинг таъсирини куриш мумкин.


«Сўнгги тўрт йил мобайнида йилига ўртача 50 фоиз ўсишли таъминлаётган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида

<sup>260</sup> Жадвал муаллиф томонидан Узбекистон Республикаси Статистика кўмитаси маълумотлари асосида ҳисоблаб тузилган. Бунда 2010 йилга тегишли маълумотларда маший ҳамда коммунал хизматлар кўрсаткичлари ажратиб кўрсатилган.

хизмат кўрсатиш жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Натижада хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 42,5 фоиздан 2008 йилда 45,3 фоизга ўсди»<sup>261</sup>. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича кенг чора-тадбирлар натижасида унинг мамлакат бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши 2002 йилдаги ҳолатдан 2010 йилда 11,8 пунктга ортди (5.8-чизма).

5.8-чизма

#### Хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши (фоизда)<sup>262</sup>



Агар 2001–2004 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши камайиш тенденциясини олган бўласа, 2004–2008 йилларда фақат ўсиш суръатлари намоён бўлганлигини 5.8-чизмадан куриш мумкин. Шундай қилиб 2000–2008 йиллар оралигига хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши ўртача 1,01 пунктдан ўсиб борганлиги маълум бўлмоқда. Аммо, сўнгги тўрт йиллик кўрсаткичлар таҳдил қилинганда, хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ улушидаги йиллик ўртача ўсиш 2,02 пунктга тўғри келганлиги 5.8-чизмадан куриниб турибди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши қўйидагиларни келтириб чиқарди:

<sup>261</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Узбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Узбекистон, 2009. 25-бет.

<sup>262</sup> Чизма Узбекистон Республикаси статистика кўмитасидан олинган маълумотлар асосида тузилган. Бу ерда 2009 ва 2010 йиллар кўрсаткичлари истиқбол ҳолатида берилган.

- аҳолининг турмуш даражаси юксалишига ижобий таъсир кўрсатди;
- янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлигини ошириш имконини берди;
- мамлакатда яратилаётган миллий маҳсулот ҳажмининг ошишига олиб келди;
- хизматларни экспорт қилиш орқали мамлакат олтин-валюта заҳирасини кўпайтирди.

Иқтисодиётни либераллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, инновацион технологияларни эса кенг жорий этиш ишлари жадаллик билан кечётган айни дамда, хизматлар ҳажмининг ЯИМ даги улуши башорат кўрсаткичларига кура, 2010 йилда мазкур соҳанинг ўсиши 2004 йилга нисбатан 31 фоизга ошиши белгиланди. Айни шу соҳа аҳолини иш билан банд этишда устуворликни сақлаб қолмоқда.

Натижада, 2010 йилда Вазирлар Маҳкамаси Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси бўйича 2 трлн. 260,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди.

2009 йилга келиб республикада иш билан банд бўлган жами аҳолининг 78,4 фоизидан кўпроги нодавлат секторига тўғри келиб уларнинг аксарияти айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилган.

Республика миёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фолиятини ривожлантиришга оид дастурларни амалга оширилиши натижасида 2008 йилда 37 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Яратилган янги иш ўринларининг аксарияти қишлоқ ҳўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, маориф, маданият, санъат, илм-фан йўналишидаги хизмат кўрсатишда ва саноат соҳасига тўғри келди. 2009 йилнинг бошига келиб, савдо ва умумий овқатланиш, молия, кредитлаш ва сугурталаш тизимида иш билан банд бўлганлар сони сезиларли ортди.

**Асосий макроиктисодий курсаткичларнинг 2010-2011 йилларни биринчи чорагига қўра ҳолати<sup>263</sup>**

Курсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2010 йил		2011 йил	
		Қиймати	Ўзгариши (фоизларда)	Қиймати	Ўзгариши (фоизларда)
Ялпи ички маҳсулот	трлн. сўм	10,00	+ 7,6	13,12	+7,6
Саноат маҳсулотлари	трлн. сўм	7,41	+ 7,0	8,94	+6,2
Истеъмол товарлари	трлн. сўм	2,19	+ 8,9	2,91	+10,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	трлн. сўм	1,13	+ 6,1	1,40	+5,8
Асосий капиталга бўлган инвестиция	трлн. сўм	2,91	+ 1,2	3,27	+4,0
Курилиш ишлари	трлн. сўм	1,72	+ 20,1	1,50	+0,9
Юкларни ташиб айланмаси	млрд. тон/км	15,6	- 14,8	255,5 ман. тн	+9,1
Пассажирларни ташиб айланмаси	млрд. пасс/км	15,1	+ 8,7	12,9	+4,3
Чакана товар айланмаси	трлн. сўм	4,41	+ 8,3	5,24	+13,1
Аҳолига пуллик хизматлар курсатиш	трлн. сўм	1,54	+ 13,4	1,99	+13,8
Ташқи савдо айланмаси	млрд. USD	4,32	- 4,4	5,71	+32,3
Экспорт	млрд. USD	2,70	+ 22,1	3,47	+28,5
Импорт	млрд. USD	1,62	- 29,8	2,24	+38,7

Жаҳон молиявий инқизозининг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар:

— Узбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизация модели, “шок терапияси” деб аталган усусларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилаган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик;

— маъмурний буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизи-

<sup>263</sup> Жадвал муаллиф томонидан Узбекистон Республикаси статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

мига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик;

— давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини биз ўзимизга аниқ белгилаб олдик;

— Ўзбекистонда молиявий-иктисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иктисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлапини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилган ва зарур ресурслар базаси мавжуд.

Энг муҳими, Ўзбекистон бўйича 2010 ийлнинг биринчи чорагига тегишли макроиктисодий кўрсаткичлар, 2009 йилнинг худди шу даврига нисбатан олганда 5.6-жадвалда келтирилганидек, ижобий ўзгаришлардан иборат бўлди.

Хуноса қиласиган бўлсак, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш борасида катта аҳамиятга сазовор бўлган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Буни эса миллий иктисодиётнинг ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ривожланишидаги кўрсаткичлардан яққол билиш мумкин.

### **5.5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юксалтириш орқали қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини ошириш**

Маълумки, Республика Президенти Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда «айни пайтда қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётганига қарамай, ҳалибери паст даражада – бор-йўғи 26,8 фоиз бўлиб қолаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозим» лигини<sup>264</sup>, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳам талаб даражасида эмаслиги таъкидланган. Шу боис, қишлоқ жойларидағи ҳар қандай инфратузилма фаолиятини яхшилашга жиддий эътибор қаратиш кераклиги ҳамон долзарблигича қолмоқда.

<sup>264</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 25-бет.


Жумладан, 2009 йил Республика Президенти томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги иили» деб эълон қилиниши фикримизнинг далилидир. Шу боис, Узбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сонли Қарорига кура, 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» иили муносабати билан қишлоқларни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга қаратилган Давлат дастури ишлаб чиқилди. Бунда, аввалимбор, давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали ижтимоий соҳаларни ривожлантириш ва энг муҳими, қишлоқ аҳолиси учун муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, бу борада қўйидаги натижалар қўлга киритилди:

- 2008 йилда касаначилар томонидан 34 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди;
  - касаначилик орқали корхоналар ўзларига берилган имтиёзлар ҳисобидан 1 млрд. сўмдан ортиқ маблагни тежашга эришилди;
  - чорвачиликни ривожлантириш дастурининг ижроси доирасида 2008 йили кимошди савдоларида 20300 бош қорамол сотилди, 2009 йилда яна 24600 бош қорамол сотилиши кўзда тутилди;
  - агар 2007 йилда қорамол сотиб олиш учун 42,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 2008 йилда бу рақам 48,2 млрд. сўмни ташкил этди;
  - 2006 йилдан ҳозирга қадар кам таъминланган оиласлар учун 103 мингдан зиёд қорамол берилди;
  - 2009 йилнинг 1 январигача шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқувчи сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг умумий сони 1,1 млн. кишидан кўпроқни ташкил этди;
  - қорамол боқувчи сифатида рўйхатга олинган фуқаролардан 54 минг кишига янги меҳнат дафтарчаси берилди, 111 минг фуқаронинг эса мавжуд меҳнат дафтарчасига иш стажи тегишли тартибда қайд этилди.
- 2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда «Кимошди» савдолари орқали шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига 21 минг бош наслдор қорамол сотилди.

Умуман олганда, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тағдиркорлык, хизмат күрсатиши ва сервис, касаначилик соҳаларини барқарор ривожлантириш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилди ва улар пировард натижада аҳоли турмуш даражасининг юксалишига сезиларли таъсир күрсатди.

### 5.9-чизма

#### «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йилида қабул қилинган Давлат дастурининг таркибий қисмлари<sup>265</sup>



Қишлоқлар ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, бандлик ва бошқа қатор давлат дастурлари қабул қилиниб, қишлоқларда тиббий, таълим ва спорт муассасалари, хизмат кўрсатиши шохобчалари бунёд этишга турли манбалар ҳисобидан катта маблағлар ажратилди. Хусусан, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш учун турли манбалардан 3,2 триллион сўм маблағ йўналтирилди.

<sup>265</sup> Чизма муаллиф томонидан мазкур дастур асосида тузилган.

«Қишлоқ тараққий топса, юртимиз янада фаровон бұлади», деган гоя асосида қабул қилингандың дастан мазмун-моҳияти, энг муҳим устувор йұналишлари ва молиявий манбалари нафақат 2009 йил учун, балки үрта ва узоқ муддатαι истиқбол учун ҳам белгиланған.

Дастан ижросининг муҳим натижаси шундан иборат бұлдик, Үзбекистонда 2009 йилда 940 минг янги иш үринларининг ярмидан ортиги қишлоқ жойларида яратылды. Натижада, 2009 йилнинг үзида аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия ва нафақалар үрта ҳисобда 40 фоизга ошди. Бужағон молиявий-иқтисодий инқизорзи шароитида аксарият хорижий давлатларда мавжуд иш үринлари ёпи-либ, ишсизлик даражаси ортиб борган бир пайтда рүй берди. Шунинг учун ислоҳотларни амалга ошириш борасида танланған йұл нақадар тұғри эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мүмкін.

Ушбу дастурға кура, мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида фаолият күрсатаётган мулқорларни молиявий құллаб-куватлаш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки томонидан 2009 йилнинг сентябр ойида қишлоқ мулқорларига жами 39,0 млрд, сүм миқдорида кредит берилди. Бу маблагларнинг 13,3 млрд. сүми чорва моллари харид қилишга, 433,0 млн. сүм эса саноат корхоналари учун хомашё сотиб олишга, 3,5 млрд. сүми эса құчатлар ва уруглик харидига, 2,7 млрд. сүмдан ортиги ёнилги материаллари харид қилишга сарфланди.

Ислоҳотларнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда яратылған саноат маҳсулотларининг атиги 10 фоизи қишлоқ жойларидаги ишлаб чиқаришга тұғри келген бұлса, ҳозирги статистика бу күрсаткычининг 28 фоиздан ошганлигини күрсатади. Демек, сұнгги йилларда қишлоқ аҳоли пунктларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уларда ноқишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариш ва хизмат күрсатиш тармоқларининг шаклланиши нағијасида қишлоқтар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши суръатла-ри тезлашты.

Жумладан, 2010 йилнинг якунида, республикада 80628 та фермер хўжалиги 5156,9 минг гектардан зиёд майдонда фаолият юритишишмоқда. Уларнинг хўжалик юритишиларини барқарор таъминлаш мақсадида 1418 та минибанк, 1757 та муқобил МТП, 1712 та сув истеъмолчилари уюшмаси, 935 та минерал ўғит, 1389 та нефть, 424 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, 2411 та чорва моллари сотиш ва зооветеринария, 82 та транспорт, 300 та ахборот ва консалтинг хизмати кўрсатиш шоҳобчалари, 262 та агрофирма ташкил этилгани ўз самарасини бермоқда.

Фикримизча, бундай натижалар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кенг ривожланишига шарт-шароитлар яратилиши билан белгиланади. Масалан, 1990 йилда республика бўйича қишлоқдарнинг 52 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган бўлса, мустақиллик йилларида жами 40 минг километрга яқин водопровод ва 70 минг километр газ тармоқлари ўтказилиб, ҳар йили ишга туширилган сув ва газ тармоқларининг 80–90 фоизи қишлоқ аҳоли пунктлари ҳиссасига тўғри келди. Натижада, қишлоқ аҳолисининг табиий газ билан таъминланиш даражаси 1991 йидағи 19,3 фоиздан ҳозир 78 фоизгача, ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси эса 52 фоиздан 77 фоизга кўтарилиди. Мустақиллик йилларигача шаҳар билан қишлоқ уртасида газ билан таъминланганлик даражасидаги фарқ 2–3 марта га тўғри келган бўлса, 2010 йилга келиб, бу фарқ кўрсаткичи атиги 7 фоизни ташкил этмоқда холос<sup>266</sup>. Кўриниб турибдикি, ижтимоий инфратузилманинг кенгайиб бориши қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тобора кенг ривожланишига олиб кела бошлади.

Қишлоқ жойларининг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиб бориши натижасида мингга яқин қишлоққа шаҳарча мақоми берилди. Шундай қилиб, аввал мамлакат аҳолисининг 38 фоизи шаҳарларда яшайди деб ҳисобланган бўлса, 2010 йилга тегишли статистик маълумотларга кўра, бу кўрсаткич 50 фоиздан ошиқроқни ташкил этади. Бу кўрсаткичга аҳоли зич жойлашган, қишлоқ хўжалиги ва

<sup>266</sup> Халқ сўзи. 10 апрель, 2010. №70.

бошқа маҳаллий хомашёга бой ҳудудларда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган замонавий ихчам саноат қорхоналари ташкил этиш йули танланганлиги орқали эришилди.

Шуниси эътиборлики, Республика Президенти Ислом Каримов 2009 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий якунлари ва 2010 йилнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилашга багишланган маъruzасида<sup>267</sup> қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жорий йилнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб берди. Чунки «... бутунги кунда қишлоқлардаги уй-жойларнинг марказий иситиш во-ситалари (17%), канализация (9%), иссиқ сув таъминоти (2,3%), ванна (2%) билан таъминлаш даражаси жуда паст. Шу билан бирга, ... қишлоқ врачлик пунктлари сонининг ошишига қарамасдан айни бир дамда кам сонли аҳоли яшайдиган олис қишлоқларда, овулларда фолият курсатувчи фельдшерлик-акушерлик пунктлари сони кейинги беш йилликда қарийб 46,8%га камайган»<sup>268</sup>. Бу эса қишлоқларда уй-жой ва бошқа ижтимоий инфратузилма обьектлари қуриш ишларини комплекс ташкил этиш ва жадаллаштиришга қаратилган жиҳдий чоратадбирларни қабул қилишни тақозо этади. Шу билан бирга раҳбарият масъуллиги асосида ижро механизми назоратини олиб бориш зарурлигини анлатади.

Ушбу устувор йўналишлар туфайли қуидагича ишларни амалга ошириш белгилаб олинди:

— уй-жой қурилиши сарф-харажатларининг аксарияти аҳоли учун 15 йилга бериладиган имтиёзли кредитлар асосида белгиланди. Ушбу имтиёз аҳолининг барча табақалари учун уй-жой шароитини яхшилаш имконини беради.

<sup>267</sup> Қаранг: Ислом Каримов. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиётни ва ҳалқимиз фаровонолигини янада юксалтиришdir // Халқ сўзи. 30 январь, 2010 йил.

<sup>268</sup> Абдурахманова С., Анарқулов Ф. Қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонолигини оширишнинг устувор йўналишлари // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида меҳнат муносабатларини такомиллаштириш масалалари // Республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. Тошкент: Иқтисодиёт, 2010. 111-бет.

— уй-жой ва бошқа ижтимоий инфратузилма объектларининг қурилиши комплекс тарзда амалга оширилиши белгиланди. Бошқача айтганда, бир вақтнинг ўзида қишлоқда майший-ижтимоий объектларнинг қурилиши қишлоқ аҳолисининг қулай ҳаёт кечириши учун шарт-шароит яратади.

2010 йилда «Қишлоқ қурилиш банк»нинг ипотека кредитлари асосида янги уй-жойларини қуриш յеспубликамизнинг барча қишлоқ ҳудудларида айниқса, Самарқанд, Наманган, Андикон, каби вилоятларда тезлашди. Масалан, Самарқанд вилоятида 2009–2010 йилларда бош режа ҳамда намунавий лойиҳалар асосида 740 дан ортиқ турар жой биносини қуриш ишлари давом этмоқда. Вилоятнинг Жомбой, Пахтаки ва Пастдаром туманларида 3 млрд. 300 млн. сүм маблағ эвазига 20 дан зиёд янги бино тикланмоқда. Янги қурилаётган 3 хонали уйнинг уртача баҳоси 53–60 млн. сүм миқдорида белгиланиб, шундан 25 фоизли дастлабки бадаллар фуқаролар томонидан банк ҳисобларига қўйилди.

2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда ёш оиласарга уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун 90 млрд. сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилиб, улар респуликада яшовчи ёшларнинг ижтимоий аҳволини мустаҳкамлаш мақсадларига йўналтирилди.

Ҳозирги кунда республика буйича аҳолиси 5 мингдан кам бўлган 338 та ва аҳолиси 5 мингдан ортиқ бўлған 72 та, қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режа схемаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бу эса қишлоқ жойларида амалга оширилаётган қурилишларни бош режа асосида олиб борилиши ва яқин йиллар ичida уларнинг шаҳар мақомини олиши учун имкон яратади.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ жойларида тураржой массивлари, гузар, савдо комплекси, майший хизмат курсатиш корхоналари, болалар спорти объектлари, минибанклар ташкил этиш орқали бу ердаги аҳолининг гurmуш даражасини оширишга нақадар хисса қўшиласа, ушбу ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбирколикнинг ривожланишига шунчалик замин тайёрлаб бориладики, бунда фаровон ҳаёт тарзига эришиш янада жадаллашади.

## **5.6. Узбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос йўналишлари**

Жаҳон миқёсида рўй берган молиявий-иқтисодий инқироз туфайли аксарият ривожланган мамлакатларда унинг олдини олишга йўналтирилган давлат дастурлари қабул қилинди. Ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий ривожланишидаги муаммоларидан келиб чиқиб, инқирозга қарши чоралар бўйича давлат дастурини қабул қиласр экан, улар моҳияти ва мазмуни жиҳатидан бир-биридан фарқ қилди. Бошқача айтганда, кўпчилик мамлакатлар раҳбарлари дунё иқтисодиётини жонлантириш учун маблаг ажратишни яқдиллик билан қўллаб-қувватлаган бўлсалар-да, бундай чора-тадбирларни фақат ўз ҳудудларида қўллаш билан чегараландилар. Масалан, АҚШ ўзининг инқирозга қарши чоралар дастурини «Америка маҳсулотларини сошиб ол!» шиори остида олиб борди. Франция эса Европа Иттифоқи сиёсати тамойилларидан чекинган ҳолда префектураларга (вилоятларга) автомобиль саноатини қўллаб-қувватлаш учун маблаглар ажратди. Шунга қарамай энг ривожланган мамлакатларда фаолият курсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банкротга учраши сезиларли бўлди.

Айниқса, икки давлат ўртасида ҳамкорлик асосида ташкил этилган қушма корхоналар шаклидаги кичик бизнес субъектлари учун инқирознинг таъсир кўлами биринчи даражали бўлди. Энг ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий курсаткичларидаги пасайиш суръатлари кишини карахт қиласиган даражадаги рақамлардан иборат бўлди.

Халқаро эксперtlарнинг хулосаларига кўра, жаҳон бўйича фақат учта давлатда, яъни Австралия, Хитой ва Узбекистондагина инқирознинг таъсир кўлами унча сезилмади, деб ҳисобланмоқда. Аммо, бу каби давлатлар ҳам жаҳонда рўй берган молиявий-иқтисодий

инқирозлар таъсирида ўзига хос чора-тадбирлар кўриб борди. Масалан, Хитойда ҳалқаро кўламда фаолият кўрсатган кичик бизнес субъектлари банкрот ҳолатига учрай бошлади. Хитой иқтисодиётининг фақат экспортга боғлиқлиги яна бир бор исботланди. Оқибати шу бўлдики, ҳалқаро трансмиллий корпорациялар ва кичик корхоналарда иш билан банд бўлганларнинг 150 миллионга<sup>269</sup> яқини ўзларининг ишлаб турган иш ўринларини йўқотдилар ва ишсизлар қаторига қўшилдилар.

Бироқ, Хитой иқтисодиётининг ички мухитида фаолият кўрсатган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари гуркираб ривожланди. Сабаби Хитойда 750 млн. дечқон яшайди<sup>270</sup>. Қисқаси Хитой қишлоқларига турли хил маҳсулотлар арzon нархларда кўплаб кириб кела бошлади. Натижада, истеъмол ўсиб, бозор мувозанати сақланиб қолди. Бошқача айтганда, хитойликлар ўз иқтисодиётини ички истеъмол «рельси»га қўйиб олишди.

«Жаҳон молиясига нисбатан, Хитойнинг ёндашуви уч соҳада мувозанатни таъминлашга интилиш билан изоҳланади: биринчидан, молиявий инновациялар ва уларни тартибга солиш ўртасида; иккинчидан, виртуал ва реал иқтисодиёт ўртасида; учинчидан, жамгарма ва истеъмол ўртасида»<sup>271</sup>. Умуман, инқироз даврида Хитой ўз мавқеини анча мустаҳкамлаб олди.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш масалаларига Инқирозга қарши чоралар дастурида жиiddий ёндашилди. Ҳукумат раҳбарлигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида барча эътибор янги

<sup>269</sup> Изоҳ: Бу рақамни Россия аҳолисининг (145 млн.) сони билан солиширилганда атиги 5 миллионга кўпроқ эканлигини англаш мумкин. Маълумот 2010 йил ҳолатига тўғри.

<sup>270</sup> Хитой: инқироз нархларни пасайтиromoқда // Маърифат гулшани. №33. 2009. 3-бет.

<sup>271</sup> Вахабов А. В., Жумаев Н. Х., Ҳошимов Э. А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётга таъсирини юмшатиш ўйлари. Тошкент: Akademnashr, 2009. 92–93-бетлар.

иш үринларини купайтиришга йұналтирилди ва бандлык масалаларини жиіддій ҳал этишга киришилди.

Масалан, 2010 йилда йирик инвестицион лойиҳаларни амалға ошириш туфайли замонавий технологияларни жорий этиш орқали, эркин саноат-иктисодий ҳудуд ҳисобланған Навоий вилоятида, үн минглаб янги иш үринларини яратиши замин яратилди. Бу ерда утказилган меңнат ярмаркасида иштирок этганлар ичида касб-хунар колледжарининг битирувчилари күпчиликни ташкил этиб, уларга 1,7 минг вакансия таклиф этилди.

Інқирозга қарши чоралар дастурини бажариш асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солинар экан, бунда қишлоқ жойларида ижтимоий инфраузилмани янада ривожлантиришга бұлған жиіддій әътибор кучайтирилди. Фақат 2010 йилнинг үзида республиканинг 159 та қишлоқ ҳудудларида 7630 та янги үйлар қуриш мүлжалланған. Бу эса қишлоқ ахолиси учун қурилиш соҳасида яратылған янги иш үринларининг купайишига олиб келади.


Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиши масалалари инқирозга қарши чоралар дастури бүйіча амалға оширилар экан, бунда паст рентабелли, иқтисодий ликвидлиги паст ва ишчилари ишсизга айланиб қолиши мүмкін бұлған корхоналар фаолиятини тұхтатиши ҳамда уларни янги мулкдорларға утказиши масалалари ҳам изчил тарзда күриб чиқылмоқда. Күпчилик банкрот бұлған корхоналар янги салоҳиятли мулкдорлар томонидан қайтадан ишга туширилди. Натижада, 2009 йилда бюджетта бұлған 1 триллион сұмлик кредиторлик ва иш ҳақи бүйіча бұлған қарздорлик ёпилди. Бундай қайта ишга туширилған корхоналарда жами бұлиб, 17 минг янги ишчи үринлари яратилиб, юзлаб маңсулот тури ишлаб чиқариш амалға оширилди.

Ўзбекистон шароитида қабул қилинған Инқирозга қарши чоралар дастурининг үзиге хос томони шундаки, ушбу дастурда белгиланғаныдек, 2010 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун камида 2,5 триллион сұмлик кредит ресурсларини ажратиши

режалаштирилган. Бу эса 2009 йилдаги ҳолатдан күра 1,4 мартаға күп эканлигини құрсатмоқда. Микрокредитлар ҳажмини 420 миллиард сұмга ошириш құзланған бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан олганда 1,3 мартаға кўпdir. Бундай маблағлардан самарали фойдаланиш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ЯИМдаги үлүшини 52,5 фоизга ошириш билан бирга, юз минглаб янги иш ўринлари яратиш мақсад қилиб олинган.

#### 5.10-чизма

Инқирозга қарши чоралар давлат дастури асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тартибга солиш бўйича белгиланган вазифалар<sup>272</sup>



Инқирозга қарши чоралар дастурида бандлик масалаларини ҳал этишнинг яна үзига хос жиҳатлари шундан иборат бўлдики, бунда касаначиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ка-

<sup>272</sup> Чизма муаллиф томонидан тузилган.

саначиликнинг ривожланиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-нинг янада кенг юксалиб ривожланишига имконият яратди.

Инқирозли давларда, айниқса, касаначиликнинг аҳамияти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда. Оилавий бизнесни ривожланишига имкониятларни яратилиши эса, аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим омилга айланмоқда. 2010 йилда 200 мингдан ортиқ кишини, айниқса, кўп болали аёллар, жисмоний имкониятлари чегараланган кишилар ва аҳолининг бошқа табақасига оид кишиларнинг шу соҳада банд бўлиши мазкур дастурда белгиланган.

Эътиборлиси шуки, Инқирозга қарши дастурнинг бандлик бўйича белгиланган барча параметрлари ҳудудий ва тармоқлар даражасида пухта ишлаб чиқилган. Ушбу дастур бажарилишини назорат қилиш ҳукумат органлари, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият ва ҳалқ депутатлари Кенгашлари томонидан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш, қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури орқали амалга оширилар экан, бунда ҳукуматнинг иқтисодий-ижтимоий масалалар ечимини ҳал этишга йўналтирилган механизми фаол ишламоқда.

# **VI БОБ.**

## **ЯНГИЧА ИҚТИСОДИЙ ФИКРЛАШНИ ШАКЛАНТИРИШ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА**

### **6.1. Янгича иқтисодий фикрлашниң шакланиши ва тавсифи**

Мустақилликни илк даврларидаёқ, Республикамиз Президенти Ислом Каримов ҳақли равишда такидлаганидек, «албатта, эски сиёсатдан воз кечиш жуда осон. Аммо янгича сиёсат юритиш, янгича фикрлаш – гоят мураккаб ва бу бир кунда ҳал бўладиган иш эмас. Бунинг учун анча вақт ва катта масъулият керак...». Ушбу гоя бугунги кунда янада кенг равишда ўз тасдигини топмоқда. Шу боис, янгича, бозор мұхитига хос фикрловчи кишиларга таянишниң ҳал этувчи омил эканлигини, унинг жамиятни ислоҳ қилишдаги аҳамиятини инкор этиб бўлмайди. Чунки, эндиликда бозор иқтисодиёти тизимиға хос бўлган тамойиллар устуворлик қилиб, объектив жараёнларда ривожланиб бормоқда.

Иқтисодий фикрлаш орқали иқтисодий муносабатларда ўз ўрнини anglash ва, bu асосида, ўзининг фаолият тамойилларини ҳамда услубларини ишлаб чиқиш муайян ижтимоий гурӯхга, иқтисодий фаолиятдаги жамиятга, алоҳида инсон тафаккурига хос жараён сифатига боғлиқ. Юз бераётган иқтисодий воқеаликни anglash, иқтисодий жараёнларда хўжалик юритувчи субъектлар иштироки ва улардаги ташаббускорлик

янгича фикрлашни тезлаштиради. Айнан хўжалик юритувчи субъектларнинг янгича хатти-ҳаракатлари бу жараёнларни амалга оширишдаги масалаларнинг самарали ечимини аниқлашнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қиласди. Иқтисодий фикрлаш (иқтисодий психологияни узлаштириш орқали) бевосита ва билвосита хўжалик юритишнинг ахлоқий қоидаларини шакллантиради. У иқтисодий маданиятни ҳам шакллантирганидек, унинг таркибий қисми ҳам ҳисобланади.

Ҳар қандай мураккаб ҳодиса сингари, иқтисодий фикрлаш ҳам мукаммал кўп томонли структурага эга. Иқтисодий фикрлашнинг объектлари ва субъектлари фарқини, шунингдек, унинг индувидаул, гурӯҳ ва жамият миқёсидаги кенг кўламини аниқ белгилаш керак.

Унинг хусусиятлари у ёки бу социал гурӯҳга хос бўлган, уларнинг манфаатларини, кишилар томонидан ҳал қилинувчи муаммолар ечимининг бирлигини ўз ичига қамраб олган. Айни пайтда бу хусусиятларни фаолият шароитларининг умумийлиги бирлаштиради. Иқтисодий фикрлаш субъектларнинг ёшига қараб гурӯҳлар бўйича ўзига хос хусусиятни вужудга келтиради. Ёшлар, асосан, фаол ижтимоий гурӯҳ бўлиб, уларнинг фикрлаши, жамиятдаги ислоҳотлар шароитида, содир бўлаётган ўзгаришларга анча мойилроқ. Ижтимоий тадқиқотлар натижалари ҳам, катта ёшдаги авлод вакилларига нисбатан ёшларнинг бозор муносабатларига яхшироқ мослашиши ҳақидаги фикрни тасдиқлади<sup>273</sup>.

Ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир босқичи учун ўзига хос иқтисодий фикрлаш тарзига хос. Шу нуқтаи назардан формацион ривожланиш босқичларига мос иқтисодий фикрлаш ҳамда цивилизацион тараққиётнинг икки асосий йулига (шарқ ва гарб) мос равишда шарқона ва гарбча иқтисодий фикрлашни фарқлаш мумкин. Фикримизни 6.1-чизма орқали аниқлаштирамиз.


Иқтисодий фикрлаш турларининг классификациясига кўра, маданий ёндашув кўпроқ маъқулдир. Унга мувофиқ ҳолда, айниқса, шарқона ва гарбча кўринишдаги, ҳозирги замон дунё маданиятини алоҳида қайд этиш мумкин. Шарқона кўринишдаги маданият учун кучли

<sup>273</sup> Муаллифнинг ҳозирга қадар олиб борган илмий тадқиқотларига асосланилган.

давлат ҳокимияти хосдир, энг аввало, ерга, асосий ишлаб чиқариш воситаларига бўлган давлат эгалиги ҳамда бу ҳукмронлик ва эгалик туфайли хўжалик қисмларининг мустаҳкам боғлиқлиги ҳам узига хосдир. Аммо, гарбча маданиятга, иқтисодий асосни ташкил этувчи хусусий мулкчилик, хўжалик қисмларининг кенг ва ҳақиқий мустаҳкамлиги мос келади.

### 6.1-чизма

#### Янгича иқтисодий фикрлашнинг чизма куриниши<sup>274</sup>



Агар иқтисодий фикрлаш маданий ёндашув нуқтаи назаридан тадқиқ этилса, у ҳолда унинг уч хил турини ажратиш мумкин. Шарқона

<sup>274</sup> Чизма муаллиф томонидан тузилган.

маданият турига иқтисодий фикрлашнинг маълум шароитларда бюрократик тус оладиган, давлатлаштирилган тури мувофиқдир. Фарбча маданият тури – бозорга хос фикрлайди. Ҳозирги даврга келиб, иқтисодий фикрлашнинг ижтимоий йўналтирилган бозорга хос шакли ривожланмоқда, у ҳам бозорга оид, ҳам давлатлаштирилганга оид хислатларни ўз ичига олган.

Иқтисодий фикрлашнинг бундай маданий ёндашуви натижасида кундалик ҳаётимизга «бизнес», «ишбилармонлик» каби тушунчалар кириб келди. Бу тушунчаларнинг ўзи ҳозирги ислоҳотларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Инсон бизнес фаолияти билан шугулланар экан, унинг тафаккурида янгича иқтисодий бозор муҳитига мос бўлган қоидаларни ўзлаштиришга олиб келувчи интилиш ва қўникманинг шаклланиши намоён бўлди.

Янгича иқтисодий фикрлаш инсонда шаклланган умумий тафаккурнинг бир қисми эканлигини ва айни пайтда умумий тафаккурнинг ҳаёт билан бевосита боғланган муҳим қисми ҳисобланади. Янгича иқтисодий фикрлаш Ўзбекистонни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти сари етаклаб бормоқда.

Рўй бераётган туб ислоҳотлар таъсири остида, Ўзбекистон ҳаётида янги объектив иқтисодий шароитлар янгича фикрлаш шаклини юзага келтира бошлади. Бужараён ҳам бозор ислоҳотлари каби ўзига хос зиддият билан кечмоқда. Утиш даврига хос бўлган муайян қийинчиликлар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига хос фикрлашни шакллантиришга тусқинлик қилиши ҳам биз учун ҳақиқатdir. Лекин, бу амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари сифатида эмас, балки уларнинг ривожланиши учун керак бўлган шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ ҳодисадир. Шунинг учун ҳам жамиятда бозор муносабатларига хос руҳият, дунёқарашни ва фикрлашни шакллантириб, одамлар шунга мувофиқ равищда иш тутишлари шарт. Фақат шундагина бозор иқтисодиёти воқеликка айланади.

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти глобаллашув жараёнари билан параллел ривожланиб бораётгани, жамиятимизнинг ҳар бир вакилидан «...фақатгина олдинга интилиши,

уткир онг ва тафаккурни, янгича фикрлаш ва доимий изланиш билан яшашни талаб қиласи...»<sup>275</sup>.

Албатта, бозор субъектларида янгича иқтисодий фикрлашнинг тез шакланаётганлиги, айниқса, эътиборга молик. Чунки, айнан шундай фикрловчилар жамиятимизнинг салмоқли қисмини ташкил эта бошлиди. Масалан, кичик корхона ёки микрофирма бошқарувчилари билан давлат бошқарув органларида ишлаётган айрим раҳбар ходимларини солиштирганда, улардаги бозорга хос янгича иқтисодий фикрлаш дарражаси турлича шакланаётганлиги маълум бўлди.

Бироқ, раҳбар ходимларда янгича иқтисодий фикрлаш шаклланмайти деган хулоса чиқармаслигимиз керак. «Ўзбек модели» асосидаги тамойиллардан бири «давлат – бош ислоҳотчи» экан, айнан раҳбар ходимлар ҳам янгича иқтисодий фикрлаш асосида иш олиб бормоқдалар. Улар бозор субъектларининг иқтисодий фаолиятларини ташкил этишда тасаббускорлик курсатиб бораётганларни айни ҳақиқатдир.

Бундан ўн-йигирма йилларча муққадам, жамиятимизда мавжуд бўлган иқтисодий фикрлаш, унинг бугунги кундаги холатига умуман тўғри келмайди. Чунки, у даврдаги иқтисодий фикрлаш «давлатлаширилган» куринишга эга эди.

Давлатлаширилган иқтисодий фикрлаш, ижтимоий онг таркибига индивидуал онгни бўйсундирилган элемент сифатида киритиш, давлатга боғлиқ ҳолда иерархияга (куйи мансабдорларнинг юқори мансабдорларга босқичма-босқич бўйсунишга) асосланганлик, унификация (бирхиллашириш) орқали ифодаланади. Аммо, бундай иқтисодий фикрлашнинг аҳамиятли томони шундаки, унда патернализм ва ижтимоий йўналтирилганликнинг озми-кўпми элементлари ҳам учрайди, индивиднинг келажакдаги иқтисодий аҳволини олдиндан айтиб берувчи фазилатлари ҳам мавжуд булади.

Шу билан бирга авторитарлик, иқтисодий субъектларнинг ҳокимиятга (монархга, диктаторга, бошлиқга) қаршиликсиз бўйсуниши, қабул қилинган иқтисодий ахлоқ меъёрларидан четга чиқишига

<sup>275</sup> Ислом Каримов. Ватанимиз ва ҳалқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир // Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. 77-бет.

тоқатсизлик, ұкуқ ва қонунчиликни менсимаслик давлатлаштирилған иқтисодий фикрлашга хосдир. Натижада, бу турдаги фикрлаш консерватизмда, шароитта мослаша олмасликда, янгиликка қызықмасликда, хұжалик ташаббусини (бутунлай ійқолгунча ёки «сояға» айланғунча) пучга чиқаришда, қарамлиқда яққол күриниб туради.

Үтказилған тадқиқотлардан маълум бұлдикі, айни даврда, айрим раҳбарлар ва ходимларда давлатлаштирилған иқтисодий фикрлаш нинг элементларини учратиш мүмкін.

Давлатлаштиришнинг яна бир үзгарған шакли бюрократик иқтисодий фикрлаш ҳисобланади. Бунда аниқ иқтисодий мақсадлар ва муаммоларни расмиятчilikка, ишни – рапорт ва ҳисобот берішга айлантириш энг мұхим вазифага айланади. Фикрлашнинг бу шакли га бүйрүқларни үйламай ижро этиш, «күриниб қолиш»дан құрқиши, мансабдорға бүйсуниш, масъулиятсизлик, халқ мулкіни талон-тарож қилишга мойил булиш, меңнатта виждонсизлик билан қараш каби хусусиятлар хосдир.

Бундай иқтисодий фикрлаш, жамиятни олға қараб ривожлантириш учун омил бұла олмаслиги аниқ. Табиийки, бундай ҳолатдан фақаттегина маънавий таъсир күрсатиши ёрдамида чиқиб кетиш ҳам мүмкін эмас, чунки бундай фикрлаш бутун (мавжуд) ижтимоий тузум билан чамбарчас боғланған эди. Худди шу нүктай назардан келиб чиқиб, муваффакиятли тараққиётни амалга ошириш учун, энг аввало, унинг иқтисодий негизини үзгартыриш зарур эди.

Иқтисодий фикрлаш жараёнларининг ривожланиши бутун инсониятта хос. Шу билан биргә, албатта, бундай үндаги үзгаришлар бизнинг жамиятимизда ва МДХ доирасында давлатларда, айниңса, сезиларлы даражада намоён бұлмоқда. Бундай жараёнлар мустақиллікка эришилған даврдан бोшлаб, ҳозирғи күнга қадар давом этаётганининг гувоҳи бұлмоқдамиз.

Капитализмга хос жамиятда иқтисодий фикрлаш бутунлай бошқача негизде шаклланған ва у давлатлаштирилған күринишига мутлақо зид. Лұнда қилиб айтганда, бозорга хос иқтисодий фикрлаш капитализм негизида вужуда келған (6.1-чизмага қаранг).

Шу боис, бозорга хос иқтисодий фикрлаш, аввало, гарбча кўринишдаги маданиятга тааллуқдири. Аммо, кейинги йилларда шарқона турдаги маданият тараққиётида ҳам кенг тарқалган булиб, интенсив ҳолда ривожланиб борди. У турли хил мулк шакларидан иборат бозор муносабатларига таянади. Эгалик туйгусини ҳис этиши, шахсий хўжалик мустақиллиги, ташаббус, прагматизм, рационализм, мослашувчанлик, кўникувчанлик, динамизм, уддабуронлик, рақобат шароитида ишлашга тайёрлик кабилар, бозорга хос иқтисодий фикрлашнинг асосий хусусиятларидир. Бундай хусусиятлар туфайли бозор иқтисодиёти субъектлари ютуқларга эришадилар.

Шу билан бир қаторда, бозорга хос иқтисодий фикрлашнинг салбий хислатлари ҳам йўқ эмас, айниқса ҳозирги шароитларда улар ҳаддан ташқари кучайиб (гипертрофия) кетиши мумкин. Бунга ортиқ даражадаги индувидуализм ва худбинлик (эгоизм)ни киритиш мумкинки, улар бир-бирини қўллаш ва ёрдам бериш қобилиятининг йўқлиги ҳамда юлгичлик кўринишида намоён бўлади. Фирром рақобат, турли синф вакиллари ва жамиятнинг ижтимоий қатламларининг манфаатларини қарама-қарши юзага чиқиши – бу турдаги фикрлашга мос хусусиятдир.

Бироқ, мавжуд ижтимоий-иқтисодий вазият таҳдилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳозирги даврда кўпчилик ривожланган мамлакатлар учун юқорида қайд этилган ҳар икки кўринишдаги иқтисодий фикрлаш бугунги кун талабига мос эмас.

Хулоса шуки, бугунги кунда иқтисодий фикрлаш тарзи тобора та-комиллашиб бормоқда. Янгича иқтисодий фикрлаш барча формацияларда мукаммаллашиб, ижтимоий йўналтирилган бозор мұхитига хос ривожланмоқда. Буни жаҳон молиявий-иқтисодий инқизоз даврида ҳар бир давлат томонидан у ёки бу тарзда олиб борилаётган сиёсатдан англаш мумкин. Ҳозирги даврда бозор механизми ва давлат механизми үзаро мувофиқ тарзда, бир бирини тўлдирган ҳолда ўз фаолиятларини ташкил этсада, ижтимоий муҳофаза масалаларини жиҳдий эътиборга олиш керак. Бу борада Узбекистонда салоҳиятли ишлар амалга оширилиб, бу жараён давом этмоқда.

## **6.2. Аралаш иқтисодиётга хос бўлган янгича иқтисодий фикрлашнинг хусусий сектор ривожланишига бўлган таъсири**

Хозирги даврда амалий хўжалик тизимида озми-кўпми муракаб ижтимоий муаммоларни ҳал этувчи воситалар мавжуд бўлган, маълум даражада давлат томонидан тартибга солинадиган аралаш иқтисодиётга хос бўлган янгича иқтисодий фикрлаш шаклланмоқда. Бундай иқтисодиётга ижтимоий йўналтирилган бозорга хос бўлган иқтисодий фикрлаш тўғри келади. Бу иқтисодий фикрлаш худди бозорга хос иқтисодий фикрлаш билан бирга давлатлаштирилган фикрлашнинг ҳам ижобий томонларини ўз ичига олади. Эгалик туйғусини ҳис этиш, иқтисодий эркинлик, мустақиллик, ташаббускорлик, прагматизм, рационализм, мослашувчанлик, динамизм, уддабуронлик кабилар бозорча фикрлаш тавсифининг ажralmas қисмидир, аниқроғи – мезонидир. Иқтисодий фикрлашнинг муҳокама этилаётган янгича турини ташкил қилишда, давлатлаштирилган иқтисодий фикрлашга хос бўлган, ижтимоий йўналтирилганлик, ижтимоий ҳимоялаш заруриятини англаш, ҳар бир шахснинг аҳволини олдиндан белгилаш, қисман патернализм хусусиятлари ҳам мавжуддир.

Ижтимоий йўналтирилган бозорга хос фикрлашнинг юқорида қайд этилган муҳим жиҳатларидан ташқари, унда хўжалик юритишнинг турли-туман шаклларини яратиш заруриятини англаш, шерикчилик, муросалилик, адоватсизлик, консенсус, маданийлилик, иқтисодий фаолиятда ахлоқий қоидалар ва қонунчиликни ҳурматлашдек хислатлари ҳам мавжуд. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, иқтисодий фикрлашнинг бу элементлари шаклланишига тўла-тўқис эришилди деб бўлмайди. Чунки, бу йўналишдаги ҳаракат узлуксиз жараёндир. Бу узлуксиз жараён «узбек модели» таркибидағи «кучли ижтимоий ҳимоя» тамойилига асосланган ҳолда давом этмоқда.

Иқтисодий фикрлашда турли элементларнинг салбий жиҳатлари экстремал (энг паст ёки энг юқори даражадаги кўрсаткичлар би-

лан характерланадиган) шароитларда, айниқса, очиқ-равшан намоён булади. Бу вазиятларда иқтисодий самара олиш учун ута қиммат ва но-мутаносиб – демократиянинг бузилиши, иқтисодий эркинликларнинг ҳаддан ортиқ чекланиши ёки жамиятдаги ижтимоий зиддиятларнинг чуқурлашуви кўринишида товоң тўлашга тұғри келади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётiga хос иқтисодий фикрлаш, маданиятнинг асосий турларидағи иқтисодий фикрлашнинг ижобий фазилатларини ўз ичига олган ҳолда, келгусида уни такомиллаштириб боришни назарда тутиш Ўзбекистон учун ҳар томонлама (оптималь) қулайдир. Ҳақиқат шуки, жамиятимизда шаклланаётган ва ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамияти куришга интилаётган Ўзбекистон ҳақиқий, маданий, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, аҳоли таркибидағи тадбиркорлар, мулкдорлар синфининг кенгайишига имкон яратди ва айнан шу синф вакиллари иқтисодий фикрлашнинг янгича кўринишларини ўзларида намоён эта бошладилар.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётiga хос иқтисодий фикрлаш объектив мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб, ривожлана бошлади. Истиқдол йилларида содир булаётган нархларни эркинлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, акциялаштириш, рақобат муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вужудга келиши, аграр секторнинг қайта қурилиши, бозор инфратузилмасининг шакллана бошлаши, каби жараёнларнинг барчаси янгича иқтисодий фикрлаш учун мухит яратди.

Объектив воқеликка айланган хусусийлаштириш жараёни ижтимоий йўналтирилган бозорга хос иқтисодий фикрлашни юзага келтирүвчи энг муҳим омиллардан биридир. 1998 йилда иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги корхоналар улуши 84,1%га, 2001 йил бошида эса 87,7%га етди. Кейинги йилларда эса давлат корхоналари ва объексларининг бошқа мулк шаклига айлантирилишида миқдор жиҳатдан пасайиши рўй берди. Чунки, 2003 йил бошига келиб, оммавий давлат тасарруфидан чиқаришнинг ниҳоясига етиши натижасида бошқа мулк шаклларига айлантириладиган давлат объексларининг сони камайган.

1998 йил бошида ёк хусусийлаштирилган корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича 66%ини кичик ва хусусий корхоналар, 18%ини акциядорлик жамиятлар, 14%ини жамоа корхоналари ва 2%ни қўшма корхоналар ташкил этган. Худди шу йилда 451 объект, жумладан, тўртингчи чорақда 123 объектнинг мулкчилик шакли ўзгартирилган бўлса, 2000 йил сентябрига келиб, кичик ва хусусий корхоналарни ривожлантириш туфайли истиқболда белгиланган 55,6 минг ўрнига, 106 минг янги иш ўринлари яратилди ва бу 180%га бајарилди.

1999 йилнинг биринчи чораги якунида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан барча манбалар орқали тушган маблағлар 8868,2 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2001 йил бошида эса 14,3 млрд. сўмни, 2003 йилда 56,1 млрд. сўмни, 2004 йилда эса 78,4 млрд. сўмни ташкил этди. 2005 йил бошига келиб, Республика бўйича фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони 237,5 мингтани ташкил этиб, бу курсаткич 2004 йил бошидаги ҳолатта нисбатан 11,5 фоизга кўпайган.

2000 йилнинг биринчи ярим йиллигида 91 та объектнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши белгиланган эди, ҳақиқатда эса объектларнинг 113 таси хусусийлаштирилиб, шундан 43 таси акциядорлик жамиятларига, 49 таси хусусий корхонага ва 21 таси мулкчиликнинг бошقا кўринишларига айлантирилди.

2005 йил бошига келиб давлат корхоналари мулки ва объектлари негизида 28 та акциядорлик жамиятлари, 162 та маъсуллияти чекланган жамиятлар ва 1038 та хусусий корхоналар ташкил этилди. Айни шу даврда хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг 39,7%и Республика бюджетига, 19,9%и маҳаллий бюджетларга, 3,3%и хусусийлаштирилаётган корхоналарга тўғри келди. Бу маблағларнинг 37,1% эса алоҳида ҳукумат қарорлари асосида тақсимланди.

2007 йилда Хусусийлаштириш дастурини бажариш давомида дастурда кўзда тутилган 359 та ўрнига 408 та давлат корхонаси, обектлари ва акциялар пакетлари сотилди, шу жумладан Давлат тендер комиссиясининг қарорига мувофиқ 28 та, биржа, аукцион ва танлов савдоларида

365 та обект, 15 та корхона ва обект нолга тенг қиймат бүйича инвесторларга инвестицияйи мажбуриятлар олинган ҳолда сотилди. Корхоналар томонидан сотилган акциялар пакетлари орасида энг йириклари «Құқон суперфосфат заводи» ОАЖ (82,5 фоиз), «Самарқанд лифтсозлик заводи» (75 фоиз), «Электркимёсаноат» (49 фоиз), «Аммофос» (49 фоиз), «Йұлнефттранс» (47 фоиз) ва бошқалардир. 631 та давлат корхонаси нодавлат мулкчилик шаклиға үтди, уларнинг 93 фоизи хусусий мулкдорлар томонидан тұлиқ сотиб олинди. Нодавлат сектори ишлаб чиқариши ҳажмининг ялпи ичкі маҳсулотдаги улуши 2006 йилдаги 78,2 фоиз үрнига 79,3 фоизни ташкил этди.

Бирок, давлат тасарруфидан чиқариш туфайли мулкка бұлған муносабатнинг үзгариши, янгича иқтисодий фикрлашнинг тұла-тұқис шаклланишига олиб келди, деган хуноса чиқариш унчалик тұгри эмас. Хусусийлаштириш – корхоналар самарадорлигини ошириш, тузилмавий қайта қуриш, инвестицияларни жорий этиш каби жараёнларға үзининг ижобий таъсирини күрсатди. Бу эса, даврга хос шакланаётгандың иқтисодий фикрлашнинг дастлабки босқычдаги куринишидир. Демек, бу янгича иқтисодий фикрлашни юзага келтириш учун бұлған илк қадамларданadir.

Янгича иқтисодий фикрлаш бир томондан тушунчалар, жараёнлар, хуносалар шаклида иқтисодий муносабатларни фикран ҳосил этиш жараёни орқали шаклланса, иккинчи томондан – жамият ташаббуси билан жамланған иқтисодий билимларни үзлаштириш ҳамда фикрлаш йули орқали қайта ишлов бериш жараёни туфайли шаклланиб боради.

«Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётгандар харажатлар ялпи ичкі маҳсулотнинг 10–12%-ини ташкил этади. Ҳолбуки жаҳон тажрибасида бу күрсаткыч 3–5%дан ошмайди»<sup>276</sup>

2004 йил 1 январ ҳолатига келиб, Республика бүйича бозор инфра-түзилмалари үқув марказларида 21144 нафар, тадбиркорликни құллаб-қувватлаш ахборот-маслаҳат марказларида 15187 нафар киши үқиди. Республика бизнес мактаби ва унинг 10 та минтақадаги бўлимларида

<sup>276</sup> Ислом Каримов. Ҳамкорлик, тараққиёт ва хавфсизликни таъминлаш йўлидан // Халқ сизи. 21 сентябрь, 2010. №183.

кичик бизнес соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни икки йиллик дастурлар асосида амалга ошириб, 2004 йил бошига қадар 1168 нафар тингловчи, улардан 1017 нафари мутахассис, мактабнинг миңтақалардаги бўлимларида таълим олдиlar.

2010 йилнинг тўқиз ойига тегишли статистик маълумотларга кўра, республикада таълим муассасаларининг 453,4 минг нафар битирувчи тадбиркорлик фаолиятига жалб этилди. Бу курсаткич «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида кўрилган чора-тадбирлар натижаси булиб, бу ёшлар эндиликда ўзлари қизиқсан соҳалар бўйича шугулланмоқда.

2010 йилнинг якунига келиб, Сурхондарё вилоятининг ўзида 52 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Вилоятда, айниқса, ёшларни иш билан банд этиш масалаларига устувор даражада эътибор қаратилди. Бу йилда ОЎЮлари, академик лицейлар ва касбхунар коллекларини битирган 20 минг нафар ёшлар ўзлари танлаган йўналишларда иш билан банд бўлдилар. Уларнинг айримлари молиявий ташкилотларнинг кўмаклашуви натижасида ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини бошлашибди<sup>277</sup>.

Янгича иқтисодий фикрлаш инсоннинг ақд-заковати, унинг иқтисодий ҳодисаларни акс эттириш, мушоҳада этиш қобилияти, уларнинг можиятини билиш, ўзлаштириш ҳамда иқтисодий тушунчалар, тасаввур, назариялар, қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ва тегишли тарзда иқтисодий ҳаётда ўз йўналишини топиш, иқтисодий фаолиятни саводли тузиш қобилияти сифатида ҳам майдонга чиқади.

Шундай қилиб, янгича иқтисодий фикрлашнинг шакланиши якка тартиbdаги ва жамоат иқтисодий онгининг шаклланиши билан боғланган. Янгича иқтисодий фикрлаш – шахснинг иқтисодий вokeликини бевосита акс эттирувчи ва унинг ривожланиши даврида жамиятнинг хўжалик, иқтисодий ҳаёт ҳодисаларига муносабатини ифодалайдиган иқтисодий гоялар, қарашлар, тасаввурлар мажмуудир. Бундай гоялар, қарашлар мажмуи жамият таркибидаги инсонлар онгида ҳалигача тўлақонли равиша яхши шаклланмаган.

<sup>277</sup> Народное слово. 27 ноябрь, 2010. №229.

Бирок, амалга оширган тадқиқотларимиз натижалариға қараганда, кичик бизнес ва хусусий табдиркорлык субъектларининг бизнес юритишдан иборат бўлган мақсадлари турлича эканлиги маълум булади. 1999–2007 йилга қадар ҳар тўрт йилда ўтказиб борилган сўровномамизда янгича иқтисодий фикрлашга доир мулоҳазалар тобора такомиллашаётган кўринишни олмоқда. Масалан, 1999 йилда кичик бизнес ва хусусий табдиркорлык субъектларининг бизнес юритишларидан асосий мақсадлари фойда, манфаат кўриш ва бойишни билдирган. Бундай мақсадни кўзлаган респондентлар 48,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилдаги худди шундай сўровномада ушбу мақсадда бизнес юритувчи респондентлар 46,5 фоизни ташкил этиб, 2,4 пунктта камайган.

#### 6.1-жадвал

**Кичик бизнес ва хусусий табдиркорлык субъектларининг бизнес юритишдан мақсадларини ифодаловчи фикрлар салмоги (фоизларда)<sup>278</sup>**

Сўровномада берилган фикrlар	Сўровнома ўтказилган йиллар			2003 йилнинг 1999 йилга нисбатан фарқи (-;+)	2007 йилнинг 1999 йилга нисбатан фарқи (-;+)
	1999 йил	2003 йил	2007 йил		
Мустақил бўлган ҳолда фойда, манфаат кўриш ва бойиш	48,9	62,5	46,5	+13,6	-2,4
Халқа хизмат кўрсатиб ҳурматини қозониш, узини синаб кўриш	28,5	9,9	23,8	-18,6	-4,7
Ишсизликнинг олдини олиш	17,0	-	-	-	
Иқтисодиётни яхши- лаш учун ҳисса қушиш, турмуш даражасини яхшилаш	5,6	27,6	29,7	+22,0	+24,1

<sup>278</sup> Жадвал муаллиф томонидан ижтимоий тадқиқотлар натижалари асосида тузилган. Ижтимоий тадқиқот ишлари Наманган вилояти бўйича ўтказилган.

Халқقا хизмат курсатиб ҳурмат - эътибор қозониш, ўзини си-наб кўриш мақсадида бизнес юритувчи респондентлар салмоғида ҳам камайиш тенденцияси кузатилган. Ишсизликнинг олдини олиш мақсадида бизнес юритувчи респондентлар эса 1999 йилдаги сўровномада 17,0 фоизни ташкил этишган бўлишса, кейинги йиллардаги сўровномаларда ушбу саволга умуман жавоб беришмаган.

Фикрларимизни 6.1-жадвал орқали таҳдил этадиган бўлсак, унча жиiddий бўлмаган камчиликлар билан бирга ўзига хос ижобий куриниш мавжуд. Ушбу жадвал маълумотларидан кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида эгоизмга (фақат ўзини ўйлашга) хос дунёқарашиб ўрнига, жамият манфаатини кузлашга йуналган дунёқарашиб, тобора кенгайиб бораётганлиги ва шунга мос равищда янгича иқтисодий фикрлаш шакланаётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Чунки, 6.1-жадвалдан респондентларнинг иқтисодиётни яхшилаш учун ҳисса қўшиш, турмуш даражасини яхшилашдан иборат мақсаддаги берган жавоблари салмоғи 2007 йилдаги сўровнома натижаларида (1999 йилдаги сўровномага кўра) 24,1 пунктга ошган. Агар йилига тўғри келадиган ўртача үсишни белгилайдиган бўлсак, у роса 3,0 фоизга тўғри келади.

Шундай бўлса-да, янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш даражаларида ёки бу тарзда учрайдиган муаммолар ҳам йўқ эмас:

— Биринчидан, давлат идораларида ишлайдиган айрим раҳбар ва ходимларнинг иқтисодий фикрлаш тарзи ҳалигача ҳозирги бозор тизими талабига жавоб бериши юқори даражада бўла олмаяпти. Буни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда, уни юритишда хўжалик юритувчи субъектларга бўлган бошқарув муносабатларида яқъол кўриш мумкин.

— Иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 54,3%<sup>279</sup> ўз товарларини ташки бозорда нима учун рақобатлаша олиши ёки олмаслиги ҳақида аниқ фикр айтолмаганлиги, 14,2% респондентлар маҳаллий ҳокимият идоралари билан муносабатлар ҳақида ўз жавобларини бермаганлиги, 13,4% респондентлар

<sup>279</sup> Ушбу курсаткичлар ижтимоий гаджиотлар натижалари асосида ўртача ҳисобда олинган.

ўзларининг банкротлик сабабларини курсата олмаганлиги улардаги иқтисодий тафаккурнинг шаклланиш жараёнидаги камчиликларнинг ифодасидир. Улардаги мавжуд тафаккур тарзи ҳамон эски тузум сарқитларидан тұла озод бұла олмаган. Оңг тазиикідан бутунлай күтүлсегина, инсон тұла әркін бұла олади. У шунда үз фаолиятини, бизнесининг юритищдаги имкониятлардан самарали фойдаланади.

Хорижий шериларни излаш, экспорт маҳсулотларини сотиш учун бозорлар топиш, бозор конъюнктураси, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг етакчи технологиялари тұғрисидеги ахборот-таъминот ишлери ҳалигача етарли даражада йұлға құйилғанича йүқ. У ёки бу сармоявий лойиҳани кредитлаш зарурати тұғрисида лойиҳа келиб тушиши билан тұлиқ тасаввурға әга бұлиш учун технологиялар ва хизматлар ички бозорнинг маркетинг тадқиқотлари етарли даражада юритилмаяпты.

Үтказилған (1999 ыйлдаги) тадқиқотларда респондентларнинг 65%дан ортиғи үз бизнесини юритищда зарур буладиган ахборотлар олишда муайян қийинчиликтер борлигини ва янгиликларни үз вақтида етиб келмаслигини айтишған. 2003 ыйлнинг ижтимоий (сурвнома) тадқиқот натижаларида ҳолат бир оз үзгарған. Масалан, респондентларнинг 51,9% ахборот воситаларидан оладиган янгиликларни етарли деб ҳисобласалар, уларнинг 48,1%и эса ахборот воситаларидан етарлича маълумот олмаёттанларни қайд этгандар. 95,1% респондентлар эса ҳали интернет тизимидан фойдаланмаганларини ва ахборот олишдаги қийинчиликтер мавжудлигини айтишған.

Айрим таниқли иқтисодчи олимларимизнинг фикрига күра «жойларда тадбиркорлар ишининг самарадорларини сезиларли даражада оширувчи, кенг турдаги хизматлар (телефон алоқаси, факс юбориши ва қабул қилиш, почта жұнатыш, газеталар, журналлар сотиш ва бошқалар) күрсатиш учун күп функциялы сервис модуллар (павильонлар)ни ташкил қилиш имкониятидан етарлича фойдаланилмаяпты»<sup>280</sup>.

Албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишлари доирасидеги бошланғич босқичлардаги мұваффақиятлар йүқ әмас. Бунинг далили сифатида

<sup>280</sup> Арипов А. Н., Иминов Т. К. Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологиялари соғаси менежменти масалалари. Тошкент: «Fan va texnologiya», 2005. 125-бет.

оммавий ахборот воситалари ходимлари ва тадбиркорлар иштирокида ҳар ойда үтказиб борилаётган матбуот анжуманларининг анъанавий тус олаётганлигини кўрсатиш мумкин.

Маълумки, «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонда<sup>281</sup> ахборот маконини шакллантириш масалалари акс эттирилган. Унга биноан 2002–2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган ва амалиётга изчил жорий этилмоқда. Қолаверса, Республика Президентининг 2005 йил 8 июлда қабул қилинган «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган 2010 йилгача телекоммуникациялар, маълумотлар узатиш тармоқлари ва ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)ни қўллашни ривожлантиришнинг мақсадли йўналишлари мамлакатимизда АКТни ривожлантиришнинг асосий режаси ҳисобланади. Унга биноан, 2010 йилнинг охиригача ўрнатилган АТСлар қамрови мамлакат бўйича 100 фоиз рақамлаштирилган 2 миллионта рақамдан ошиши, оптик толали алоқа йўналишлари ва рақамли радиорелейли йўналишларнинг умумий узунлиги 9680 км.га етиши лозим<sup>282</sup>.

2010 йилнинг март ойларига келиб, Узбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар умумий сони 6 млн. кишидан ошди. Ҳозирги кунда мамлакат бўйича олганда Интернет хизматлари ва маълумотлар узатиш тармоқлари провайдерлари ҳамда операторлари 921 тани ташкил қиласди. Глобал тармоқдан оммавий фойдаланиш пунктлари умумий сони 963 тага етди<sup>283</sup>. Бироқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мазкур соҳа билан ҳамкорлигини кучайтириш зарур. Бундай алоқаларнинг зарурлигини, моҳиятан шундай тушунтириш мумкинки, уларда нокулай саволлар кўп берилади. Шу туфайли, хусусий секторда келиб чиқаётган муаммолар матбуот, телекўрсатув ва радио эшиктиришлар орқали ўз аксини топгани ҳолда яқъол намойиш этилади.

<sup>281</sup> Мазкур меъёрий ҳужжат 2002 йил 30 майда қабул қилинган.

<sup>282</sup> Узбекистонда Интернет изчил ривожланмоқда // Халқ сўзи. 2010, 26 март. №59.

<sup>283</sup> Уша жойда // Халқ сўзи. 2010, 26 март. №59.

«Оммавий ахборот воситалари ва телевидение имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, одамларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича иш олиб бориш зарур»<sup>284</sup>. Бугунги кунда бизнес соҳасидаги билимга эга бўлиш, иқтисодий фикрлаш доирасида мулоҳаза юритиш ва бозор мухитида фаол қатнашишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти катта.

Янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омили сифатида қўйидаги мухим масалалар ечимини ҳал этиш билан боғлиқ:

- замонавий иқтисодиёт фанларини ўзлаштириш ва уларнинг тушунчалари билан фикрлашга ўтиш, ютуқларини амалиётда самарали қўллаш;
- бизнес фаолиятини ривожлантириш, ўз ишини амалга ошириш ва оқилона хўжалик юритиш учун иқтисодий, ташкилий, сиёсий ва маънавий шароитлар яратиш;
- ватанпарварлик туйгусини чуқурлаштириш, ҳар бир кишининг мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш учун фаол ва ижодий ёndoшган ҳолда иштирок этиши.

Ўзбекистонда янгича иқтисодий фикрлашнинг мақбул модели ўз-ӯзидан шаклланади деб ўз ҳолига ташлаб қўйиш нотўғри (6.2-чизма). Чунки, бундай ёндашув иқтисодий тафаккурга жиҳдий равища тўганоқ бўлиши аниқ. Шунинг учун ҳам мамлакат иқтисодиётининг ҳозирги шароитида, энг аввало, раҳбар кадрларда ва шу билан бирга замонавий ишлаб чиқаришнинг барча ходимларида чуқур иқтисодий билимларга ва уларни амалиётда қўллаш кўнилмаларига асосланган юксак даражадаги иқтисодий билимдонликни ҳосил этиш талаби ўта мухим аҳамият касб этмоқда. Бу йўналишда, айниқса, ёшларда иқтисодий тарбия ва янгича иқтисодий фикрлашнинг ролини ҳам сизларли даражада ошириш мақсадга мувофиқдир.

Аҳолининг, айниқса, унинг кўп қисмини ташкил этган ёшларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш иқтисодий тараққиётни

<sup>284</sup> Ислом Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 255-бет.


бир даражадан анча юқори даражага муваффақиятли үтиш учун ишончли мұхит яратади. Зоро, янгича іқтисодий фикрлаш билан ки-чик бизнес ва хусусий табдиркорликни юритиш амалиеті ұзаро жуда тигиз болғанған. Албатта, уларнинг бөглиқлиги оддий эмас. Янгича іқтисодий фикрлаш іқтисодий билимларга асосланади, билимлар эса, үз навбатида ишончли бұлиши, іқтисодий ва ижтимоий ҳаётда юз берәттән қарағай жараёнларни акс эттириши керак.

Бирок, іқтисодий билимлар, іқтисодий жиһатдан хабардорлик, құжалик юритувчи субъектларни назарий жиһатдан билимдонға айлантириши мүмкін, холос. Янгича іқтисодий фикрлашни шакллантириш учун фаолиятнинг хилма-хил шакллари тақозо этилади.

Бунинг учун эса, құжалик юритувчи субъектларнинг мәданий-іқтисодий даражасини ташкил әтувчи билимлар, бу соңадаги маҳорат ва құнікмалардан ташқари, муайян іқтисодий мұхит ҳам бұлиши керак. Бунда ұзаро бир бирига бөглиқ доиравий вазият (6.2-чизмага қаранг) юзага келади: іқтисодий шароитни үзгартыриш учун янгича іқтисодий фикрлаш зарур; янгича іқтисодий фикрлашсиз эса іқтисодий шароитни үзгартыриб бұлмайди.

Янгича іқтисодий фикрлаш ёшларда ишга манбаатдорлик билан ёндашиш, давлат миқёсида фикрлаш, муайян іқтисодий жараёнга, үзининг шахсий ишига ижтимоий баҳо бериш хислатини ҳосил қиласы. Бутунгі кунда ёшларда іқтисодий тайёргарлик, құжалик юрита олиш, тежамкорлық сингари хислатлар шаклланиши учун ёшларни мактаб ва мактабдан ташқари муассасалар, ишлаб чиқарыш, табдиркорлық соқасида қақиқий іқтисодий фаолиятта иложи борича әртароқ ва фаол жалб этиш учун имконият яратиши мақсадға мувофиқдір.

Иккінчидан, кадрлар масаласи билан бөглиқ мұаммоларни бартарап этиш зарур, яғни бошқарув тизимининг асосий, ҳал құлувчи бүгінларида замонавий фикрлайдиган, үз манбаатларини давлат ва жамият манбаатлари билан үйғунлаштира оладиган, юқори малакали кадрлар ишлапши лозим.

Янгича иқтисодий фикрлашни шакллантиришнинг амалдаги модели<sup>285</sup>

Учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги қонунлар, фармонлар ва қарорларни мукаммал бўлишини таъминлаб, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганиш зарур.

<sup>285</sup> Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқиаган.

Тұртингидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан тартибға солиши үшін құллаб-қувватлаш тизимини ривожланган ва демократик мамлакатларнинг илғор намуналари асосида, уларға үхшатиб тақомиллаштириш мақсадға мувофиқдир ва бу тұхтосыз давом этадиган жараёнга айланиши керак.

### **6.3. Инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибға солиши ва бошқариш**

Илмий ёндашувларға күра, тадбиркорликнинг тұла мөхияти янгиликтарни жорий этиш билан боглиқ жараёнларда намоён бұладики, бунда янги, аввал мавжуд бұлмаган ишлаб чиқариш омилларининг комбинацияси яратылады. Шу тарзда янгиликтерден фойдаланишинг ақамияти иқтисодий тараққиёт даражасининг үсіб боришида намоён бұлып боради.

ХХ аср үртасига келиб, тадбиркорликни инноватор сифатыда тушуниш қарор топди<sup>286</sup>. Инновацион фаолият тадбиркорликнинг асосий ва ажralmas жиҳати деб юритила бошланды. Ривожланган мамлакаттар янги ривожланиш даврига – инновация ёки ахборот-саноат даврига кириши билан үз иқтисодиётини янада юксалтируди. Инновацион давр саноатни ривожлантиришга илмий-техника тараққиётининг шиддат билан ортишига құшган ҳиссесининг устунлиги (сармоя ва ишчи кучи сонининг үсиши билан таққослаганда) ва ахборотнинг роли ошиб боранлиги билан ифодаланади.

Демек, бугунғи кунда тадбиркорликнинг иккى асосий шакли намоён бұлмоқда. Биринчиси, соғ бозор тадбиркорлігі бұлып, у маркетинг соҳасидаги кенг түшнұнчаны үз ичига олади. Иккінчиси, инновацион тадбиркорлікдір. Ривожланган мамлакатларда инновация даврининг

<sup>286</sup> Изоҳ: Бундай ёндашувни фанга биринчи бұлып австриялік таниқли иқтисодчи Й. Шумпетер кириптеган ва «тадбиркор-инноватор» түшнұнчасининг мөхиятини үзининг «Теория экономического развития» (1912 ы.) номли асарида илмий жиһатдан терен изоҳлаған берган.

шаклланиши илмий-техника тараққиётининг тез ўсиб бораётганлиги билан изоҳланадики, буни АҚШ, Япония ва Италия давлатлари мисолида кўриш мумкин.

Афсуски, рақобатдаги муҳим устунлик – илм-фанинг ривожланиш даражаси ва интеллектуал маҳсулотлар (патентлар, ноу-хау, ахборот)дан фойдаланиш бизнинг ҳаётимизга ҳали чуқур кириб келганича йўқ. Шу боис, жамиятимида инновацион тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар сонини кўпайтириш долзарб масала ҳисобланади.

Давлат режаси асосида ресурсларни бир жойга тўплаш ва қайта тақсимлашдан, инновацион тизим асосидаги хўжалик юритишга ўтиш ва уни ўзлаптиришда ўзига яраша қийинчилклар булиши табиий. Қолаверса, ресурсларнинг чекланганлиги ишлаб чиқаришга зўр беришни талаб қиласди. Инновацияни жорий этиш билан бундай чекланганлик бартараф этилади. Бироқ, амалда бир тарафдан жаҳон миқёсида рўй берадиган иқтисодий инқирозлар ва ривожланишнинг сустлиги, иккинчи томондан жорий этилган қўйилмаларнинг натижаси пастлиги, рағбатлантирувчи кучларга тұсқынлик қилиши мумкин. Фикримизча, инновацион соҳада иқтисодий муҳит ўзгаришини белгиловчи бир қатор муҳим вазиятларни шакллантириш зарур. Булар:

- бозор иқтисодиёти шароитида булажак истеъмолчилар талабига бўлган эътиборни (баҳолашни) ошириш;
- бизнесни шакллантириш учун янги маҳсулот ёки технологияни таклиф этган ва ундан фойдаланган ҳолда, истеъмолчилар билан жуда яқин алоқада бўлиш;
- янгиликни текшириш бошланган даврдан, иқтисодий натижага эришгунга қадар бўлган вақтга кўра, муносабатнинг кескинлашувини ҳисобга олиш керак.

Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз жараёнлари рўй берадиган бир даврда инновацион тадбиркорликни янада оммавийлаштириш масалалари устида бош қотириш лозим. Чунки, бундай жараёндан чиқиб кетишнинг ўзи инновацион ёндашувларни талаб этади.

Шунинг учун ҳам Республикаиз Перзиденти Ислом Каримов раҳбарлигидаги Инқирозга қарши чора-тадбирларни қўллаш давлат дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада авж олдириш масалалари кўтариб чиқилган бўлиб, ушбу давлат дастурини амалга ошириш жараёнларида айнан шу муаммога жиддий эътибор берилмоқда. Бу эса ўз навбатида инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг энг мақбул йўналишларини белгилашни тақозо этади.

Ўзбекистонда инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришда юксак даражада ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, миллий иқтисодиёт тармоқларида янги ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши, инновацион фаолиятнинг муайян даражада амалда юритилаётганлигидан далолат беради. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришда инновацион жараёнларни ривожланиш даражалари таҳлил этилади. Шунинг учун инновацион тарздаги бошқарувнинг ўзига хос аҳамиятли томони борки, бу иқтисодиётнинг ривожланишига фақат ижобий таъсир кўрсатади.

Инновацион бошқарув орқали инновацион жараённи шакллантириш учун, авваламбор, инновацион жараённинг мақсадлари булиши керак. Бу жараён қўйидагиларни ўз ичига олади:

- кашфиётнинг янги техник ечимини аниқлаш;
- илмий изланиш ва тажриба-конструкторлик кашфиётлари утказиш;
- маҳсулотнинг серияли ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш;
- параллел тайёргарлик ва сотишни ташкил этиш;
- янги товарни бозорга киритиш;
- маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, технологияларни мукаммаллаштириш йўли билан уларнинг бозордаги янги ўрнини мустаҳкамлаш.

Инновацион фаолиятни тартибга солиш ва бошқариш илмий ёндашув асосида амалга жорий этилиши керак. Бошқарув погонасидағи ҳар

бир мулоҳаза натижаси, илмий асослаган ҳолда үзидан қуиғи поғонага етказилиши лозим. Корхонанинг ички мухитида ҳар қандай ишни бажариш ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишда раҳбарнинг илмий ёндашуви унинг атрофидаги муовинлари, бўлим бошлиқлари ва ходимларни илмий изланишга бефарқ бўлмаслигига олиб келади. Бу эса корхона миқёсидаги яхлит илмий ёндашув асосида фаолият юритишга олиб келади.

Ўзбекистонда инновацион фаолиятини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таркибий қисми сифатида, унинг устувор йўналишига айлантириш учун қуийдаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

**Биринчидан**, узоқ муддатга (10 йил) ҳамда яқин 2–3 йилга мўлжалланган давлат инновация сиёсатининг асосий йўналишларини қамраб олган инновация тузилмасини ривожлантириш дастурини яратиш. Ушбу дастурда давлат органлари ва илмий бирлашмаларнинг (ЎзР Фанлар Академияси, соҳалар бўйича илмий-техник ва муҳандислик жамиятлари ва бошқалар) вазифалари аниқ ишлаб чиқилиши лозим.

**Иккинчидан**, инновация лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг самарали тизимини ташкил қилиш. Бу тизимда лойиҳаларга қўйиладиган талаблар: босқичма-босқич амалга оширилиши, қайтариласлик, муаллифлар билан мулоқот, эксперталарнинг жавобгарлиги, уларни рағбатлантириш муддати белгиланганлиги ва бошқалар.

**Учинчидан**, муаллифлик ҳуқуқига риоя қилиш. Илмий-техника ва инновацион фирмалар фаолият юритиши учун қулай шароит яратиш. Мазкур фирмаларда асосий техник ечимларнинг муаллифлари билан бир вақтда корхона эгалари ҳам ҳал қилювчи роль ўйнайди.

**Тўртинчидан**, инновация ташкилотлари секторига молиявий қўйилмалар ва реал инвестициялар уйғунлашувини таъминлайдиган инновация лойиҳаларини молиялаштиришнинг венчур тизимини ташкил қилиш.

**Бешинчидан**, инновация лойиҳалари ҳақида маълумотга эга бўлган кучли ахборот тизимини ташкил қилиш.

**Олтинчидан**, қонунчилек мөъёрий базасини, солиқ солиш, ҳисоблаш тартиби ва ундирилишини соддалаштириш ҳамда инновация фаолиятини рағбатлантириш жиҳатларини такомиллаштириш.

**Еттинчидан**, инновация лойиҳаларини молиялаштиришнинг нодавлат тизимини рағбатлантириш.

Эътиборлиси шуки, 2010 йилда интеллектуал салоҳиятдан фойдаланиш жараёни кучайтирилди. Бугунги кунда ОЎЮларининг 600 ортиқ мутахассис тайёрловчи кафедралари томонидан 750 тага яқин инновацион гуруҳлар ташкил этилди. Уларнинг иштирокида 4500 нафар профессор-укитувчилар, иқтидорли талабалар, аспирантлар, докторантлар ва изланувчилар илмий-технологик жараёnlарда инновацион ёндашувларни қўллаб, бу соҳа самарадорлигини оширишга олиб келдилар.

Бу каби чора-тадбирларни қўллаш инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш имкониятини кенгайтиради. Бу эса республикада инновацион фаолият самарадорлигини ортишига олиб келади. Инновацион фаолият самарадорлигини таъминлашга ёрдам берувчи ташкилий бошқарувчилик тамоиллари:

- ташкилотда иқтисодий ва ташкилий жараёnlарни йўлга қўйишга оид турли хил изланишларни амалга ошириш ва шу асосда янгича иш принципларини кашф қилиш учун қулай муҳит яратиш лозим;

- ташкилий тузилма миқёсидаги жамики инновацион фаолиятнинг пировард мақсади истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондиришдан иборат бўломги даркор;

- ташкилотнинг олдида турган умумий мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, инновацион фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш керак;

- илмий изланиш – ишлаб чиқариш – маҳсулотни реализация қилиш занжирининг муваффақиятли ва самарали ишлашини таъминлаш, бу жараёnlарнинг босқичма-босқич ижросини тезлаштириш учун бошқарувчилик тузилмасини ихчамлаштириш мақсадга мувофиқдир;

- имконият борича, инновацион лойиҳаларни яратиш ва амалиётга жорий этиш муддатларини камайтириш лозим. Бунинг учун мазкур

жараёнларнинг босқичма-босқич эмас, балки параллел равища амалга оширилишига эришмоқ шарт.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистонда инновацион фаолиятнинг кучайтирилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш жаҳон мамлакатларидағи стандартларга мослаштирилмоқда. Бу борада миллий тадбиркорларимизнинг фаолиги сезиларли бўлмоқда. Масалан, 2009 йилда муайян тадбиркорлар ICO-9001 стандартини жорий этиш бўйича лойиҳасида қатнашиб, мижозларни янги погонага кутарилишга замин яратдилар. Бу лойиҳа қабул қилинган қонунларга кўра амалга оширилиб, бундай стандарт сертификати бор корхоналар ҳар қандай давлат ташкилотлари томонидан баҳоланиб, биринчи навбатда давлат маҳсулотларини сотишга имкон яратадилар. Шундай қилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун йирик давлат буюртмаларини олиш каби янги имконият яратилади.

Бунинг учун хусусий «...секторни кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, давлат **буюртмаларини олиш**, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатни давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам қонунда ўз аксини топиши даркор»<sup>287</sup>.

Бозор иқтисодиётида маҳсулотга бўлган талабни ошириш чора-тадбирларидан бири – юқори сифатли товарлар билан таъминлаш ва кафолатлаш. Энг муҳими товар сертификатига эга булиш ёки рухсат этилган меъёрий ҳужжатлар асосида фаолият юритиш керак. Бунинг учун бугунги кунда Oz Dst ICO 9001:2009 стандарти талабларига мувофиқ ҳолда сифат менежменти тизими жорий этилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан мева-сабзавотлар асосидаги консерва маҳсулотлари ассортименти

<sup>287</sup> Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 51-52 бетлар.

кенгайди. 2010 йилда «Марказий назорат лабораторияси» томонидан 1173 та сертификат янги узилган ва қуритилган қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари ҳамда улардан тайёрланган консерва маҳсулотлари учун берилди. Улардан 80 таси импортга йўналтирилган янги узилган мева-ларга, қолганлари маҳаллий маҳсулотларга берилди. 2010 йилнинг 9 ойида тадбиркорлар 726 сертификат олишга мусассар бўлишди. Келажакда «Марказий назорат лабораторияси» «Ўзвиносаноатхолдинг» компания маҳсулотлари каталогини яратиш бўйича режалаштириш ишларини олиб бормоқда. Чунки, бу компанияга хос товар белгиси Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро патент берувчи идораларидан рўйхатдан ўтган.

Бундан ташқари 2010 йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида республиканинг тури ҳудудларидағи корхоналар мутахассислари учун бошқарув услубларини замонавийлаштириш йуналишида «ИСО: 9000, 14000 ва 18000 серияли стандартлар талабларидан келиб чиқиб менежмент тизимини интеграция қилиш» бўйича тренинг ўтказилди. Тренингда бугунги кунда замонавий ҳисобланган сифат менежменти, экология, персонал хавфсизлиги ва соғлигини таъминлаш тизими билан боғлиқ янгиликлар тадбиркорларга етказилди. Тадбиркорларнинг бундай янгиликлар орқали билимини ошириш, ўз навбатида ўзгарувчан бозор иқтисодиёти шароитларига мослашувчаликни тезроқ оширишга, вақтни тежашга, товар ва хизматларни сифатини яхшилашга олиб келади.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳужалигидағи алоқаларини жадаллаштириш вазифаларига мувофиқ илмий-тадқиқотлар, ишланмалар ва инновация лойиҳаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши мамлакатимизда инвестиция-инновация миллий Дастури асосидаги лойиҳаларнинг жадаллик билан амалга оширилишида муҳим омил ҳисобланади.

#### **6.4. Модернизация жараёнларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши**

Жамиятнинг ривожланиш босқичларида ҳар бир иқтисодий давр (цикл) муайян иқтисодий жараёнларни ўз ичига қамраб олади.

Ҳозирги глобаллашув шароитларида Узбекистон иқтисодиётини ривожланиш босқичида модернизация жараёнлари авж олиб бормоқда. Ҳусусан, давлатимиз сиёсатида ҳам модернизацияни амалга ошириш, устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, «жаҳон иқтисодий инқирози ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибиға янада ўткир қилиб қўймоқда ва бунинг учун бор куч-имкониятимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишни талаб қилмоқда»<sup>288</sup>.

Модернизация жараёнларини амалга ошириш борасида 2010 йил ва ундан кейинги йилларда Инқирозга қарши чоралар дастурида қабул қилинганидек, бир қатор устувор йўналишлар белгилаб олинди:

**Биринчидан**, ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатини таъминлаш лозим. Бу устувор йўналишда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш асосида иқтисодиётнинг барча тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожланишига эътибор қаратилади.

**Иккинчидан**, банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш жуда муҳим. Ушбу тизим фаолиятини такомиллаштириш зарур. Бу устувор йўналишни амалиётта татбиқ этишнинг учта асосий жиҳатига эътибор бериш лозим:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий ташкилотларнинг хизмат курсатишидаги сифатни ошириш жуда муҳим ўрин тутади.

2. Молиявий маблағлар айланмасида банк ходимларининг ижодий ва ташаббускор ёндашувлари жуда муҳим ҳисобланади.


3. Молиявий ресурсларни айланишини янгича услублар асосида ташкил этиш, бу соҳада ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, малакасини

<sup>288</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Узбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Узбекистон, 2009. 39-бет.

ва тасаббускорлигини оширишда замонавий билим ва тажрибаларга таяниш билан бирга даврга хос иқтисодий фикрлаш доирасини кенгайтириш керак.

### 6.3-чизма

#### Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг модернизация қилинишида эришиладиган натижалар<sup>289</sup>



<sup>289</sup> Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Учинчидан**, мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартериш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш лозим. Бу устувор йўналиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаоллашувига туртки беради. Уларни рақобат асосида янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сифатли хизматлар кўрсатишга ундайдиган муҳитнинг кенгайишига олиб келади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ҳуқуқий ва иқтисодий тартибга солиш имкониятлари давлат томонидан кенгайтирилади. Энг муҳими бозор субъектларининг фаолияти тобора қулайроқ ва соддалаштирилган иқтисодий муносабатларга томон силжиб боради.

**Туртинчидан**, иқтисодиётнинг асосий етакчи соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятта молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш керак. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ўзаро иқтисодий муносабатларни янада фаоллаштирувчи устувор йўналишdir. Инвестицион сиёsat юритиш туфайли миллий иқтисодиётнинг деярли барча соҳалари инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. 6.4-чизмада миллий иқтисодиёт тармоқларида 2009–2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар дастури берилган. Бундай ёндашув кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хатти-ҳаракатларида ликвидлик даражасининг ошишига олиб келади.

**Бешинчидан**, қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг жадаллаштиришга эътибор қаратилиши керак. Бу устувор йўналиш ҳудудларимиз кўламида шаҳар ва қишлоқ уртасидаги тафовутларни олдини олиш, шу билан бир қаторда, қишлоқ жойларида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожланишини таъминлайдиган инфратузилма шароитларини янада яхшилашни тақозо этади.


Жумладан, қишлоқ хўжалигига модернизация жараёнларини авж олдириш мақсадида 2010 йилнинг тўқиз ойи мобайнида республикада замонавий минитехнологиялар билан жиҳозланган 135 та қайта

ишиш корхонаси қурилиб, ишга туширилди. Бу эса қишлоқ хұжалик маңсулотларини қайта ишиш құввати янада ошғанлигини күрсатади.

**Олтингчидан**, ақоли бандлигини таъминлаш, шу тариқа ақоли даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масала-ларини ҳал этиш лозимдир. Чунки, айнан кичик бизнес ва хусусий табибиркорлик фаолияти туфайли ишсизликни бартараф этиш имко-ниятлари кенгаймоқда, ақоли даромадлари ошиб, турмуш даражаси күтарилимоқда. Шунинг учун ушбу устувор йұналиш жамиятимиз-нинг бундан кейинги давлардаги ривожланиш йүлида ҳам үзининг ахамиятини йүқтотмайды.

#### 6.4-чизма

**2009–2014 йилларда амалга ошириш күзде тутылган инвестицион лойиндалар дәстүри (иктисодиёт тармоқлари таркибида, млн. АҚШ долл.)**<sup>290</sup>



**Еттингчидан**, «Баркамол авлод йили» Давлат дастуридаги чора-табибирларни амалга ошириш лозим. Бу устувор йұналиш, жамияти-

<sup>290</sup> Манба: Үзбекистон Республикасы Президенти Ислом Каримовнинг «Мамлака-тимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор маңсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиеті ва халқимиз фарованиелигини янада юксалтиришдір» номлы маърузаларини үрганиш бүйіча Үқув-услубий мажмua. Тошкент: Иктиносидиёт. 2010. 131 - бет.

миз таркибидаги ёшларни тарбиялаш ва уларни иқтисодиётнинг турли соҳаларида ишлайдиган мутахассис бўлиб етишишларида тўғри йўл танлаб олингандигидан далолат беради. Бу устувор йўналиш ре-продуктив саломатлик ва таълим ислоҳотларини давом эттиришни ўз ичига олса-да, шу билан бирга, ёшлар таркибидан иборат бизнес элитани шакллантиришга ҳам олиб келади. Бу эса жамиятимиз таркибида бизнес элитанинг кенг тармоқ отиши учун жуда муҳимдир.

Юқорида келтирилган устувор йўналишларни бажарилишини таъминлаш борасида 2010 йилнинг ўзида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Масалан, 2010 йил сентябрь ойидан Марғилон шаҳрида «Наримтекс» Ўзбекистон–Хитой МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси иш бошлади. Тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган корхонага Хитойдан келтирилган 22 та замонавий тикув дастгоҳи ўрнатилди. Асосан маҳаллий хомашёдан тайёрланаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш мақсадида корхонада 23 та янги иш ўрни яратилиб, импорт ўрнини босувчи сифатли кийим-кечак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди<sup>291</sup>.

Жizzах вилоятидаги гилам ишлаб чиқариш учун пропилен ипла-рини тайёрлашга ихтисослашган «Евразия Карпет» МЧЖ, Асака банкнинг вилоят бўлими томонидан модернизация мақсадида берилган молиявий ёрдам туфайли, маҳсулот таннархини 30% туширишга эришди. Корхонада Германия ва Бельгия технологиялари асосида сифатли маҳсулот тайёрланиб, 2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида 23 млрд. 180 млн. сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Маҳсулот ишлаб чиқаришда маҳаллий хом-ашёдан фойдаланиш 56,2%га teng бўлиб, ташки бозорларда ҳам муваффақиятли рақобатлашмоқда. Корхонада ишлаб чиқаришни локализация қилиш ҳисобига 477,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ тежаб қолинди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

**Шундай экан, 2011 йилдан «ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётни**

<sup>291</sup> XXI аср газетаси. 16 сентябрь, 2010. №37. 6-бет.

**етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг мұхим устувор вазифа сиғатида изчил давом эттирилади»<sup>292</sup>.**

Хулоса қилиб айтганда, Инқирозга қарши чоралар дастурида келтирилганидек, модернизация жараёнларининг жадаллашуви кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини янада кучайишига олиб келади. Бундай ёндашув жаҳон мамлакатлари орасида биринчилар қаторида Ўзбекистонда қўлланди. Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган сиёсатдан шуни англаш мумкинки, келгуси йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка эътибор янада кучаяди.

Фикримизча, олдимизга қўйилган юксак мақсадларга эришиш, аввало, ўз имконият ва ресурсларимизни қай даражада сафарбар этишимизга жуда боғлиқ. Бунинг учун эса инқироз оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар бажарилишини жиддий таъминлай олишимиз керак.

## **6.5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг диверсификация қилиш ва маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари**

Фикримизча, ҳозирги давр иқтисодиётида бозор субъектлари миқдор ва сифат жиқатидан ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик диверсификациясини амалга оширишда қўйидаги омилларга жиддий эътибор бериш керак:

- меҳнат харажатларини минималлаштириш, қўпроқ янги технологияларни жорий этиш, рақобатчи субъектга нисбатан ўсишга эришиш;
- бизнес билан боғлиқ бўлмаган бошқа хилма-хил фаолият турларини ҳам йўлга қўйиш;
- бизнесни янги замон талабларига жавоб берадиган тарзда олиб бориш;

<sup>292</sup> Ислом Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириши, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи. Тошкент: Ўзбекистон, 2011. 24-бет

- фирма бошқарувини даврга мос тақомиллаштириш, ишлаб чиқарилган товарларнинг тезда сотилишини таъминлаш;
- хизматлар курсатиш соҳасида ахлоқ меъёрларини қўллаш ва сифат даражасини оширишга асосий эътибор қаратиш;
- маҳсулот ишлаб чиқаришда сифатни ошириш орқали самарадорликка эришиш;
- нархларни камайтириш чораларини кўриш;
- реклама сифатини ошириш.

Бу каби омилларнинг амалга оширилиши, мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланишига олиб келади. Шунингдек, ижобий кўрсаткичларга эришишда ўз самарасини кўрсатади.

Маълумки, ҳозирги пайтда чет эл технологияларини иқтисодиётнинг тури соҳаларига жорий этиш давр талабидир. Аммо, тарақ-қиётта интилиш мавжуд экан, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда фақат чет эл технологияларини жорий этиш билан чегараланиб қолмаслик керак. Чунки, бу йўналишни иқтисодий нуқтаи назардан самарали деб ҳисобласак-да, давр ўтган сари улар самарасиз оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай самарасиз ҳолатлар ўз навбатида минтақавий ёки маҳаллий инновацияни ривожланишига халақит беради.

Шундай экан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозга боғлиқ ҳолда ташки бозоридаги талабнинг тез ўзгарувчанлиги ва ички бозордаги талабни рағбатлантириш мақсадидаги чораларни кўриб бориш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаш ва барқарорлигини таъминлашда барча имкониятни сафарбар қилиш лозим. Бундай вазифани уddyalaшда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини кенг тадбиқ этиш муҳим ўрин тутади.

Фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда янги технологияларни, мураккаб лойиҳали ва миллый ҳунармандчиликка хос бўлган техника воситаларини ишлаб чиқаришда ички маҳаллий интеллектуал резервлар асосида яратишга кўпроқ эътибор бериш зарурдир. Натижада, миллий маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятларига эришиш мумкин.

Мамлакатдаги илм-фан ютуқларига таяниб, турли соҳа олимлари томонидан яратилаётган янги илмий ишланмалар, техник лойиҳаларни ривожлантиришни рагбатлантириш чора-тадбирларини қўллаб бориши мақсадга мувофиқдир. Чунки, маҳаллий доирада яратилган янгиликларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда қўллаш анча арzon тушади. Биз бундай имкониятлардан самарали фойдаланиш йўлига ўтишимиз керак. Янгиликлар маҳаллий-минтақавий шароитда ишлаб чиқилса, жуда кўп иқтисодий имкониятлар қўлга киритилади:

Янгиликларнинг ўзимизда яратилиши натижасида давлат ҳиссасидаги валюта миқдори тежалади.

1. Иш билан бандлик муаммоси ҳал этилади, жамиятимиздаги демографик вазият анча яхшиланади.

2. Янги техника ёки технологияни қайта жиҳозлаш ёки таъмирлаш, деталлари ишдан чиққанда уни ишлаб чиқариш ва ўрнатиш ҳам ўзимизда ҳал этилади.

3. Янги ишланмалар ёки лойиҳаларни амалга ошириш ва уларни узлаштириш учун хориждан мутахассислар чақирилмайди. Бу ишлар ҳам маҳаллий мутахассислар ёрдамида (уқишилар ташкил этиб) ҳал этилади.

4. Энг муҳими, маҳаллий инновация ривожланади. Уни кенг ривожлантириш имкониятлари яратилади.

Демак, бундай чора-тадбирларни амалга ошириш билан нафақат жамиятимизнинг иқтисодий баққуват, маънавий юксак, келажаги буюк булишига замин яратилади, шу билан бирга жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси бундан манфаатдор бўлади.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни диверсификация қилишда маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиш тақозо этилади. Бошқача айтганда иқтисодиётни ривожлантиришда маҳаллийлаштиришга эътиборни кучайтириш зарурияти давр талабига айланди. Бу эса ўз навбатида касаначиликнинг ривожланишига туртки бериб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият доираси кенгайишига олиб келди.

Жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз бошланиб, айни авжига кутарилган, 2006–2008 йиллар мобайнида, маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилган лойиҳалар сони 1,5 баравар, уларда иштирок этаётган корхоналар сони эса 1,2 баравардан кўпроқ ўсди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳияти янада ортди. Хусусан, экспорт ҳажми 2006 йилда автомобиллар билан бирга 601,5 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб, бу курсаткич 828,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилди (6.5-чиизма).

#### 6.5-чиизма

Жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз бошланиб, айни авжига кутарилган, 2006–2008 йиллар мобайнида Ўзбекистонда маҳаллийлаштиришнинг амалга оширилиши (млн. АҚШ доллари хисобида)<sup>293</sup>



2010 йилнинг 9 ойида мамлакатимиздаги экспорт қилувчи корхоналар томонидан экспорт ҳажмини 10,9% ошириш, ташқи савдо айланмаси ижобий сальдосини 3,6 млрд. АҚШ долларидан ортиқ ҳажмда таъминлаш имконини берди. Худди шу давр мобайнида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга оид 990 та лойиҳа бўйича 4,2 трлн. сўмлик, яъни

<sup>293</sup> Чизма муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириш асосидаги маҳсулотнинг мамлакат саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмидағи улуши 17,6% бўлди. Бу эса 2009 йилнинг дастлабки уч чорагига тегишпи кўрсаткичдан (бу кўрсаткич 14,9% бўлган) 3,3 пунктга кўп эканлигини кўрсатмоқда.

Янги иш ўринларини яратишга қулай имкониятлар юзага келтирилди. Дарҳақиқат, кейинги йилларда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда касаначиликни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. «Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги ўй меҳнатини рағбатлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан биридир»<sup>294</sup>.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси касаначиликнинг қўйидаги турлари кенг қўлланилишидан далолат беради<sup>295</sup>:

- тўлиқсиз иш кунида иш билан банд бўлиш;
- муддатли шартномалар бўйича вақтинчалик иш билан банд бўлиш;
- «мини-макс» шартномалари бўйича иш билан банд бўлиш, яъни ишлаган соатларга ҳақ тўлапи;
- ширкатларга аъзо бўлиш;
- мустақил компаниялар билан шерикчилик;
- чақириқ (компания таклифи билан) бўйича ишлаш.

«2008 йилда касаначилар томонидан 34 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Касаначилик учун иш ўринлари очган корхоналар, шу борада ўзларига берилган имтиёзлар ҳисобидан 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежашга эришди»<sup>296</sup>.

Ўзбекистонда саноат корхоналарининг буюртмаларини меҳнат ресурслари ортиқча бўлган қишлоқ аҳоли пунктларида жойлашти-

<sup>294</sup> Ислом Каримов. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. 49-бет.


<sup>295</sup> Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида меҳнат муносабатларини та-комиллаштириш масалалари // Республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. Тошкент: Йўқтисодиёт, 2010. 43-бет

<sup>296</sup> Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 26-бет.

риш йүли билан қишлоқ ақолисини касаначиликка жалб этиш имканиятларидан көнг фойдаланилмоқда. Касаначиликни ривожлантириш орқали саноат корхоналари максимал фойда олишга эришмоқда.

## 6.6-чизма

**Мағаллийлаштириш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда диверсификацияни амалга ошириш<sup>297</sup>**




<sup>297</sup> Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқылган.

Жумладан, 2009 йилда «Самарқандон» ОАЖда 421 нафар ишчи-хизматчи билан бир қаторда 50 нафар касаначи ҳам меҳнат билан банд бўлди. Ҳар ойда 3,5–4 минг тонна бугдойни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ушбу корхонага касаначи - тикувчи, касаначи - нонвой, касаначи - сотувчи ва тикувчиларнинг меҳнати қўл келди. Натижада, маблагф ва вақтдан фойдаланиш тежамкорлиги ошди. Жумладан, корхонада тайёр маҳсулотлар учун ёрлиқлар тайёрлашда касаначилар ёрдамидан фойдаланиб, ойига 150–200 мингта ёрлиқ тайёрланди. Бу эса бир ойда 300 минг сўм миқдоридаги маблагни корхона фойдасига иқтисод қилинганинги курсатади. Касаначилар корхонада ишлар экан, уларнинг номига меҳнат дафтарчasi юритилиб, ҳар ойда маош билан таъминландилар. Эътиборлиси шундаки, «Самарқандон» ОАЖда биолаборант касаначилар ҳам иш олиб бориб, галлачилик ва пахтачиликда заараркунандаларга қарши курашища фойдаланадиган зарур капалакларни кўпайтириб бердилар<sup>298</sup>.

#### 6.7-чизма

##### Ўзбекистонда касаначиликни ривожлантириш ҳисобига яратилган янги иш ўринлари<sup>299</sup>



<sup>298</sup> XXI аср газетаси. 19 ноябрь, 2009. №48.

<sup>299</sup> Чизма муаллиф томонидан Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузишган. Бунда 2010 йилнинг маълумотлари 1 декабрь ҳолатига тўғри.

Ўзбекистонда касаначиликни ривожлантириш ҳисобига 2006 йилда 153,6 мингта (янги ташкил этилган иш ўринларининг 26,8%), 2007 йилда – 212,3 мингта, 2008 йилда – 213,8 мингта (32,3%), 2009 йилда – 130 мингтага яқин янги иш ўринлари яратилди (6,5-чизма). 2010 йилда касаначилик асосида ташкил этилаётган янги иш ўринларининг 250 мингтага етказилиши кўзда тутилган.

Хуносада айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг диверсификацияси ҳақида мулоҳаза юритилганда, маҳаллийлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш мухим аҳамиятга эга. Бунда касаначиликнинг ривожланиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, касаначилик республикада фаолият кўрсатувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг диверсификациясини амалга оширишда янги имкониятлар яратади.

## **ХУЛОСА**

Миллий иқтисодиётнинг ривожланиб бориши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг самарали фаолияти билан белгиланмоқда. Бу соҳанинг давлат томонидан тартибга солиниши демографик жараёнлар кучайиб бораётган Узбекистон учун катта аҳамият касб этади. Шу боис, Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кўпайтириш, иқтисодиётда унинг улушини ошириш чора-тадбирлари йилдан йилга кенг равишда амалга оширилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётини таъминлаш, ишлаб чиқариш салоҳиятини ва аҳоли турмуш тарзини юқори даражага кутариш бугунги кундаги устувор мақсадларимиздан бири ҳисобланади.

Шундай экан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уни давлат томонидан тартибга солиш нуктаи назаридан, иқтисодиётнинг барча тармоқларида, энг аввало, давлат идораларида бугунги кунда мустақил фикрға эга, дунёқараш кенг, ўз фикрини ҳимоя қилишга қодир, жамият манфаатларини ўзининг шахсий манфаатларидан устун қўядиган, қатъиятли, ташкилотчи, инсонлар раҳбарлик лавозимида ишлаши керак.

Олиб борилган тадқиқот ва изланишлар натижасида қўйидаги хулосаларга келинди:

Ижтимоий йўналтирилган бозор тизимини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу туфайли республиканинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ушбу секторни шакллантириш ва бошқариш заруриятини келтириб чиқарувчи омиллар ишлаб чиқилди ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини назарий тавсифи чизма (схематик) шаклида кўрсатиб берилди.

«Бизнес», «тадбиркорлик» ва «менежер» тушунчаларининг мазмун-моҳиятида фарқ бор. Бу тушунчаларга боғлиқ таваккалчилликда ҳам ўзига хос хусусиятлардан иборат бўлган фарқланиш мавжуд. Бугунги кунда «бизнес таваккалчилги», «тадбиркор таваккалчилги» ва «менежер таваккалчилги» тушунчаларида ҳам фарқли жиҳатлар учрайди.

«Давлат томонидан тартибга солиш» ва «давлат бошқаруви» тушунчалари фарқланиб, бири торроқ маънода қўлланилса, иккинчиси кенгроқ маъноларни англатади. Шу боис, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиниши, миллий иқтисодиётни бошқаришнинг таркибий қисмидир.

Давлат хусусий сектор фаолияти учун шарт-шароитлар яратиш нуқтаи назаридан тартибга солиб боради.

Узбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланганлик даражаси унинг иқтисодиётдаги туттган ўрни таҳдил этилганда, унинг давлат миқёсидаги тараққиётга таъсир кўлами ижобий баҳоланади. Бу борада аниқ далилларга асосланиш мумкин.

Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тартибга солиш соҳасида давлат механизми жорий этилган ва у фаолият кўрсатмоқда. Бирок, хусусий бизнесни тартибга солиш жараёнидаги мавжуд түсиклар ҳамда ҳукуқий ва иқтисодий дастаклар фаолияти талаб даражасида эмаслиги ушбу механизмнинг самарали ишлашига ҳалақит бермоқда. Республиkaning аҳолиси энг зич ҳудудларида демографик вазият үзига хос бўлиб, ортиқча ишчи кучи купаятганлигида ўз аксини топган. Бирок, бу ҳудудда меъёрий ҳужжатларда қабул қилинганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмаяпти.

Республиканинг айрим вилоятлар иқтисодиётининг энг замонавий соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг миқдор жиҳатдан сезиларсиз даражада кўпайиши кузатилди. Буларга моддий-техника таъминоти, ахборот ҳисоблаш, бошқарув, илм-фан, маориф, молия, геология-қидириув каби соҳалар киради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солиш жараёнларида муайян даражадаги муаммолар юзага келмоқда. Масалан, Наманган вилоятида фаолият курсатётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари орасида утказилган тадқиқотларда қўйидагилар аён бўлдики, бизнесни ривожлантиришдаги асосий муаммолар:

- иқтисодий эркинликни амалда камситилиши;
- қарорларнинг жойларда суст бажарилаётганлиги;
- янгича иқтисодий фикрлашнинг заифлиги;
- ҳокимият ва хусусий сектор ўртасидаги келишмовчиликнинг юзага келганлиги;
- давлат томонидан меъёрий-ҳукуқий ва иқтисодий тартибга солиш доирасида жойларда юзага келган камчиликларнинг мавжуудлигидан иборат.

Маҳаллий кўламда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тартибга солишдаги муаммолар, бозор кўнинмаларига эга бўлган раҳбар ва ходимларнинг етишмаслиги, кадрларни қайта тайёрлашда ўқув марказлари фаолияти талаб даражасида эмаслиги, ахборот-таҳдидий базанинг заифлиги туфайли ҳам рўй бермоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва бошқаришда амал килиниши керак бўлган энг асосий омил – иқтисодий эркинлик субъектлар томонидан тўла ҳис этилишига эришиш лозим. Бу эса бозор қонуниятларидан унумли фойдаланишга ва самарадорликни рагбатлантирувчи бозор дастакларининг фаоллашувига олиб келади.

Қабул килинган қонунлар билан амалда бажарилаётган жараёнлар ўртасида муайян даражада номувофиқлик юзага келган. Масалан, иқтисодий фаолият шарт-шароитлари давлат ва хусусий корхоналарида бир-биридан фарқ қиласди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг бизнес фаолиятидаги ҳуқуқий кафолатлари қонунларда тенг, лекин якка тадбиркорларни камситиш ҳоллари учрайди. Бу муаммо эса айрим раҳбар ҳодимларнинг ҳуқуқий асосларга таянмаслигидан келиб чиқмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун хизмат кўрсатувчи инфратузилма фаолияти жуда суст. Жумладан, ижтимоий инфратузилманинг фаолияти ҳам вилоятлар кесимида яхши эмас. Чунки газ, электр-энергия ва сув таъминотидаги узилишлар (айниқс, қиши мавсумида) узоқ давом этадиган жараён бўлиб, барча ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу таъминот идораларининг масъулиятини белгилаш ва чегаралаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги хуносалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда, хусусан, илмий тадқиқот олиб борилган Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун қўйидагилар таклиф этилади:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашни ташкилий жиҳатдан таъминлаш учун марказий ва маҳаллий ҳокимият идоралари ўртасидаги ваколатларни аниқ белгилаб олиш лозим.

2. Давлат ва кичик хусусий корхоналар ҳамкорлигини ташкил этиш ва уни янада мустаҳкамлаш мақсадида ташкилий жиҳатдан бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратиляган давлат-корпоратив тузилмаларини ташкил этиш зарур. Бундай тузилмаларга корпорациялар ва тижорат банклари, молиявий ташкилотлар ва давлат идораларини ўзаро ҳамкорлик учун жалб этиш керак.

3. Шартнома муносабатларида интизомни кучайтириш, уни бузган бизнес субъектларининг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш мақсадида амалдаги қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар киритиш мақсадга мувофиқ.

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини «Савдо-саноат палатаси»га аъзо бўлишга интилишини вужудга келтирувчи ва уни кучайти-

рувчи механизм яратиш даркор. Бунинг учун тадбиркорларни рўйхатга олиш ҳуқуқини «Савдо-саноат палатаси»га бериб, унинг ҳисобот-мълумот бериш функцияларини қисқартириш ва ахборот-маслаҳат бериш хизматлари доирасидаги функциясини кучайтириш зарур. Щунингдек, палата томонидан воситачилик муносабатларини жорий этиш муҳим. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг палатага аъзо бўлишга йўналтирувчи чора-тадбирларданdir.

5. Тижорат банкларининг вилоятлардаги бўлимларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кредит ресурслари миқдорини кўпайтириш лозим. Ушбу ташкилотларнинг марказий идоралари томонидан молиявий ресурслар тақсимоти қайта кўриб чиқилиши керак. Бунда аҳоли зичлигини ҳисобга олиш нуқтаи назаридан ёндашувни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

6. Банк тизими таркибидағи минибанкларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий таъминлашдаги ролини ва мамлакатнинг деярли барча ҳудудларида ўз тармоқларига эга эканлигини эътиборга олиб, банкни соғломлаштириш бўйича маҳсус дастурлар таъсир куламини ошириш керак. «Савдо-саноат палатаси» фаолиятини кучайтириш мақсадида ушбу муассасани банк акциядорлари қаторига киритиш лозим.

7. Давлат секторидаги корхоналар билан хусусий корхоналар учун моддий ресурслар баҳолари амалда бир хил бўлишини таъминлаш керак. Унинг назоратини эса «Савдо-саноат палатаси» зиммасига юклаш мақсадга мувофиқдир.

8. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторида банд бўлган раҳбарлар, ходимлар ва ишчилар учун «Савдо-саноат палатаси» кошида имтиёзли равища ҳорижий тилларни ўргатувчи курсларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ҳорижий тилларни ўргатиш учун мутахассисларни иш ҳақи билан таъминлашнинг молиявий манбаларини эса хусусийлаштириш жараёнидан тушган маблағлардан ташкил этиш мумкин. Бу таклифнинг ижобий жиҳати, бир томондан мамлакатда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёsat мөҳиятининг нақадар кенг қамровли эканлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан бизнес субъектларининг ҳалқаро миқёсдаги фаолиятида бугунги кунда ҳукмронлик қилаётган «тил баръєри»га барҳам берилажаклигини тасдиқлайди.

9. Тадбиркорлар фойдаланадиган хом-ашё ресурсларининг муайян қисми импорт орқали келишини ҳисобга олиб, улар ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқариш учун чет элдан моддий ресурслар сотиб олиниши мақсадидаги конвертация учун алоҳида марказлашган валюта фондини ташкил этиш зарур. Бу ресурс бозоридаги монополизмни олдини олишга хизмат қиласи.

10. Ҳар бир кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари чет эл билан алоқалар ўрнатишига шарт-шароит яратиш керак. Хусусан, Савдо-саноат

палатасининг «Маркетинг» бўлими бундай алоқаларнинг соддалаштирилган услубларини жорий этиши зарур.

11. Ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун банк ва солиқ тизимидағи ислоҳотларни давом эттириш лозим. Бунда жаҳон банкчилик тажрибасидаги илғор хизмат турларини кенг татбиқ этиш, банкларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти, инвестицион фаолиятини ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларида янгиликларни, ҳалқаро майдонда кузатилаётган тажрибаларининг мақбул томонларини қўллаш керак бўлади. Бу эса истиқболдаги вазифаларнинг белгилаш имкониятини қуайлаштиради.

12. Кредит бозорида рақобатни кучайтирувчи омилларни ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун биринчидан, хусусий банкларни очишни тезлаштириш лозим. Иккинчидан, хусусий банкларнинг ўсиб боришини қўллаб-қувватлаш ва хусусий сармояларни мавжуд акциядорлик банклари устав капиталига жалб этишни, энг аввало, вилоятлар ҳудудларида кучайтириш зарур.

13. Банкларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашдаги шартларни енгиллаштириш, ҳужжатларни соддалаштириш бўйича эркинлик беринши мунтазам таъминлаш лозим. Банк мижозлари, инвесторлари ва кредиторлари манфаатларини ҳимоялашни янада кучайтириш, уларнинг банк тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш даркор.

Аммо, кишилар тафаккурини ва уларнинг хусусий мулк ҳамда демократик қадрияларга муносабатини тубдан ўзгартирмай туриб, ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлааб бўлмайди. Шунинг учун ҳам «жамиятни ислоҳ этишида янгича, замонавий фикрловчи кишиларга таяниш... ҳал қиувлечи омил»<sup>300</sup> ҳисобланади.

Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда давлат томонидан уни тартибга солиш тизими ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш мақсадида ўтказилган тадқиқот натижаларидан шулар маълум бўлдики, аксарият кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг жавобларида давлатнинг қўллаб-қувватлаш соҳасида қўлланган мавжуд механизм жойларда тұла куч билан ишлай олмаяпти. Бунинг устига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари амалдаги ҳуқуқий мөъёрлардан етарлича фойдаланиб ўз талабларини қондиришга ҳали ўzlари ҳам ожизлик қилади. Чунки, уларда ҳам янгича иқтисодий тафаккур жараёни ҳали давом этмоқда.

<sup>300</sup> Ислом Каримов. Ватан саждагоҳ, каби муқаддасдир. Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 48-бет.

Тадқықтада иштирок этгандарнинг күпчилиги (улар 96,1%ни ташкил қилади) бозор қонуниятларини, умуман бозорга хос иқтисодий тизим қоидаларини ижобий баҳолаб ўзлаштироқдалар. Айримлари эса (улар 3,9%) бундай тизимни баҳолаш масаласида ўз фикрларини билдиримадилар<sup>301</sup>. Айнан шуларда янгича иқтисодий фикрлар ўта заиф ёки умуман шаклланмаган деб ҳисоблаш мумкин.

Янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш жараёнини тезлаштириш мақсадида қуийдагилар тавсия этилади:

1. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги тамойилини чуқур англаган ҳолда, иқтисодий эркинлик омили ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида муҳим унсур ҳисобланади. Бу омилни бозор субъектлари билан алоқа боғлаган шахслар онги ва қалбига чуқур сингдириш керак.

2. Жойларда меъёрий-ҳуқуқий базанинг мукаммал ишлапини назорат этишини кучайтириш ва ҳуқуқий барқарорликни самарали таъминлаш ҳамон долзарблигича қолмоқда. Бунинг учун айрим раҳбарлар малакасини ошириш, айрим ҳолларда эса ишдан четлаштиришгача бўлган чора-тадбирларни қўллаш зарур. Зоро, хато содир этилган жойда қонун олдида жавоб бериш барча учун баробар бўлмоғи шарт.

3. Зарур ахборотлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва ахборот билан ўз вақтида таъминлашни йўлга қўйиш масаласи кун тартибидан тушмаслиги лозим. Жумладан, «Internet» алоқаларини кенг жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳар қандай субъект кредит лимитларидан хабардор бўлиши учун банк муассасалари ўз мижозларига кредитлар тўгрисида маълумотлар бериб борувчи «Бюллетень» шаклидаги нашрларни жорий этиши керак.

4. Бозор инфратузилмасини ривожлантириш, унинг шаҳар ва қишлоқ уртасидаги тафовутларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирларни давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

5. Давлат идоралари ва ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида мувофиқлик ҳамда уюшқоқликни таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Бунда, энг аввало, иқтисодий маданиятини шакллантиришга жиҳдий эътибор қаратиш керак.

Иқтисодий маданият етарли даражада шаклланган тақдирдагина, ҳўжалик юритишида субъектив салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига чек қўйилади, иқтисодий муносабатларда ахлоқ меъёrlари ҳамда ижтимоий меҳнатнинг юкори самарадорлиги учун интилиш пайдо бўлади, ҳўжалик юритиш субъектларининг манфаатларига асоссиз путур етказилмайди, эркин иқтисодий фаолият доираси кенгаяди. Шундай ҳолда бошқарув тизимининг мукаммаллиги ва ходимларнинг

<sup>301</sup> Ҳисоблар анкета тарқатилган респондентлар ҳисобида амалга оширилган.

малакалилиги, меҳнат натижалари ва сифатининг етарлича рағбатлантириш, мулкий чеклашларни бартараф этиш, ва бошқа шу каби ҳолатлар таъминлана-ди ва барқарорлашади. Бунинг учун изчил равишда иқтисодий тарбия ишларини ҳам амалга ошириб бориш лозим. Бу йўналишда қўйидагилар ўта муҳим аҳамиятга молик:

1. Ҳар соҳада юксак малакали кадрларни янгича иқтисодий фикрлайдиган даражада тайёрлаб бориш.

2. Барча ўқув юртларида, ноиқтисодий кадрлар тайёрлашда замонавий иқтисодиёт асослари ҳақидаги билимларининг ўқитилишини кучайтириш ва бу фанлардан рейтинг жорий этиш.

3. Радио, телевидение ва матбуотда иқтисодий билимларни кенг тарғибот-ташвиқотини амалга ошириш.

4. Аҳолининг иқтисодий билимларини кенгайтириш мақсадида мунтазам чоп этилаётган қонун ва бошқа хужжатлар билан тегишли идора ва ташкилотлар томонидан яқиндан таништириб бориш.

5. Ошкораликни таъминлаш.

6. Бошқа давлатларнинг иқтисодий тажрибаларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш.

7. Иқтисодий хулқни рағбатлантириш.

Хулоса шундан иборатки, «...эски билим ва тажриба билан узоққа бориб бўлмайди... Ҳаёт ўзгармоқда, шароит ўзгармоқда, бозор иқтисодиётига, демократик янгиланишларга ва биринчи навбатда раҳбарларга ҳамда бошқарув ходимларига қўйиладиган талаблар ўзгармоқда»<sup>302</sup>. Жамиятда ижобий тажрибаларни саралаб олиб, бутунги кунга, замонга тўғри келмайдиган ва йўлимизга тўсиқ бўладиган қусурлардан воз кечиш даркор. Фақат шундагина янгича иқтисодий фикрлайдиган, ҳозирги замон шароитларига хос инсонларни тарбиялаш ва во-яга етказиш учун бўлган имконият кенгаяди.

<sup>302</sup> Ислом Каримов. Тадбиркорлик – юксалиш гарови // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиздир. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. 58-бет.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Махкамасининг Қарорлари ва Президент Фармонлари**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
2. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1998 йил, 24 декабрь.
3. Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлик кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2000 йил, 25 май.
4. Хусусий корхона тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2003 йил, 11 декабрь / Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 21 январь, 1994.
5. Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиштадбиркорликни ривожлантиришчора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 21-январь, 1994 й.
6. Хусусий тадбиркорликда ташаббус курсатиш ва уни рагбатлантириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1995 йил, 5 январь.
7. Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1996 йил, 8 август.
8. Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рагбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1998 йил, 9 апрель.
9. Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1998 йил, 19 ноябрь.
10. Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2003 йил, 24 январь.
11. Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рагбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2003 йил, 24 январь.

ликаси Президентининг Фармони. ПФ-1987-сонли Фармонига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2003 йил, 30 август.

12. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил, 11 апрель / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. №15-16 (151-152). 4-7 б.
13. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналарини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил, 7 июнь / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. №23-24 (159-160). 4-5 б.
14. Бозор ислоҳотларини чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил, 14 июнь / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. №23-24 (159-160). 5-7 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тадбиркорлик субъектларини ҳукуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2005 йил, 14 июнь / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. №23-24 (159-160). 7-9 б.
16. Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил, 20 июнь // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. №25-26 (161-162). 4-6 б.
17. Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳукуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил, 24 июнь // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. №25-26 (161-162). 6-7 б.
18. Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. 2005 йил 6 октябрь. №199 (3744).
19. Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кеччикириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 1995 йил 14 февраль.
20. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-куvvatлашнинг давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 1995 йил 28 август.
21. Ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 496-сонли Қарори. 1998 йил 27 ноябрь.

22. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириши рагбатлантириш бўйича Республика мувоғиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 57-сонли Қарори. 2000 йил 17 февраль.
23. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2003 йил 20 август.
24. Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 439-сонли Қарори. 2003 йил 11 октябрь.
25. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни куҷайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2005 йил 15 июнь // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. №23-24 (159-160). 10-12 б.
26. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2006 йил 24 май.
27. Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 2009 йил 15 май (ПҚ-1112-сон).

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузалари ва асарлари**

1. Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёsat, мафкура. 1-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –364 б.
2. Ислом Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –366 б.
3. Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –349 б.
4. Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –326 б.
5. Ислом Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. 5-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –384 б.
6. Ислом Каримов. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. 7-том. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –410 б.
7. Ислом Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –686 б.

8. Ислом Каримов. Тадбиркорлик – юксалиш гарови // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
9. Ислом Каримов. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови // Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
10. Ислом Каримов. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
11. Ислом Каримов. Ислоҳотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир // Халқ сўзи. 2003, 18 февраль.
12. Ислом Каримов. Қонун ва адолат устуворлиги эркин ва фаровон ҳаёт кафолатидир // Халқ сўзи. 2004, 18 сентябрь.
13. Ислом Каримов. Эл-юрт ташвиши билан яшаш ва ишлаш – асосий мезон // Халқ сўзи. 2004. 16 окт. №216.
14. Ислом Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
15. Ислом Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.
16. Ислом Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиёти-мизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.
17. Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароити-а уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 59 б.
18. Ислом Каримов. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаронлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
19. Ислом Каримов. Ҳамкорлик, тараққиёт ва хавфсизликни таъминлаш йўлидан / БМТ Саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига багишланган ялпи мажлисдаги нутқи // Халқ сўзи. 2010, 21 сентябрь. №183.
20. Ислом Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир // Халқ сўзи. 2010, 8 декабрь. №236.
21. Ислом Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.
22. Ислом Каримов. Самарқанд вилояти кенгашининг сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. 2010. 18 декабрь. №243.
23. Ислом Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаронлигини оширишга хизмат қиласди. Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

### **III. Китоблар, монографиялар ва тўпламлар**

1. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. Тошкент: Меҳнат, 2000. –352 б.
2. Абдурахманов М., Кодиров Б. Малый бизнес в США // Тезисы докладов ТГЭУ. Ташкент, 1996. – 104 с.
3. Абулқосимов Ҳ.П. ва бошқ.: Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш / Узбекистон Республикаси хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. Тошкент: Faafur Fuqum номидаги нашриёт-матбба ижодий уйи, 2007. –544 б.
4. Абулқосимов Ҳ.П., Ҳасанов Р.Р. Узбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар. Тошкент: Akademiya, 2010. -216 б.
5. Абулқосимов Ҳ. П. Узбекистонда иқтисодий ислоҳотлар. Тошкент: Akademiya, 2008.
6. Абулқосимов Ҳ. П., Худойберганов Н.Г. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари. Тошкент: Университет, 1997.
7. Абулқасимов Ҳ. П. Проблемы государственного регулирования экономики в современных условиях. Ташкент: ТГТУ, 1994.
8. Автономов В. С. и другие. История экономических учений. М.: ИНФРА-М, 2000. –784 с.
9. Арипов О.А. Государственное управление и регулирование частного предпринимательства в условиях либерализации // Интеграция Казахстана в мировую систему образования: Матер. докладов Академии экономики и права им. У.А.Джолдасбекова З-Международной научно-практич. конференции посвящ. памяти акад. У.А.Джолдасбекова Казахстан. 2008, 24 апр. С. 60-63.
10. Арипов О.А. Государственное управления и регулирование малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан // Наука и общество: проблемы современных исследований: Сб. науч. статей. IV Международной науч.-практич. конферец. Часть 1. Омск. 2010, 28 апр. С. 194-200.
11. Арипов О.А. Мамадалиев А., Сайдакулов Р. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши // Республика илмий-амалий конференцияси: «Рақобатдош кадрлар тайёрлаш: тажриба ва муаммолар». III қисм. Наманган. 2007. 177-180 б.
12. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш // Республика илмий-амалий коференцияси: «Бозор муносабатлари шароитида бошқарув фаолиятини такомиллаштириш». Фарғона. 2007. 29-30-май. 108-109 бетлар.
13. Арипов О.А. Кичик бизнесни ривожлантириш муаммолари // Республика илмий-амалий анжумани: «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари». Тошкент, 2007, май. 268-270 бетлар.

14. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш заруритини келтириб чиқарувчи демографик омиллар // Республ. конференц. «Социально-демографические процессы в современном Узбекистане», посвящ. 15-летию Международ. конференции по народонаселению и развитию (Каир, 1994) и принятия программы действий. Ташкент, 2009.
15. Арипов О.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизоризининг таъсири оқибатларини бартараф этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг устуворлиги // V-Республика илмий-амалий анжумани: «Саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янгилашнинг устувор йўналишлари». ФарПИ, Фарғона. 2009, 16-17-ноябрь.
16. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестицияларни жалб этиш муаммолари // Республика илмий-амалий конференцияси: «Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда мустақил таълим: жаҳон таълим тизими тажрибаси ва олий таълим муассасалари ҳамкорлиги». I- қисм. Наманган. 2010, 20-21-май.
17. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестицияларни жалб этиш муаммолари // Республика илмий-амалий конференцияси: «Рақобатбардош кадрлар тайёрлашда мустақил таълим: жаҳон таълим тизими тажрибаси ва олий таълим муассасалари ҳамкорлиги». 2-китоб. Наманган. 2010. 181-183-бетлар.
18. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар меҳнатидан фойдаланиш. Минтақавий илмий-амалий конференция материалиари тўрлами: «Ёшлар ва аёлларнинг меҳнат қонунчилиги бўйича ҳукукий билим ва маданиятини шакллантириш». Наманган, 2010, 21 май. 61-62-бетлар.
19. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мезонларига оид назарий қарашлар. Иқтидорли талабалар, магистрантлар, аспирантлар, докторантлар ва мустақил тадқиқотчиларнинг илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Наманган, 2010, 4-5 июнь. 79-80-бетлар.
20. Амалий иқтисодиёт: Уқув қўлланма, 1-китоб. Таржимонлар: И. Фозилов ва бошқ. Junior Achievement. Тошкент: Шарқ, 1996. –222 б.
21. Базаров Ф. О. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркор-ликка солиқ солиш тизимини такомиллаштириш. Тошкент: Фан ва технология, 2010. –214 б.
22. Богаевская О. В. О совершенствовании методов государственного управления в современной экономике // Опыт рыночных преобразований и совершенствования системы государственного регулирования. Сбор. раб. аспир. и докт. Института экономики РАН. М.: Институт экономики РАН, 2001. С. 7-21.
23. Блинов А. О. Малое предпринимательство. Организационные и правовые основы деятельности. М.: Ось-89, 1998. –336 с.

24. Бусыгин А. В. Предпринимательство. Учеб. М.: Дело, 2000. –640 с.
25. Валижонов Р., Қобулов О. Менежмент асослари. Тошкент: Университет, 1997. –154 б.
26. Вахабов А. В., Жумаев Н. Х., Хошимов Э. А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози: сабаблари, ҳусусиятлари ва иқтисодиётта таъсирини юмшатиш йўллари. Тошкент: Akademnashr, 2009. –141 б.
27. Власова В. М. и др. Основы предпринимательской деятельности. М.: Финансы и статистика, 1995. –481 с.
28. Герчикова И. Н. Менеджмент: Учеб. М.: ЮНИТИ, 2000. –501 с.
29. Горфинкель В. Я., Швандар В. А. и др. Курс предпринимательства. Учебник. М.: Финансы. ЮНИТИ, 1997. –439 с.
30. Государственное регулирование в условиях перехода к рынку: опыт России и Узбекистана. Ташкент: Институт экономики, 2003. – 531 с.
31. Государственное регулирование экономики / Под ред. проф. Петрова А.Н. Ч.2: Учебное пособие. Спб.: Знание, 2000. –93 с.
32. Давлат қурилиши ва бошқаруви / Муаллифлар жамоаси. Узбекистон Республикаси ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси. Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт–матбай ижодий уйи, 2007. –576 б.
33. Дэниельс Дж. Д., Радеба Ли Х. Международный бизнес. М.: Дело LTD, 1994.
34. Ершов И. В. Предпринимательское право: вопросы и ответы. М.: Юрис-пруденция, 2003. –253 с.
35. Жаҳон молиявий–иктисодий инқирози шароитида меҳнат муносабатларини такомиллаштириш масалалари // Республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. Тошкент: Иқтисодий, 2010. –380 б.
36. Жизнин С., Крупнов В. Қандай қилиб бизнесмен бўлиш мумкин? (рус тилидан тарж.). Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –58 б.
37. Ичитовкин Б. И. Малые формы хозяйствования. М.: Экономика, 1991.
38. Кемпбелл Р. Макконелл, Стэнли А. Брю. Экономикс. В 2-х т. М.: Республика, 1992. –399 с.
39. Краюхин Г. и др. Малые предприятия в условиях рынка. Ташкент: Узбекистан, 1991. –190 с.
40. Круглова Н. Ю. Основы бизнеса: Учеб. М.: Москва, 2003. –527 с.
41. Лапуста М. Г., Старостин Ю. Л. Малое предпринимательство: Учебник. 2-е изд. перераб. и дополн. М.: Инфра-М, 2005. –319 с.
42. Лебедева И. П. Малый бизнес в Японии. Справ. изд. / Лебедева И. П.; РАН, Ин-т востоковедения. М.: АСТ: Восток-Запад, 2004. –175 с.
43. Менеджмент (современный российский менеджмент): Учеб. Под ред. Русинова Ф. М. и Разу М. П. М.: ФБК–ПРЕСС, 1999. –504 с.
44. Мескон М. Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента / Пре с англ. М.: Дело, 2000. – 704 с.

45. Механизмы государственной поддержки инновационного предпринимательства: анализ международного опыта / Под.ред. Молчановой О.П.: Монография. М.: Изд. Московского университета, 2010. –196 с.
46. Мирзаев Ф. И. Банкларо рақобат: моҳияти, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Тошкент: Молия, 2008. –276 б.
47. Мирзиёев Ш. М. ва бошқалар. Узбекистонда ишбилармонлик ва тадбиркорлик-нинг ривожланиши. Тошкент: Университет, 1994. –53 б.
48. Митин С. Г. Государственное регулирование экономики: цели, методы, программа реализации. М.: Приор, 2003. –479 с.
49. Муфтайдинов Х., Турсунов А., Алимов У. Совершенствование инвестирования в малый и средний бизнес // Формирование социально ориентированной рыночной экономики. Ч. 1. Сбор. раб. аспир. и докт. Института экономики РАН. М.: Институт экономики РАН, 2003. С. 270-275.
50. Орешин В. П. Государственное регулирование национальной экономики (в вопросах и ответах). М.: Инфра-М, 2000. –124 с.
51. Петров А. Н. и др. Государственное регулирование экономики. Ч.2: (учебное пособие). Спб.: Знание. 2000. –93 с.
52. Проблемы развития малого и частного предпринимательства в Республике Узбекистан // Тез докл. науч. практ. конф. Ташкент: ТГИУ, 1996. – 110 с.
53. Райзберг Б. А. Основы бизнеса. (учебное пособие). М.: Ось-89, 1996. –192 с.
54. Раҳмонов Ҳ. О. Минтақада кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик фаoliyatiни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Монография. Тошкент: “ФАН”, 2008. – 165 б.
55. Раҳмонқулов Ҳ. Р. Бозор иқтисодиёти асослари. Термиз: «Жайхун», 1994. –184 б.
56. Рубе В. А. Малый бизнес: история, теория, практика. М.: ТЕИС, 2000. –231 с.
57. Савченко В. Е. Государственное предпринимательство в рыночной экономике. М.: Экономика, 2000. –292 с.
58. Самуэльсон П. А., Нордхаус В. Д. Экономика / Пер. с англ. М.: Лаборатория базовых знаний, 2000. –800 с.
59. Сирополис Н.К. Управление малым бизнесом. Руководство для предпринимателей / Пер. с англ. М.: Дело, 1997.
60. Сэй Ж.Б. Трактат политической экономики. М.: Экономика, 1986. – 321 с.
61. Титова Н. Е. История экономических учений. Курс лекций. М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1997. –288 с.
62. Трейси Д. Менеджмент с точки зрения здравого смысла / Пер. с англ. М.: Автор, 1993. – 272 с.

63. Тростянский Д.В. Формирование благоприятной среды для развития малого предпринимательства в Узбекистане // Десять лет экономических реформ в Узбекистане: достижения, проблемы и перспективы / Тез. докл. науч. Симпозиума. Ташкент–Берлин–Бонн, 2001. – 272 с.
64. Худайбердиев З. Р. Ўтиш даври иқтисодиёти шароитида меҳнат бозори: назария ва амалиёт масалалари. Тошкент: Молия, 2008. – 192 б.
65. Худойбердиев З., Арипов О.А. Государственное управление и регулирование малого бизнеса и частного предпринимательства в период мирового кризиса // Государственное управление в XXI веке: традиции и инновации. Матер. 8-й международной конференции факультета государственного управления МГУ им. М.В.Ломоносова. М., 2010. 26-28 май. С. 69-74.
66. Шамхалов Ф. И. Государство и экономика: основы взаимодействия. Учебник для ВУЗов. М.: НПО Изд. «Экономика», 2000. – 382 с.
67. Шарифхўжаев., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик. Тошкент: Ўқитувчи, 2001. – 704 б.
68. Шевелева С. А. Основы экономики и бизнеса: Учеб. Пособ. 2-е изд., перераб. и доп. М.: ЮНИТИ, 2000. – 515 с.
69. Шепелев В. М. Очерки теории и практики предпринимательства. Ташкент: Фан, 1998. – 198 с.
70. Шулус А. А. Становление системы поддержки малого предпринимательства в России (спецкурс). М.: ИНФРА-М, 2002. – 67 с.
71. Шумпетер Й. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1982. – 456 с.
72. Эргашев Т., Исматов Р. Иқтисодий саводхонлик асослари. Тошкент: Шарқ, 2001. – 176 б.
73. Эргашев Т. Бозор иқтисодиёти. Дарслик. Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – 208 б.
74. Эркаев Б.А., Каримова Г.И., Абулқосимов Х.П. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш воситалари. Тошкент: Шарқ, 1996. – 64 б.
75. Үлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент: Меҳнат, 1995. – 527 б.
76. Рафуров У.В. Кичик бизнес соҳасини белгилашдаги асосий йўналишлар // Десять лет экономических реформ в Узбекистане: достижения, проблемы и перспективы // Тез. докл. науч. симпозиума. Ташкент–Берлин–Бонн. 2001. – 272 с.
77. Гуломов С. С. Таъбиркорлик ва кичик бизнес. Тошкент: Шарқ, 2002. – 368 б.
78. Гуломов С.С., Шермухамедов О.А., Шермухамедов А. Т. Развитие малого бизнеса в Узбекистане и его социальная роль // Матер. форума экономистов Узбекистана. 2010, 14 декабря. Ташкент, 2010.

#### **IV. Диссертация ва авторефератлар**

1. Амбарцумян А. А. Малые предприятия в системе экономических отношений в условиях перехода Узбекистана к рынку: Дис. ... канд. экон. наук. Самарканда, 1996. –150 с.
2. Арипов О.А. Кичик ва хусусий бизнесни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари.: Иқтисод фанлари номзоди... дисс. Тошкент: 2006. –154 б.
3. Гулямова Г. П. Малые и средние предприятия в промышленном комплексе крупного города (на примере г. Ташкента): Дис. ... канд. экон. наук. Ташкент: АН РУз, 1991. –176 с.
4. Доклин Т. Государственное регулирование деятельности малых и средних предприятий (на примере Мали). Дис. ... канд. экон. наук. М., 2000. –198 с.
5. Ершов С. Ю. Государственное регулирование институциональной среды малого предпринимательства как необходимое условие его развития: Дис. ... канд. экон. наук. Новосибирск, 2005. –198 с.
6. Ишмухамедова Л.А. Пути повышения эффективности функционирования субъектов малого предпринимательства в Узбекистане: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. Ташкент: АН РУз, 2005. –21 с.
7. Кархалов М. Ф. Кичик бизнеснинг самарадорлигини ошириш йўллари.: Иқтисод фанлари номзоди... дисс. автореф. Тошкент: 2004. –22 б.
8. Кирчегина Н. Н. Государственное регулирование малого бизнеса (на примере США и Южной Кореи): Автореф. дис. ... канд. экон. наук. М.: МГУ им. Ломоносова, 1992. –21 с.
9. Суюнов Д. Х. Кичик ва ўрта бизнес субъектларида бошқарувни ташкил қилип ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари.: Иқтисод фанлари номзоди... дисс. Тошкент: 2004. –140 б.
10. Ха Нгок Хонг. Механизм государственного регулирования малого бизнеса в условиях реформирования экономики: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. Ташкент: Институт экономики АН РУз, 1998. –30 с.
11. Ходачек А. М. Государственное регулирование малого предпринимательства в условиях крупного города: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. Спб. 1995. –16 с.
12. Ходиев Б. Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш.: Иқтисод фанлари доктори... дисс. автореф. Тошкент: 2000. –38 б.
13. Худойбердиев З.Р. Ўзбекистон қишлоқ жойларида меҳнатта лаёқатли аҳолининг меҳнатда бандлиги ва унга кичик ҳамда хусусий тадбиркорликнинг таъсири.: Иқтисод. фанлари номзоди... дисс. Тошкент: 1997. –130 б.
14. Шипин С. В. Предпринимательство в условиях глобализации: основные черты и противоречия: Дис. ... докт. экон. наук. М., 2008. –325 с.
15. Чернышева Ю. Г. Государственная поддержка малого предпринимательства в контексте экономических противоречий: теория и практика: Дис. ... докт. экон. наук. Ростов-на-Дону, 2009. –327 с.

## **V. Хорижий илмий нашрлар**

1. Albert Shapero. Entrepreneurship and Economic development. Wisconsin. Project. JSEED. Ltd. The Center for Venture management. Summer, 1975. P. 285.
2. Bradley R. Schiller. The economy today. -5<sup>th</sup> ed. McGraw-Hill, Inc. 1991. P. 970.
3. Brooksbank R. Defining the small business: a new classification of company size / Entrepreneurship & Regional Development, Taylor & Francis Ltd. 1991, №3. pp.17-33.
4. Donald A. Ball. International business the challenge of competition. -6th ed. 1996. Irwin/McGraw-Hill. -P.774.
5. Goldsmith, Artur A. Business, government, society: the global political economy. Irwin/McGraw-Hill. 1996. -P. 337.
6. Sachs I., Lorrain F. Macroeconomics in the Global Economy // Prentice Hall. 1993. -P.507.
7. Sorensen, O. J. The network theoioy an introduction to its conceptual World, Center for International Studies, Aalborg University, Denmark, 1995.
8. Turley Mings. The study of economics: Principles, Concepts & Applications. 4-th edition, 1996. -P. 309.
9. Charles W. L. Hill. Internetionel business: competing in the global marketplace. IRWIN, 1994. -P. 615.
10. Piasecki, B. (ed.) Policy on Small and Medium Sized Enterprises in Central and Eastern European Countries Text. / Paper presented to the 19— International Small Business Congress, Lodz, October 11—14, 1992.
11. Robert F, Herbert N., Link A. The Entrepreneur—Mainstream Viewa and Radikal Critigues N. Y, Praeger Publishers. 1982.
12. Robert C. Ronstaolt. Entrepreneurship. Dover, Mass, Cliffts, N.l, // Prentice Hall. 1980. -P.525.

## **VI. Газета ва журналдаги илмий мақолалар**

1. Абдуллаев М. А. Административные барьеры и их влияние на развитие института предпринимательства // Общественные науки в Узбекистане. 2010. №1-2. С. 93–96.
2. Абдулқосимов Ҳ., Құлматов О. Тағдыркорлик – сермашаққат фаолият // Ж. Иқтисод ва ҳисобот. 1997. №9. 12–14 б.
3. Алон Гибб. Культура предпринимательства: риск и шансы // Проблемы теории и практики управления. 1990. №6.
4. Арипов О.А., Ёкубжанова Х., Мамадалиев А. Республикада кичик ва хусусий корхоналар ривожи (Наманган вилояти мисолида) // Ж. Бозор, пул ва кредит. 2006. №11. 61–62 б.
5. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муаммолари // Ж. Жамият ва бошқарув. 2009. №4. 69–70 б.

6. Арипов О.А. Замонавий бизнеснинг маънавий жиҳатлари // Ж. Жамият ва бошқарув. (махсус сон). 2010. 277–279 б.
7. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мезонлари // Ж. Жамият ва бошқарув. 2010. №3. 48–50 б.
8. Архипов А. Утверждение нового мышления // Российский экономический журнал. 1997. №8.
9. Вахабов А. В. Жаҳон молиявий инқирози таъсирини юмсатиш омиллари // Халқ сўзи. 2009. 2 апр. №68.
10. Воронин С. Роль государства в преодолении последствий мирового финансово-кризиса // Биржа Экспорт. 2009. №1. С. 38–40.
11. Гёдевер Д. Этика рынка: Заметки менеджера // Известия. 1991, 20 июня.
12. Государственная гарантия в развитии малого и частного предпринимательства // Частная собственность. 1996. №2.
13. Государство в меняющемся мире // Вопросы экономики. 1997. №7.
14. Данишевская Г. Мелкий бизнес в Великобритании // МЭиМО. 1992. №3.
15. Демографик тараққиёт муаммолари // Халқ сўзи. 2001 йил, 11 апрель.
16. Дерек Либерт. Ишбилармонлик унсурлари // Солиқ тұловчининг журнали. 1996. 5-6-сон.
17. Йұдашев А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик истиқболи. // Ҳамкор. 2003 йил. 23 октябрь.
18. Качура П. Малые предприятия: сущность и трудности становления // Вопросы экономики. 1991. №8.
19. Кулешов В. В. Мировой финансовый кризис и его последствия для России // ЭКО. 2009. №1. С. 2–13.
20. Леонтьев В. Когда порвались паруса... // Деловой мир. 1992, 21 мая.
21. Махмудов Э. Рыночная экономика и концепция современного бизнеса // Экономика и класс собственников. 2004. №2. С.23–27.
22. Маъмурый ислоҳот – иқтисодий тараққиёт омили // Халқ сўзи. 2004 йил. 11 март. 49-сон.
23. Орлов А. Малое предпринимательство в России: развитие или стагнация? // Вопросы экономики. 2001. №10. С.70.
24. Пономаренко Е.В. Государство и рынок: новое противостояние мировому финансовому кризису // Вестник Рос. ун-та дружбы народов. М.: Изд-во РУДН, 2009. №1. С. 5-13. (Серия Экономика).
25. Пономаренко Е. Мировой финансовый кризис: анализ первых итогов // Государственная служба. М., 2009. №1. С. 13-17.
26. Раҳмонов Х. О. Фуқаролар жамиятида тадбиркорлар фаоллигини оширишнинг ҳуқуқий жиҳатлари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2010 йил. 53–56 б.

27. Саматов Г., Рустамова И., Саматов У. Анализ кредитоспособности субъектов малого и среднего бизнеса // Экономический Вестник Узбекистана. 1999. №11. С.41–43.
28. Саматов Г., Алламуратов Х., Сирожиддинов К. Повышение эффективности кредитных ресурсов – основной фактор развития малого бизнеса // Экономика и класс собственников. 2004. №2. С. 19–22.
29. Тадбиркор ҳуқуқи доимий ҳимояда // XXI аср. 2004. 23 сент. 39-сон.
30. Тадбиркорга ҳам, хазинага ҳам зиён // XXI аср. 2004. 5 авг. №32.
31. Тадбиркорларга қўшимча имтиёзлар бериш хусусида // «Soliq solish va buxgalteriya hisobi». 2009.
32. Текширишларни ким тартибга солади? // XXI аср. 2004 йил. 3-июнь. 23-сон.
33. Фань Чуньюн. Государственная поддержка малых и средних предприятий в Китае // Вопросы экономики. 2002. №7. С. 140.
34. Ходов Л. О структуре малого бизнеса и особенностях его мотивации // Вопросы экономики. 2002. №7. С.147.
35. Хайек Ф. Конкуренция как процедура открытия // МЭиМО. 1989. №12.
36. Ходиев Б. Ю. Хусусий тадбиркорлик ва давлат // Фан ва турмуш. 1999. 4-сон. Б.12.
37. Шеховцов А. Законодательство и развитие малого бизнеса в регионах // Вопросы экономики. 2001. №4. С.84.
38. Шулус А. А. Мелкие и средние предприятия в народном хозяйстве ФРГ. // Российский экономический журнал. 1993. №3.
39. Қодиров А., Кархалов М. Кичик ва ўрта бизнес муаммолари // Жамият ва бошқарув. 2001. 3-сон. 58–59-бетлар.
40. Қонуний ҳимоя – бош мезон // HUQUQ. 2005 йил. 3 август. 31-сон.
41. Faфуров У. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари. // Ж. Иктиносид ва Ҳисобот. 1997. 11-12-сон. 16–18-бетлар.
42. Faфуров У. В. Жаҳон молиявий инқизори таъсири оқибатларини юмшатища кичик бизнес имкониятларидан фойдаланиш // Иктиносидёт ва Таълим. 2010. 1-сон. 35–45-бетлар.

## VII. Статистик тұпламлар

1. Деловая среда в Узбекистане глазами представителей частного бизнеса // Отчет Международной финансовой корпорации (IFC). Ташкент; 2009.
2. Доклад о развитии человека 2010. Реальное богатство народов: пути к развитию человека / Пер. с англ.; ПРООН. М.: Изд. «Весь мир», 2010. –244 с.
3. Инсон тараққиети түгрисида маъруза. // Г. Сайдова раҳбарлигидағы муаллифлар гурухы. Тошкент, 2002.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилда ижтимоий-иктисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Тошкент, 2005.

5. Ўзбекистон иқтисодиёти: таҳдилий шарҳ 2004 йил // СИСМ. 2005. №8.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий курсаткичлари. Тошкент, 2006.
7. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик түплами. 2007: статистик түплам. Тошкент: Matrix Print, 2008. –392 с.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий курсаткичлари. Тошкент, 2007.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий курсаткичлари. Тошкент, 2008.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий курсаткичлари. Тошкент, 2009.
11. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий курсаткичлари. Тошкент: 2010.
12. Ўзбекистон иқтисодиёти: Ахборот-таҳдилий бюллетень 2010 йил январь-март. Тошкент, 2010. –70 б.
13. Ўзбекистон тадбиркорлик субъектларининг солиқ маъмуриятчилиги ва ҳисботларга доир харажатлар // Халқаро молия корпорациясининг (IFC) ҳисботи. 2010. –121 б.
14. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари.
15. Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

### **VIII. Интернетдан олинган манбалар**

1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz) Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали.
2. [www.cer.uz](http://www.cer.uz)
3. [www.chamber.uz](http://www.chamber.uz) – Ўзбекистон Республикаси Савдо–саноат палатаси сайти.
4. [www.cbu.com](http://www.cbu.com) – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.
5. <http://uba.uz> – Ўзбекистон банклари Ассоциацияси расмий сайти
6. [www.googlu.ru](http://www.googlu.ru)
7. <http://epp.eurostat.ec.europa.eu>
8. <http://esa.un.org/unpp>
9. [www.iscti.ru](http://www.iscti.ru)
10. [www.fact.ru](http://www.fact.ru)

## ИЛОВАЛАР

### 1-илюра

Ижтимоий тадқиқот ўтказилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБ ва ХТ) корхоналар тұртасыда умумий маълумотлар<sup>11</sup>

№	Корхоналарни тавсифлаш ва ре- спондентлар жавоблари тақдили	Суровнома ўтказилган йилларда, % ёки міндерда		
		1999 й.	2003 й.	2007 й.
1.	Микрофирмалар сони ұртаса ишчилар сони	-	-	66,2 % 38 киши
2.	Кичик корхоналар сони ұртаса ишчилар сони	74,2 % 10-12 киши	61,8 % 27 киши	33,8% 16 киши
3.	Үрга корхоналар сони ұртаса ишчилар сони	25,8 % 16-20 киши	38,2 % 56 киши	-
4.	КБ ва ХТ корхоналарини бошқарувчи тадбиркор ёки менежерларнинг ұртаса ёши	39 ёш	37 ёш	36 ёш
5.	Респондентлар (КБ ва ХТ корхоналар)ни тармоқдар буйича фаолияти, жумладан: ишлаб чыкариш	77,1 %	43,1 %	31,7%
	тижорат ва воситачилик	34,2 %	27,6 %	18,9%
	хизмет күрсатыш	57,1 %	21,0 %	39,1%
	фермер хұжаликлари	-	8,3 %	10,3%
6.	Корхоналарнинг ёлланған ишчиларнинг ёшыга күра влущи. жумладан: 20-30 ёшгача	60 %	65,3 %	59,1%
	30-35 ёшгача	21,1 %	24,2 %	25,3%
	35-40 ёшгача	18,9 %	10,5 %	15,6%
7.	Корхона буйича сармояга нисбатан олинаидиган ұртаса даромадлар, жумладан:			
	0-10 %гача	45,9 %	77,3 %	83,7%
	10-20 %гача	40 %	20,4 %	16,3%
	20-30 %гача	5,7 %	2,3 %	-
	30-40 %гача	2,8 %	-	-
	40-50 %гача	2,8 %	-	-
	50-60 %гача	2,8 %	-	-
	60-70 %гача	-	-	-
8.	Ишчиларнинг ұртаса маоши (1999 йилда)			
	2 000 сұмгача	11,8 %		
	2 100-3 500 сұмгача	51,2 %	9 пунктта кел- тирилген	10 пункта келирилген
	3 600-5 000 сұмгача	25,6 %		
	5 100 сұмдан ортик	11,4 %		

<sup>11</sup> Изоҳ: Ижтимоий тадқиқотлар (суровномалар) 1999, 2003 ва 2007 йилларда му-  
аллиф томонидан Наманган вилоятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик  
субъектлари ұртасыда ўтказилған. Барча маълумотлар анкеталаштирилған кичик  
бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига тегишли.

**1-илюда давоми**

№	Корхоналарни тавсифлаш ва рес- пондентлар жавоблари таҳлили	Сурвнома ўтказилган йилларда, % ёки миқдорда		
		1999 й.*	2003 й.	2007 й.
<b>Ишчиларнинг ўртача маоши (2003 йилда)</b>				
9.	10 000 – 20 000 сўмгача		15 %	
	21 000 – 30 000 сўмгача		67,9 %	
	31 000 – 40 000 сўмгача		12,4 %	
	41 000 сўмдан ортиқ		4,4 %	
<b>Ишчиларнинг ўртача маоши (2007 йилда)</b>				
10.	100 000 – 200 000 сўмгача			28,9 %
	210 000 – 300 000 сўмгача			29,7 %
	310 000 – 400 000 сўмгача			32,1 %
	410 000 сўмдан ортиқ			9,3 %
11.	Корхоналарда йил сайин маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат курсатишининг ўртача кенгайиб бориши	25 %	14,4 %	15,7%
<b>Тармоқлар бўйича банкротга учраётган кичик ва хусусий корхоналар улуши, жумладан:</b>				
12.	ишлаб чиқаришда	68,5 %	52,0 %	47,3 %
	воситачи ва тижоратда	5,7 %	–	–
	хизмат курсатишида	5,7 %	39,2 %	34,8 %
	бошقا тармоқларда	20,1 %	8,8 %	17,9 %
<b>Корхонанингизда маркетинг бўлимни мавжудами?</b>				
13.	Маркетинг бўлимлари бор корхоналар	28,5 %	35,3 %	86,6%
<b>Маркетинг бўлимлари йўқ корхоналар</b>				
14. Жавоб бермаганлар				
<b>Давлат томонидан молиявий ёрдам оляпсизми?</b>				
15.	ёрдам олаётган корхоналар	11,4 %	29,8 %	38,8%
	ёрдам олмаётган корхоналар	2,8 %	35,4 %	37,4%
	савонни жавоббисиз қолдирганлар	85,8 %	–	–
	«муҳтожлик йўқ» деганлар	–	34,8 %	23,8%
<b>Корхоналарда банкротлик сабаблари қандай омилларга боғлиқ?</b>				
16.	ташқи омиллар	48,5 %	52,0 %	61,3%
17. ички омиллар				
жавоб бермаганлар				
<b>Бозор иқтисодиётини қўллаб-куватлаш тўғрисидаги корхона раҳбарларининг билдири- ган фикрлари:</b>				
17.	ижобий	65,8 %	98,8 %	96,1%
	салдий	–	1,2 %	–
	жавоб бермаган раҳбарлар	34,2 %	–	3,9%
	жумладан: ёши 40 дан ошган раҳбарлар	22,8 %	–	ёши аниқ- ланмади
ёши 39 гача бўлган раҳбарлар				

\* Изоҳ: 1999 йилдаги сурвномада респондентлар томонидан ишчиларнинг ўртача маоши тўғрисидаги маълумот берилмаган.

№	Корхоналарни тавсифлаш ва респондентлар жавоблари таҳлили	Суровнома ўтказилган йилларда, % ёки миқдорда		
		1999 й.	2003 й.	2007 й.
«Давлат органлари томонидан кўрсатилган ёрдамдан қониқасизми?» деган саволга берилган жавоблар салмоги:				
18.	Ха, тўлик қониқаман	2,7 %	11,6 %	30,5 %
	Инг	—	17,6 %	18,3 %
	Кисман қониқаман	—	30,0 %	19,2 %
	Жавобсиз қодирилган	97,3 %	—	—
	Янги кўшимчалар киритиш керак	—	22,6 %	14,6 %
	Унчалик эмас	—	18,2 %	17,4 %
«КХБни ривожлантириш учун давлат нима ишлар қилиши керак?» деган саволга берилган жавоблар салмоги:				
19.	Сабабсиз аралашувларга чек кўйиш	1999 йилда ушбу савол умуман жавобсиз қодирилган	28,7 %	33,6 %
	Аҳолининг ва тадбиркорлар мағфатини уйлаш		26,5 %	28,3 %
	Нақд пул муомаласини эркинлаштириш		24,3 %	10,4 %
	Эътиборни кучайтириш ва имтиёзлар бериш (амалда бажариш керак)		16,0 %	23,5 %
	Валюта эркинлигини таъминлаш		4,5 %	4,2 %
Фаолият кўрсатадиган КБ ва ХТ корхоналарининг келажакдаги муаммолари респондентлар жавобига кўра:				
20.	муаммолар йўқ	респондентлар савонни жавобсиз қодирганлар	21,0 %	28,4 %
	сунъий тўсиклар кўп		27,1 %	28,3 %
	бозор талабининг йўклиги		23,7 %	15,0 %
	товарлар сотилмай қолмоқда		6,7 %	4,7 %
	харажатлар кўпаймоқда		21,5 %	23,6 %
Респондентларни муаммоларни бартараф этишдаги таклифлари:				
21.	масъулиятсиз раҳбар ва ходимларни ўзгартириш	респондентлар савонни жавобсиз қодирганлар	37,6 %	39,7 %
	малакани ошириш		36,4 %	33,0 %
	аҳоли эҳтиёжини ўрганиш, сифатни ошириш		26,0 %	27,3 %
Респондентларнинг бизнес-режани тузишни билишлари ҳақида маълумот:				
22.	муаммосиз тузаман	26,9 %	53,6 %	62,5 %
	озгица билим этишмайди	36,6 %	32,6 %	26,1 %
	книйаламан	34,4 %	13,8 %	11,4 %
	туза олмайман	2,1 %	—	—
«Давлат кўмагисиз ўз бизнесингизни юрита оласизми?» деган саволга берилган жавоблар салмоги:				
23.	Ха	28,5 %	21,0 %	19,7 %
	Инг	71,5 %	36,5 %	39,4 %
	Жавоб беришга кийналаман	—	42,5 %	40,9 %

**1-илова давоми**

№	Корхоналарни тавсифлаш ва респондентлар жавоблари таҳдили	Сўровнома ўтказилган йилларда, % ёки миқдорда	
		1999 й.	2003 й.
24.	«Қандай қонун (фармон, қарор) кўпроқ сизга маъқул» деган саволга берилган жавоблар саломги:		
	жавоб бермаганлар	22,1 %	19,8 %
	шу соҳадаги барча қонуналар (жавоб уйланмай, яъни умумий берилган)	26,0 %	35,6 %
	«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигига нинг кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конуни»	51,9 %	23,1 %
	«Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони»		21,5 %
25.	Бизнесни юритишида соҳалар бўйича ўз билимларини оширишни хоҳловчи респондентлар жавоблари:		
	менежмент ва персонални бошқариш	13,3 %	15,5 %
	маркетинг	65,7 %	60,1 %
	ишлаб чиқаришни бошқариш	11,0 %	9,3 %
	молиявий бошқариш	10,0 %	15,1 %
26.	«Бизнес этикаси деб нимага айтилади?» деган саволга берилган жавоблар саломги:		
	жавоб беришга кийналаман	10,5 %	6,3 %
	жавоб бермаганлар	85,1 %	18,2 %
	харидорлар билан бўлган муомала (ширинсўзлик)	4,4 %	36,4 %
	ишбилиармонликдаги ҳукуқий меъёrlарга нисбатан ахлоқий муносабатда бўлиш	–	39,1 %
27.	«Иқтисодий маданият» тушунчасини тушунтиришида олинган жавоблар саломги:		
	жавоб беришга кийналаман	1,1 %	3,7 %
	жавоб берилмаган	98,9 %	5,2 %
	Иқтисодий муносабатлардаги ахлоқий ҳатти-ҳаракатлар	–	38,6 %
	Ўзаро манфаатли ҳалол ва қонуний муносабатлар ўрнатиш	–	36,3 %
	Бизнес субъектлари ўргасидаги замонавий муносабатлар	–	16,2 %

\*\* Ушбу савол 1999 йилда олиб борилган ижтимоий тадқиқот анкеталарида берилмаган.

## Маълумот учун

### **ХВФ: Ўзбекистон Жаҳон иқтисодий инқирози даврида барқарорликни сақлаб қолди**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банки ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг қўшма баёноти Тошкентда 2010 йил 30 июнь куни Халқаро валюта жамғармаси (ХВФ) миссияси ва Ўзбекистон Республикаси расмий органлари қўйидаги қўшма баёнотни қабул қилди:

«Халқаро валюта жамғармаси миссияси 2010 йилнинг 14–29 июнь кунлари Ўзбекистон билан 4-модда бўйича 2010 йилги маслаҳатлар доирасида муҳокамалар ўtkазиш учун Тошкентда бўлди. Миссияга ХВФнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлар департаментининг директор ёрдамчиси Талин Коранчелян хоним раҳбарлик қилди. Иқтисодий сиёсатни муҳокама қилишда ХВФнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлар департаментининг директор ўринбосари Девид Оуен иштирок этди.

Муҳокама чогида жаҳон инқирози даврида қабул қилинган иқтисодий сиёсатнинг инқирозга қарши чораларига, 2009 йилнинг иқтисодий якунларига, 2010 йил ва ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ривожланиш истиқболларига, шунингдек, Ўзбекистон учун долзарб бўлган иқтисодий сиёсат масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Расмий органларнинг пухта ўйланган иқтисодий сиёсати туфайли жаҳон иқтисодий инқирози шароитида ҳам Ўзбекистон барқарор мамлакат бўлиб қолмоқда. Мазкур сиёсат бюджетнинг сезиларли профицитини таъминлади ва уларга бу даврда ривожланишини қўллаб-кувватлаш учун катта миқдордаги ресурсларни тўплаш имконини берди. Миссия расмий органларни инқирозга қарши ўз вақтида ва самарали чоралар кўргани билан табриклиди, расмий органларнинг инқирозга қарши дастурлари, жумладан, солиқ юкининг камайтирилиши 2009 йилда жаҳон инқирозининг банк секторига таъсирини чеклаш, тўлов баланси ижобий сальдосини ва юқори ўсиш суръатларини сақлашда муҳим аҳамият касб этганини қайд этади. Жаҳон молия бозорларидан қарз олишга фоят эҳтиёткорлик билан ёндашиш ҳам мамлакатта глобал инқироз таъсирини юмшатиш имконини берди. Ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 2009 йилда 8,1 фойизни ташкил қилди, бу дунёдаги энг юқори курсаткичлардан биридир. Айни вақтда инфляциянинг ўртача ўсиши сезиларни даражада ошмади.

Инқирозга қарши чоралар дастури самараси давом этаётгани, расмий органларнинг саноатни модернизация қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш дастури, ташки иқтисодий конъюктурани яхшилаш туфайли 2010 йилда реал ялпи ички маҳсулотнинг янада ўсиши ва у 8,5 % бўлди. Расмий органлар ва миссия келажакда ҳам пухта ўйланган макроиктисодий сиёсат ёрдамида инфляция босими шакллани-

шининг олдини олиш қисқа муддатли истиқболда асосий вазифа ҳисобланнишини маъқуллайди.

Миссия расмий органларнинг мамлакат аҳолиси жон бошига реал даромадни янада ошириш, ўсиб бораётган ёш ишчи кучи учун янги иш ўринларини ташкил этиш Ўзбекистоннинг ўрта муддатли истиқболдаги вазифаси экани хусусидаги фикрини тұла маъқуллайди. Бунда расмий органларнинг саноатни модернизация қилиш бүйіча дастури Ўзбекистонда инвестицияларни кенгайтириш учун асос булыб хизмат қыладиган инфратузилмани ривожлантиришга қаратылған. Кейинги түрт йилда молия секторида жиғдій ривожланишга эришилди, банклар капитали ва активларининг сезиларлы даражада күпайиши банк секторини барқарорлаштиришга ёрдам берди ва саноатни модернизация қилиш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш давлат дастурини құллаб-қувватлаш имконини беради.

Давлат дастурининг иқтисодий афзаликларини тұла амалға ошириш маңсақида миссия қатор тавсиялар берди. Бу тавсиялар қатын пул-кредит сиёсатини, янада мослашувчан курс сиёсатини, айникса, валюта тизими ва солиқ маъмурологияның янада ислох қилишни, молия секторини ривожлантиришни, шунингдек, маълумотлар сиғати ва тарқатилишини яхшилашни давом эттиришни үз ичига олған. Мазкур тавсиялар расмий органлар томонидан иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш ва амалға оширишда синчковлик билан күриб чиқылади.

Миссия расмий органлар эътиборини ХВФ Ўзбекистонга ислоҳотларни янада чуқуралаштиришда, жумладан, техник ёрдам кўрсатишга тайёр эканига қаратди. Миссия Ўзбекистоннинг расмий органларидан яқин ҳамкорлик ва масалаларни очиқ ва самарали мұжокама қылғани учун миннатдордир».


Маълумот мәнбаи: [uzreport.com](http://uzreport.com)

**Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони  
(фермер ҳўжаликлариниз) (бирлик)<sup>101</sup>**

Хуудлар	Рўйхатдан ўтганлари			Фаолият кўрсатганлари			Рўйхатга олинганга нисбатан фаолият кўрсатганлари,			Фаолиятини тўхтатганлари		
	1.01. 2009.	1.01. 2010.	Нис- бати %да	1.01. 2009.	1.01. 2010.	Нис- бати %да	1.01. 2009.	1.01. 2010.	Фарки %да	1.01. 2009.	1.01. 2010.	Нис- бати %да
Қорақалпоғистон Респубубликаси	9204	9664	105,0	7680	8501	110,7	83,4	88,0	+4,6	1664	2090	125,6
Вилояташариф												
Андижон	15672	17868	114,0	13978	16102	115,2	89,2	90,1	+0,9	1848	888	48,0
Бухоро	14783	15069	101,9	12381	12423	100,3	83,8	82,4	-1,4	1214	2238	184,3
Жizzах	5337	5876	110,0	5113	5163	101,0	95,8	87,9	-7,9	1423	477	33,5
Кашқадарё	44536	48040	107,8	39639	43140	108,8	89,0	89,8	+0,8	2021	835	41,3
Навоий	5321	5933	111,5	4823	5445	112,9	90,6	91,8	1,2	773	878	113,6
Наманган	12062	12278	101,8	9318	10308	110,6	77,3	84,0	+6,7	745	1996	2,7M
Самарқанд	13764	14306	103,9	10897	11217	102,9	79,2	78,4	-0,8	1386	1616	116,6
Сурхандарё	12208	11602	95,0	9978	9174	91,9	81,7	79,1	-2,6	1823	2598	142,5
Сирдарё	4587	5172	112,7	3857	4829	125,2	84,1	93,1	+9,3	220	547	2,5M
Тошкент шаҳри	15435	16345	105,9	12379	14467	116,8	80,2	88,5	+8,3	1235	1818	147,2
Фонд	16606	17656	106,3	14342	15386	107,3	86,4	87,1	+0,7	1954	2131	109,0
Хоразм	9742	10747	110,3	6747	8501	126,0	69,3	79,1	+9,8	169	861	183,6
Тошкент шаҳри	30950	33676	108,8	29151	31883	109,4	94,2	94,7	+0,5	3961	4322	109,1
Республика бўйича	210207	224232	106,6	180283	196539	109,0	85,8	87,6	+1,8	20736	23295	112,3


<sup>101</sup> Жадвал муаллиф томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 11.10.2003 й. 439-сонли Қарорига асосан тузилган.

Ўзбекистонда корхоналарнинг ўз ҳисоб рақамларидан нақд пулларини олишларидағи ўртача муддатлар<sup>304</sup> (маълумот 2007 йил ҳолатига тўғри)



<sup>304</sup> Манба: Деловая среда в Узбекистане глазами представителей частного бизнеса / Отчет Международной финансовой корпорации (IFC). Ташкент, 2009. С.127.

**2007 йилда корхоналарнинг турли хил инфратузилма шаклларига уланиш жараёнларининг муаммолилик даражаси<sup>305</sup>**



<sup>305</sup> Деловая среда в Узбекистане глазами представителей частного бизнеса / Отчет Международной финансовой корпорации (IFC). Ташкент, 2009. С. 144.

# **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва давлат томонидан тартибга солишнинг илмий асослари</b>	
1.1. Терминология .....	10
1.2. Тадбиркорлик – кичик бизнес ва хусусий секторни ривожлантиришнинг бош омили сифатида .....	16
1.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг можияти .....	24
<b>II БОБ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда тартибга солиш заруриятини юзага келтириб чиқарувчи омиллар</b>	
2.1. Субъектив иқтисодий омиллар.....	36
2.1.1. Тадбиркорликнинг юзага келиши .....	37
2.1.2. Бозор муносабатларини вужудга келтириш ва ундан амалда фойдаланиши.....	39
2.1.3. Иқтисодий эркинлик .....	43
2.1.4. Фойда ва манбаатдорликка интилиши .....	45
2.1.5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг афзалликлари .....	49
2.2. Объектив иқтисодий омиллар .....	54
2.2.1. Инвестицион сиёсат ва инвестицияларни жалб этишини кенгайтириши.....	55
2.2.2. Тайёр маҳсулот экспортига ўтиши.....	58
2.3. Демографик омиллар.....	60
2.4. Илмий-техника даражасининг ўсиб бориши .....	67
<b>III БОБ. Миллый иқтисодиёт тараққиётига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таъсири ҳамда сифат ва миқдор мезонларини тартибга солиш</b>	
3.1. Мамлакат иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни .....	71

3.2. Ижтимоий ҳимоя ва муҳофаза масалаларини ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти .....	75
3.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мезонлари, унга оид миқдор ҳамда сифат кўрсаткичларини тартибга солиш.....	84
3.4. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мезонлари-ни тартибга солиш ва унинг такомиллашуви .....	92
3.5. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий жиҳатдан ривожланишини тартибга солиш .....	98
3.6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик туфайли миллый иқтисодиёт тармоқларидаги ўзгаришлар ва тадбиркорлик манфа-атларини ҳимоялаш.....	109
<b>IV БОБ. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг долзарб масалалари</b>	
4.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда дав-лат механизми таъсири ва фискал сиёсат орқали тартибга солиниши .....	116
4.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни солиқ тизими орқали тартибга солища шаклланган муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари .....	124
4.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тартибга солища монетар сиёсатнинг таъсири .....	132
4.4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг молиявий ривожла-нишида тартибга солувчи органларнинг роли .....	143
4.5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тармоқлар бўйича тартибга солиш ҳамда бошқаришда юзага келган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари .....	151
<b>V БОБ. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартиб-га солишдаги ўзига хос жиҳатлар</b>	
5.1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсири .....	161
5.2. Ўзбекистон ва МДХ иштирокидаги давлатларга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири .....	169

<b>5.3. Жаҳонда рўй берган молиявий-иқтисодий инқироз даврида</b>	
Узбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат	
томонидан тартибга солиниши .....	177
<b>5.4. Узбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий</b>	
оқибатларининг оддини олиш ва таъсирини юмшатишида кичик	
бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти .....	182
<b>5.5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юксалтириш орқали</b>	
кишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини ошириш .....	188
<b>5.6. Узбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурида кичик</b>	
бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга	
солишнинг ўзига хос йўналишлари.....	195
<b>VI БОБ. Янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш – кичик</b>	
бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва тар-	
тибга солишнинг муҳим омили сифатида	
<b>6.1. Янгича иқтисодий фикрлашнинг шаклланиши ва тавсифи.....</b>	200
<b>6.2. Арапаш иқтисодиётга хос бўлган янгича иқтисодий фикрлашнинг</b>	
хусусий сектор ривожланишига бўлган таъсири.....	207
<b>6.3. Инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда инноваци-</b>	
он фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш .....	219
<b>6.4. Модернизация жараёнларида кичик бизнес ва хусусий тадбир-</b>	
корликнинг ривожланиши .....	225
<b>6.5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг дивер-</b>	
сификация қилиш ва маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари.....	231
<b>ХУЛОСА .....</b>	239
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТАР РЎЙХАТИ .....</b>	246
<b>ИЛОВАЛАР .....</b>	258

**УДК 334.722  
ББК 65.9(5Ў)09  
А 75  
Арипов, Ойбек**

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш / О.Арипов; масъул муҳаррир Т.Э.Эргашев; ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Наманган муҳандислик-педагогика инс-ти. – Т.: Фан, 2012. – 272 б.

**ISBN 978-9943-19-157-0**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
Наманган муҳандислик-педагогика институти Илмий кенгаши томонидан  
нашрга тавсия этилган*

Муҳаррир *Н.Норбобоев*  
Тех. муҳаррир *М.Абидова*  
Мусаҳҳих *Б.Мирзаева*  
Компьютерда саҳифаловчи *Д.Абдулаев*

**Нашриёт лицензияси АI №138, 27.04.2009 й.**

Нашриёт рақами: з-105. Теришга берилди 28.10.2011.  
Босишига рұхсат этилди 05.01.2012. Қоғоз бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Arno Pro гарнитураси. Офсет босма. Офсет қофози.  
Ҳисоб-нашриёт т. 15,0. Шартли-босма т. 15,81. Тиражи 300.  
Келишилган нархда.

ЎзР ФА “Фан” нашриёти. 100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-үй.  
Тел./факс (8-371) 262-80-65, 262-70-40. E-mail: fannashriyot@yandex.ru

ЎзР ФА “Фан” нашриёти оригинал-макетидан “КО‘HI-NUR” МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди. 2-буюртма.  
100060, Тошкент, Машинасозлар мавзеси, 4-үй.



**Ойбек Абдуллаевич Арипов** – иқтисод фанлари номзоди, доцент. Илмий ишлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш муаммоларига бағишилланган. Унинг муаллифлигига 75 дан ортиқ илмий мақолалар, жумладан, 11 та ўқув-услубий ишлар чоп этилган. У халқаро (Москва, Ноттенгэм, Талдикурган, Омск, Тошкент) ва республика миқёсида (Тошкент, Андижон, Наманган, Самарқанд, Термиз, Фарғона) ўтказилган илмий-амалий конференция, симпозиум ва форумлар иштирокчиси.

Муаллифнинг илмий тадқиқотлари натижаси ва хуносалари асосида ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ҳам маъқулланган ва амалиётга татбиқ этилган (2000 й., 2006 й.). «Ташаббус-2000» илмий-амалий семинарида ўз маърузаси билан қатнашиб, семинар ғолиблари қаторида сертификат билан тақдирланган.

О.А.Арипов ҳозирги кунда Наманган мұхандислик-педагогика институты Менежмент кафедраси доценти сифатида иқтидорли талабаларнинг илмий савиясини оширишга ўз ҳиссасини құшиб келмоқда.

ISBN 978-9943-19-157-0

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-19-157-0.

9 789943 191570